

VII боб. Қадимги Греция

1. Қадимги Греция тарихи манбалари ва тарихнавислиги

Қадимги Греция ва Римда қулдорлик давлатлари юксак тараккий этди. Бу ерда қулдорлик жамияти шунингдек антик жамият деб ҳам аталади.

1. Қадимги Греция тарихи милoddан аввалги III минг йилликдан то милodий давргача ўрганилади. Энг қадимги Греция Қадимги Шарқнинг ғарбий чеккасида жойлашган, Миср ҳамда Олд ва Кичик Осиё халқлари билан бевосита алоқада бўлган кенг ўлка эди. Милoddан аввалги III–II минг йилликда уруғ тузуми емирилиб ва илк қулдорлик жамиятининг шаклланиши ва илк қулдорлик давлатлари тараккий эта бошлади.

Мазкур мавзунинг вазифаси, аввало, талабани Қадимги Греция тарихига оид асосий малумотлар билан таништиришдан иборат. Қадимги Греция ва Рим тарихини ўқув қўлланмалар орқали ўрганиш билан бирга энг муҳим манбалар, яъни хужжат материаллари, хусусан қадимги муаллифлар қаламига оид маълумотлар билан ҳам танишиш зарур. Манбалардан энг муҳим намуналарни Д.П.ёКаллистов таҳрири остида чиққан “Хрестоматия по истории древней Греции” (М, 1964) дарслигидан топиш мумкин.

II. XIX асрнинг 70- йилларигача қадимги Греция тарихи одатда Гомер даври (милoddан аввалги XI–IX асрлар) номини олган даврдан ўргана бошланарди. XIX асрга оид тадқиқотлар милoddан аввалги II минг йилликда Эгей денгизи хавзасида цивилизация ўша давр Миср, Вавилон ва Хетт каби давлатлардагидек юксак даражада ривожланганлигини кўрсатади. Ушбу ҳудудидаги археологик кашфиётларнинг батафсил баёни ва аниқ таърифи В.П.Бузескулнинг “Открытия XIX-начала XX вв. в области истории древнего мира” (2 қисм. Древнегреческий мир. II, 1924) асарида берилган.

Гомер даври ижтимоий тузумини ўрганишда энг муҳим манбалар “Илиада” ва “Одиссея”. Гомер достонларида ўша даврнинг турли жаҳатлари, Микен маданиятининг намуналари, ибтидоий жамоа муносабатларининг қолдиқлари намоён бўлади.

Шунингдек, Қадимги Греция тарихига доир асосий қўлланмада грек дини ва мифларига ҳам алоҳида ўрин берилганлиги сабабли Н.А.Куннинг “Мифы и легенды древний Греции” – (М, 1954) китоби билан танишиб чиқишни ҳам тавсия этамиз.

С.Маркишнинг “Гомер и его поэма” – (М, 1962) асари Гомер жамиятига доир асосий қўлланма. Бу мавзуни ўрганишда “Гомер масаласи” га ҳам эътибор бериш лозим. У энг қадим Греция тарихини тадқиқ этишда катта аҳамиятга эга.

III. “Жамиятнинг табақаланиши (милoddан аввалги VIII – VI асрлар) даврида Греция” мавзусида Гомер давридан кейин антик қулдорлик жамиятининг ташкил топиши ва антик шаҳар-давлатларнинг (полислар) шаклланиш жараёни ўрганилади.

Учинчи археологик давр (милoddан аввалги VIII – VI асрлар) қадимги Греция тарихида айниқса муҳим бўлиб, бу вақтда қулдорлик антик муносабатлари таркиб топмоқда эди. Архаик даврдаги грек хўжалиги ва жамияти ҳақидаги маълумотлар Гесиоднинг “Труды и дни” (милoddан аввалги VIII - VI асрлар) достонида берилган.

“Қадимги Спарта” мавзусида – греклар сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутган қадимги Грециянинг қулдорлик давлати билан танишиб чиқилади. Талабалар милoddан аввалги IX асрда Спарта давлатининг ташкил топишида ўзига хос шароитларини белгилашлари ва унинг ҳарбий тусга эга эканлигини кўрсатиб беришлари керак.

Спарта давлатининг ташкил топиши тарихига доир манбалар жуда кам. Бизга қадар етиб келган Ксенофонт, Платон (Афлотун) ва Аристотель (Арасту) асарларида Спарта тузуми қисман идеаллаштирилади. Қадимги Спарта ҳақида қадимги Грециянинг энг йирик тарихчилари Геродот ва Фукидид асарларида объектив маълумотлар берилади. Шунингдек, Павсаниянинг “Описание Эллады” (милоддан аввалги II аср) асарида ҳам бирмунча аниқ маълумотлар олиш мумкин.

Мавзуни ўрганиш вақтида юқорида кўрсатилган манбалар билан танишиб чиқиш, Спарта иқтисоди, ижтимоий муносабатлари ва Спарта (Лакедемон) давлат тузумининг хусусиятларини аниқлаш, шунингдек, спарталиклар турмуши ва тарбиясининг ўзига хослигига эътибор бериш керак.

Спарта жамияти уч табақа: спарталиклар, периэклар ва илотларга бўлинган. Илотлар бошқа грек давлатларидаги қуллардан фарқ қилар ва улар давлатга қарам бўлиб, спарталикларга ерлари, меҳнат қуроллари билан берилад эди. Спарта давлатида табақалар ўртасидаги зиддиятнинг кескинлашувини (илотлар кўзғолони) англаб етиш муҳим ва унинг ижтимоий ҳаётга таъсири А.Бергернинг “Социальные движения в древней Спарте” (М, 1936) китобида берилган.

Спартага қарама-қарши давлат – Аттикаси милоддан аввалги VII - V аср тарихида қулдорликнинг ташкил топиши ва унинг энг юксак шакли – демократик қулдорлик республикасининг пайдо бўлишини кузатиш мумкин.

Грек – форс урушлари тарихига доир асосий манбалар: Геродотнинг “Тарих” китоби; сицилиялик Диодорнинг “Тарих кутубхонаси” асари; Плутарх қаламига мансуб Фемистокл, Аристид, Кимон ва Периклнинг таржимаи ҳоллари; Эсхилнинг “Форслар” номли трагедияси ва ҳ.

Афина демократиясининг аҳамиятига баҳо берилганда, бу мавзуга доир қўшимча адабиёт сифатида қўйидагиларни тавсия этиш мумкин:

- В.П.Бузескул. Афинская демократия. Общий очерк. Харьков. 1920.; В.Андреев. Афинская рабовладельческая демократия. “Вестник древней истории”, 1960. №4.

Пелопоннес уруши тарихига оид асосий манба ўша замон тарихчиси ва шу уруш қатнашчиси Фукидиднинг “Тарих” асари. Урушнинг сўнгги даврига оид манбалар эса Ксенофонтнинг “Греция тарихи” китоби; Сицилиялик Диодорнинг “Тархий кутубхонаси” дан лавҳалар; Афина ижтимоий-сиёсий тузумини анализ қилиш учун: Аристофан комедиялари; Аристотелнинг “Афинская полities” комедияси; Афина нотикларининг баъзи бир нутқлари; археологик манбалардаги ўша давр ёзувлари катта аҳамиятга эга.

Қадимги грекларнинг фалсафа ва бошқа фанлар ривожланишидаги ролини аниқлашда Греция тарихчилари Геродот, Фукидид ва Ксенофонт ижодини, шунингдек, машҳур грек нотиклари Лисий, Демосфен, Исократ ва Эсхил ижоди билан таниш бўлиши керак.

Дарсликка қўшимча материал сифатида И.М.Тронскийнинг “Антик адабиёт тарихи” (3- нашр, Л, 1957) асарида ва А.Г.Чегодеевнинг умумий таҳрири остида чиққан “Қадимги дунё санъати” (М, 1956) китобидан фойдаланиш мумкин.

“Искандар Зулқарнайн давлати” мавзусини ўрганишда, дарсликдан ташқари профессор А.Б.Рановичнинг “Эллинизм ва унинг тарихий роли” (М-Л., 1950) монографиясининг II бобини ўрганиш фойдадан холи бўлмайди.

Искандар Зулқарнайннинг харбий юришлари антик тарихнинг янги даври - эллинизм даврини бошлаб беради. Бу давр Римнинг сўнгги йирик эллин давлати - Мисрни истилосига (милоддан аввалги I асрнинг иккинчи ярми) қадар давом этади.

Эллин кулдорлик давлатлари (Птолемей давридаги Миср, Салавкийлар подшолиги, Родос, Македониядаги Антигонидлар монархияси) билан танишиб чиқиш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини аниқлашда И.Г.Свеницкийнинг “Эллин давлатларининг ижтимоий- иқтисодий хусусиятлари” - (М, 1963) асарига мурожаат қилган маъқул. Эллин давлатлари тарихига оид асосий манбалар: Полибийнинг “Умумий тарих” китоби; сицилиялик Диодорнинг “Тарих кутубхонаси” асари; Страбоннинг “География” асари; Фокион, Эвлен, Деметрий, Полиокретларнинг Плутарх томонидан битилган таржимаи ҳоли; Аккианнинг “Сурия иши”, ҳам бой археологик материалдан иборат.

Эллин маданиятини ўрганишда талабалар унинг энг муҳим марказлари (Миср Александрияси, Антиохия, Пергам) ҳақида, шунингдек шу давр техника, тиббиёт, математика фанлари, баддий адабиёти ва тасвирий санъати ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши керак. Фалсафий тизимлар орасида Эпикур фалсафаси катта аҳамиятга эга. Эллин даврининг энг машҳур фан (Архимед, Геран, Феафраст, Аристарх, Эвклид, Эратосфен, Герофил, Гиппарх), адабиёт арбоблари (Лисипп, Апеллес, Александр) ва фалсафа намояндалари (Эпикур, Зенон) ларининг номларини ва улар эришган ютуқларни ёдда тутиш тавсия этилади.

Бу бўлим бўйича кўшимча адабиёт сифатида А.Б. Рановичнинг “Эллинизм ва унинг тарихдаги роли” (VII боб, Эллин маданияти) китобини тавсия этиш мумкин.

Таянч иборалар

Олимпия худолари, архаик давр, Лакедемон, илотлар, периэklar, эллинизм, антик, полислар.

Саволлар

- 1. Қадимги Греция тарихи нима учун уч даврга бўлинади?**
- 2. Нега Эллин маданиятининг марказлари Миср, Пергам ва Антиохияда бўлган?**

2. Қадимги Грецияда давлатчиликнинг вужудга келиши

Энг қадимги Эгей цивилизацияси. Қадимги Греция тарихини беш даврга бўлиш мумкин. Ана шу даврларнинг биринчиси, Эгей ёки Крит-Микена даври деб аталиб (милоддан аввалги III – II минг йиллар), бу давр – уруғдошлик тузумининг барбод бўлиши, айрим районларда илк синфий кулдорлик давлатларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши кабиларни ўз ичига олади.

Миср манбаларида Миср билан Крит ўзаро яқин муносабатда бўлгани қайд этилган. Критдан бир қанча Миср буюмлари, ўз навбатида Крит буюмлари ва критликлар тасвирлари Мисрдан топилган. А.Эвенс аниқлаган қатламлар ичида Критда маҳаллий ёдгорликлар орасидан аниқ санаси маълум белгиланган Миср буюмлари топилган. Ана шу манба асосида (асосан сопол идишлардаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда) А.Эвенс энг қадимги Крит тарихини археологик жиҳатдан даврларга бўлиб бунга Миср тарихининг Қадимги, Ўрта ва Янги салтанатларга бўлиниш даврларини асос қилиб олд. Критга оид уч давр ва милоддан аввалги III – II минг йилликлар бутун крит маданиятини А.Эвенс афсонавий подшо – Минос номи билан миной даврлари деб атаган ва улар қуйидагилардан иборат:

- 1) илк миной даври – милоддан аввалги 2800 - 2200 йиллар;
- 2) ўрта миной даври – милоддан аввалги 2200 - 1600 йиллар;
- 3) кеч миной даври – милодда аввалги 1600 - 1100 йиллар;

Ўз навбатида бу даврлардан ҳар бири яна уч кичик даврга (1, 2, 3) бўлинади.

Илк миной даври мобайнида Критда ибтидоий жамоа муносабатлари аста-секин парчаланиб, у билан бирга мулкӣ табакланиш ҳам содир бўла борди. Тахминан милоддан аввалги 2200 йилда қабилалар иттифоқлари пайдо бўлади ва уларга ўша давр учун анча катта – Кносс, Маллия ва Фест аҳоли марказлари бошчилик қилади. Бу жойлар ўрта миной даврининг бошидаёқ дастлабки синфий давлатларга айланиб кетдилар. Крит Эгей денгизидаги Кипрга қарашли Болқон ярим оролининг жануби билан мис ва бронза савдосида воситачилик қилган.

Милоддан аввалги III минг йиллик ривожланган бронза асрига ўтиш даври бўлди. Олтин ва эмаль буюмлар ўрта миной даври давомида такомиллашиб борди. Тошдан ва Африкадан келтирилган фил суягидан ўйма муҳрлар ясалган. Муҳрлар мавжудлиги шахсий ва хусусий мулк ривожланганлигини кўрсатади.

Тахминан 1750 йилда Критда алғов – далғов воқеалар юз бериб, Кносс ва Фестдаги саройлар вайрон қилинган. Аҳоли яшайдиган бошқа жойлар ҳам зарар кўрган. Бунинг сабаби номаълум.

Тез орада саройлар қайта тикланиб, Кносс оролда устун аҳамиятга эга бўлди. Археологик нуктаи назардан оролнинг турли томонларидан Кноссга қараб қурилган йўллар ана шундан далолат беради. Саройлар қайта қурилганидан кейин милоддан аввалги XVIII асрнинг иккинчи ярмидан то милоддан аввалги XV асргача вақт Крит давлати қудрати авжига чиққан эди.

Фукидид гувоҳлигига кўра, бу Критнинг “таяссократия”, яъни денгизларда ҳукмронлик даври бўлган. Крит Эгей денгизидаги бир қанча оролларни, Кичик Осиё, ҳамда, Болқон соҳилидаги, шунингдек Аттиканинг аҳоли яшайдиган манзилларини ўз ҳокимиятига бўйсундиради.

Критда деҳқончилик ва чорвачилик юксак даражага етиб, ҳунармандчилик ривожланади. Маҳаллий халқ тажрибали ва жасур денгизчи бўлиб, улар Ўрта ер денгизи мамлакатлари билан яқин алоқа боғлаганлар. Қайтадан қурилган Кносс саройида деворларга солинган турли безакли суратлар зодагонларнинг ҳашамати янада ортганлигини акс эттиради.

Кносс ва Критнинг бошқа саройларида эгаларининг дабдабали ҳаёти ва аксарият аҳолининг аянчли ҳаёти археологик материаллар: турар жой, рўзгор буюмлари ва макбараларда яққол намоён бўлади. Сарой омборхона, устахоналари ва бошқа ёрдамчи бинолар сарой хўжалиги мураккаб тузилганидан далолат беради.

Сарой хўжалигида кўплаб мутахассис ва ҳунармандлар – ёрдамчи ходимлар, хизматкорлар хизмат қилган. Саройда ходимлари орасида қуллар ҳам кўп бўлган.

Кемалар флотидан ташқари, Критда қуруқлик қўшини ҳам бўлиб, аскарлар жанг араваларида ҳаракатланганлар. Давлат вилоятлардан иборат бўлиб, улар шоҳ ноиблари (патреве) томонидан, оқсоқоллар кенгашлари (керосиялар) билан бирга идора қилинган. Ерлар қисман жамоага қарашли бўлиб, қисман якка тартибда ижарага берилган ва хусусий мулк мавжуд эди. “Одиссея” маълумотларига кўра, Крит ҳукмдори Минос фақат шоҳ бўлиб қолмасдан, балки бош қохин, яъни худо назар қилган шахс ҳисобланган. Минос “Одиссея” да доно шахс деб тасвирланган. Бошқа афсоналардан бўлишича, Минос олий ҳакам ҳисобланган. Бу эса илк синфий давлат ташкил топаётган даврда Крит ҳукмдорларининг қонун чиқарувчилиқ фаолиятини кўрсатади. Денгизнинг нариги томонидаги Крит қули остидаги ерлар маҳаллий ҳокимлар томонидан идора қилинган. Масалан, Аттикада шундай бўлган.

Қадимги критликларнинг эътиқоди хусусида археологик маълумотлардан анча нарсаяён. Критликлар катта ибодатхоналар курмай, балки кичик- кичик саждагоҳ ва меҳроблар куриш билан чекланганлар. Кўпгина расм ва ҳайкалчалар критликларнинг бош худоси – аёл бўлиб, у маҳаллий халқ тасаввурида ҳаёт бахш этган, ўсимликлар, ҳайвон ва одамларни ҳимоя қилган. Диний маросимлар асосан аёллар томонидан адо этилган. Грек афсоналари крит динининг грекларнинг кечроқ юзага келган динига таъсири кўрсатганидан далолат беради.

Антик Грецияда шаҳар-давлатлар (полислар) ташкил топиши. Грециянинг ижтимоий тарққиёти милoddан аввалги VIII - VI асрларда, Гомер даври охирларидан бошланган кенг қамровли илк синфий жамиятнинг қарор топиш жараёнининг давомидир. Бу даврни анъанага кўра кўпинча архаик, яъни дастлабки давр деб атайдилар.

Дорийлар истилоси натижасида юз берган узилишдан сўнг Грецияда файтадан кичик-кичик кулдорлик давлатлари пайдо бўла бошлади. Бу давлатлар истехком билан ўралган манзиллардан иборат бўлиб, уларда деҳқон ва айни вақтда кулдор жамоалари яшар, биргаликда ўз умумий манфаатлари: манзил ёнидаги мулклари – ер ҳамда кулларини ҳимоя қилганлар. Бу давлат тузилишлари қадимги грекларда полис, яъни шаҳар- давлатлар деб ном олган. Натурал хўжалик катта давлат бирлашмалари юзага келиши учун шарт-шароит яратмаган. Жамоа ер эгалиги Гомер даврининг охирига келиб таназзулга юз тутганлиги сабабли, жамоа аъзоси – деҳқонларни Грециянинг кўп районларида крит-микена давридаги каби ишлатишнинг имкони бўлмай қолди. Ер эгалари қарзини уза олмаган камбағалларни қарз бадалига кул қилиб олганлар. Кучайиб бораётган мулкий табақланиш ер эгалари ва кулдорларнинг ҳукмрон гуруҳига айланган уруғ зодогонлари билан оддий жамоа аъзолари авлодлари бўлган оддий аҳоли - қишлоқ ва шаҳар демоси - ўртасида кескин ижтимоий ва сиёсий зиддиятлар келтириб чиқарди.

Қишлоқ ва шаҳар демоси. Гомер давридаёқ расм бўлган темир курулларнинг ишлатилиши ва шу асосда барча ишлаб чиқариш соҳаларида меҳнат унумдорлигининг тез ўсиб бориши аҳолининг тобора кўпроқ табақаланиши, ҳунармандчилик ва савдо-сотик ривожига, кулдорликнинг тараққий этишига кўмаклашди. Бир полисдаги туб эркин аҳолини ўз ичига олган, ҳукмрон кулдорлар синфининг юқори қатламига айланган оқсуякларнинг иқтисодий ва сиёсий ҳукмронлиги энди ижтимоий тараққиётнинг жадал боришига тўсқинлик қила бошлади.

Бу орада полисларга тегишли шаҳар территориясининг ўзида ҳунармандчилик ва савдо-сотик ривожланиб кетди. Шаҳар аҳолисида бевосита қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган янги даромад манбалари пайдо бўлди. Аста - секин эркин шаҳар аҳолисининг иқтисодий жиҳатдан оқсуякларга тобе бўлмаган савдо – ҳунармандлар қатлами пайдо бўлиб, кучая борди. Бу қатлам расман бўлсада, сиёсий ҳуқуқларга эга эди, чунки полисларнинг эркин туб аҳолиси – унинг фуқаролари ҳамда зодагонлардан мерос – халқ йиғини аъзолари бўлганлар. Бу мажлис кулдорлик давлат ҳокимиятининг олий органига айланганди. Қарз эвазига кул қилинмаган деҳқонлар ҳам полис халқ йиғинининг аъзоси эдилар. Сиёсий ҳуқуққа эга барча озод оддий халқ демос (грекча) деб аталган. Амалда у қишлоқ ва шаҳар демосига бўлинарди.

Демоснинг аристократияга қарши кураши. Шаҳар демосининг иқтисодий мустақиллиги кучайиши билан у бошқариш ишларида иштирок этишга ва зодогонлар ҳокимиятини чеклаш мақсадида фаол ҳаракат қила бошлади. Шаҳар демоси унинг мол – мулкани ва савдо – ҳунармандчилик фаолиятини зодагонларнинг тажовузидан ҳимоя қиладиган қонунлар чиқаришни талаб қилди.

Ижтимоий – иқтисодий тараққиёт жараёни оқсуякларга ҳам дахлдор бўлиб, улар орасида ҳам мулкӣ табақаланиш юз бермоқда эди. Оқсуяклар, айниқса камбағаллашган зодагонларнинг бир қисми устахоналар очиш ва савдо-сотик билан шуғуллана бошлади. Уларнинг манфаатлари шаҳар демосига оид юқори қатламларнинг манфаатларига яқин бўлган.

Мустабидлик. Насл – насабли зодагонларнинг ҳукмрон заминдорлар гуруҳи ислохотлар ўтказишга кескин қаршилиқ кўрсатди. Милоддан аввалги VII - VI асрларда шаҳар ва қишлоқ демоси ислохотлар учун қатъий курашга киришди. Савдо – ҳунармандчилик полисларининг аксариятида оқсуяклар ҳокимияти ағдариб ташланди ва ҳокимият демоснинг вакиллари бўлмиш ҳукмдор мустабидлар қўлига ўтди. (“мустабид” тушунчаси Греция архаик даврида салбий маънога эга бўлмаган).

Шу тариқа милоддан аввалги VII - VI асрларда иқтисодий жиҳатдан ривожланган бирнеча полисларда давлат ҳокимиятининг янги шакли пайдо бўлиб, у фанда илқ тирания номи билан машҳур. Тиранларнинг кўпчилиги демоснинг юқори қатламига мансуб зодогонлар гуруҳидан чиққан эди. Улар эски зодагонлар ҳуқуқларини чеклаш сиёсатини юритиб, уларга қарашли ерларнинг бир қисмини мусодара қилдилар, эски тартибларнинг энг фаол тарафдорларини кириб ташладилар. Лекин асли зодогонлар уруғидан чиққан мустабидлар нобарқарор сиёсат олиб бордилар ва бу билан уларни ҳокимият тепасига келтирган демосни ўзларига қарши қилиб қўйдилар. Тирания нақадар номукамал бўлмасин ўз даври учун илғор (прогрессив) ҳокимият эди.

Буюк грек мустамлакачилиги. Қадимги Грециянинг кўп туманларида қишлоқ ҳўжалиги учун яроқли ерлар тақчил бўлган бир вақтда мулкӣ табақланиш ер етишмовчилиги янада кенгайишига олиб келган. Полис ҳудудининг кичиклиги ва иқтисодий тараққиёт даражасининг пастлиги камбағаллашиб қолган фуқароларнинг озгина қисмигина бир амаллаб кун кўришини таъминлай олган.

Ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий тараққиёт кўпчилик фуқароларнинг ўзи туғилиб ўсган ерларидан оммавий равишда кўчишлари билан бирга борган.

Бу кўчишлар милоддан аввалги VII ва VI асрларда шу қадар кенг кўлам касб этдики, тарихда улар буюк Греция мустамлакачилиги номи билан қолди. Колонизация ривожига, асосий сабабдан ташқари, денгиз орқали юритилган савдо - сотик ишлари ҳам ёрдам берган. Учинчи сабаб - бу даврда грек полисларида синфий ва сиёсий кураш кескинлашади. Даставвал греклар Эгей денгизининг шимолий соҳилини ўзлаштирганлар, сўнгра грек колонизациясининг уч: ғарбий, жанубий ва шимолий - шарқий каби асосий йўналиши аниқланган. Грек денгизлари Жанубий Италия ва Сицилия оролига қадимдаёқ келган эдилар. Милоддан аввалги VIII асрда Италиянинг ғарбий соҳилида Куми грек колонияси барпо этилган. VIII аср охирлари – VII асрда Италиянинг жанубида Кротон, Сибарис, Тарент каби шаҳар – колониялар равақ топди.

Грек колонизациясининг жанубий, Шимолий Африка соҳил томон иккинчи асосий йўналишида колониялар камроқ бўлиб, улар орасида форсларнинг Болқон ярим оролидаги Кирена колонияси муҳим аҳамиятга эга бўлган. Нил дарёси ҳавзасида барпо этилган Навкратис шаҳри ҳам муҳим ўрин тутган. Греклар Эгей денгизининг шимолий соҳилини ўзлаштириб олгач, колонияларини Геллеспонт қирғоғи (Дарданелл бўғози) томон суриб, сўнг Пропонтиданинг (Мармар денгизи) жанубий қирғоғини ишғол қилганлар, ва ниҳоят, Фракия Боспори (Босфор) соҳилларига келиб жойлашганлар.

Боспорнинг Осиё қисмида Мармар денгизи яқинида деҳқончилик колонияси – Халкедан барпо этилган. Кейинроқ, Боспорнинг Европа қирғоғида Олтин шох – Золотой Рог ёнида янги грек савдо колонияси – Византий пайдо бўлиб, сўнгра бу шаҳар Қора

денгиз бўйи йўлларида транзит порти бўлиб, у орқали греклар асосан ғалла ташиб келтирганлар. Византий тез орада тараққиёт даражаси деҳқончилик колонияси Халкедондан ўзиб кетган.

Иония греклари Тамань ярим ороли Кубань дарёси ҳавзасида бир қанча колониялар барпо этиб, булар орасида Фанагория ажралиб турган. Лекин грек метрополияси, ҳам колонияларнинг турли ҳудудлари бир текис ривожланган. Болқоннинг Греция денгиз гаваналаридан йироқ жойларида ибтидоий турмуш қолдиқлари узоқ вақтгача сақланиб қолган. Бу полисларда қадимги зодогонлар ҳукмронлик қилиб, бу ерларда тираниялар юзага келмаган. Қулга айлантирилган қишлоқ аҳолиси маҳаллий зодогонлар учун меҳнат қилиши лозим бўлган. Лакония, Арголида, Фессалия, Крит ва бошқа жойларда аҳвол шундай эди.

Таянч иборалар

Крит - Микен даври, Минос, миной даври, “талассократия”, патреве, керосиялар, полислар, демос, аристократлар, тирания, Геллеспонт, Пропонтида

Саволлар

1. Полислар, уларнинг ташкил топиш сабабларини аниқланг.

2. Қадимги Грецияда демоснинг ўрни ва роли нимадан иборат эди (Перикл ислохотлари)?

3. Қадимги Афина

Аттика Ўрта Грециянинг жануби - шарқида ярим оролда жойлашган эди. Аттиканинг ғарбий қисмида тоғлар ва денгиз оралиғида кенг текислик бўлиб, унинг ўртасида қоя бор. Милоддан аввалги II минг йилликда бу ерда Афина шаҳри барпо бўлди. Тепалик ўртасида Акрополь қад кўтарган бўлиб, унинг атрофида турар жойлар қурилган.

Милоддан аввалги VIII - VII асрларда Қадимги Грецияда шаҳар – давлатлар (полислар) вужудга келди. Улардан энг йириклари: Афина, Коринф, Мегара, Халкида, Эретрия, Эгина, Милет, Смирна, Эфес кабилар денгиз бўйи ёки денгиз яқин ерда, айримлари қазилма бойликларга бой ҳудудда жойлашгани сабабли савдо ва ҳунармандчилик анча ривожланди.

Бу вақтда Аттика тепаликларида узум, водийларда эса зайтун етиштирилиб, виночилик ва ёғ тайёрлаш ривож топди. Ҳунармандлар лойдан амфора (хум), қувур ва бошқа кулолчилик буюмлари ясаганлар. Шунингдек, Аттикада темирдан меҳнат қуроллари ва қурол - яроғ ясаш, мато тўқиш ва теридан чарм маҳсулотлар тайёрлаш каби ҳунармандчилик соҳалари тараққий этди.

Афина жанубидаги конлардан қумуш қазиб олинган ва милоддан аввалги VII асрда Афинада қумуш тангалар зарб қилиш бошланди.

Аттикада ҳўжалик ривожланиши, бу ерда қуллар сони кўпайишига сабаб бўлди. Аттика билан савдо қиладиган давлатларнинг савдогарлари Афина бозорларига озиқ-овқат ва ҳунармандчилик маҳсулотлари билан бир каторда кўп миқдорда қуллар ҳам келтирганлар.

Милоддан аввалги VIII асрда афиналик зодагонлар Аттика аҳолисини ўзларига бўйсундирдилар. Афина ва Аттиканинг қолган ҳудудларини зодагонлардан иборат оқсоқоллардан кенгаши идора қилиб, улар ўз ҳукмронликларини аристократия (“энг яхши кишилар ҳокимияти”) деб атаганлар. Аттиканинг қолган озод аҳолиси демос

номини олган. Демоснинг асосий қисмини деҳқонлар, денгизчилар, ҳунарманд ва мардикорлар ташкил этарди.

Аттикада ҳунармандчилик, савдо–сотиқ ва денгизчиликнинг ривожланиши кулларга бўлган эҳтиёжни кўтарди. Куллар сонининг кўпайиши ерлик деҳқонлар аҳволининг ўзгаришига олиб келди.

Камбағал деҳқон – геоморалар токзор ва зайтун боғларини кенгайтиришга маблағлари етишмас, бунинг устига Аттикада тез – тез рўй берадиган қурғоқчилик сабабли яхши ҳосил ололмасдилар. Оқибатда геоморалар зодагон – евпатридлардан фоиз эвазига қарз олишга мажбур бўлардилар. Агарда геомора қарзини фоизи билан вақтида қайтара олмаса, ўз еридан ажралар, ҳатто ўзи ва оила аъзолари билан бирга кул қилинар эди.

Геомора қарз олганида, евпатрид унинг ерига қарз тошини ўрнатган. Тошга геомора кимдан қанча қарздорлиги ва қарзини қачон узиш муддати ёзиб қўйилган. Милоддан аввалги VII асрда кўплаб геоморалар хонавайрон бўлиб, куллик асоратига тушиб қолди. Айрим шундай куллар евпатридлар томонидан четга кул сифатида сотиб юбориларди.

Аммо демоснинг бир қисми бойиб кетишга ҳам эришди ва улар орасида савдогарлар, кема ва устахона эгалари, ўзига тўқ деҳқон – геоморалар пайдо бўлди. Уларнинг куллари ҳам бўлиб, шунингдек улар мардикор ҳам ёллашган. Бироқ демос вакиллариининг бари: камбағали ва бадавлати ҳам ҳуқуқсиз бўлиб, зодагон – евпатридларга қарам эдилар.

Зодагонларнинг давлатни бошқариш ва демос устидан чексиз ҳукмронлиги, оддий халқ вакиллариининг нафратига сабаб бўлган. Демос табақаси вакиллари Афинани идора қилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиш учун интилган. Камбағал геоморалар қарзларни бекор қилиш, евпатридлардан ерни тортиб олиб, барча ерсиз ва кам ерли деҳқонларга тақсимлаб беришни талаб қилганлар.

Милоддан аввалги VII аср ўрталарида демоснинг зодагонларга қарши кураши кескин тус олиб кетди. Бутун Аттикада улар ўртасида қонли тўқнашувлар рўй берди. Демос вакиллари тўпланиб, зодагонларга қарши биргаликда курашиш учун тил бириктирдилар.

Бутун Аттикада вазият кескинлашганлиги туфайли, зодагонлар демосга бир оз ён босиб, кўпдан ваъда қилинган қонунларни ишлаб чиқишга рози бўлдилар.

Милоддан аввалги 621 йили қонунларни ишлаб чиқиб қоғозга тушириш вазифаси ҳукмдорлардан бири – Драконга топширилди. Энди Аттикада барча суд ишлари “Дракон қонунлари” га биноан амалга оширила бошланди. Улар зодагонларнинг ҳаёти ва мол – мулкени муҳофаза қилар, қонунларга кўра одамлар арзимаган айби учун ҳам жиддий жазога тортилган. “Дракон қонунлари” да айниқса ўғриларга қаттиқ жазо берилиб, ҳатто бировнинг боғидан мева ёки бир бош узум ўғирлаганларга ўлим жазоси белгиланган. Шу сабабли одамлар “Дракон қонунлари” ни “сиёҳ эмас, қон билан ёзилган” деб атаганлар.

“Дракон қонунлари” оддий халқнинг мавжуд иқтисодий аҳволини яхшиламай, унга ҳеч қандай сиёсий ҳуқуқ бермагани учун демос билан зодагонлар ўртасидаги зиддиятни йўқота олмади. Бу вақтда демос аста – секин куч йиғиб борди. Афинада иқтисодий аҳвол нисбатан яхшилиги туфайли Грециянинг бошқа ерларидан одамлар бу ерга кўплаб кўчиб кела бошладилар. Улар ҳам ҳақ – ҳуқуқсиз бўлганлари учун демос билан бирлашиб, зодагонларга қарши курашни авж олдирдилар. Шунингдек, айрим хонавайрон бўлган евпатридлар ҳам зодагонларга қарши курашиш мақсадида халққа қўшилдилар.

Арасту гувоҳлик беришича, демос ўз ҳақ ҳуқуқини талаб қилиб, зодагонларга қарши кўплаб бир неча бор қўзғолонлар кўтарган ва бу кураш узоқ давом этган. Кураш янада

кучайиб кетишидан чўчиган зодагонлар ён босишга мажбур бўлдилар. Демос билан зодагонлар ўртасида зиддиятни бартараф этиш вазифаси ҳар иккала тоифага ҳам мақбул бўлган Солонга топширилди. Милоддан аввалги 594 йили Солон ҳоким этиб тайинланиб, унга янги қонунлар ишлаб чиқиш ва Саламин оролини эгаллаш вазифаси топширилди. Солон Кодридлар сулоласидан чиққан, аммо анча камбағаллашиб қолган евпатрид бўлиб, ўртаҳол демос каби савдо - сотиқ билан шуғулланган. Шунингдек, Солон жасур жангчи, шоир ва нотиклиги билан халқ орасида шуҳрат қозонган. У кўплаб сиёсий мавзуларда шеърлар ёзиб, уларни халқ йиғинларида ўқиб берар, шеърлари билан халқни курашга чорлаган.

Солон ҳоким бўлгач, унинг дастлабки иши – Саламин оролини қўлга киритиш мақсадида у ерга қўшин йўллади. Мегара полисига тегишли Саламин ороли афиналиклар учун ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар Саламин оролини эгаллаб олишга эришдилар.

Бу ҳарбий юришдан кейин Солон Аттикани ривожлантириш мақсадида сиёсий ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишга киришди. У ўзи чақирган халқ йиғини кўмагига таяниб, демос аҳволини яхшилаш учун деҳқонларнинг қарзларини бекор қилди. Евпатрид томонидан тортиб олинган ерларни геомораларга қайтиб берди, қарз эвазига қулликка тушган геоморалар эркинликка чиқдилар ва қарз бадалига қул қилиш тақиқлаб қўйилди. Шунингдек, Солон четга сотиб юборилган қарздор қулларни излаб топиш ва уларни сотиб олиб, ватанларига қайтариш билан ҳам шуғулланди.

Арасту гувоҳлик беришича, Солон ер ислохоти ҳам ўтказган. Унга кўра деҳқончилик мақсадидаги ер миқдори чеклаб қўйилди. Натижада, Аттикада кўп одамлар ер майдони кичик ва чекланган бўлиб қолди.

Солон Аттикадани буғдой олиб чиқиб кетишни тақиқлади. Чунки мамлакатда буғдой етиштириш учун шароит бўлмай, у четдан келтириларди. Лекин бу ерда зайтун боғлари кўплиги сабабли зайтун ёғини четга сотиш имкониятларини яратиб берди. Боғ, токзорлар ва бошқа экин майдонлари яратишни рағбатлантириш ҳақида қонун ҳам қабул қилди.

Солон савдо - сотиқ, ҳунармандчиликни ривожлантиришга оид қонунлар қабул қилиб, бу соҳаларни амалга оширишда енгилликлар яратиш учун пул ислохоти ўтказди. Аттикада ягона пул бирлиги жорий этилди ва муомаладаги оғир эгин талант пули кичик ҳажмда эвбей талант пули билан алмаштирилди.

Иқтисодий ислохотлар билан бирга бир вақтда сиёсий ўзгаришлар ҳам амалга оширилди. Солон мавжуд бўлган зодагон уруғ ҳокимияти – генократияни (“генос” - уруғ) бекор қилиб, унинг ўрнига тимократия (“тимо” - нарх) ҳокимияти, яъни мулкый цензга асосланган ҳокимият ўрнатди. Аттиканинг барча аҳолиси мулкый цензга кўра тўрт гуруҳга бўлинди. Деҳқончиликдан олинadиган соф даромад ценз асоси сифатида қабул қилинди. Биринчи гуруҳга ердан камида 500 медимн донли ёки суюқлик маҳсулоти миқдорида даромад оладиганлар киритилди. (медимн – ҳажм ўлчови бирлиги; турли вақтларда медимн 41 дан 52,5 литрга қадар бўлган). Уларни пентакосиомедимн, яъни беш юз ўлчовли деб аташган. Иккинчи тоифага ўз еридан камида 300 медимн даромад оладиган аҳоли киритилди. Улар отлари билан отлик қўшинда хизмат қилишлари ҳам керак бўлган.

Бу иккала гуруҳ энг катта даромад олиб, барча сиёсий ҳуқуқларга эга эди ва давлат тепасидаги йирик лавозимларни эгаллаганлар. Пентакосиомедимнлар ҳарбий қўшинда хизмат қилмасалар ҳам, ўз ҳисобидан давлатга турли тўловлар тўлар ёки кемалар куриб берардилар. Учинчи тоифадан ўз еридан камида 200 медимн даромад оладиганлар жой

олди. Улар зевчит, яъни арава ёки чана деб аталиб, ҳўкиз қўшилган аравалари бўлган. Улар пиёда қўшинда хизмат қилишга мажбур эдилар ва оғир куроллари бўлиши керак эди. Тўртинчи гуруҳ еридан 200 медимндан кам даромад оладиган аҳоли киритилиб, улар фет деб номланган. Ҳарбий хизматда улар ёрдамчи вазифа бажариб, энгил куролланган пиёда қўшинни ташкил этганлар.

Солон ислохотлари натижасида Аттика ҳаётида халқ йиғини янада фаол ўрин тутди. Бу йиғинда сиёсий ва иқтисодий масалалар муҳокама қилинган. Шунингдек, ислохотлар туфайли кўплаб ерлар деҳқонларга қайтарилиб, Аттикада ўрта ва майда мулкдорлар кўпайишига олиб келди. Бу эса ўз навбатида кулдорлик ҳўжалигини ривожлантириб юборди ва Аттикага четдан қул олиб келиш янада кўпайди. Савдо-сотиқ ва ҳунармандчиликни тараққий эттириш мақсадида қабул қилинган қонунлар шаҳар ўртаҳол шаҳар демоси аҳволининг яхшиланишига олиб келди.

Лекин Солон ҳокимият тепасидан кетгач, Аттикада синфий ва сиёсий кураш авж олди. Ўзаро кураш давомида уч хил ижтимоий - сиёсий ва ҳудудий гуруҳ шаклланди: 1) педизэй (ҳосилдор водий аҳолиси), ер эгалари манфаатини ҳимоя қилувчи гуруҳ. Педизэйларнинг кўпчилигини евпатридлар ташкил этиб, улар Солон ислохотларига қарши эдилар; 2) паралий (соҳилбўйи аҳолиси) гуруҳи. Шаҳар ва кишлоқларнинг ўртаҳол аҳолиси, савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик билан шуғулланган. Улар Солон ислохотларини қўллаб – қувватлаб, уни мустаҳкамлашга интиланлар; 3) диакий (тоғли жой аҳолиси) гуруҳи. Камбағал деҳқонлар, улар ўзларига тегишли экин майдонлари ва сиёсий ҳуқуқлари кенгайтириш тарафдори эдилар. Уларга фетлар гуруҳига мансуб шаҳар камбағаллари ҳам қўшилган.

Бу гуруҳларнинг ўзаро кураши натижасида милoddан аввалги 560 йили диакийлар йўлбошчиси Писистрат ҳокимиятни эгаллаб олди. Милoddан аввалги 560- 527 Писискрат ва милoddан аввалги 527- 510 йилларда унинг ўғиллари Гиппий ва Гиппарх Аттикада ҳокимиятни бошқарган даврда ўзаро урушлар давом этди. Евпатридлар ушбу ҳукмдорлар ҳокимиятига қарши курашиб, Гиппархни ўлдирдилар.

Бу вақтда Аттикада ички вазият кескин бўлиши билан бирга, форслар Кичик Осиёни эгаллаши билан ташқи вазият ҳам мураккаблашди. Форслар босқини Афинанинг денгиз орқали савдосига катта зарар етказди.

Аттикада демос мавқеининг ошиб бораётганидан хавотирга тушган Спарта зодагонлари милoddан аввалги 510 йили Гиппийга қарши юриш қилдилар ва уни ҳокимиятдан маҳрум қилдилар. Спарта ва Афина зодагонлари томонидан Афинада яна ўз ҳокимиятини тиклашга уриниш афиналиклар қўзғолонига сабаб бўлди. Бу курашда демос Афина ва Спарта зодагонлари устидан тўлиқ ғалабага эришдилар.

Таянч иборалар

амфора, Аттика, геоморалар, “Дракон қонунлари”, генократия, тимократия, медимн, зевчит, фет, педизэй, евпатридлар, диакий

Саволлар

1. Қайси омиллар қадимги Афинада зодагонлар билан демос ўртасидаги курашга сабаб бўлди?

2. Солон ислохотлари демос учун қандай қулайликлар берди?

4. Спарта давлатининг пайдо бўлиши

Спарта архаик Грециянинг энг қадим давлати бўлиб, милoddан аввалги IX асрда дорий қабилалари кўчган сўнгги даврда юзага келган; бу даврда Лакония, Аркадия ва Ахайадан бошқа вилоятлар бу ерга аввалроқ кўчиб келган дорийлар томонидан ишғол қилинган. Вақт ўтиши билан сўнгги дорий қабилалари узок кураш оқибатида Лаконияни забт этганлар. Лакония босиб олингач, дорийлар маҳаллий аҳолини ўзларига бўйсундирдилар. Шу тариқа Спарта давлати юзага келди.

Пелопоннес территориясига бостириб кирган маҳаллий аҳолига нисбатан анча камлиги ва улар ҳали уруғдошлик тузумида эканлиги сабабли уларнинг ҳукмронлиги ўзига хос кўриниш касб этган. Маҳаллий аҳоли ўз манзилида қолган-у, аммо келгиндилар учун ишлаши лозим бўлган. Аммо ерлик аҳоли ҳаёти қулларнинг ҳаётича қадрланмас, чунки қулларга эгалик қилган кулдорлар улар меҳнатидан манфаатдор эди. Бироқ келгиндилар учун маҳаллий аҳоли сонининг кўпаймаслиги фойдали бўлган.

Серҳосил водийларда яшаган маҳаллий аҳоли ҳуқуқсиз шахс–илотларга айлантирилган. ”Илот” сўзининг маъноси ҳозирга қадар мавҳум. Бу ном бир вақтлар дорийлар забт этган Гелос шахри номидан олинган деган фараз мавжуд.

Истилочи-дорийлар – ўзларини бош шахар – Спарта номи билан спарталиклар деб атай бошлаганлар.

Пелопоннеснинг тоғли ҳудудларида яшовчи қабилалар ҳамда дорийларга ихтиёрий бош эгган ахайяликлар периэклар номини олганлар. Бу ҳалқ тенг ҳуқуқли бўлмаса ҳам асоратга солинмаган.

Спарта аҳолисининг асосий синф – табақалари – спарталиклар, периэклар ва илотлар шу тариқа вужудга келган.

Дехқончилик. Лакониянинг иктисоди ўта сустривожланиб, ибтидоий даражада бўлган. Қадимги Спартада ер хусусий эмас, балки жамоа мулки бўлиб, жамоа ўз аъзоларига вақтинча фойдаланиш учун алоҳида ер бўлаклари бериб турарди. Улар ерни на сотолмас, на ижарага беролмас эдилар. Ер ибтидоий куруллар, яъни омоч, мотиға билан ишланган. Сули, арпа, буғдой, палба экилган. Сабзавот ҳам ўстириларди. Спарталик ва унинг оиласи ўз ерида ишлолмас, балки бириктирилган илотлар ишлаб, деҳқончилик қилган. Спарталиклар илотлардан ҳайиқар, шунинг учун тунда шахар ҳудудида биронта илот қолмаслиги гарт бўлган. Илотлар ҳосил микдоридан қатъи назар натурал оброк тўлар, яъни спарталикка ўзлари етиштирган ҳосилнинг маълум қисмини дон, қора мол, ўсимлик мойи ва бошқа маҳсулотлар топширишлари керак эди. Бу оброк хажми катта бўлиб, шунинг учун ҳам илотлар қашшоқликда кун кечирардилар.

Ҳунармандчилик. Спартада яхши ривож топмаган. Ҳунармандчилик билан периэклар шуғулланар, улар энг зарур нарсаларнигина тайёрлар эдилар. Уйлар икки асбоб: болта ва арра ёрдамида қурилган.

Савдо-сотиқ. Давлатда ҳар қандай ташқи савдо тақиқ остида бўлган. Бирорта ажнабий савдогар Спартага келолмас, бошқа мамлакатлардан товар киритилмас эди. Фақат мамлакат ичида маҳаллий бозорларда савдо-сотиқ қилинган. Спарта пулларининг ноқулайлиги ҳам савдо айирбошлашни қийинлаштириб қўйган эди. Пуллар темирдан ясалганлиги туфайли жуда оғир бўлган.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ёки ҳунармандчилик буюмлари учун тўлашга кўп микдорда бундай пул керак бўлган. Пуллар ҳамёнларда олиб юрилмас, балки маҳсус омборларда сақланган. Бозор қилмоқчи бўлган одам пулини аравага юклаб олиб бориши лозим эди. Бу вақтда бутун Грецияда кумуш пул ишлатиларди. Спарта давлати бу чоралар билан чет эл таъсиридан сақланишга ва мамлакатдаги ибтидоий муносабатларни

сақлаб қолишга интилар, чунки улар илотларни эксплуатация қилиш асосида моддий фаровонликнинг зарур даражасини таъминлаб берган.

Спарталиқлар турмуш тарзи ва тарбияси. Спартада имтиёзли синф (табақа) бўлган спарталиқлар "тенглар жамоаси" жамиятига ўтиш даври учун характерли ҳарбий демократия қолдиғи эди. Лекин "тенглар жамоаси" Спарта қулдорлик давлати шароитида илотлар ва периеқларни итоатда тутиш учун ҳукмрон синф (спарталиқлар табақаси) нинг ҳарбийлаштирилган бирлашмаси эканлиги маълум бўлди.

Спарта аҳолиси ҳарбий иш билан шуғулланган. Фақат ана шу ҳарбий иш спарталиқ учун асосий машғулоти ҳисобланган. Спартада кучли ва иродали жангчилар тарбиялаб етиштириш учун махсус тарбия тизими ишлаб чиқилган.

Янги туғилган ҳар бир чақалоқни Спарта олий маҳкамаси – герусияга, яъни оксоқоллар кенгашига олиб бориб, унда чақалоқни тирик қолдириш ёки ўлдириш масаласи қилинган. Чақалоқ заиф бўлса, уни қоядан улоқтганлар. Соғлом ва кучли чақалоқ тирик қолдирилган, лекин у етти ёшгача онаси қўлида тарбияланган. Сўнгра бола, то балоғат, яъни 18 ёшгача жамоат мактабида яшаб ўқиган. Мактабда жуда қаттиқ тартиб – қоида ўрнатилган. Ўғил болалар ёстиксиз, қаттиқ бўйра устида ётиб, енгил кўрпа ёпиб ухлаганлар. Улар қишин - ёзин оёқ яланг ва бош яланг бўлганлар, ҳам совуқ, ҳам иссиққа бирдай чидамли бўлишлари лозим эди.

Ўғил болаларни чидамли қилиб тарбиялаш учун очлик ва ташналикка кўниктирганлар. Баъзан уларни сувсиз тутганлар. Улар жисмоний оғриққа чидамли қилиб тарбияланган. Шу мақсадда кичик ёшлилар гуруҳидан каттасига ўтганда ёш спарталиқлар тантанали вазиятда калтакланган.

Мактабда ўғил болалар жисмоний машқ ва ҳарбий иш билан шуғулланганлар. Тарбиядан мақсад - кучли, чиниққан жангчи ўстириш бўлган. Улар ўқиш, ёзиш, ҳисоблаш, қўшиқ айтиш ва рақсга тушишни ўрганганлар, ватанпарварлик мавзуидаги шеърлар ёдлаганлар. Фалсафа ва суҳандонлик билан шуғулланишга рухсат этилмаган (русча "говорить лаконично" ибораси Лаконика мамлакати номидан олинган). Онанинг ўғлини урушга кузатаётганда айтадиган сўзлари бундай лўнда ва маънодор фикрга мисол бўла олади. Она ўғлига қалқонни бера туриб: "Қалқон билан ёки қалқонда қайт".

Ягона юнон мамлакати – Спартада хотин - қизларни тарбиялашга ҳам катта эътибор берилган. Унда аёллар кўпчиликнинг ҳурматини қозонган. Спарталиқлар, соғлом онадан соғлом бола туғилади деб ҳисоблаганлар. Шу сабабли қизлар уй-рўзғор ишлари билан шуғулланмаган. Бу ишларни илот аёллари бажарган. Спарта аёллари эса болалик чоғларидан гимнастика ва спорт билан шуғулланган, ўғил болалар каби ўқиш, ёзиш ва ҳисоблашни билганлар. Мамлакатда гимнастика ва енгил атлетика бўйича мусобақалар ўтказиб турилган. Аввал йигитлар, сўнгра қизлар мусобақаси бўлиб ўтган. Югуришда ғолиб чиққан спарталиқ қизнинг ҳайкали бизга қадар сақланиб қолган.

Спарталиқлар балоғат ёшига етгач, оила қурганлар, лекин бундан кейинги ҳаёти ҳам ҳарбий тарзда ўтган. Улар эртадан кечгача мактабдош дўстлари билан ҳарбий қисмда бўлиб, бирга ҳарбий машғулоти билан шуғулланишган ва бирга овқатланишган. Ҳарбий бўлинмалар бирлашиб тушки овқат қилганлар. Бу одат Спартада фидития, бошқа шаҳарларда эса сиссития деб аталган.

Фидития аъзолари "тенглар жамоаси" ни ташкил этганлар ва барча сиёсий ҳуқуқларга эга бўлганлар. Фидитияга аъзо бўлмоқ учун умумий тушки овқатга муайян миқдорда натура билан ҳақ тўлаши керак эди. Агар спарталиқ камбағаллашиб, тушки овқат ҳақини тўлай олмаса, фидитиядан чиқарилган ва шу қаторда "тенглар жамоаси" ни ҳам тарк этган. У сиёсий ҳуқуқларидан ҳам маҳрум бўлган. Спартача тарбия,

спарталикларнинг бутун кейинги ҳаёти ҳам мамлакат ҳарбий қудратини мустаҳкамлашга қаратилган. Спарталиқ биринчи навбатда жангчи бўлиши лозим эди. Бу ташқи душман яқинлигидан эмас, балки эзилган, ноҳайрихоҳ кайфиятидаги илотлар билан бирга яшашдан келиб чиққан зарурат бўлган.

Спарта давлати фаолияти илотларни итоатда тутишга қаратилган бўлиб, улар бутунлай ҳуқуқсиз эдилар. Спарталиқ илотни ўлдириш ҳуқуқига ҳам эга бўлган. Ҳар йили бир марта хунрезлик куни “криптия” куни ташкил этилган (“криптия” – грекча “ўлдириш” демакдир). Спарталиқ йигитлар кечалари йиғилиб, ниқоб ва узун плашч кийиб, илотлар манзилга йўл олишар, йўлда учраган илотларна хужум қилишган. Спарталиқлар бунда ёш ва кучли илотларни ўлдиришга ҳаракат қилганлар. Бошқа аҳолидан ажралиб туриш учун илотлар устларига махсус кийим, бошларига ит терисидан телпак кийишган. Қўшинда илотлар ёрдамчи вазифаларни бажарардилар.

Бир сафар алоҳида мардлик кўрсатган 2000 илотга, спарталиқлар озодлик ваъда қилиб, ибодат қилиш баҳонаси билан уларни ибодатхонага олиб борганлар. Аммо бу илотлар ном-нишонсиз йўқолган. Бундай ваҳшийликка илотлар кўзғолон билан жавоб берганлар. Милоддан аввалги 464 – 455 йилги кўзғолон айниқса шиддатли бўлди. Бу қадимги Юнонистонда синфий курашнинг энг кескин кўринишларидан бири эди.

Илотлар кўзғолонлари – Юнонистонда кулларнинг дастлабки кўзғолонларидан бўлган. Илотлар бирга яшаганлари сабабли, уларнинг стихияли кўзғолонларида уюшқоқлик элементлари кузатилган.

Илотларнинг ижтимоий аҳволи ва қай синфга мансубли масаласи илмий адабиётларда кўплаб кўтарилган. Баъзи олимлар илотлар кул эмас, балки крепостной деб ҳисоблайдилар. Лекин Спарта кулдорлик жамиятининг иқтисодий жиҳатдан тараққий этмаганлигини, хўжалиги архаиклигини, жамоа ер эгалиги мавжудлигини унутмаслик керак. Шубҳасиз, илотлар кул бўлиб, уларнинг аҳволи бошқа юнон давлатларидаги куллар аҳволидан ҳам оғир эди. Антик муаллифлар ҳам бу ҳақида гувоҳлик бериб, айниқса псевдо-Ксенофонтнинг “Полития” асари буни яққол тасвирлаб беради.

Илотлар ҳаёти қадрланмас, криптиялар даврида эса улар ҳатто беаёв қирилган. Бошқа юнон давлатларидаги куллар билан илотлар ўртасидаги фарқ шунда эдики, илотлар бирон шахсга эмас, балки бутун Спарта жамоасига қарам бўлганлар. Чунки Лакония илотларини кулликка солиш даврида спарталиқларда ижтимоий жамоа муносабатлари ҳали йўқолмаган эди. Илотизм дорий қабилалари Пелопоннесни забт этиши оқибатида юзага келган. Дорийлар томонидан эгалланган Фессалия ва Критда маҳаллий аҳоли ҳам илотлар каби кулликка солинган эди.

Спарта давлати. Илотлар сони спарталиқларга нисбатан бир неча бор кўп бўлганлиги учун уларни итоатда сақлаш қийин эди. Табиийки, Спарта давлатини фақат ҳарбий куч ёрдамида сақлаб қолиш мумкин бўлган. Юқорида кўрганимиздек, спарталиқларнинг бутун ҳаёти ва тарбияси шу мақсадга бўйсундирилганди.

Спарта давлатининг қонунчилик ишлари Ликургга нисбат берилади. Унинг афсонавий шахс ёки Плутарх, Фукидид ва бошқа антик муаллифлар гувоҳлигича, ҳақиқатда мавжуд бўлганми бўлмаганлиги ҳамон номаълум. Аммо спарталиқларнинг урф – одат ва қонунлари Ликургнинг хоҳишига биноан эмас, балки барча кучни давлат ҳарбий тузумини мустаҳкамлашга қаратиш каби ҳаётий зарурат туфайли юзага келган.

Спарта давлатида ибтидоий жамоа тузумининг кўплаб қолдиқларини кўриш мумкин. Халқ йиғини (апелла) мавжуд бўлиб, унинг таркибига 30 ёшга етган спарталиқ эркалар кирган. Бу йиғинда уруш ва сулҳ масалалари кўрилиб, аммо овозга қўйиш русум бўлмаган. Ҳамма масала баланд овоз ёрдамида ҳал этилган. Оқсоқоллар барчаси

ҳозир бўлган тақдирдагина йиғин очик деб ҳисобланган. Агар оқсоқоллар йиғин чақирилишига рози бўлмасалар, улар умуман келмаганлар ва йиғин очилмаган. Спартада айнаи бир вақтда икки ҳукумдор бўлган. Бири дорийларнинг Эврипонтид уруғидан бўлса, иккинчиси Ахайянинг Агиад уруғидан келиб чиққан. Афтидан бу дуализм дорийлар Лаконияни истило қилган даврда ўзаро курашган ахайя ва дорий қабилаларининг зодогонлари бирлашган пайтидан қолган бўлса, эҳтимол.

Ҳукумдорлар басилей ва архагет номми билан аталган. Улар коҳин мартабасига эга бўлиб, авлиё ҳисобланган. Уруш вақтида ҳукумдорлар қўшинга қўмондонлик қилиб, Спарта давлатининг олий зодогонлик органи – герусия таркибига кирганлар. Ҳукумдорлар реал ҳокимиятга эга бўлмаганлар. Ҳатто эфорлар, яъни барча муассасалар устидан назорат қилувчи олий мансабдор шахслар ҳукумдорни ҳузурларига чақириш ҳуқуқига эга бўлган. Агар эфор ҳузурига келмаган ҳукумдорни зўрлаб олиб келганлар. Эфорлар бешта бўлиб, уларни халқ йиғинида бир йил муддатга сайлаганлар.

Давлатни бошқариш ҳуқуқига эга орган – герусия эди. Герусия (“геронт” – юнончадан кекса) Спартанинг зодагон ва эътиборли уруғлари вакилларида иборат оқсоқоллар мажлиси. Герусия таркибига олтмиш яшар 28 одам ва 30 ёшга етган икки ҳукумдор кирган. Агар подшолар ёш бўлса, подшо қариндошларидан бўлган васийлар герусияга умрбод аъзо бўлмаганлар. Геронтлардан бирортаси вафот этса, бўшаган ўринга янги вакил сайланган. Геронт ёши олтмишдан кам бўлмаган, ўз номзодини халқ йиғинида (апеллада) таклиф этган спарталиклардан сайланган. Апелладан ажратилган махсус комиссияни ёпиқ бинога жойлаштирилганлар. Шундан кейин геронга ўз номзодларни қўйган кишилар шу бино ёнидан ўтганлар. Комиссия ўтаётганларни кўрмаган ва геронтлар энг баланд овозда қичқирган номзодни танлаганлар. Эфорлар ҳам, Арасту айтганидек, худди шундай “болаларча усули” ёрдамида сайланган. Герусиянинг бир аъзоси битта овозга эга бўлгани сабабли ҳукумдорлар жиддий эътиборга эга бўлмаган.

Спарта аристократлар давлати бўлиб, унда герусия ва эфорлар бош ўрин тутган.

Пелопоннес иттифоқи. Пелопоннеснинг энг кучли давлати бўлган Спарта милoddан аввалги VI асрдаёқ икки қирғинбарот урушдан сўнг қўшни мамлакат – Мессенияни забт этиб, унинг аҳолисини илотларга айлантиради. Спарта Жанубий Юнонистон территориясидаги қолган давлатларни забт этолмаган бўлсада, лекин улар ҳам вақти келиб унга бўйсунушига мажбур бўлиб, ўзаро Пелопоннес иттифоқини ташкил этганлар. Бу иттифоққа мустақиллигича қолган Аргос билан Ахайя кирмаган, холос. Аммо ўрта Юнонистонда жойлашган Мегара ҳам Пелопоннес иттифоқига кирган. Спарта Пелопоннес иттифоқида асосий ўрин тутган.

Спарта ва Пелопоннес иттифоқи ҳарбий жиҳатдан бутун Юнонистонда устувор давр эгаллаганлар.

Ўз замонаси учун Спарта қўшини яхши ташкил этилган. Қўшин олдида солиб ҳайдаб борилган илотлар кетидан ёш спарталиклар, сўнг катта ёшдагилар жангга кирганлар. Улар болаликдан найза, қалқон каби қуроолларни ишлата билганлар. Бу қўшин милoddан аввалги VI-V асрлардаги Юнонистонда энг кучли қўшин ҳисобланган.

Спарта тузуми кадимги грек давлатлари орасида энг реакцион тузум эди: Пелопоннес иттифоқида гегемон бўлиб қолган Спарта мазкур иттифоқ билан бирга Қадимги Юнонистонда пайдо бўлган антидемократик оқимлар ва ҳаракатларнинг ҳаммасини қўллаб - қуватлаб келган.

гелиос, “тенглар жамоаси”, криптия, илотизм, апелла, герусия, эфорлар

Саволлар

1. Спартанинг ҳарбий давлат тузишида қолган юнон демократик полисларга ўхшаш ва ўхшамаслик белгиларини кўрсатиб беринг.
2. Нима учун Спартада маданият юксак ривож топмади?

5. Юнон - Форс урушлари

Манбалар. Юнон – форс урушларига оид асосий манба Геродотнинг “Тарих” асари бўлиб, бу асар баёни милоддан аввалги 478 йил воқеаларидан сўнг тўхтаган. Қатор қадим грек тарихчилари бу урушларга оид айрим воқеалар ва хусусиятлар хусусида ҳикоя қиладилар. Эсхил “Форслар” трагедиясида шохид ҳамда бевосита иштирокчи сифатида Саламин ороли ёнида грекларнинг форслар билан денгиз жангини ёрқин тасвирлаган. Милоддан аввалги V аср обидаларида ҳам бир қанча ёзувлар сақланиб қолган. Кейинроқ юнон - форс урушлари ҳақида сицилиялик Диодор ёзади. Плутарх ўша замонда Афинанинг атоқли сиёсий ва ҳарбий арбоблари – Фемистокл, Аристид ва Кимоннинг таржимаи ҳолларини баён этади. Афинада ва бўлган жанг бошқа жойларида ўтказилган археологик қазув материаллари ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Юнон - форс урушлари даврида форслар ва греклар. Милоддан аввалги VI аср ўрталарида пайдо бўлган ва милоддан аввалги VI асрнинг II ярмида барча Яқин Шарқ давлатларини забт этган қудратли Эрон шох Доро I милоддан аввалги VI асрнинг охирида, ўз қудратининг чўққисига эришди. Бу ҳукумдор даврида бу улкан давлатни идора қилиш тизими ташкил этилиб, қўшинлар ҳаракатланадиган стратегик ва савдо йўллари такомиллаштирилган, қарам қилинган қабила ва халқлардан олинган хирожлар Эрон пойтахтига келтирилган. Форслар ҳукмронлиги остидаги вилоятлардан доимий суратда катта хирож ундирилиши натижасида мазкур вилоятлар аста - секин инқирозга юз тутган. Шу сабабли, Эрон давлати янги ҳудудлар эгаллашга киришади. Янги ерларни истило қилиш ва Эрон давлатини кенгайтириш сиёсати бутун давлат ва ижтимоий - иқтисодий табиий натижаси бўлган. Милоддан аввалги VI асрдаёқ форслар Кичик Осиёнинг Эгей денгизи бўйидаги бой юнон полисларини забт этиб, сўнг Кичик Осиёнинг айрим ороллари ва Эгей денгизининг шимолидаги юнон колонияларини бўйсундириб олганлар. Бу истилолар жараёнида форслар Мармар ва Қора денгизларнинг Европа қирғоқларида яшовчи фракияликлар ва скифларнинг жангари қабилаларига қарши курашганлар.

Доро I Эрон давлатига хос истилочилик сиёсатини давом эттириб, Кичик Осиё юнонларининг бой шаҳарлари устидан ҳукмронлигини мустаҳкамлаш мақсадида милоддан аввалги 513 йилда Фракия орқали Шимолий Қора денгизнинг шимолий қисмига – скифларга қарши юриш бошлаган. Турли қабилалардан иборат Доро I қўшини таркибида Кичик Осиё юнонларининг ҳарбий бўлинмалари ҳамда Геллеспонт ва Қора денгизнинг Европа қирғоғидаги форсларга қарам бўлган юнон шаҳарлари аҳолисидан тузилган отрядлар ҳам бўлган. Эрон қўшини таркибида муҳандислик қисмлари бўлиб, уларда тажрибали юнон олимлари хизмат қилиб, уларнинг ёрдами билан Босфор орқали ва Дунай дарёси орқали понтон кўприклар қурилган.

Қора денгиз бўйларининг шимолий қисми табиий шароити тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлмаган Доро I қўшинлари скифларнинг асосий кучларини тор – мор

килишга интилиб, бепаён сахрода қолиб кетадилар. Кўчманчи скифлар форсларнинг босқинига қарши курашда энг мақсадга мувофиқ тактика танлаганлар. Улар қатъий жангдан воз кечиб, Эрон қўшини йўлларидаги қудуқларни кўмиб, озик - овқат маҳсулотларини йўқ қилганлар. Форсларнинг асосий кучларидан ажраб қолган кичик отрядларига хужум қилиб, душманни заифлаштириб, ҳолдан тойдирганлар. Доро I қатор муваффақиятсизликлардан сўнг юришни тўхтатишга ва ортга қайтишга мажбур бўлган.

Лекин бу юриш натижасида форслар Византия ва Болқон ярим оролининг бутун шарқий қисмини эгаллаганлар. Македония форслар олий ҳокимиятини тан олган. Эрон давлатининг чегаралари Грецияга жуда яқинлашиб қолди. Форслар Эгей денгизини Қора денгиз билан боғлаб турган бўғозларни эгаллаб, Грециянинг Қора денгиз шимолий қирғоғи билан алоқа йўллари тўсганлар. Бироз илгари Мисрни забт этган форслар грекларнинг Навкратис билан савдо алоқаларини ҳам издан чиқардилар. Шимолий Қора денгиз бўйи ва Мисрдан Грецияга ғалла ва бошқа товарлар келиб турар эди. Форслар Грециянинг рақиби финикияликларнинг денгиз савдосига ҳомийлик қилганлар. Кичик Осиё ва унинг яқинидаги оролларда яшовчи юнонлар Эрон солиқ тизимининг бевосита ҳамда шоҳ томонидан маҳаллий зодгонлардан тайинланган ҳукмдорлар жабрини тортганлар.

Болқон Грецияси полисларининг яқин ўтмишда қаттиқ ички курашда уруғ аристократияси устидан ғалаба қозонган савдогар, хунармандлари оммаси кучли ва шафқатсиз ташқи душманга тўқнаш келди. Кучларнинг тенг эмаслигини англаш юнон демоси Эронга қарши фаол чиқишдан ўзини сақлаб қолган. Аксинча, қатор полисларда мағлубиятга учраган зодгонлар форслар олий ҳокимиятини тан олиш эвазига Эрон шоҳининг ёрдами билан аввалги ҳукмронлик мавқеини қайтариб олишга, аристократия ҳокимият тепасида қолган полисларда эса форсларга таяниб, ўз ҳукмронлигини мустаҳкамлашга интилган. Шундай қилиб, грекларнинг Эронга нисбатан сиёсатида бирлик бўлмаган. Буни билган Эрон ҳукмрон доиралари ўз кучларга ишонган ҳолда аҳолиси кўп ва бой Юнонистонни осонлик билан бўйсундириш ва ундан кўшимча даромадлар олишга умид боғлаганлар. Истилочилик ҳаракатларини бошлашга фақат баҳона йўқ эди ҳолос. Уни юнонларнинг ўзлари топиб берганлар.

Юнон - форс урушларининг бошланиши. Кичик Осиёнинг грек шаҳарлари аҳолиси Эрон солиқ системасидан айниқса кўп жабрланган. Форслар қўйган ҳокимларнинг зулми аҳоли аҳволини янада оғирлаштирди. Аста – секин вазият мураккаблашиб, арзимас баҳона билан қўзғолон кўтарилиб кетиши мумкин бўлиб қолди.

Айни шу вақтда ички кураш натижасида Наксос оролида аристократия ағдарилиб, оролдан қувиб юборилган. Наксос аристократлари Иониядан паноҳ топдилар, сўнг ёрдам сўраб Милет тирани Аристагорга мурожаат қилади. Аристагор оролда аристократияни қайта тиклаш ва шу билан бирга оролни Эронга бўйсундириб: шоҳга хизмат кўрсатишга қарор қилади. У Наксосни забт этиш учун ёрдам сўраб Доро I га мурожаат қилса ҳам, аммо оролни эгаллашга муваффақ бўлмади. Геродот гувоҳлигича, шундан сўнг Аристагор Доро I ғазабидан кўрқиб, Милетга қайтиб боради ва маҳаллий халқни Эрон зулмига қарши қўзғолон кўтаришга даъват этади. Милетда милoddан аввалги 500 йилда қўзғолон бошланиб, тезда Кичик Осиёнинг бошқа шаҳарларига ёйилган ва уни маҳаллий аҳоли - карийлар қувватлаб чиқади. Аристагор тиранлик ҳокимиятидан воз кечган бошқа шаҳарларда ҳам тиранлар қўзғолончилар томонидан ағдариб ташланган.

Ион қўзғолонининг дастлабки муваффақиятининг сабаби, уни форслар кутмаган ва Кичик Осиёнинг ғарбий қисмида етарлича ҳарбий куч жамлаб улгурмаган эдилар. Аристагор Болқон Юнонистони шаҳарларига кўмак сўраб мурожаат қилади. Лекин у

ердагилар Эронга қарши чиқишдан кўркдилар. Савдо йўлларини форслар қўли остига ўтишидан айниқса кўп зарар кўрган Афина ҳам фақат расман ёрдам беришга рози бўлади. У Эрон флотига қарши йигирма ҳарбий кема, Эвбейдаги Эретрея шаҳри эса бешта кема юборади. Бу орада қўзғолон бутун Кичик Осиё соҳилини қамраб олиб, Кипрга ҳам ўтади. Лекин кучлар тенг эмас эди. Милоддан аввалги 494 йилда қўзғолон буткул бостирилган. Гуллаб - яшнаган Иония батамом тушкунликка юз тутди.

Форсларнинг Юнонистонга биринчи юриши. Афина ва Эритрия ионияликларга кўрсатган ёрдами Доро I учун Болқон Юнонистонига қарши биринчи юришни бошлашига баҳона бўлди. Милоддан аввалги 492 йилда курукликдаги улкан қўшин ва ҳарбий флот Эрон шоҳининг куёви Мардоний кўмондонлиги остида Юнонистонга қарши юриш қилди. Қўшин Геллеспонтдан кечиб ўтиб, йўл-йўлакай шаҳар ва қишлоқларни вайрон қилиб, Эгей денгизининг Фракия соҳилидан ҳаракат қилган. Ҳарбий-денгиз флоти соҳил бўйлаб борган ва йўл - йўлакай Фасос оролини забт этган.

Фракия жангари қабилалари жон - жаҳди билан қаршилиқ кўрсатиб, Халкидика ярим оролига яқинлашиб қолган Эрон қўшинини бирмунча ҳолдан тайдирганлар. Бунда шимолий Актэ бурни (ҳозирги Афон) ёнида денгизда кучли бўрон кўтарилиб, Эрон флотининг катта қисмини яксон этган. Натижада Мардоний Юнонистонга етолмай, ўзининг қолган – қутган денгиз ва курукликдаги кучлари билан чекинишга мажбур бўлган.

Эрон ҳукмрон доиралари ҳарбий намоиш, (кутилмаган табиий офат оқибатида тўхтаб қолган) юнон полислари аҳолисига даҳшат солиши лозим эди ва ҳақиқатда ҳам шундай бўлган. Эрон қўшини чекингач Доро I Юнонистонга элчилар юборади ва форсларга ер ва сув бериш, яъни Эрон давлатининг ҳукмронлигини тан олишни талаб этган. Кўпгина юнон шаҳар - давлатлари бу талабни бажариб, форсларга расман бўйсунганлар. Фессалия ва Беотиянинг айрим полисларида маҳаллий аристократия ўз ҳукмронлигини сақлаб қолиш мақсадида ҳатто Эрон ёрдамига умид боғлаган. Ўша вақтда энг қудратли икки полис, яъни демократик Афина билан аристократик Спарта Доро I га қарши майдонга очик чиқишга журъат қилган. Афинада Эрон талаблари халқ йиғинида муҳокама қилинаётган чоғида Доро элчиларини, қоядан улоқтирганлар. Спартада эса элчиларни, ерни ҳам, сувни ҳам шундан олсинлар деб улар кудукқа ташланган.

Форсларнинг Юнонистонга иккинчи юриши. Форслар Афинани энг катта душман деб ҳисоблаганлар. Милоддан аввалги 490 йилда Грецияга қарши иккинчи юриш бошланган. Ундан мақсад аввало Эритрия ва Афинага қарши уруш очишдан иборат эди. Энди Эрон флоти тажрибали кўмондон Датис ва шоҳ жияни Артафери бошчилигида Киликия қирғоқлари бўйлаб сузиб, Эгей денгизини кесиб, Эвбеяга қўшин туширди ва Эритрияни тор-мор қилади. Сўнгра Эрон флоти Аттика томон йўл олади. Форслар билан сузиб келган ва яна қайтишни умид қилган Афинанинг собиқ тирани Гиппий маслаҳати билан Датис қўшинларини Аттика шимоли-шарқий қирғоғига, Афинадан 42 км наридаги Марафон қишлоғи ёнида туширган. Аттиканинг тоғли соҳили кенг водийдан иборат бўлиб, Эрон кўмондонлиги ундан отлиқ аскарларини олиб ўтиш ниятида эди.

Эрон флотининг уруш ҳаракатлари ҳақидаги хабар тез тарқалган бўлишига қарамай, юнонлар урушга тайёргарлик кўрмаганлар.

Афинанинг ўзида эса собиқ ҳукумдор Гиппийнинг тарафдорлари ҳам мавжуд эди. Лекин Афина аҳолиси ватанининг мустақиллиги ва аристократия билан тирания устидан қозонилган ғалаба туфайли қўлга киритган ижтимоий - иқтисодий ва сиёсий ютуқлар учун қаттиқ туриб курашди. Эрон қўшинлари Марафон ёнига туширилганлиги хабари

тарқалиши билан дарҳол Афинадаги барча оғир қуролланган гоплитлар, енгил қуролланган гоплитлар, ёрдамчи қўшинлар жанговар тайёргарлик ҳолатига келтирилган. Ҳатто ваъда қилинган озодлик эвазига қуллар ҳам қўшинни кутиб турмай, Марафон ёнида жанг бошлашга қарор қилган. 10 мингга яқин аскар тўплашга муваффақ бўлинган ва бу қўшинга 11 кишидан, яъни 10 стратег ва бир архонтполемархдан иборат коллегия қўмондонлик қилган. Қўшни Беотиянинг кичик Платея шаҳрининг бир неча юз жангчиси ҳам Афина отрядига келиб қўшилган.

Барча юнонлар хавф остида қолгани сабабли афиналикларнинг спарталиклар билан оралари бузилганига қарамай, ёрдам сўраб Спартага чопар юборган. Лекин Спарталиклар, тўлин ой чиқмай туриб бизнинг қўшинимиз ҳаракат қилолмайди деб жавоб берганлар. Афиналиклар фақат кучларига таянишга мажбур бўлганлар. Афина отряди Марафон водийси ёнидаги тепаликни эгаллаб, Афинага борадиган йўлни тўсишга муваффақ бўлган. Марафон водийсига тушган Эрон қўшини отлик аскарлар ва пиёда камончилардан иборат бўлиб, сон жихатидан юнон қўшнидан анча ортиқ бўлган. Шу муносабат билан Афина стратеглари ўртасида, биринчи бўлиб жанг бошлаш ёки мудофаа ташкил этиш кераклиги хусусида ихтилоф чиққан. Бунда Стратег Мильтиаднинг биринчи бўлиб жанг бошлаш кераклиги тўғрисидаги фикри устун келган. Мильтиад ўтмишда Эронга қарам Фракиялик Херсонес шаҳрининг тирани бўлиб, бир вақтлар Эрон қўшинида хизмат қилган. У форсларнинг тартиб қоидалари билан яхши таниш бўлгани учун стратеглар жанг қўмондонлигини унга топширганлар.

Анъанага кўра, стратеглар навбатма-навбат бир кундан қўмондонлик қилганлар. Мильтиад қўмондонлик қиладиган кун келгач, у бутун лашкарни жанговар тартибда сафлаган ва форсларга қарши ҳужумга ўтган. Мильтиад аскарлари Датис ва Артаферн қўшинидан кам бўлганлиги сабабли, у қуршалиб қолишдан хавфсираб, ён қанотидаги сафини узунасига тахминан бир километр узунликда, водий бўйлаб энига саф торттирган. У марказни заифлаштириб, қанотларни кучайтиришига тўғри келган. Мильтиад аскарларининг интизоми ва жанговар руҳига ишонган. Уларнинг ортида бир неча километр ичкарида оила ва мол - мулки жойлашиб, барчасининг тақдири жанг оқибатларига боғлиқ бўлган.

Форслар билан жангга киришиш учун муайян йўл босиб ўтиш керак бўлган. Форслар камончи билан отлиқлари қабила-қабила, элат-элат бўлиб жанговар саф тортганлар. Эрон қўшинлари марказида форслар, ён томонларда уларга қарам элатларнинг отрядлари жой эгаллаган.

Афина гоплитлари учун ҳужумнинг сўнгги 100 метри энг катта хавф туғдирган, чунки форс камончиларининг ўқлари худди шу масофага етар эди. Мильтиад гоплитларга бу масофани югуриб ўтишни буюриб, бу билан икки вазифани ҳал қилган: ҳам форсларнинг камонидан талафот камайган, ҳам оғир қуролланган гоплитлар томон – денгиз соҳили бироз нишаб бўлгани сабабли янада тезроқ югурганлар. Шундан кейинги жангда форслар афиналикларнинг ён қанотларини ёриб ўтганлар, аммо гоплитлар уларнинг енгил камончилари ва отлиқлари ҳужумини қайтарганлар. Сўнгра афиналикларнинг ён қанотлари бирлашиб, ёриб ўтган форсларни тор-мор қиладилар. Жанг Эгей денгизининг саёзлигида ниҳоясига етиб, афиналиклар форсларнинг етти кемасини қўлга киритадилар, қолганлари денгизга қочган.

Мильтиад Аттика ярим оролини айланиб ўтиб, ҳимоясиз қолган Афинага ҳужум қилмоқчи бўлган форсларнинг ниятини сезиб қолади, чунки бу вақтда Афина лашкари Марафон ёнида эди. Шунинг учун Мильтиад ҳалок бўлганларни дафн этиш учун озроқ аскар қолдириб, бутун лашкарига қисқа тоғ йўлидан дарҳол Афинага қайтишни буюради.

Бундан аввалроқ жангдаги ғалаба тўғрисидаги хабарни етказиш учун Афинага чопар жўнатилган. Ривоятга кўра “марафонча югурган” чопар Афинага етиб келиши билан “Кувонинглар, биз енгдик!” деб, айтгану шу заҳоти йиқилган.

Кўп ўтмай ғолиб лашкар Афинага қайтиб, шаҳар гаванлари: Фалерон, Мунихий ва Пирейни ҳимоя қилишга йўл олади. Гоплитлар етиб келиб, порт истехкомлари ва бошқа мудофаа позицияларини эгаллаганлар. Эрон ҳарбий кемалари Аттика соҳили бўйлаб Афина гоплитлари куруклик орқали босиб ўтиши лозим бўлганидан анча кўп масофа сузиб ўтиши керак бўлган. Форс кемалари ўша вақтда Афинанинг катта порти – Фалерон ёнига етиб келгач, Эрон кўмондонлиги ўта мустаҳкамлигига ишонч ҳосил қилади. Уни Марафон водийсида форс кўшинини тор - мор келтирган юнон гоплитлари ташкил этган эдилар. Эрон флоти ҳужум бошлашга журъат этолмай қайтиб кетади. Орадан кўп ўтмай Спарта кўшини ҳам Аттикага ёрдам бериш учун кечикиб етиб келган.

Форсларнинг иккинчи юришидан кейинги даврда Эрон ва Юнонистон.

Афиналикларнинг Марафон ёнида форсларнинг улкан лашкари устидан ғалаба қозонгани катта маънавий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган. Бу ғалаба юнонларда Эрон агрессиясига қарши курашда ўз мустақиллигини сақлаб қолишига ишонч туғдирган. Эрон истибдоди остидаги халқлар Марафон ёнида золимларининг мағлубиятини эшитиб, ҳаракатга келганлар. Эрон ҳукумдорлари Юнонистонни эгаллаш фикридан воз кечмаганди. Лекин ички ғалаёнлар узоқ вақт Юнонистонга қарши учинчи юриш бошлаш имконини бермади. Милоддан аввалги 486 йилда эса Доро I вафот этди.

Юнонлар “нафас ростлаб олиш” имкониятидан унумли фойдалана олмадилар. Полислар орасида ўзаро мажаролар давом этар, олигархик ва демократик гуруҳлар ўртасида ихтилоф кучаймоқда эди. Аммо Эроннинг янги босқини хавфини ҳамма яққол англади. Эрон давлати ҳудудида кўзғолонлар бостирилиб, Доронинг вориси Ксеркс (Кайхисрав) Грецияни бўйсундириш мақсадида юришга ҳозирлик кўраётганлиги тўғрисида Кичик Осиёдан хабарлар ети келгач, Фессалия билан Беотия Эрон шохининг ҳукмронлигини тан олган. Ҳатто Пелопоннесда Аргос аввало Афинага қарши қаратилган бўлғуси урушда ўзини бетараф деб эълон қилди. Юнонларнинг мўътабар диний маркази – Дельфада кўшни Беотия ва Фессалия таъсири кучли эди, бинобарин, оракул¹ иккиланиш позициясини тутди. Лекин бошқа юнон давлатлари, гарчи аҳиллик билан бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда форсларга озми - кўпми қаршилиқ кўрсатишга ҳозирлана бошладилар.

Афинадаги сиёсий кураш ва урушга тайёргарлик ишлари ҳақида яхши маълум. Аттикада урушда қўлланажак стратегия масаласида турли табақа манфаатларини акс эттирувчи икки сиёсий гуруҳ - курукликдаги кўшин ва денгиз кучлари тарафдорлари ўртасида кураш борарди. Курукликдаги кучларни сафарбар қилиш тарафдорлари аристократ ер эгалари бўлиб, аммо уларга босқин оқибатида хўжаликларининг вайрон бўлишидан кўрққан деҳқонлар ҳам қўшилдилар. Аттиканинг қишлоқ аҳолиси чегара истехкомидаги кучли кўшин ёрдамида душманни даф қилишдан умидвор эди. Курукликдаги уруш тарафдорларига консерватив оқим вакили ва ер эгалари манфаатларини акс эттирган сиёсий арбоб Аристид бошчилик қиларди.

Курашни денгизга кўчириш тарафдорлари сиёсий гуруҳи савдо-хунармандчилик демоси мафаатларини акс эттирар, унга атоқли сиёсий арбоб Фемистокл бошчилик қиларди. У форсларнинг кўп сонли кўшини, ҳақиқатан Юнонларни итоат қилдиришни истаса, уларнинг курукликдаги аскарларни янчиб ташлайди, деб уқтирарди. Унинг

¹ Қадимги Юнонистонда гуё худонинг иродасини биладиган, башорат қилувчи коҳин.

фикрича, форсларга фақат денгизда тенг келиш, ҳатто улар устидан ғалаба қозониш мумкин эди, бунинг учун қудратли ҳарбий денгиз флоти қуриш лозим эди. Бўронда Актэ буруни ёнида Эрон флоти ҳалокатидан сўнг Мардоний бошчилигидаги қўшин чекинишга мажбур бўлгани ҳақида айтиб ўтган эдик. Афиналикларнинг ўз ғалласи етишмас, денгиздаги ғалаба қозониш афиналикларга Шимолий Қора денгиз бўйидан ғалла келтириш имконини берарди. Фемистокл ер эгаларини узил - кесил ғалаба учун ўз хўжаликларидан вақтинча воз кечиш ва барча куч ҳамда маблағини флот қуришга сарфлашга чақирди. Бунда, савдо - ҳунармандчилик демосининг асосий сармоялари ерга эмас, балки ҳунармандчилик ва савдога жойланган бўлиб, шунинг учун улар уруш натижасида ер эгаларига нисбатан анча камроқ зарар кўрарди.

Фемистокл қаттиқ сиёсий курашда савдогар, ҳунарманд ва фетлар кенг оммасига суяниб, қарама-қарши гуруҳ қаршилигини енгди. Милоддан аввалги 483 - 482 йилларда Аристид Аттикадан қувилди. Фемистокл тез суръатларда ҳарбий - денгиз флоти қуришга киришди. Аттиканинг жанубий қисмида жойлашган Лаврион конлардан қазиб олинган кумуш флот қурилишини маблағ билан таъминлади. Милоддан аввалги 480 йилга келиб, Афина Юнонистонда энг кучли флотга эга бўлиб, унинг таркибида 180 триер, яъни уч қатордан эшкакчилари бўлган тез юрар ҳарбий кемалар бор.

Форсларнинг Юнонистонга учинчи юриши. Айни шу вақтда форслар ғоят катта ҳарбий тайёргарлик ишларини авж олдириб юборган; қўшин ҳам денгиз, ҳам қуруқликдан Юнонистонга ҳужум қилиши керак эди. Қўшинлар яна Эгей денгизининг аввалроқ забт этилган шимолий соҳили бўйлаб силжиш, флот эса қирғоққа яқинроқ жойдан сузиб бориши лозим эди. Актэ буруни ёнида флотни омон сақлаш мақсадида унинг тор қисмида кема қатнайдиған канал қазилди. Геродот сўзларига кўра, Юнонистонга ҳужум қилган қўшин таркиби ёрдамчи кучлари билан бирга 5 283 220 лашкар бўлган. Албатта, бу орттирилган рақамлар. Ҳақиқатда эса ўша вақтда Ксеркс кўпи билан 150 минг аскар тўплаши мумкин бўлган. Аммо шу ҳам мисли кўрилмаган куч эди. Ксеркс ўз ғалабасига тўлиқ ишонгани сабабли юриш олдидан кўраётган тайёргарлигини яширишни ҳам лозим топмаган.

Юнон ҳалқини уруш олдидан ташвиш босди ва бу юнон полисларини ўзаро урушларни тўхтатиш ва бирлашишга ундади. Милоддан аввалги 481 йилда Афина билан Спарта ўртасида иттифоқ тузилиб, унга яна бир неча юнон полислари ҳам қўшилди. Шундай бўлса ҳам, тўлиқ бирликка эришилмади. Ҳатто Аттикада бир тўда аристократларнинг фитнаси фoш этилди. Улар Афинада ҳокимиятни қўлга олиб, форслар олдига бош эгиб бормoқчи бўлганлар. Милоддан аввалги 480 йил баҳорида форслар Юнонистонга учинчи юришни бошладилар ва унга Ксеркс ўзи бошчилик қилди. Ёзда Эрон қўшини Македонияга етиб борди, флот эса Актэ бурнини четлаб каналдан ўтиб олди ва Халкидика ярим оролини айланиб, Шимолий Юнонистоннинг шарқий соҳилига чиқди. Македония билан Фессалия Ксерксга бўйин эгдилар. Энг кучли қўшинга эга бўлган Спарта ва Афина ҳамда форсларга қарши мудофаа иттифоқиға қўшилган бошқа полислар ўртасидаги келишмовчилик форслар ишини янада осонлаштирди.

Дастлабки пайтда юнонлар форсларни Фессалиянинг шимол тарафида кутиб олишни мўлжаллаганлар, лекин бу давлат форслар томонига ўтганидан сўнг, улар Фессалия билан Ўрта Юнонистон чегарасига чекиниб, Фермопил йўлаги ёнидан жой эгалладилар. Бу жой тик жарлик ёқасида бўлиб, йўл тепадаги иссиқ чашмалардан оқиб тушган сув туфайли сирпанчиқ эди ва бир томони ботқoқликка тақалган. Бу ердан Фессалиядан Ўрта Юнонистонга бoриладиган йўл ўтган. Спарта - мудофаа иттифоқининг етакчиси эди, чунки у Пелопоннес иттифоқиға ҳам бош бўлиб, бутун

Юнонистонда гегемон саналган. Лекин спарталиклар илотлар кўзғолонидан ҳавотирланиб, асосий кучларини Пелопоннесдан олиб чиқмаганлар. Ваъда қилинган катта қўшин ўрнига Спарта Фермопилни ҳимоя қилиш учун шоҳ Леонид қўл остидаги 300 спарталик ва 1000 перизкдан иборат бўлинма ажратган, холос. Уларга қўшилган бошқа отрядлар билан бирга Фермопил ёнида Леонид ихтиёрида 7200 аскар жам бўлган.

Спарталиклар ички вазият тақозоси билан икки ёқлама сиёсат юритардилар. Улар Эрон босқини хавфини англаб етар, лекин форсларга қарши озроқ куч йўллаш билан олдиндан Эрон шоҳи мурувватига эришиб ва шу тариқа форс қўшинларининг Пелопоннесга бостириб киришининг олдини олмоқчи бўлдилар. Эрон қўшинларининг Пелопоннесга кириши илотлар кўзғолонига олиб келиб, бутун Спарта тизимини ҳалок этган бўларди. Спарталиклар шундан кўпроқ хавфсираганлар.

Леонид ўз қўшини билан икки кун давомида форсларнинг сон жиҳатдан ортиқ кучларининг атакаларини қаҳрамонона қайтариб турди. Лекин орадан хоин чиқиб, у форсларни айланма тоғ сўқмоқлари орқали Спарта қўшинининг орқа томонига олиб ўтади. Шундан сўнг Леонид юнон отрядларига чекинишни буюриб, ўзи уч юз спарталик билан форслар билан жангга киришиб, ҳалок бўлган ва шу билан бирга жанг майдонидан чекинмаслик ҳақидаги қонунни адо этган.

Спарта шоҳи отрядининг қаҳрамонларча ҳалок бўлиши Юнонистон аҳолиси руҳини кўтариб юборди. 271 триер (ҳарбий кема) дан иборат иттифоқчи юнон флоти Леонидга мадад бериб, Эвбея ороли шимолида (Артемия буруни ёнида) узоқ денгиз жанги давомида дам қўли баланд келиб, дам мағлуб бўлиб турган. Леонид отряди ҳалокати ҳақидаги хабар олгач, юнон флоти жанубга, Аттикага чекинади. Форслар Ўрта Юнонистонга бостириб кириб, Афинани ишғол қилиб, уни вайрон этганлар. Спарталиклар Коринф бўйинини мустаҳкамлаб, Пелопоннесни мудофаасига тайёргарлик кўришган бўлса, Афиналиклар Саламин ёнида қатъий жанг бошлаш тарафдори эдилар. Фемистокл бир амаллаб спарталикларнинг кўмондонини бу жангга кўндиради ва Саламин ёнидаги бу жанг милоддан аввалги 480 йил баҳорида бошланган. Унда ҳар икки томондан анча қўшин иштирок этган. Фемистокл режаси торгина Саламин бўғозига форсларнинг кўпроқ кемаларини киритиб, уларни маневр қилиш имкониятидан маҳрум этиш ва бир неча тез юрар юнон триерлари билан уларни яксон қилишдан иборат эди. Режа амалга ошиб, Эрон флоти тор - мор қилинди. Форслар Аттикани ташлаб кетишга мажбур бўлдилар. Ксеркс Кичик Осиёга йўл олди. Саламин жангида қатнашган улуг шоир Эсхил ўзининг “Форслар” трагедиясида грекларни ғайратга солган ватанпарварлик руҳи ва жанг кечишини қуйидаги сатрларда илҳом билан тасвирлаган:

“Эллада эрлари - деб келди садо -

Ватанни қутқаринг, жангларга киринг -

Хотин, бола - чақа, ибодатхона,

Оталар мозори - ҳаммаси учун!”

Эшитилар форснинг суронлари ҳам,

Фурсатни бой бермоқ мумкин эмасди:

Юнонлар кемаси ёвга қарата

Тумшуғин тўғрилаб жанг бошлар мана.

Финикий кемаси безакларини

Тезда уриб ташлар... Қизиб кетди жанг.

Авва қоим эди форслар қўшини;

Аммо тўдалашиб қолиб бўғозда

Кемалар қийнади бир - бирини хўп,

Биттасин тумшуғи бирига тегиб
Оқибат, барчаси ғарқ бўлди сувга...

(Муҳаммад Али таржимаси)

Грекларнинг Саламин ёнида форсларнинг денгизда сон жихатидан устун бўлган кучлари устидан қозонган ғалабаси урушнинг бутун боришида бурилиш ясади. Милоддан аввалги 479 йилда Мардоний қўли остида форслар қўшини яна Аттикага бостириб кириб, қисқа муддатда Афинани ишғол қилган. Аввал кутишга қарор қилган, спарталиклар Афина, Мегара ва Платея талабига кўра фаол ҳаракат бошлашга мажбур бўлдилар. Спарталиклар Ўрта Юнонистонга етиб боргач, Мардоний Аттикадан Беотияга чекинади ва Платея ёнида милоддан аввалги 479 йилда Спарта, Афина, Коринф кабиларнинг бирлашган қўшини билан форслар ўртасида кучли жанг юз берди. Форслар ҳужумини, оғир куролланган грек политлари қайтариб, уларни тор-мор қилдилар. Мардоний жангда ҳалок бўлди. Форслар Фессалия орқали Фракияга чекиндилар. Греклар ғоят катта ўлжани қўлга туширдилар. Платея ёнидаги жангда юнонларнинг асосий кучларига Спарта шоҳи Павсаний ва афиналик Аристид қўмондонлик қилган (форсларнинг босқини хавфи муносабати билан уруш ҳаракатлари олдидан бадарға қилинганларнинг бари Афинага қайтарилган). Ривоятга кўра, Платея ёнидаги бўлган жангда Афина стратеги Ксантипп ва Спарта шоҳи бўлган Леотихид бошчилигидаги юнон флоти Саламин ёнида мағлубиятдан қутулиб қолган ва Самос ороли билан Кичик Осиёдаги Микале буруни ўртасида жойлашган Эрон флоти қолдиқларини яксон қилган. Сўнг Самос, Хиос ва Лесбос ороллари ҳам форсларга қарши чиқиб, юнон иттифоқига қўшилдилар.

Уруш тобора кенгайиб, Юнонистон доирасидан ташқарига чиқиб, денгиз ҳамда Қора денгиз бўғозлари ўлкасида давом этди. Унда юнонлар мудофаадан ҳужумга ўтдилар. Чунки Эрон давлатининг ғоят катта кучлари Грециядаги форслар мағлубияти тўғрисида хабар тарқалганидан кейин ҳудудда кўзғалон кўтарилишидан хавфга тушиб қолган.

Грецияда ҳам кучлар нисбатида жиддий ўзгаришлар юз берди. Спарталиклар мамлакатда кўзғалон кўтарилишидан хавфда қўшинларини Пелопоннесдан узоқ вақт ёки йироққа чиқара олмаганлар. Уруш ҳаракатлари узоқлашган сари спарталиклар фаоллиги сусайиб борди. Эронга қарши урушда бошчилик кўпроқ афиналиклар қўлига ўтди. Милоддан аввалги 478 йилда уруш ҳаракатлари Византий ҳудудига ўтгач, Спарта урушдан чиқди ва эндиликда урушда Афина етакчилик қиладиган бўлган. Форсларга қарши урушда мунтазам ва ғолибона иштироки оқибатида Афина Юнонистон ҳудудида ҳақиқий етакчига айланди.

Таянч иборалар

Актэ буруни, Марафон, стратег, Фалерон порти, Дельфада, остракизм, Фермопил йўлаги, триер, Артемия буруни, Саламин бўғози

Саволлар

1. Қайси омиллар қадимги юнон давлатлари ўзаро урушларни тўхтатишига хизмат қилди?

2. Юнонларнинг форслар устидан ғалаба қозониш сабабларини айтинг.

6. Афинада қулдорлик демократияси

Афинада демократиянинг ташкил топиши ва ижтимоий табақалар

Ўртасидаги сиёсий кураш. Милоддан аввалги V асрларда Афина Грециянинг йирик савдо ва қудратли давлатларидан бирига айланган. Грек - Эрон урушлари ва Афина иттифоқи ташкил топаётган бир вақтда, катта ўзгаришлар рўй берди. Салон ислохотларига кўра Афинанинг барча фуқоралари ўзлари мансуб бўлган мулкӣ табақага кўра маълум ҳарбий мажбурият адо этганлар. Шунингдек улар баъзи – ҳуқуқларга ҳам эга бўлганлар. Ислохотлардан сўнг Афина қамбағаллари – фетлар Афина сиёсий пиллапоясининг энг қуӣ поғонасига тушиб қоладилар. Оғир курул - яроғлар сотиб олиш учун маблағи бўлмаганлиги туфайли улар ёрдамчи бўлинмаларда хизмат қилганлар. Флот Афина денгиз иттифоқининг таянчи бўлганлиги учун фетлар сиёсий аҳамияти жиҳатидан аста - секин Афина демосининг нисбатан юқори даражаси – зевгитлар, қисман эса суворийлар билан тенглашиб, милоддан аввалги V асрга келиб, Афина қудратининг асосий таянчи бўлиб қолдилар. Юнон - Эрон урушлари давридаёқ Афина демоси мавқеи ошиб, улар ҳокимият учун курашганлар. Демос ўша вақтда ишлаб чиқариш, ҳамда хунармандлар ва савдогарлар учун қулай шароит яратиб беради.

Ана шу V асрда қишлоқларда, асосан, қишлоқ демосинг вакиллари – бўлмиш майда ва ўртаҳол деҳқонлар яшаганлар. Йирик ер эгалари кам эди. Кейинчалик йирик ер эгалари пайдо бўла бошлади. Шу билан бирга Афинада аристократия ҳукмронлиги билан олигархия ҳам ривожланди. Афина аристократлари ўз ҳукмронлик мавқеини йўқота борди. Юнон - Эрон урушлари тугашига яқин аристократик ва демократик гуруҳлар ўртасида сиёсий кураш бошланди.

Аристократлар ҳарбий муваффақиятлари туфайли Афина сиёсатида ҳам етакчилиқка интилганлар. Афинада уларга машҳур саркарда Мильтиаднинг ўғли Кимон бошчилик қилар, аммо аристократлар ўша давр ишлаб чиқаришида муҳим ўрин тутмаганлар. Вақт ўтганлари сари уларнинг ер-мулки камайиб борган. Улар аксарият демократ кучларнинг Афинада йўқлигидан фойдаланиб, бой фуқаролар кўмаги билан ҳокимиятни вақтинча кучайтиришга эришдилар. Бироқ уруш ҳаракатлари тугаб, жангчи ва денгизчилар урушдан қайтиб келганидан сўнг, Афинада демос оммасининг фаоллиги кучайди. Демократиянинг вазифаси ҳокимиятда аристократларнинг сиёсий ҳуқуқларини заифлаштиришдан иборат бўлган.

Афина демократиясига оид ислохотлар. Перикл сиёсати. Милоддан аввалги 462 йилда кулдорлик демократиясининг йўлбошчиларидан бири Эфиальт томонидан ислохотлар амалга оширилди. У ўз олдига Афина ареопагини сиёсий муассаса сифатида йўқ қилишни мақсад қилиб қўйган эди. Аммо бу идоранинг обрў - эътибори зўр бўлганлиги боис Эфиальт мақсадга тезда эриша олмади.

У ареопагга қарашли далиллар тўплаган (Ареопаг - Афинанинг олий суд ва ҳокимият органи). Кейинчалик Эфиальт ислохотлар ўтказишга муваффақ бўлиб, бундан бўён ареопаг сиёсий назорат имкониятидан маҳрум, энди у фақат суд ишларини юритадиган бўлди. Қолган ишларнинг барини гелиэя, яъни ҳакамлар суди ижро этган.

Эфиальт вафотидан сўнг Афина демократияси заифлашиб қолди. Аристократ ва демократлар ўртасида сиёсий кураш кескинлашди. Бу вақтда тажрибали сиёсий арбоб Фукидид аристократия синфи йўлбошчиси бўлиб олди. Перикл эса демократия синфи йўлбошчисига айланди. Сиёсий курашларда демос манфаатларини ҳимоя қилган Перикл ғалаба қозонади. У ҳам бошқа сиёсий арбоблар каби аристократ синфидан чиққан. Онаси машҳур Алпиеонлар уруғига мансуб бўлиб, Клисфен ҳам шу уруғ вакили эди.

Перикл кулдорлик демократияси ғояларига сидкидилдан содиқ эди. У Афина демосининг турмушини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилган ва унинг манфаати

йўлида фаолият юритган. Перикл ўз ҳаётини Афина демократиясига бағишлаган. Унинг “Биз оз муддатда яратганларимиз қисқа муддат яшамаслиги керак” деган ибораси халқ орасида машҳур эди. Перикл демоснинг ўрта табақаларига таянган ва Афина камбағал табақаларини иш билан таъминлашга интилган. У шаҳар аҳолиси билан бирга йирик қурилишларда иштирок этган. Перикл халқ йиғинига таяниб, 15 йил Афина қулдорлик демократияси ҳокимиятини бошқарди. Афина демократияси кўпроқ халқ йиғинига таяниб иш кўрган. Бу эса Афина сиёсий барқарорлигини таъминлашда муҳим роль ўйнаган.

Демократия сиёсий тизими. Халқ йиғини - Афина ҳокимиятининг асосий органи ҳисобланиб, у беш юз аъзодан иборат бўлган. Демократия тарафдорлари халқ йиғинига сайланишда аҳолига таянар эдилар. Афинада халқ йиғини экклессия деб номланиб, Акрополь яқинидаги Поникс ясси тепалигида ўтказилган. Кейинроқ мажлислар Афина театрларига кўчирилган. Халқ йиғинида йигирма ёшга тўлган шаҳарнинг барча фуқаролари иштирок этганлар. Афинада истиқомат қиладиган, келгинди метеклар ва қуллар халқ йиғинига қўйилмаган. Афина халқ йиғини шаҳар сиёсий масалаларини кўриб чиқиб, ҳал этган. Молия масалари ҳамда, уруш ва сулҳ муаммолари ҳам шу йиғинда ечилган. Шунингдек, бу ерда бошқа мамлакат элчилари ҳам қабул қилинган. Афиналик озод фуқаро исталган масалани халқ йиғинига қўйиши мумкин эди. Қарор ва қонунлар очиқ овоз бериш, яъни қўл кўтариш йўли билан аниқланган. Баъзан масалалар ёпиқ овоз бериш билан ҳам ҳал қилинган. Бунда кутига қора ёки оқ тошлар ёки ёзув сопол парчалари ташланган.

Халқ йиғинидан ташқари, бошқа демократик муассасалар ҳам бўлган, аммо улар салмоғига кўра халқ йиғинига тенглаша олмаган.

Шундай демократик муассасалардан бири буле, яъни беш юзлар кенгаши эди. Бу кенгаш Клисфен замонидаёқ таъсис этилган. Беш юзлар кенгаши халқ йиғинида муҳокама қилинадиган масалаларни тайёрлаган. Бундан ташқари, кенгаш Афинадаги мансабдор шахсларнинг ишларини кўриб чиққан.

Гелиэя ҳакамлар суди ҳам йирик демократик муассаса ҳисобланган. Судьялар барча афиналик фуқаролар томонидан қуръа ташлаш йўли билан сайланган. Ҳаммаси бўлиб, олти минг судья сайланиб, беш минг ҳакам ва бир минг захира ҳакам бўлган. Афина суди ўнта палатадан иборат эди. Ушбу палата – дикастериялар бир қанча комиссияларга бўлинган. Судьялар ва суд маҳкамалар сонининг кўплиги сабаби, улар фақат Афина фуқаролари эмас, балки Афинанинг иттифоқчилари ҳам иштирок этиб, уларда Кичик Осиё, Жанубий Фракия соҳиллари ва Эгей денгизи ороллари аҳолиси суд қилиниши мумкин эди. Афина судида иши кўриладиган фуқаро иши қай вақт кўрилишидан бехабар бўлган. Бундан у суд бўладиган куни ёки ундан бир кун олдин хабардор этилган, холос. Даъвогар пора беролмаслиги учун шундай қоида жорий қилинган экан. Даъвогар ёки айбланувчи ўзини ҳимоя қилган, унинг қариндошлари ҳам мажлисда чиқиб сўзга чиқишлари мумкин бўлган.

Афина стратеглар яъни лашкарбошилар коллегияси ҳам муҳим ўрин тутган. У ўн нафар аъзодан иборат бўлган. Коллегия Афина мудофааси, шу билан бирга қўшинлар, ҳарбий кемалар, қалъалар ва ҳарбий портларни бошқарган. Ҳар бир стратегнинг ўз вазифаси бўлган. Стратеглар коллегияси соф ҳарбий вазифалардан ташқари, турли халқаро масалалар, давлатлараро муносабатлар билан ҳам шуғулланган. Баъзи стратеглар зиммасига элчилик вазифаси ҳам юклатилган. Афинанинг ҳар бир озод фуқароси давлат лавозимини эгаллаши мумкин бўлган. Стратег ва хазиначи лавозимларидан бошқа

лавозимлар куръа ташлаш йўли билан тайинланган. Стратеглар эса очик овоз бериш йўли билан сайланган, чунки бунинг учун муайян махсус тайёргарлик талаб этилган.

Афина фуқаролари вақт ўтиши билан давлат лавозимларига сайланиш ҳуқуқини қўлга киритган. Перикл даврида илк маротаба давлат лавозимига маош тўлаш жорий қилинди. Бундан мақсад - лавозимни эгаллаган камбағал шахслар бутун вақт ва имкониятини давлат ишига бағишлаши учун шарт – шароит яратилган. Бу пулга оддий ҳунармандлар ҳам бир кунга керак бўлган ҳамма нарсани сотиб олишга қурби етган. Иш ҳақи дита деб аталарди.

Афинанинг ҳар бир фуқароси халқ йиғинига янги қонун лойиҳасини тақдим этишга ҳақли эди. Аммо қонун лойиҳалари муҳокамаси ва тасдиқлаш жуда мураккаб иш бўлиб, муаллифлар улкан маъсулиятга эга эдилар. Агар янги қонун лойиҳасини ўрганувчи комиссия ва халқ йиғини лойиҳани Афина давлат тузумига қарши деб топса, лойиҳа муаллифига ўлим жазоси ҳам берилиши мумкин эди. Янги қонун тасдиқланганидан сўнг бир йил мобайнида Афинанинг ҳар бир фуқароси у бўйича фикрини билдириши мумкин бўлган. Афинада давлат тузумининг барқарорлиги ана шу тариқа таъминланган.

Қулдорлик демократиясининг тарихий аҳамияти. Афина демократияси демократик қарашлар нуқтаи назаридан бир оз чекланган бўлиб, чунки юқорида айтиб ўтилган барча ҳуқуқлардан, фақат эркин аҳоли фойдаланган. Маҳаллий халқ ва баъзи келгиндилар сиёсий ҳуқуқларга эга бўлмаганлар. Масалан, Афинада юнон полисларидан кўчиб келган метеклар истиқомат қилганлар. Улар устахоналар, аскарликда кўп йиллаб хизмат қилсалар ҳам, Афина фуқаролари ҳисобланмаганлар. Шунингдек, метек фарзандлари ҳам сиёсий жиҳатдан ҳуқуқсиз бўлганлар.

Афина аёллари сиёсий ҳуқуқдан фойдаланмаганлар. Уларга халқ йиғинида иштирок этиш, давлат лавозимларида ишлаш ва театрда бориш ман этилган. Афина давлатида ишлаб чиқариш қуллар меҳнатига асосланган. Аммо қулларнинг ҳам ҳеч қандай фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари бўлмаган. Шу боис Афина қулдорлик демократияси тарих нуқтаи назаридан, бугунги жамият демократик қарашларидан тубдан фарқ қилади.

Таянч иборалар

ареопаг, гелиэя, Акрополь, Поникс, “беш юзлар кенгаши”, стратег, Амфипол порти, Пангей тоғи, Пелопоннес иттифоқи, Никий сулҳи

Саволлар

1. Афина қулдорлик демократиясининг асосий тамойиллари нималардан иборат эди?

2. Нима учун аристократлар синфи Афина демократиясини қўллаб - қувватлаган?

7. Пелопеннос уруши (милоддан аввалги 431 - 404 йиллар)

Пелопоннес уруши ҳақида Фукидиднинг “Тарих” асарида батафсил маълумот берилган. Лекин унинг баёни милоддан аввалги 411 йил воқеалари билан чекланади. Урушдан кейинги маълумотлар эса Ксенофонтнинг “Юнонлар тарихи” асарида келтирилган. Бундан ташқари, Пелопоннес уруши ҳақида Диодор “Тарихий кутубхона” сида ҳам анча маълумот бор. Плутарх ўша давр сиёсий ва ҳарбий арбоблари (Перикл, Никий, Алкивиад, Лисандр) таржимаи ҳолини қоғозга туширган. Пелопоннес уруши даврига оид Аристофаннинг комедияларида эса, милоддан аввалги V аср охирида

афиналиклар турмуш тарзи ва уларнинг кайфияти ўз аксини топган. Археологик ёдгорлик ва ёзувлардан ҳам қизиқарли маълумотлар топиш мумкин.

Пелопоннес уруши қадимги кулдорлик Юнонистонда полислар нотекис ривожланиши, ички зиддиятлар кескинлашиши оқибатида келиб чиқди. Милоддан аввалги V асрнинг иккинчи ярмида Спарта бошқа шаҳар – давлатлар кучсизланганидан фойдаланиб, Юнонистонда ҳукмронлик ўрнатишга қарор қилди. Афина мақсади эса савдо ва ҳунармандчилик соҳаларида бош рақобатчилари – Коринф ва Мегарни заифлаштиришга интилиб, шу йўлда Жанубий Италия ва Сицилияни эгаллаб олишга уринди.

Пелопоннес уруши Коринф, Спарта ва Афинадан анча узоқда – қадимги Юнонистоннинг ғарбидаги Эпидамн колонияси (ҳозирги Албаниянинг Дуррес шаҳри) ва Керкир (ҳозирги Корфу) оролида бошланди. Эпидамнда демократик тўнтариш юз берди. Шаҳардан қочган зодагонлар Эпидамнга хужум қилдилар. Эпидамн аҳолиси Керкирдан ёрдам сўради. Лекин у бундан бош тортди, чунки Керкирда бу вақт ҳокимиятни зодагонлар бошқаришарди. Керкир Коринфнинг колонияси бўлгани учун эпидамнликлар Коринфдан мадад сўрашга мажбур бўлдилар. Коринфликлар Эпидамнга ёрдам қўлини чўзди, лекин оқибатда Керкир Коринфга қарши бўлиб қолди. Денгиз жангида керкирликлар коринфликларни мағлуб этдилар. Шунда Керкир дастлабки Афина денгиз иттифоқига қўшилди. Афинанинг ёрдами керкирликларни коринфликлар билан кейинги денгиз жангларида тўлиқ мағлубиятдан сақлаб қолди. Шу тариқа, Жанубий Италия ва Сицилияга элтадиган денгиз йўлида Афина билан Коринф ўртасида кураш бошланди. Бу курашда демократик Афина умумий душман – Коринфга қарши урушда Керкир зодагонларига кўмак берди.

Кураш Коринфнинг Халкидика ярим оролидаги колонияси Потидейда давом этди. Халкидика дастлабки Афина денгиз иттифоқига кирган, лекин Коринф билан ҳам яхши муносабатда эди. Коринф Керкир билан урушдан сўнг, Потидейни Афинадан ажратиб олмоқчи бўлди. Афиналиклар Потидейни қамал қилганидан сўнг Коринф қамалдагиларга ҳарбий ёрдам бериб, бунда Коринфга Мегар ҳам қўшилди. Бундай шароитда Афинадаги халқ йиғини биринчи Афина денгиз иттифоқига аъзо барча шаҳарларнинг Мегар билан савдо қилишини тақиқлаш ҳақида қонун қабул қилди. Бу эса савдо ва ҳунармандчилик ривожланган Мегар учун қаттиқ зарба бўлди.

Коринф ва Мегар Афинани мағлуб қилиш мақсадида Спартани уруш бошлашга даъват қила бошладилар. Спарта Афинага қарши урушга қўшилиши сабабли, у Пелопоннес уруши номини олди.

Спарта шоҳи Архидам II Афинага қарши уруш режасини ишлаб чиқди. Аттиканинг иқтисодий ва сиёсий аҳолини ҳисобга олиб, Архидам II унинг қишлоқ хўжалигини вайрон қилмоқчи ва шу билан Перикл ва уни тарафдори бўлган шаҳар демосига қишлоқ аҳлини қарши қилиб қўймоқчи эди.

Спарта уруш режасига қарши, Перикл бошчилигида афиналиклар ўз режаларини ишлаб чиқдилар. Спарталиклар қуруқликда, афиналиклар эса денгизда устун эдилар. Шунинг учун, Аттика деҳқонларини вақтинча Афина билан Пирей орасидаги баланд девор билан ўралган ерга қўчирилиб, спарталиклардан ҳимоя қилиниши ва бу вақтда Афина ҳарбий флоти Пелопоннесни денгиздан қамал қилиши керак эди.

Милоддан аввалги 431 йили Спарта қўшинлари Афинанинг шимол ва ғарбидаги экин майдонларини вайрон қилдилар, лекин афиналикларни қуруқликда жангга киришга мажбур қилолмадилар. Спарталиклар озик - овқатсиз қолиб, икки ойдан сўнг Пелопоннесга қайтишларига тўғри келди. 430 йилда Афина иккинчи марта қамал

қилинди. Шу йили афиналиклар нафақат урушдан, балки кенг тарқалган юқумли касалликлардан ҳам катта талафот кўрдилар. Шарқдан қайтган кемасидан Афина аҳолиси орасига кучли юқумли касаллик тарқалди ва кўп аҳоли қирилиб кетди.

Афиналиклар бу балоларда Периклни айблаб, уни ҳокимият тепасидан олиб ташладилар. Милоддан аввалги 429 йили яна ҳокимиятни қўлига олган Периклнинг ўзи тез орада касалга чалиниб, вафот этди.

Перикл вафотидан сўнг Афинада уруш сулҳини тарафдорлари ўртасида кураш авж олди ва унда жанговар рухдагилар ютиб чиқдилар.

Милоддан аввалги 425 йили Афина Спартага қарши урушни авж олдирди. Афина флоти Демосфен бошчилигида Пелопоннес ғарбига бостириб кириб, Пилос портини эгаллади. Афиналиклар бу ерда илотларни кўзғолон кўтартиришга ундадилар. Спарталиклар афиналикларни Пилосдан чиқариб юбора олмасалар ҳам, Сфактерия оролини эгаллаб, Пилос портидан чиқиш йўллари бекитиб қўйдилар. Шунда Афина халқ йиғини Демосфенга Клеон бошчилигида ёрдамчи куч юборишга қарор қилди.

Тажрибали денгизчи Демосфен Клеон келаётганини эшитиб, душман тўсиғини ёриб ўтди ва ёрдамга келган қўшин билан бирлашишга эришди. Демосфен билан Клеоннинг бирлашган кучлари Сфактерия оролида спарталикларни мағлубиятга учратдилар ва кўплаб асирлар олишди. Асирлар орасида зодагон спарталиклар ҳам бор эди. Спарталиклар сулҳ тузишни сўрадилар. Аммо Клеон ва унинг тарафдорлари Спарта учун оғир шартлар қўйгани сабабли Спарта билан Афина ўртасидаги уруш давом этди.

Спарталиклар истеъдодли лашкарбоши Брасид бошчилигида афиналикларнинг Эгей денгизи шимолидаги муҳим порти – Амфиполни эгаллаш учун тайёргарлик кўришди. Афиналиклар Амфипол портига эгалик қилиб, бу ердан Эгей денгизининг шимоли, Қора денгизга ўтадиган кўрфаз ва Амфипол яқинидаги олтин ва рангли металлларга бой Пангей тоғини назоратлари остига олишлари мумкин эди. Брасид қўшини билан Халкидика ярим оролининг бир қанча шаҳарни ва Амфипол портини ҳам эгаллади.

Спарталикларга қарши курашиш учун Амфиполга Клеон қўшини билан етиб келди. Икки давлат қўшини ўртасида шиддатли жанг бўлиб, бу жангда Брасид ҳам, Клеон ҳам ҳалок бўлдилар. Милоддан аввалги 422 йили спарталиклар Амфиполни бутунлай эгаллаб олдилар.

Клеон ўлиmidан кейин Афинада ҳокимият тинчлик тарафдори – бўлган Никий ва унинг тарафдорлари қўлига ўтди. Ўн йилдан бери давом этиб келаётган урушлар туфайли Пелопоннес, ҳамда биринчи Афина денгиз иттифоқлари ҳам анча толиққан эдилар. Шунинг учун икки иттифоқ ўртасида сулҳ тузиш ҳаракатлари бошланди. Милоддан аввалги 421 йили Спарта билан Афина ўртасида эллик йилга мўлжалланган тинчлик сулҳи тузилиб, унга Никий номи берилди. Никий сулҳи шартларига кўра Спарта ҳар икки давлат эгаллаган ерларидан қўшинларини олиб чиқиб кетишлари ва ўзаро асир алмашишлари керак эди. Афиналиклар илотлар кўзғолон кўтарса, спарталикларга уни бостиришда ёрдам бериш мажбуриятларини олдилар. Лекин сулҳ шартлари тўлиқ бажарилмади: афиналиклар Мессипиядаги Пилосда, спарталиклар эса Амфиполда қолавердилар. Спарта иттифоқчилари - Коринф, Мегар ва Фива Никий сулҳини умуман тан олмадилар.

Афина савдогар ва ҳунармандлар қатлами урушнинг сулҳ билан тугашига қарши эди. Қулдорлик тузумининг ривожини учун Афинага қарашли ҳудудларни кенгайтириш талаб этилар, шунинг учун урушни давом эттиришни ҳохловчилар сони кўпайиб борди.

Уруш тарафдорлари бошида Периклнинг қариндоши Алкивиад турарди. У Пелопоннесни бугдой ва озуқа билан таъминлаб турувчи бой Сицилия оролини эгаллаб олиш режасини таклиф қилди. Никий ва унинг тарафдорлари бу режага қарши чиқдилар. Лекин бу баҳсда Алкивиад ва уни қўллаб – қувватлаганлар ғолиб чиқиб, Афина халқ йиғини Сицилияга қарши уруш бошлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Милоддан аввалги 415 йилда Алкивиад ва Никий бошчилигида Сицилияга қарши урушиш учун икки юз олтмишта кема тайёрланди, Афинани барча маблағлари сарфланди ва урушга яроқли барча фуқаро сафарбар қилинди.

Афина кемалари Сицилияга кетадиган кун арафасида кечкурун саёҳат ва савдо худоси – Гермеснинг ҳайкаллари синдирилди ва афиналиклар бу ишда Алкивиад ва унинг тарафдорларини айбладилар. Шунга қарамай, Афина кемалари белгиланган вақтда Алкивиад, Никий ва Ламах бошчилигида Сицилия томон йўлга чиқди.

Кемалар Сицилия қирғоқларига етиб келганда, Алкивиадни судга олиб бориш учун Афинадан ҳукмдор кемаси етиб келди. Алкивиад Спартага қочди ва Афина халқ йиғини уни ўлимга ҳукм қилди. Алкивиад ўч олиш мақсадида, афиналикларнинг ҳарбий сирларини спарталикларга сотади ва Афинани енгиш учун Аттикадан туриб Афинага бостириб бориш қулайлиги ҳақида маслаҳат берди.

Алкивиад қочиб кетгандан кейин Афина қўшинида Никий урушни истамай, шошилмади. Бундан фойдаланган сиракузаликлар урушга тайёргарлик кўришга улгуришди. Милоддан аввалги 414 йилда афиналиклар Сиракуза қамалига киришдилар. Афиналиклар билан сиракузаликлар ўртасидаги жангда Ламах ҳалок бўлди, Афина флоти вайрон бўлди, қўшин сиракузаликларга таслим бўлишга мажбур бўлди. Никий ва Демосфен Сиракузада қатл қилинди, асирга тушган афиналиклар қуллик асоратига тушдилар.

Афиналиклар Сицилияда мағлуб бўлаётган бир вақтда Спарта қўшинлари Аттикага бостириб кириб, Декелеяни эгаллашди. Спарталиклар бу ерда ҳарбий база яратиб, Эвбея оролидан Аттикага озик-овқат йўлини тўсиб қўйдилар. Шу тариқа спарталикларнинг Афинани эгаллаш хавфи ортди. Бундай шароитда Афинанинг иттифоқчилари ундан узоқлашдилар.

Алкивиад эса спарталикларга ҳамон ёрдам берар, уларга форс сатрапи Тиссаферндан кучли ҳарбий флот яратиш учун кўмак сўрашни маслаҳат берди. Милоддан аввалги 412- 411 йиллар давомида Спарта Эрон шоҳи билан Тиссаферн орқали музокаралар олиб борди ва ҳарбий флот яратиш учун катта маблағ олишга эришди. Бунинг эвазига Спарта Афина устидан қозонилган ғалабадан сўнг, Кичик Осиёнинг грекларга тегишли ҳудудларини форсларга бериш керак эди. Бундай имкониятга эга бўлган спарталикларга Алкивиад керак эмас эди ва уни ўлдирмоқчи бўлдилар. Алкивиад Спартадан Эронга, Тиссаферн олдида қочди.

Милоддан аввалги 411 йили Афинада ҳокимиятни Ферамен, Антифонт, Писандр ва Фриних бошчилигидаги зодагонлар эгалладилар. Улар урушлардан чарчаган Аттика халқига Спарта зодагонлари билан сулҳ тузишни ваъда қилишди. Лекин уларнинг Спарта билан музокаралари натижасиз тугади. Зодагонлар халқ орасида ўз мавқеларини йўқотиб, ҳокимиятни зўрлик йўли билан сақлаб турардилар. Бу вақтда Афина флоти Самос оролида турар, бу флотни бошқарган Афина демократлари эса зодагонлар ҳокимиятини тан олмасдилар.

Алкивиад Самос демократлари билан алоқа ўрнатиб, Тиссаферн ёрдамида спарталиклар флотини енгиш ва Афина зодагонлар ҳокимиятини ағдариш режасини таклиф этди. Самосдаги Афина қўшинлари – Алкивиад, Фрасибул ва Фрассиллни

ўзларига йўлбошчи этиб тайинладилар. Милоддан аввалги 410 йилда Афина флоти Алкивиад бошчилигида Абидос яқинида икки маротаба спарталиклар флотини енгди. Афина халқ йиғини бунинг эвазига Алкивиадга белгиланган ўлим жазосини бекор қилди.

Ғолиб флот ва озиқ - овқат ортилган кемалар билан Афинага кириб келган Алкивиадни Аттика аҳолиси шод – хуррамлик билан кутиб олиб, уни Афина бош стратеги этиб тайинлади. Лекин Алкивиаднинг якка ҳокимлик ўрнатиш нияти маълум бўлгач, халқ Алкивиадни иккинчи бор сайламади. Шундан сўнг у Афинадан юрти Херсонесга қайтиб кетди.

Афинада зодагон ва демократлар ўртасида кураш кескинлашди. Бундан фойдаланган спарталиклар яна форслар ёрдамида кучли флот яратиб, Афина флотини кетма – кет мағлубиятга учрата бошлади. Милоддан аввалги 405 йили Спарта флоти Лисандр бошчилигида Афинага денгиздан ҳамла қилди, Декелеядан уларнинг пиёда қўшини бостириб келди ва Афина куруқлик, ҳам денгиздан қуршовда қолди. Милоддан аввалги 404 йили очлик ва турли хил касалликлардан ҳолдан тойган шаҳар ва ҳимоячилари спарталикларга таслим бўлидилар. Ғолиблар Афина билан Пирей атрофидаги деворни бузиб ташладилар ва дастлабки Афина денгиз иттифоқи барҳам топиб, Афинанинг ўзи Пелопоннес иттифоқига қўшиб олинди.

Шу тариқа 27 йил давом этган Пелопоннес уруши қолақ Спартанинг, ўзидан анча қудратли Афина устидан ғалабаси билан тугади. Пелопоннес уруши Грециянинг кучсизланишига олиб келди ва унинг иқтисодий ривожини анча сустлаштирди.

Таянч иборалар Эпидамн колонияси

Саволлар

- 1. Нима учун Грециядаги уруш “Пелопоннес уруши” деб ном олди?**
- 2. “Пелопоннес уруши” да Алкивиаднинг роли қандай бўлди?**

8. Александр Македонский монархияси

Филипп II Македонский ўлдирилганидан сўнг мамлакатда саросима бошланиб, тахтга янги даъвогарлар пайдо бўлди. Қўшин Александрни қувватлаб чиқди. Отасига содиқ барча лашкарбошиларни ўзига оғдирган Александр қўшинлар йиғинида Македония ҳукмдори деб эълон қилинди. Шундай қилиб, Искандар қонуний тахт вориси бўлади. У Шарқ мамлакатларида Искандар Зулқарнайн номи билан ном қозонган (милоддан аввалги 356 - 323 йиллар).

Гарчи Македонияда Искандар ҳокимияти эълон қилинган бўлса-да, бу давлат қўли остидаги юнон шаҳарлари ва маҳаллий қабилалар марказий ҳокимият заифлигидан фойдаланиб, ундан ажрала бошладилар. Афина, Фива ҳамда фракиялик тоғли қабилалар, иллерия қабиласи мустақил бўлиб олдилар. Лекин Македония бу вақтда анча кучайиб, яхши қуролланган қўшинга эга эди, шу сабабли Искандар барча аввалги ерларини қайтариб олишга муваффақ бўлади.

Шимолга юриш. Милоддан аввалги 335 йилда Искандар ажралиб кетган Фракия қабилаларини бўйсундириш учун шимолга юриш бошлади. Тоғликлар мардонавор курашдилар, аммо сон ва тактика жиҳатидан устун македонияликлар уларни бўйсундира олмадилар.

Македон қўшини Фракия устидан ғалаба қозониб, Филипп II замонида Македонияга қарашли бўлмаган янги ерларни ҳам эгаллайди. Афина ва Фива каби юнон

шаҳарлари Македониядан ажралганлиги хабари Искандарга етгач, машаққатли юришдан сўнг эллирияликларни яна итоат қилдира олади.

Фиванинг қулаши. Искандар кўзғолон кўтарган Фива устига кўшин тортиб бориб, уни қамал қилади. Македонияликлар шаҳарга бостириб кирадилар. Дахшатли қирғин оқибатида Фива эгалланиб, аҳолиси кул қилиб олиб кетилади. Шаҳар яксон этилди. Бундан ҳайиққан бошқа юнон шаҳарлари Македонияга тобеликларини билдирдилар. Устози файласуф Аристотель шогирди дилига юнон маданияти ва унинг маркази – Афинага ҳурмат ҳиссини жойлагани учун Искандар афиналикларга хайрихоҳ эди. Искандар Афинани вайрон этмади ва шаҳарга ташрифи чоғида шаҳар аҳли итоат билан кутиб олди.

Эронга юришга тайёргарлик. Искандар Юнонистонда ўз ҳокимиятини қайта тиклаганидан кейин, отаси амалга ошира олмаган ишга, яъни Эронга юриш қилишга тайёрлана бошлади. Милоддан аввалги 334 йилнинг қиши кўшин тўплаш ва уларга ҳарбий таълим бериш билан ўтди. Кўшинлар Фракия соҳилидаги Амфиполь шаҳрида тўпланган эди.

Искандар Зулқарнайн кўшини у қадар катта эмас, 30 минг пиёда, 5 минг отлик аскардан иборат эди. Македон кўшинида йўллар қурадиган махсус бўлинмалар, қалъа қамал мосламаларига хизмат қиладиган ва бошқа қисмлар бўлиб, бундай бўлинмалар бошқа бирон юнон кўшинида бўлмаган. Милоддан аввалги 334 йил баҳорида юриш бошланди. Эроннинг урушга тайёр эмаслиги маълум бўлди. Бу улкан давлат кўшинини тўплаб олиш учун икки йил керак эди. Искандар кўшинларининг соҳилга келиб тушишига тўсқинлик қилиш мумкин эди. Лекин эронийлар қаршилик кўрсатмадилар, натижада Искандар Гелиеспонддан сузиб ўтди. Эрон давлати инкирозга юз тутган, уни ўзаро уруш - можаролар емирмоқда эди. Милоддан аввалги 338 йилда шоҳ Артаксеркс III ўлдирилгач икки йил давомидаги ғалаёнлар мамлакатни янада заифлаштирди. Милоддан аввалги 336 йилда сарой аёнлари шоҳ хонадони аъзоларидан Кодомонни тахтга ўтказиб, у Доро III (милоддан аввалги 336 - 330 йиллар) номи билан ҳукмдорлик қилди. Эрон давлатида бирлик бўлмай, сатраплар мустақилликка интилар, марказий ҳокимият эса жуда заиф эди. Турли солиқ ва суиистеъмол қилишлар Кичик Осиё аҳолисини маҳаллий Эрон маъмурларига қарши кўзғатди. Бу ҳолатлар Искандарнинг Осиёга юришига ёрдам берди.

Милоддан аввалги IV асрда юнон ёлланма аскарлари Эрон кўшинида хизмат қиларди. Уларнинг раҳбари Мемнон шоҳга Кичик Осиёни тарк этиб, чорва молларини ҳайдаб кетиш, шаҳарларни вайрон қилиш ва қудуқларни кўмиб ташлашни таклиф этди ва натижада Искандар кўшини билан ташналик ва очликдан ҳалок бўлиши керак эди. Эҳтимол, бу режа амалга ошиши мумкин эди, аммо Кичик Осиёдаги Эрон сатраплари мулкларидан жудо бўлишини истамадилар. Улар Доро III га бошқа режа, яъни Кичик Осиёнинг шимоли - ғарбидаги мавжуд кўшинлар билан Искандарга қарши жанг қилишни талаб қилдилар.

Доро III юнонларга ишонмай, режаларини рад этади. Эрон кўшинининг юнон ёлланма аскарлари Искандар кўшини билан Граник сойи бўйида учрашиб, милоддан аввалги 334 йилда бу ерда жанг бўлади. Македонияликлар сойни кечиб ўтиб, форслар эгаллаган тепаликни ишғол қилади. Форслар тор-мор қилиниб, юнон ёлланма аскарлари жанг киришни истамайдилар.

Кичик Осиёга юриш. Македон кўшининг Граник ёнидаги ғалабасидан кейин Кичик Осиё соҳили бўйлаб жанубга йўл олди. Бундан мақсад, Эрон ҳарбий флотини соҳил яқинига келиш – имконидан маҳрум қилиш ва унинг Эгей денгизида уруш

ҳаракатлари олиб боришини қийинлаштириш эди: Кичик Осиё юнонларини Эрон асоратидан озод қилиш керак бўлган.

Граник ёнида мағлубиятдан кейин Доро III юнон Мемнонни бош қўмондон этиб тайинлайди. Мемнон Милетни мустаҳкамлашга киришди, аммо тўсатдан вафот этди. Форслар мустаҳкамлаган Милет македон аскарларига қарши – матонат билан жанг қилиб, ўзини мудофаа қилди. Лекин бу вақтда Искандарнинг ихтиёрида юнон флотига эга бўлиб, Милет қуруқлик ва денгиздан қамал қилинади ва ишғол этилади. Александр мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида Кичик Осиё ичкарисига, Каппадокияга йўл олади. У ерлик маҳаллий қабилалар Эрон давлати ҳудудида яшасалар ҳам, форсларга бўйин эгмаганлар. Улар Македония қўшинини хайрихоҳлик билан кутиб олдилар. Бу ернинг қиши қаттиқ бўлгани сабабли, милoddан аввалги 333 йилнинг бутун қишини Искандар Кичик Осиёнинг марказида ўтказди, бу қаби шароитда македон аскарлари жанг қила олмас эди.

Бу орада шоҳ Доро III қўшин тортиб Искандар томон юрди. Шоҳ қарвони жуда катта бўлгани туфайли Эрон қўшини аста силжир эди

Исс ёнидаги жанг. Македония билан Эрон қўшинлари Ўрта денгизнинг шимоли-шарқий қирғоғида (Исс) тўқнаш келади. Доро III нинг энг сара кучлари, яъни бўлинмаси ва Эрон лашкарбошилари, тажрибали жангчилар марказидан жой олдилар. Эронийларнинг чап қаноти ҳам кучли эди. Жанг бошланганда форслар Филипп II нинг яқин дўсти, тажрибали лашкарбоши Парменион бошчилигидаги македонларнинг ўнг қанотини сиқиб қўйишади. Искандарнинг ёрдамга етиб келиши вазиятни ўнглади.

Искандар шоҳ Доро III турган марказга отлик аскарларини йўллайди, форслар эса шароити ноқулайлиги туфайли бор кучни жангга сола олмайдилар. Қаттиқ жангда Эрон қўшини тор-мор бўлди. Македонлар шоҳ қарвонини, шу ҳисобдан Доро III нинг оиласини ҳам қўлга киритдилар.

Сурия ва Финикияга юриш. Исс ёнидаги жангдан сўнг Искандар Сурия ва Финикияга йўл олади. Финикия шаҳарларидан унга фақат Тир қаршилиқ кўрсатди. Бу шаҳарни Искандар етти ой давомида қўлга кирита олмади. Тирнинг бир қисми соҳилда, қисман эса мустаҳкамланган оролда жойлашган. Искандар денгизга тупроқ тўкиб, ходалардан ғовлар ўрнатишни буюради. У шу йўл билан Тирни босиб олмоқчи бўлди. Тир аҳолиси қахрамонона қаршилиқ кўрсатади. Улар ходаларга камондан ёндирилган ўқ отиб уларни ёқиб юборадилар. Аммо Искандар зўр машаққат билан Тирни олишга муваффақ бўлди. У ҳимоячиларга нисбатан шафқатсиз бўлди: қалъа вайрон қилиниб, ўттиз мингга яқин аҳоли қул қилиб сотилди.

Искандар Финикиядалигида Доро III Кичик Осиёни мулкинг қилиб, Эрон хазинасининг ярми ва катта қизини бериш шарти билан сулҳ таклиф қилади. Аммо бу таклиф рад этилади. Лекин ҳарбий кенгаш Искандар қўмондонлари орасида урушга қарши фикрлар юзага келганини кўрсатди.

Мисрга юриш. Александр Финикиядан жанубга қараб юрди. Фаластинда ҳам у озроқ қаршилиққа дуч келди.

Милoddан аввалги 332 йилда Искандар Мисрга қўшин тортди. Унинг мақсади Эрон давлати таркибидаги, бу бой мамлакатни эгаллаш ва Шарққа юриш чоғида мамлакатни мустаҳкамлаш эди. Мисрликлар македон қўшинларини яхши қабул қилдилар. Эрон сатрапи (ноби) Искандарга қаршилиқ кўрсатмади, балки, қўшинлар билан бирга Искандарни тантанали кутиб олди. Манбаларда айтилишича, маъбудлар суратлари, қучоқ - қучоқ гуллар ва пальма шохларини кўтариб чиққан халойиқ македон аскарларини шод хуррам кутиб олган. Искандар оёғи остига гилам, пояндоз ёзганлар.

Мисрликларнинг шодлигининг боиси, Эрон асоратига барҳам берган Искандар Миср маъбудаларига қурбонлик қилиш истагини билдириб, коҳинлардан бунда йўл йўриқ сўраган. Миср коҳинлари Искандарни фиръавн деб эълон қилганлар. Қадимги анъаналарга кўра Искандар маъбуд деб эълон қилинган.

Милоддан аввалги 332 йилда Искандар Ўрта денгиз қирғоғининг Нил дельтасида Искандария (Александрия) шаҳрини барпо этган. Тақдир насиб қилиб, бу шаҳар эллинлар даврида ва ундан кейинги вақтда муҳим сиёсий, иқтисодий ва маданий ўрин тутди.

Месопатамияга юриш. Милоддан аввалги 331 йил баҳорида Искандар Мисрни тарк этиб, Байнаннаҳрга қараб йўл олади. У ерда Доро III кўшинлари тўпланиб улгурган эди. Отлиқ аскарларга алоҳида аҳамият берилиб, Сўғдиёна ва Бактриядан келишган. Доро III лашкарлари Месопатамияга яқинлашиб, Оссурия пойтахти Ниневия яқинида Гавгамелада тўхтади. Доро III Искандар кўшинини куршаб олиш мақсадида ўз отлиқ аскарларига ҳарбий ҳаракатни бошлаш учун текисликда жой эгаллашни буюради. Гавгамелага узоқ йўл босиб ҳориган македон лашкари ҳам етиб келади.

Гавгамела ёнидаги жанг ниҳоятда қонли ва даҳшатли бўлди. Жанг македонларнинг ғалабаси билан якунланади. Искандар учун бу энг оғир жанг эди. Гавгамела ғалабасидан Искандар Бобилни, сўнг Сузани ҳам қўлга киритади. Сузадан Искандар Эроннинг ичкараси томон йўл олади. Қаршилик кўрсатишга уринган Форсларнинг Гавгамела ёнидаги жангда асосий кучлари яксон этилгани учун улар бунга эриша олмадилар. Кўшиннинг қолган қисми Эроннинг қадимги пойтахти Персеполь ёнида тор-мор этилди. Ғалаба байрими вақтида Искандарнинг буйруғи билан Ксеркснинг ҳашаматли саройи ёқиб юборилади. Милоддан аввалги 330 йилда бутун Эрон забт этилгач, Македон лашкарлари Мидия томон юрди.

Ўрта Осиёга юриш. Кейинги юришлар эҳтиёткорлик билан амалга оширилади, чунки Эроннинг шарқий қисмига форслар лашкарининг қолган қисми чекинган ва унда бўйсунмаган сатраплар йиғилган эди. Искандар кўшинлари тоғли доvon – Иқботана шарқида ва Гургон (Каспий) денгизининг жанубида жойлашган Гургон дарвозасидан ўтиб, Ўрта Осиёга киради. Ҳиндикуш тоғлари орқали Бактрияга киради. Бу вақтда Бактрия бир неча хонликлардан иборат эди. Бу мамлакатда мустаҳкам қалъалар анчагина эди. Ўрта Осиёда Македон лашкари оғир аҳволга тушиб қолади. Воҳа ва тоғли туманларнинг ярим мустақил ва мустақил бўлган аҳолиси истилочиларга қаттиқ қаршилик кўрсатдилар. Искандар узоқни кўзлаб Бактрия ҳукмдори кизига уйланади. Сўнгра кўшин Суғдиёнага қараб юрди. Чунки эрксевар сўғдлар ва уларга яқин скифлар билан курашишга тўғри келгани сабабли, Искандар қарийб икки йил Мароқан шаҳрида (ҳозирги Самарқанд яқини) қолиб кетди. Македонлар ҳукмронлигига қарши кўтарилган энг катта исён – кўзғолон Спитамен кўзғолони бўлди. Спитамен сўғд қабилаларини ўз атрофида бирлаштирган. Искандар кўзғолончилар билан қаттиқ курашади. Лекин Спитаменга яқинлари хиёнат қилиб, унинг лашкари тарқаб кетади. Искандар сўғд қишлоқлари ва шаҳарларини вайрон қилиб, уларга ўт қўйди.

Ҳиндистонга юриш. Бактрия билан Сўғдиёнани бўйсиндирган, Искандар Ҳиндистонга йўл олади. Мўъжизалар маскани – афсонавий Ҳиндистон Искандарни ҳамиша ўзига тортиб келган. Кўшин аввал Панжобга кириб, Искандар хинд рожаларининг бир қисмини ўзига оғдириб олишга эришади. Гидасп ёнида македон ва хинд кўшинлари ўртасида жанг бўлади. Македонлар ғалаба қозондилар ва забт этилган давлатлар Македония вассалига айландилар.

Искандар Ганг водийсига қараб юриш ниятида эди, лекин у ёққа етиб боролмайди. Ёғингарчилик мавсуми бошланиб, Македон аскарлари безгак ва бошқа касалликлар исканжасида қолдилар. Аскарлар Искандар кетидан Ганг водийсига боришдан бош тортдилар. Шндан сўнг Александр ортга қайтишга мажбур бўлди.

Ватанга қайтиш. Искандар янги мамлакатлар орқали қисқа ва қулай йўл изларди. Унинг буйруғига кўра кемалар курилади. Македон лашкари кемаларда Ҳинд дарёсидан Ҳинд океанига сузиб боради. Қўшин иккига бўлинади. Ярми куруклик орқали Искандар билан Гедрозия чўли орқали юриши, иккинчи қисми Неарх бошчилигида кемаларда Ҳинд океани, Эрон кўрфазидан сузиб ўтиб, Бобилга чиқиши лозим эди. Искандар Бобилни улкан монархияси пойтахти қилиб танлаган.

Гедрозия чўли орқали ҳаракат қилган қўшин минг машаққатга дучор бўлди. Сув ва озуқа тамом бўлди. Македон лашкари бирон жангда ҳам бу ҳалокатли саҳродаги каби кўплаб аскар йўқотмаган. Лашкарнинг учдан бир қисми омон қолди, холос.

Қўшин чўлдан ўтиб, серҳосил Кермонияга кириб келгач, флот Ҳинд океанида бўрондан қаттиқ шикастлангани, денгизчи ва аскарлар ташналикдан ҳалок бўлгани маълум бўлди, чунки уларнинг ичадиган суви қолмаган эди. Қўшиннинг икки қисми ниҳоят қўшилиб Бобилга етиб келишади. Искандарнинг Шарққа юриши 334 йилдан 324 йилгача давом этди. Бу юриш вақтида Греция ва Шарқ давлатлари янги савдо алоқалари юзага келди, Болқон ярим оролидан то Ҳиндистонни ўз ичига олган янги улкан давлат ташкил топди. Бу давлат ҳажми жиҳатидан Эрондан ҳам катта эди.

Искандарнинг юришлари истилочилик мақсадида амалга оширилганига македонлар тузган янги давлат иқтисоди, сиёсий тузуми ва маданияти жиҳатидан, шубҳасиз, қадимги Эронга нисбатан анча тараққий этган эди.

Таянч иборалар

Гелиеспонт, сатрап, Тир, Финикия, Гургон, Мароқан

Саволлар

1. Нима учун Искандар ўзининг Шарқ юришида Панжоб (Ҳиндистон) дан ортга қайтишга мажбур бўлди?

2. Искандар ҳарбий ислохотининг моҳияти нимадан иборат?

9. Милоддан аввалги VII - VI асрларда юнон маданияти

Архаик давр юнон маданияти крит – микен даври ва ундан кейинги милоддан аввалги XI - IX асрлар дорийларнинг кўчиш ва истилолари даврига бориб тақалади. Бу маданият шу даврга хос қўл меҳнати куруллари базасида ривожланган. Бевосита ишлаб чиқарувчилар – деҳқон ва ҳунармандлар давлатманд ва бой юнонлар қўл остида қул каби ишлаганлар. Қулдорлик муносабатлари аста - секин ривожланган бўлса ҳам, лекин жисмоний меҳнат эркин шахсни ҳўрлайди деб ҳисобланган. Бу даврга оид муомала ва муносабатлар Гесиоднинг “Меҳнатлар ва кунлар” поэмасида ёрқин акс эттирилган.

Бу даврнинг дунёқараши ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари даражасига мувофиқ эди. Табиат ҳодисалари ва ижтимоий муносабатлар кўпинча диний руҳда талқин қилинган.

Дин. Юнон дини крит – микен замонида ва уруғдошлик тузуми бузилаётган давридаёқ (милоддан аввалги XI – IX асрларда) таркиб топа бошлади. Милоддан аввалги VIII - VII асрларда бу дин тўлиқ ривож топиб улгурди. Бу – дин антропоморфизм, яъни инсонни илоҳийлаштириш, худоларни ўлмайдиган ва абадий ёшлигича қоладиган кучли,

гўзал кишилар деган тасаввурдан иборат бўлган. Грекларнинг тасаввурига кўра, олам аввал Хаосдан иборат, Ер - Гея ва ер ости олами – Тартар ҳам мавжуд бўлган.

Геядан унинг ўғли Уран – осмон худоси туғулади. Уран билан Геядан титан Кронос туғилган ва ўз отасига қарши чиққан. Булар титан – катта худолар эди. Кроноздан Аид, Посейдон, Гестия, Деметра, Гера ва Зевс каби кичик худолар келиб чиққан.

Зевс бошлиқ худолар – титанларни ағдариб, оламни ўзлари идора қила бошлаганлар. Зевс бош худо, худолар отаси ҳисобланган. Осмон маъбудаси ва никоҳ ҳомийси Гера унинг хотини бўлган. Посейдон денгиз худоси сифатида эъзозланган. Деметра ҳосилдорлик ва дон экинлари маъбудаси, Гестия уй – рўзгор маъбудаси, Аид ер ости оламининг худоси ҳисобланган.

Зевснинг кўп фарзанди - худо бўлган. Зевснинг калласидан барпо бўлган донишмандлик ва уруш маъбудаси Афина; рўшнолик ва санъат худоси Аполлон, ой ва ов маъбудаси Артемида, темирчи худо Гефест ва бошқалар энг иззатли худолар бўлганлар.

Гўзаллик ва севги маъбудаси Афродита юнонлар эътиқодича Кипр ороли ёнида денгиз кўпигидан пайдо бўлган ва шунинг учун унинг иккинчи исми Киприда эди. Гўзал йигитча қиёфасидаги Дионис узумчилик ва виночилик худоси сифатида эъзозланган. Унинг ҳурматига Дионисия байрамлари ўтказилган.

Юнонлар тасаввурида табиат илоҳий мавжудотлар билан тўлиб тошган. Улар назарида, чакалакзорда дриад, нимфа ва эчкиоёқ сатирлар яшаган, денгизда наяда ва сиреналар - аёл бошли қушлар яшаган.

Юнонистонда ярим худо – қахрамонлар эъзозланган. Юнонларнинг фикрича, бу ярим худо – қахрамонлар худолар билан одамларнинг никоҳидан туғилган. 12 жасорати эвазига Геракл алоҳида ҳурматга сазовор бўлган. У шер терисида ва кўлида таёқ билан тасвирланган. Геракл ёвузликка қарши курашиб, уни енгиб келган шахс образи эди.

Байрамлар. Қадимги Юнонистон шундай маданий анъана ва одатлари турли шаҳарларни бир-бирига боғлаган ва юнон халқини бирлаштирган. Болқон ярим ороли шаҳарлари ўз байрамлари, ўйинлари билан юнонларни бирлаштирган. Юнонистонда худоларга аталган махсус байрамлар ўтказилиб, улар фақат диний тусда бўлмай, жисмоний тарбия мусобақалари ҳамда мусиқа, кўшиқ ва шу кабилар байрамларнинг муҳим жиҳатлари ҳисобланган.

Бу байрамларга Юнонистоннинг барча полисларидан йиғилиб келган. Пелопоннесдаги Аргосда Гера Аргосий шарафига ўтказилган, Панафения, яъни маъбуда Афинага бағишланган ва бошқа машҳур байрамлар бўлган. Бу байрамлар чоғида Афинага Юнонистоннинг турли шаҳарларидан кўплаб одамлар ташриф буюрганлар. Афинада аёлларнинг намоишлари айниқса шуҳрат қозонган. Одатда аёллар уйларидаги махсус бино – гинекеядан ташқарига деярли чиқмаганлар. Улар бирор жойга яқин қариндошлари ёки соқчилари билан бирга борганлар. Аммо Панафенияларда аёллар маъбуда Афинага бағишланган тантанали юришда қатнашганлар. Улар байрам либосларида кўчаларга чиққанлар. Байрамлар тантанали, шу билан бирга ўйин – кулги билан ўтган. Бу куни кўшиқлар айтилган, одамлар давра олиб рақсга тушганлар, лапарлар айтганлар, охирида театр томошалари қўйилган.

Олимпия ўйинлари. Байрамлардан ташқари умуммиллий спорт мусобақалари ҳам юнонларни бирлаштирган. Пелопоннесда ўтган Олимпия ўйинлари мамлакатда донг таратган. Бу ўйинлар худолар отаси, чакмоқсочар Зевс шарафига ўтказилган. Олимпияда Зевс ибодатхонаси бўлиб, унда Зевснинг улкан ҳайкали ўрнатилган. Олимп ўйинлари ҳар тўрт йилда бир марта ўтказилиб, бинобарин, қадимги юнонлар кейинроқ вақт ҳисобини

олимпиадалар асосида юргиза бошлаганлар. Ривоятга кўра, илк олимпиада милoddан аввалги 776 йилда ўтказилган.

Олимпиадаларда барча юнонлар қатнаша олиш учун бу вақтда урушлар тўхтатилган. Шундай қилиб, Олимпия ўйинлари тинчлик даракчиси бўлган.

Олимпия ўйинларига юнон оламининг турли шаҳарларидан минглаб халойиқ йиғилган. Мусобақаларда югуриш, сакраш, диск ирғитиш, от араваларида пойгалар ўтказиш ҳамда гимнастика машқлари ўтказилган. Бундан ташқари, драматург, шоир, ашулачи ва созандадар ҳам ўзаро баҳслашганлар. Бу ўйинлар ҳам жисмоний, ҳам аклий ва маънавий камолот учун ҳам муҳим ўрин тутган. Жисмоний машқлар билан эркаклар иштирок этган, аёллардан эса фақат спарталиқ қизлар қатнашган.

Олимпия ўйинларининг ғолибларига одмигина мукофот – муқаддас зайтун дарахти баргларида ясалган гулчамбар берилган. Аммо бу гулчамбар энг олий мукофот саналган. Ғалаба қозонган шахс иззат – иқромга сазовор бўлган. Нафақат унинг ўзи, оиласи, туғилган шаҳри ҳам у орқали шарафланган. Ғолиб шарафига қўшиқлар айтилган, шеърлар тўқилган. Ҳайкалтарошлар уларнинг ҳайкаллари ясаганлар. Ашулачилар, музикачиларнинг мусобақаларида ғолиб чиққанлар, дафна гулчамбари билан мукофатланганлар. Улар ҳам халқ орасида обрўга сазовор бўлганлар ва ўз шаҳрининг фахрига айланганлар. Олимпия ўйинлари бутун Юнонистон маданий таракқиёти учун катта аҳамиятга эга бўлган.

Оракул (башоратчи)лар. Оракуллар ҳам юнонлар ҳаётида муҳим ўрин тутганлар. Улар туфайли юнон қоҳинлари жуда катта фойда кўрганлар, чунки ўз саволига жавоб олишни истаган кишилар уларга пул ё қимматли буюмлар келтирганлар. Оракуллар айрим шахслар эмас, балки башорат қилиш, яъни келажакдан хабар бериш билан шуғулланувчи бутун ибодатхоналарни англамоқ керак. Фокидидаги Дельфа оракули (башоратчиси) айниқса донг таратган. Бу ерда тоғлар орасида дара бўлиб, ундан заҳарли буғ чиқиб турган. Шу дара олдидаги сепояда башоратчи қоҳин аёл Тифия ўтирган. Заҳарли буғдан бу аёл ҳушидан кетиб, ҳушсиз ҳолда сўзлаган. Унинг сўзларини қоҳинлар изоҳлаб башоратчига берилган саволларга жавоб қайтарганлар.

Дельфалиқ оракул нафақат юнон, балки бошқа давлатларда ҳам шуҳрат қозонган. Оракуллар катта сиёсий роль ўйнаганлар. Уларнинг жавобларини турлича талқин қилиш мумкин эди, чунки ҳақиқатда оракул (башоратчи) ҳеч нимани олдиндан айтолмаган. Лекин ўз обрўларини йўқотмаслик учун қоҳинлар буни тан олмаганлар.

Фалсафа. Кичик Осиё юнон шаҳарларининг ҳунармандчилик ва савдо - сотиғининг таракқий этиши, шаҳар аҳолисининг роли ошиб бориши натижасида мафкура кўриниши ҳам ўзгарди. Юнонлар энди оламнинг диний изоҳ билан қаноатланмай, саволларга моддий оламдан жавоб излайдилар. Мафкуравий (диний) ва материалистик қарашлар ўртасида кураш боради ва унинг жараёнида милoddан аввалги VII – VI асрлар материалистик фалсафаси пайдо бўлди. Бу илк фалсафа стихияли ёки ибтидоий материализм деб ҳам аталади. Милетлик Фалес дастлабки ана шундай файласуф бўлиш билан бирга физик ва математик ҳам бўлган. У бутун оламни асоси – сув, деб ўргатган. Бутун олам сувдан пайдо бўлган ва шунинг учун бутун мавжудотнинг негизи сувдир. Унинг шогирдларидан бири – Анаксимен, бирламчи материя, яъни “апейрон” бутун мавжудот ибтидосидир деб ҳисоблаган.

Анаксимандр оламнинг асоси - ҳаво, “эфир”, у бутун мавжудотга сингиб, олам ундан келиб чиққан деб таълим беради. Файласуф Гераклит олам оловдан пайдо бўлган деб ҳисоблаган: “Олам - абадий алангланиб ва абадий сўниб турадиган оловдир”. Гераклит Эфес шаҳрида яшаган ва ўз фалсафасини шу ерда яратган. Бугунги кунда уни

биринчи диалектик деб ҳисоблашади. Дарҳақиқат, Гераклит таълимоти ерда буюмлар йўқ, балки юз бериб турадиган жараёнлар бор деб уқтиради. Гераклитнинг бош қондаси: “Ҳамма нарса оқиб туради, ҳар нарса ўзгаради”. “Айни бир дарёга икки марта тушиб бўлмайди, чунки биринчи тушганингизда сувнинг бир хил зарралари оқса, иккинчи маротаба сувнинг бошқа зарралари оқади”.

Фалес, Анаксимен ва Анаксимандр Милет мактаби файласуфлари эдилар. Қадимги Юнонистонда шунингдек мафкуравий фалсафа ҳам мавжуд бўлиб, у оламнинг ибтидосини табиат ва унинг ҳодисаларида эмас, балки ғояларда деб билган. Милоддан аввалги VI асрда Сицилияда яшаган Пифагор ана шундай идеалист файласуф эди. Пифагор юнон математикасининг асочиларидан биридир. Пифагор сонларни ўрганган, шунинг учун унинг назарида олма муайян сонлар ва уларнинг ўзаро муносабатларидан иборат бўлган. У Сицилияда асосан аристократ оилалардан келиб чиққан мухлислари, издошлари жамоасини тузган.

Юнон ёзуви. Юнон алифбо ёзуви милоддан аввалги IX - VIII асрларда финикияликлар алифбеси асосида юзага келган. Финикияликлар савдо ишларида, ҳисоб - китоб юргизишда алифбо зарур бўлган, аммо белгилари кўп қадимги Шарқ ёзувини ўрганишга на вақт, на имкониятлари бўлмаган. Ҳисоб - китобни акс эттирадиган ва тезда ўрганиш мумкин бўлган қисқа ва аниқ алифбо керак эди. Финикияликлар 22 ҳарфдан иборат янги алифбо тузганлар, лекин бу ҳарфлар фақат ундош товушларни англатган.

Юнонлар финикия ёзувидан фойдаланганлар, лекин қисман ўзгартириб, унга унли товушларни ҳам билдирувчи ҳарфларни қўшганлар. Шундай қилиб, улар 24 ҳарфдан иборат янги юнон алифбосини яратганлар. Биз учун юнон алифбосининг аҳамияти ушбу алифбо кейинчалик славян (кирилл) алифбоси учун ҳам асос бўлиб хизмат қилди.

Адабиёт. Янги алифбе ва ёзувнинг яратилиши юнон адабиёти ривожига жуда муҳим қадам бўлди. Милоддан аввалги VIII асрнинг иккинчи ярмида Беотияда яшаган шоир Гесиод икки йирик адабий асар яратди: биринчиси - “Теогония” да, унда юнонларнинг худолар ва оламнинг келиб чиқишига оид қарашлари баён қилинган; иккинчиси - “Меҳнатлар ва кунлар” асари эди.

Милоддан аввалги VII - VI асрларда юнон лирикаси юзага келиб, юксак даражада ривожланган. Бу - юнон полисларида аристократия билан демократия ўртасидаги кучли ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий кураш даври бўлган. Милоддан аввалги VII–VI асрлар даври доимий кураш руҳи билан шоирларнинг шеърларида акс этди. Бу шеърлар қисқача бўлиб, замона кишилариининг кайфияти ва ўй - фикрларини ифодалаган. Шоирлар озгина сўз билан кучли ҳис - туйғулар, қайғу ва шодликни тасвирлашга интиланлар.

Лирика сўзи ўша давр мусиқа асбоби - лира номидан олинган. Одатда шеърый асарлар лира мусикаси жўрлигида қироат билан ўқилган. Юнон лирикасига асос солган дастлабки шоирлардан бири – Архилох Парос оролида туғилган. У аристократия билан демократия курашида фаол иштирок этган. Ўз шеърларидан бирида Архилох ҳаёт йўлида омад гоҳ келиб, гоҳ кетиши ҳақида сўзлайди. Агар “сени енгсалар, - деяра эди у, - ғам ема, уйга беркиниб, йиғлама. Омад келганда меъёрида шодлан, кулфат тушганда меъёрида қайғур. Инсон ҳаёти пинҳона оҳангини англа”. Архилох ёлланма аскар бўлиб, Фракияда жанг қилган. Умри қандай тугаганлиги номаълум. Архилох тақдири ўша замонда сарсон-саргардон, оч-яланғоч ва доимо хавф-хатар остида яшаган оддий киши ҳаётига мисол бўла олади.

Қадимги юнон шеърларида қофия бўлмаган. Архилох шеърлари юнон лирикаси оҳангдор вазнининг гўзал намунаси. Кейинроқ кўп шоирлар Архилохга тақлид тариқасида ижод қилганлар. Милоддан аввалги VI асрда Лесбос оролида шоир Алкей ва

шоира Сафо донг таратганлар. Улар даставвал Митилена маданий марказида яшаганлар. Алкей ҳам фуқаролик, ҳам шахсий мавзуларда шеърлар яратган. У сиёсий фаолият билан ҳам шуғулланган ва аристократия тарафдори бўлган. Унинг “Кема” шеъри бунга энг яхши гувоҳ. Бу шеърида у бўронда кеманинг хавфли сафарини тасвирлайди. Ғарқ бўлаётган кема – аристократия тасвири бўлиб, у даҳшатли довулдан аранг қутулиб чиқади. Бундан ташқари, Алкей лирик шеърларида севги ва шаробни мадҳ қилган. Унинг Сафога бағишлаб ёзган шеъри айниқса машҳур. Алкей Лесбосдан Сицилияга кетишга мажбур бўлиб, умрини ўша ерда тамомлаган.

Алкей шеърлари ғоят муסיқийлиги, кайфиятни нафис ифодалаши ва ниҳоятда самимийлиги билан кишини ўзига жалб қилади. Митиленада шоира Сафо ҳам яшаб ўтган. У ёшлигида яхши маълумот олган. Сафонинг Клеида исмли қизи бўлиб, шоира уни жуда севган. Сафонинг биродари енгилтаклик, айш - ишрат билан кун кечирган. Шу сабабли Сафо қаттиқ қайғурган ва биродарига кўплаб шеърлар бағишланган. Сафо аёллар тўғарагига бошчилик қилган. Бу тўғаракка шеърият, лира чалиш ва бошқа санъат турларини ўрганиш учун турли мамлакатлардан қизлар ташриф буюрган. Ўқишни тамомлагач, улар ўз юртларига қайганлар. Сафо дугоналарига шеърлар бағишлаб, уларда айрилиқ ва фироқ туйғусини ифодалаган. Сафо ҳаётининг қувноқ дамлари ҳақида ҳам шеърлар ёзган:

Роҳатини севаман, Ёшлиқни севаман
Шодлиқни севаман, Хуш ёқар офтоб
Кун нуруни суймоқ, ҳуснига тўймоқ
Ва меҳр қўймоқлик қисмати ҳар тоб (“Парча”)

Сафо тўйларда айтиладиган ашулалар ёзган. Унинг севги ва гўзаллик маъбудаси Афродитага бағишлаб ёзган шеъри айниқса жуда машҳур. Сафо шеърлари замонасининг энг яхши асар намунаси бўла олади. Юнон поэзияси Болқон ярим оролида ҳам тараққий этди. Поэзия гўё ўринсиздек туюлган Спартада ҳам атоқли шоир Тиртей яшаган. У ватанпарварлик туйғулари ва олимпия ўйинлари ғолибларини ҳамда Спартадаги гимнастика ва ҳарбий мусобақа ғолибларини мадҳ этган, спарталиқларнинг урф – одатлари ва жасоратларини куйлаган.

Тиртей ўз қасидаларида спарталиқларни шавкатли жангчи бўлишга даъват этган ва жанг майдонларидан қочган ёки дўстларига хиёнат қилган кишининг шўри қуришини уқтирган. Юнон масаллари ҳам ном қозонган. Масалчилик адабий шаклининг ўзи айни шу даврда вужудга келган. Масал прозада ёзилган. Хайвон ва буюмлар замирида одамлар тасвирланган. Биринчи – масалнавис Эзоп афсоналарга кўра, қул бўлиб, оғир ҳаёт кечирган. Эзопнинг таржимаи ҳоли номаълум. Унинг Кичик Осиёда яшаганлиги маълум, холос. Эзоп қисқа ва ўткир масаллар муаллифи бўлиб, уларда камбағаллар билан бойларнинг кураши кўрсатилган. “Сен менга тега кўрма, - дейди сопол бочка ёғоч бочкага, - тегиб кетсанг, шу заҳоти нобуд бўламан”. Эзопнинг масаллари кейинчалик Ж.Лафонтен, И.А.Крилов каби масалнавислар асарлари учун намуна бўлиб хизмат қилган. Милоддан аввалги VI асрда сатирик поэма юзага келади. В.А.Жуковский томонидан рус тилига таржима қилинган “Сичқонлар ва қурбақалар уруши” поэмаси унинг ёрқин намунаси. Сатирик поэмалар гекзаметр вазнида, яъни Гомер дostonлари ёзилган шеър вазнида битилган.

Санъат. Ана шу даврда юнон тасвирий санъати вужудга кела бошлади. Дастлаб бу санъат архитектура ва ҳайкалтарошликда қадимги Шарқ санъатидан тараққиётда анча орқада қолади. Лекин милоддан аввалги VI аср охирларида юнон санъати гуркираб ривожланди, Дастлабки пайтларда юнон меъморчилиги (архитектураси) номукамал

бўлган. Милоддан аввалги VIII - VII асрлардаги юнон ибодатхонаси уч томони деворли ва тўртинчи тарафи очиқ ёғоч иморатдан иборат бўлган. Тўртинчи томондан томни ушлаб туриш учун олдида устун тиркаб қўйилган. Тош меъморчилиги пайдо бўлгач, устунлар тошдан ясаладиган бўлди. Шу тарика қатор устун (колонна) лар пайдо бўлган. Милоддан аввалги VII асрда ибодатхоналар хом ғиштдан қурилган. Кейинчалик тош ишлатиш ривож топди. Милоддан аввалги VII аср охирларида ибодатхоналарни атрофийи устунлардан иборат қилиб янгича шаклда қуриш расм бўлди. Худди шу вақтдан бошлаб дорийча услуб пайдо бўлади. Бу услуб учун, қатор устунлар хос. Колонна тагкурси, пойдевор ва тепақошга бўлинган. Дорийча устунлар қоши оддий, безаксиз бўлган.

Юнонистонда ҳайкалтарошлик ҳам энг ибтидоий шакллардан бошлаб ривожланди. Милоддан аввалги VIII асрда ибодатхоналар учун худоларнинг ёғоч суратлари ясалган. Милоддан аввалги VII асрда тош ҳайкаллари пайдо бўлган. Дастлаб бу ҳайкаллар ибтидоий шаклда эди. Масалан, Самослик Геранинг ҳайкали ана шундай, у ёғочдан ясаиб, кийинтирилган ҳайкалга ўхшарди. Унинг қомати деярли билинмайди. Ҳайкал дум-думалоқ қилиб ишланган. Милоддан аввалги VII аср охири ҳайкаллари одамга ўхшатиб ишлана бошланди. Масалан, Демослик Артемиданинг ҳайкали ана шундай. Унда гарчи унинг кўриниши бирмунча ибтидоий бўлса ҳам, қадди - қомати аниқ сезилиб туради. Бош, гавда, қўл ва оёқлар бор, лекин буларнинг ҳаммаси ҳали ясси ва схематик ишланган.

Милоддан аввалги VII асрда ҳайкаллар гуруҳларини ишлаш расм бўлди. Масалан, Сицилия оролидаги Селинтус ибодатхонасида бир гуруҳ ҳайкаллар қўйилган ва улар орасида қахрамон Персей Медузанинг бошини қилич билан чопаётгани ҳам бор. Бунда фигуралар анча батафсил ишланган. Гавда ва ҳаракатлар ўзаро мутаносиб, мукамал. Ўша даврдаги худолардан ташқари, курос (йигитча) ларни тасвирлаш ҳам кенг тарқалган сюжет бўлган. Худо Аполлон ҳам ёш йигит қиёфасида ифодаланган. Тенейлик Аполлон ҳайкали бутун дунёга танилди. У тик ва ҳаракатсиз туради. Шу билан бирга унинг гавдаси ўзига мутаносиб, боши муфассал ишланган. Лабларида сирли жилмайиш яширин. Архаик давр ҳайкаллари учун соч ва кийимлар синчиклаб ишланиши. Мармар ёки бошқа материалдан кокил, жингалак сочлар зўр маҳорат билан нозик ишланиб, Аполлон, Нике, Артемида ва бошқа ҳайкалларда бунинг намуналарини кўриш мумкин. Кийим жимжималари икир – чикирига қадар, баъзан шундай моҳирлик билан ишланганки, ҳатто мато киши кўзига кийим шаффоф бўлиб кўринади. Эркаклар одатда яланғоч ҳолда, аёллар кўпинча кийимда тасвирланган. Ўша замондаги ҳайкаллар турли рангларда бўлган. Бўёқ юқлари ҳайкалларда сақланиб қолган.

Архаик ҳайкалтарошлик фигуралари ўз гўзаллиги, юксак маҳорати билан одамни ҳайратга солади.

Юнон рассомлиги бино деворларида давримизга қадар етиб келган. Суратлар Италиянинг жанубидаги шаҳарлар вайронлари, сағаналар деворларида ҳам сақланиб қолган. Греклар ўша даврда ҳам вазаларни чиройли гуллар билан безаганлар. Булар ҳам қадимги рассомчилик санъати намунасидир.

Милоддан аввалги VI асрда қора, фигурали вазалар ясалган, яъни табиий қизғиш вазалар устига қора лак билан расмлар туширилган. Баъзан расмлар бошдан оёқ “қирилган” ва сўнг қизил, оқ бўёқ билан бўлган. Фақат архаик давр расмлари шундай усул билан ишланарди. Коринф сарғиш гилвата вазалари билан шуҳрат қозонган. Милоддан аввалги VI асрда Атикада ишлаб чиқарилган лак давримизга қадар ўчмай сақланиб қолган.

Классик давр юнон маданияти. Ҳозирги маданият кўп кўринишлари билан қадимги Юнонистоннинг кўп қиррали маданиятига бориб тақалади. Техника ва фан, фалсафа элементлари, адабиёт, архитектура ва тасвирий санъатнинг турли шакллари – жаҳон маданияти муваффақиятли суратда ривожланиб келган.

Юнон театри. Қадимги юнон маданиятининг энг ажойиб ҳодисаларидан бири – театр. Театр деҳқончилик қишлоқ ва деҳқонлар ҳомийси – Дионис худоси байрамида ижро этиладиган халқ кўшиқлари ва ўйинлари асосида пайдо бўлган. Дионис табиат кучларини ҳосил қилувчи маъбуд бўлиб, унга сиғиниш қишлоқ хўжалиги юритиш, машаққатлари ва қувончларини акс эттирган. Қадимги Юнонистонда, табиий шароитга кўра, қишлоқ хўжалигида асосан узум етиштирилган. Токлар барг чиқарган баҳорда Дионисия байрами ўтказилган. Бу байрам айниқса қувноқ бўлган. Янги винолардан ичилиб, давра олиб лапарлар айтилган, кўшиқлар айтиб, рақсга тушилган.

Дионис шарафига айтиладиган маросим кўшиғи – дифирамб ижрочилари эчки терисига ўралиб чиққанлар. Трагедия – яъни “такалар кўшиғи” маъноси шундан келиб чиққан (юнонча “трагос” - така, “де” - кўшиқ демакдир). Дифирамблардан юнон трагедияси пайдо бўлган.

Дионис шарафига айтиладиган бир қанча шўх ва кулгили кўшиқлардан комедия жанри ривожланди. Бу кўшиқлар бошловчи бошчилигида хор бўлиб ижро этилган. Бошловчи (корифей) ва хор Дионис ҳақида суҳбат юритганлар. Тингловчилар кичикроқ тепа теваарагида тизилиб ўтирганлар. Томошабинлар яхши кўриши ва эшитиши учун корифей билан биринчи артист махсус ясалган тахта чорпоя устида туришган, томошабинлар эса амфитеатр шаклида кетма - кет жойлаштирилган ўриндиқларда ўтирганлар. Театр – томошалари ана шу тариқа пайдо бўлган. Даставвал театр ёғоч бўлган. Артистлар ўйнайдиган жой сахна “скена” сўзидан олинган бўлиб, маъноси чодир демакдир. Дастлабки вақтларда бу ҳақиқий чодир бўлиб, унда артистлар кийинганлар. Сахнада Дионис шарафига қурбонлик эҳроми, куйи, яъни сахна олдида хор жойлашиб, бу жой орхестра деб номланган. Сўнгра томошабинлар ўтирадиган ўринлар - театр жойлашган. Юнон театри ҳамиша очик ҳавода ташкил этилган.

Юнон театрлари 20-25 минг томошабин сиғдирган. Шу муносабат билан театр - томошаларнинг ўзига хос алоҳида усуллари мавжуд бўлган. Аёллар ролини эркаклар ўйнаган. Артистни барча томошабинлар кўриши ва эшитиши учун этикларга баланд таглик – котурна боғлаган. Ҳамма актёрлар ниқоб (маска) кийганлар, ҳар бир ролнинг алоҳида ниқоби бўлган. Ниқоб оғзидан товуш кучайтирувчи рупор (карнайча) чиқиб турган. Қадимги юнон театрлари ажойиб акустика хусусиятига эга бўлиб, сахнага тушиб кетган танга жаранги улкан театрнинг орқа қаторларида ҳам баралла эшитилган.

Қадимги Юнонистонда театр – томошалар кўнгил очар иш эмас, балки муқаддас бурчни адо этиш ҳисобланган. Унда ҳар бир фуқаро иштирок этиши шарт бўлган. Перикл замонидан бошлаб, Афина фуқароларига театрга бориши учун давлат хазинасидан махсус театр пули ажратилган. Театр тарбия мактаби бўлиб, унда қўйиладиган пьесаларда энг муҳим ахлоқ, сиёсат ва мафкуравий масалалар баён қилинган. Театр – томошалар йилига катта байрам кунлари бир неча марта қўйилиб, қаторасига бир неча кун давом этган. Ҳар сафар уч трагедия ва уч комедия қўйилган. Демак, юнонлар эртадан – кечгача театр томоша қилганлар.

Адабиёт. Кулдорлик демократияси ривож билан, айниқса Афинада, адабиётнинг оммавий тури – драматик томошалар тараққий қилади. Улар оммавий халқ байрамлари асосида, трагедия ва комедия шаклида юзага келди.

Бутун қадимги юнон маданияти сингари, трагедия ҳам мифология асосида ривож топди. Лекин биз, “антик мифология ҳаракатсиз, мисли қотиб қолган манзара эмас; бу мифология унинг қарор топишида, ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётини акс эттирувчи доимий ҳаракатда олиб қаралмоғи лозим” лигини унутмаслигимиз керак. Классика даврида мифология полис мафкурасини тарқатувчи ва ифодаловчи бўлиб қолди. Шоирлар ўз трагедияларига ўша замондаги юнон жамиятининг тўлқинлантирган ғояларни жо қилар, бу ҳол қадимги Грецияда трагедиялар ғоят катта шуҳрат қозинишига сабаб бўлди ва улар ўша даврнинг жонли ва ёрқин ҳужжатига айланди.

Милоддан аввалги VI – V асрларда Афинада энг атоқли юнон шоирлари яшаб ижод этганлар. Улар бугун нафақат юнон, балки жаҳон адабиёти ҳам классикларига айланган. Улардан биринчиси Эсхил (милоддан аввалги 525 - 456 йиллар) бўлиб, уни ҳаққоний суратда “трагедиянинг отаси” деб атайдилар. Эсхил тиранияга қарши кураш ва кулдорлик демократияси равақ топган даврда яшаб ўтди ва Юнон – Эрон урушларида иштирок этди. Эсхил трагедиялари образларининг улуғворлиги ва озодлик ғоялари билан аҳамиятли. Эсхилнинг энг машҳур трагедияси “Занжирбанд Прометей”. Трагедияда паҳлавон Прометейнинг одамларга олов келтириб бергани учун тортган азоб уқубатлари ҳақидаги афсона асос қилиб олинган. Прометей Зевснинг мустабид ҳукмронлигига қарши чиқади. Трагедияда милоддан аввалги VI асрнинг охирида Афинада ағдариб ташланган тиранияга қарши норозилик кайфияти акс эттирилган. Прометей образи ҳозирга қадар долзарблигини сақлаган. Эсхил мифология мавзуларида ёзилган трагедиялардан ташқари “форслар” номли ажойиб ватанпарварлик трагедиясини яратди. Унда юнон - форс урушларида юнонлар ғалабаси ва Эроннинг мағлубияти тасвирланади. Саламин жанги тасвирланган. Афинанинг равақ топиши даврининг яна бир ажойиб шоири – Софокл (милоддан аввалги 496 - 406 йиллар). Эсхил сингари Софокл кўплаб трагедиялар муаллифи бўлиб, улардан еттитаи бизга қадар етиб келган. Софокл инсон меҳнатини улуғлайди. Лекин шу билан бирга тақдир ғоясига ҳам мурожаат қилиб, инсон нима қилса, бари тақдири азалга боғлиқ дейди. Софоклнинг энг машҳур трагедияси - “Шоҳ Эдип”. Унда инсоннинг тақдир олдида ожизлиги ғояси айниқса яққол намоён этилиб ва айни вақтда Эдипнинг олижаноб образида тақдирга қарши норозилик гавдалантирилган. Шоҳ Эдип умр бўйи у туғилган чоғда маъбудлар башорат қилган даҳшатли башоратни рўёбга чиқармасликка интилади. Лекин унинг истагидан қатъи назар башорат рўёбга чиқа бошлайди. Кейин маълум бўлишича, у отасини ўлдириб ўз онасига уйланган жиноятчи бўлиб чиқади. “Шоҳ Эдип” дан ташқари Софокл яна бир қанча ажойиб трагедиялар ёзган. Улар орасида “Электра” алоҳида ажралиб туради. Яна бир улуғ юнон трагедик шоири Еврипид. (милоддан аввалги 480 -406 йиллар). Унинг трагедиялари ҳис-туйғулар таҳлилига бағишланган бўлиб, улар инсон бахтсизлиги ва ҳалокатига сабаб бўлади. Шуниси диққатга сазоворки, Еврипид шум тақдир ғоясини баён этмайди. Унинг пьесаларида, Софоклдаги сингари, инсон ҳаракатларини тақдир идора қилмайди, балки одамлар ўзлари тақдирларини яратадилар. Лекин уларнинг ҳис-туйғулари тақдирдан ҳам машъумроқ. У “Медея” трагедияси оламга машҳур. Бу трагедия аламзада аёлнинг азоб-уқубатлари ва интиқомига бағишланган. “Ифегения Алвидада” трагедияси қаҳрамони Ифегения Троя урушида юнонлар ғалаба қозониши учун жонини қурбон қилди ва ўз ихтиёри билан ўлимга рози бўлади. “Ипполит” трагедиясида Ипполитнинг ўғай онаси Федранинг азоб уқубатлари тасвирланади. Федра Ипполитни

ўлгудек севади. Ўгай ўғлини ўзи билан жинойткорона алоқа қилдиришга кўндиролмагач, охири, ўч олиш мақсадида Ипполитни ҳалок қилади.

Еврипид ўз трагедияларида милоддан аввалги V асрнинг иккинчи ярмида шахс манфаатлари билан кўхна анъаналар ўртасидаги зиддиятни акс эттирди.

Юнон трагедияси ўз кучи, фавқулоддалиги, юксак ғоявийлиги ва образлар забардастлиги жиҳатидан драматургиянинг энг яхши намуналаридан биридир.

Юнон комедиясининг энг буюк намоёндаси – Аристофандр (милоддан аввалги 450 - 388 йиллар). Унинг комедиялари мазмуни ўша замондаги юнон ҳаётининг қомуси деб айтиш мумкин. Аристофан асарлари воқеалари Пелопоннес уруши ва тинчлик даврида юз беради. Аристофан уруш ҳаракатларидан айниқса азоб чеккан қишлоқ аҳолиси манфаатларини акс эттирган, шу сабабли, ўз комедияларида урушга жон-жаҳди билан қарши чиқади. У тинчлик тарафдори эди. Уруш тарафдори бўлган шаҳар демосини Аристофан қаттиқ танқид қилади ва унинг устидан кулади. Унинг комедияларида машҳур сиёсий арбоблар, саркардалар, хунармандлар, деҳқонлар, куллар образини ҳам кўриш мумкин. Ўша замонда Аристофан эътиборидан четда қолган бирон ҳодиса бўлмаса керак. Унинг “тинчлик”, “Аёллар – халқ йиғинида” каби комедиялари айниқса эътиборга молик. Аристофан шаҳар демосининг заифлиги ва турли сиёсий йўналишларнинг курашини “Суворийлар” номли машҳур комедиясида тасвирлаган. Бу комедияда демократия йўлбошчиси Клеон истехзоли кулги остига олинган.

Анъанавий қарашлар тарафдори бўлган Аристофан софистлар ва Сократ назарияларига қарши чиқади. Чунки уларни эски анъаналар тубига болта урган шахслар деб ҳисоблайди. Бинобарин, “Булутлар” комедиясида Аристофан Еврипидни устидан киноя билан кулган эди. Аристофан комедиялари кескин сиёсий тусда бўлиб, кўпинча сиёсий памфлетлар тарзида халқ тилида ёзилган.

Архитектура, ҳайкалтарошлик, рассомлик. Қадимги юнон архитектураси, умуман тасвирий санъати, қадимги юнон маданиятининг бошқа элементлари каби, кейинги даврлар бадиий тараққиётининг узвий қисмига айланди. Бунинг исботини ҳозирги вақтга қадар сақланган ёдгорликларда кўриш мумкин.

Классик даврда Юнонистонда ибодатхоналар, театрлар, мажлис бинолари, яъни булевтериялар етакчи архитектура иншоотлари бўлган. Милоддан аввалги V асрда шаҳарларни лойиҳа асосида қуриш расм бўлди. Лекин ибодатхона ҳамон асосий иншоотлигича қолди.

Дастлаб ибодатхоналар ёғочдан, тўғри бурчак шаклида ясалган. Ёғоч устунлар ўрнини кейинроқ тош устунлар эгаллаган. Ёмғир сувлари оқиб тушадиган вертикал тарнов-каннелюрлар тош устунга ўйиб ишланган. Энг эрта пайдо бўлган ордер ёки услуб – дорий услуби. Бу услубда қурилган бинолар тузилиши жуда оддий бўлган. Дорий устунлар тошдан ясалган махсус тагкурси устида эмас, балки тўғридан - тўғри полда ўрнатилган. Устунларнинг тепа қисми, яъни капители оддий, четдан қарашда трапециясимон кўринган. Бу услубда қурилган йўғон ва бақувват бўлган.

Милоддан аввалги V асрда бошқа ионий услуби расм бўлади. Бу услубда қурилган бинолар нисбатан ихчам, устунлари нозикроқ ва келишган бўлган. Устунлар пол устига эмас, балки тош тагкурси – база устига ўрнатилган, устунларнинг қоши - капители энди икки гажакли нақш – волютлар билан безатилган. Ионийча услубда қурилган бинолар мураккаб нақшлар билан безатилган.

Милоддан аввалги IV асрда бинолар коринф услубида барпо этилди. Унинг ионий услубидан фарқи, устунлари узун (ордерга мутаносиб равишда), тагкурси ва қоши анча мураккаб бўлиб, аканф ўсимлиги япроқлари билан безалган.

Афина акрополининг сақланиб қолган Парфенон ва Эрехтейон ибодатхоналари юнон архитектурасининг энг ёрқин намуналари деб айтиш мумкин.

Ажойиб Парфенон ибодатхонаси маъбуда Афинага бағишланган. Ҳозир ҳам у жаҳон архитектураси дурдонаси ҳисобланади. Парфеноннинг устунлари дорий услубида, аммо бинонинг ўзи ионий услубида қурилган. Парфенон қаршисида жойлашган Эрехтейон ҳам тарихий ёдгорликлардан бири. Бу бино ионий услубида барпо этилган. Унинг устунлари келишган ва нафис. Кариатида (қиз ҳайкал) лари ҳам ажойиб, ибодатхона девори олдидаги кичкина пешайвон томини улар устунлар ўрнида кўтариб туришади.

Милоддан аввалги IV асрда қадимги Афина марказида афиналик фуқаро Лисикратга қўйилган ёдгорлик ҳайкалини ҳам коринф услуби намунаси дейиш мумкин. У ҳам ҳозирга қадар сақланиб қолган.

Юнон ҳайкалтарошлиги дастлаб (милоддан аввалги VII асрда) қадимги Шарқ ҳайкалтарошлигидан анча ортда бўлиб, шаклан жуда оддий бўлган. Милоддан аввалги VI асрга келиб, одамнинг гавдаси ва юзини тасвирлаш такомиллашди, лекин бу фигуралар ҳаракатсиз тасвирланди. Фақат милоддан аввалги V асрдан эътиборан юнон ҳайкалтарошлиги раванқ топди. Ҳайкалтарошлар энди одам гавдаси ва юзини тасвирлаш билан чекланмай, уни ҳаракатда акс эттирадиган бўлди. Мирон, Поликлет ва Фидийлар шу даврнинг машҳур ҳайкалтарошлари сифатида ном қозондилар.

Мирон диск ирғитувчини ҳайкалтарош сифатида тасвирлаган муаллиф. Ҳайкалтарош ҳаракатни шу қадар жонли тасвирлаганки, бамисоли томошабин йигитнинг кескин бурилиб дискни ирғитаётганини ўз кўзи билан кўргандек бўлади. Мироннинг “Афина билан Марсий” ҳайкаллар гуруҳида ҳам ҳар икки фигура ҳаракат қилаётган каби ҳис этилади. Марсий ўрмон маъбудиди, у маъбуда Афинанинг ғазабини келтирган. Ҳайкаллар орқали ана шу манзара тасвирланган.

Аргослик ҳайкалтарош – Поликлет асосан гўзал ва ёш ўсмирлар – оддий фуқароларни тасвирлаган. Унинг “Найзабардор” ва “Диодумен” (ёш ўсмир бошига бойланган бинтни тўғрилаб тургани) ҳайкаллари айниқса кенг танилган. Мусобақада ғолиб чиққан ёш йигитларни тасвирловчи бу ҳар иккала ҳайкал ғоят нафис бўлиб, комиллик ифодасидир.

Поликлет санъатда нафақат амалиётчи, балки назарийчи ҳам эди. У милоддан аввалги V асрда одамнинг идеал гавдасини яшаш қонун - қоидаларини яратган.

Периклнинг дўстларидан бири энг йирик ҳайкалтарош Фидий эди. Унинг асарлари гўзал ва улуғвор. Унинг асарларидан энг машҳури Парфенонда ўрнатилган, олтин, ёғоч ҳамда фил суягидан ясалган маъбуда Афина ҳайкали. Бу ҳайкалнинг баландлиги 12,5 метр. Олимпияда Фидий Зевснинг тахтда ўтирган ҳайкалини ясаган. Бу ҳам ғоят улкан ҳайкал бўлиб, ўша усулда ясалган. Бундан ташқари, Фидий асарлари Парфенондан ҳам ўрин олган.

Акрополнинг марказида Афина Прамахос (яъни олдинда жангга кирган Афинанинг) ҳайкали турар эди. Бу маъбуда бошида дубулға, кўлида найза билан тасвирланган. Найзанинг учидаги зарҳал ярақлаб туради. Ҳайкал баланд тагкурсига қўйилган. Тирейдан бир неча чақирим наридан ўтаётган кемалардан ҳам бу найза кўринади. Фидий маъбудаларни тасвирлашда, уларнинг гўзаллиги ва ҳашаматини бўрттириб кўрсатади. Бу гениал ҳайкалтарошларнинг асарларидан ташқари, номлари номаълум яна кўпгина асарлар ҳам сақланган. 15 - 16 ёшлик, олимпия ўйинлари ғолиби – югурувчи қиз ҳайкали айниқса эътиборга лойиқ.

Милоддан аввалги IV асрда қадимги юнон ҳайкалтарошлиги моҳиятан ўзгарди. Бу нарса янги ижтимоий шароит, полисинг инқироzi, аҳоли ўртасида мулкый табақаланиш кучайиши, даврнинг алғов-далғов воқеалари билан боғлиқ бўлди.

Улуғ ҳайкалтарош Пракситель милоддан аввалги IV асрда яшаб, у маъбуд ва маъбудаларни чиройли, латофатли йигит ҳамда ёш жувонлар шаклида тасвирлаган. Унинг асарларидан гўдак Дионис билан ўйнаётган маъбуд Гермес, Киндлик Афродита ҳайкалини айтиб ўтиш кифоя. Фидийнинг улуғвор маъбудаларидан фарқли, Пракситель яратган маъбудлар нозик, улар ҳозирга қадар санъат муҳлисларини ҳайратга солиб келмоқда. Милоддан аввалги IV асрга қадар ҳайкалтарошлар аёлларни фақат кийимда тасвирлаган бўлса, Пракситель маъбуда Афродитани илк бор яланғоч акс эттиради. Пракситель ижоди, бир томондан бойлар, яъни аҳолининг ўзига тўқ табақалари ғоясини акс эттирган, иккинчи томондан диний қарашларга путур етказа бошлаган эди.

Милоддан аввалги IV асрда яшаб ўтган Скопас юнон ҳайкалтарошлигида алоҳида ўрин тутди. У инсоннинг жисмоний ва руҳий азобларини тасвирлаган. Жон ҳолатда югуриб кетаётган Менада ҳайкали ҳамда ярадор жангчиларнинг бошлари диққатга сазовор. Афсуски, бу ҳайкаллар яхши сақланмаган. Скопас ҳайкаллари кенг омманинг, милоддан аввалги IV асрда юнон қулдорлик полисларининг инқироzi вақтида азоб-уқубат, уруш-жанжалга тўла оғир аҳволини акс эттирган.

Классик билан эллинлар даври чегарасида, милоддан аввалги IV асрнинг ўртаси ва охирида машҳур ҳайкалтарош Лисипп яшаб ижод этган. У жисмоний ва иродаси кучли кишиларни тасвирлаган. Унинг Геракли ва баданини қашлағич билан тозалаётган Апоксиомени ана шундайлардан. Лисипп Икандар Зулқарнайн ҳайкалининг муаллифи бўлиб, ўша давр ва бу саркарда истилоларини асарларида акс эттирган. Поликлет сингари у санъат назариётчиси ҳам бўлган. Лисипп ўз паҳлавон (атлет) ларини қадди - қомати баландроқ ва Праксителдан фарқли ўлароқ, серғайрат ва ҳаракатчан қилиб тасвирлаган.

Полиснинг тангликка учраши ва индивудизм ривожини ҳайкалтарошликда ҳам ўз ифодасини топган. Бу ҳол милоддан аввалги V асрнинг дастлабки ярмида сақланиб қолган портрет ҳайкалларда айниқса яққол кўзга ташланади. Уларнинг бари бир - бирига ўхшаш. Бироқ милоддан аввалги IV асрда ҳайкалтарошлар ўз қахрамонлари ва буюртмачилар индивудизм белгиларини акс эттиришга интиланлар.

Қадимги Юнонистонда рассомлик кенг расм бўлган, аммо ҳозирга қадар унинг намуналари деярли сақланиб қолмади. Юнон рассомлари учун одатда айрим мифология манзаралари сюжет бўлиб хизмат қилган, шу билан бирга замон воқеалари ва юнонларнинг турмуши ҳам акс эттирилган бўлган. Италиядан ва Россиянинг жанубидан Археологлар топган сағана фрескалари, бизгача кўплаб етиб келган қизил ва қора шаклли гулдор вазалар монументал ва станокли юнон рассомлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконини беради. Нақшкор рассомлар шу тариқа сюжетни батафсил акс эттира олганлар.

Дин юнон классик маданиятининг муҳим таркибий қисми бўлиб, архитектура, тасвирий санъат, адабиёт ёдгорликларида ҳам ўз аксини топган. Қадимги юнон динининг асосий шакллари архаик даврдаёқ таркиб топиб, унинг илдизлари энг қадимги крит-микена даврига бориб тақалади.

Қабилалар ва полислараро алоқаларнинг кенгайиши натижасида юнонлар ўз қўшни ва йироқ юртларнинг маъбудлари билан танишганлар. Кўпинча турли юрт маъбудлари бир, фақат номлари фарқ қилган, холос. Асрлар ўтиши билан шохлар эски фазилатларини йўқотиб, улар янги жиҳатлар билан бойитилган ёки янги фазилатлар

эскиси билан уйқаш бўлиб кетган. Ибтидоий жамоадан синфий жамиятга ўтиш даврида маъбудлар ҳақидаги тасаввурлар, айниқса кескин ўзгарди. Ана шуларнинг ҳаммаси милoddан аввалги VIII - VII асрларда кўпдан - кўп маҳаллий ва умумюнон маъбудларини силсиласини тартибга солишга эҳтиёжини туғдирган. Диний мифология Гесиод томонидан тартибга солинган шаклидан то антик даврнинг сўнгигача асосан одамлар тасаввурида мавжуд бўлган. Юнонлар учинчи авлодга оид бош маъбудларни Фессалия ва Македония чегарасидаги бирдан - бир қорли чўққи – Олимп тоғида ўрнатганлар. Классик даврда эса сўз самовий Олимп устида борган.

Бир қанча маъбудлар ва маъбудалар ўзаро бир-бирини такрорлаган. Табиат кучлари ва инсон фаолиятининг барча турлари ўз ҳомий-маъбудаларига эга бўлган. Масалан, маъбуд Гермес савдони, ҳамда чопар ва саёҳатчилар ҳомийси саналган. Асосий белгиларига кўра патриархат ва синфий жамиятга ўтиш, уруғ аристократиясининг ҳукмронлиги даврида, олимп дини ибтидоий жамоанинг бир қанча белгиларини сақлаб қолган. Зевс гўё патриархал маъбудлар уруғининг ҳукмдори сифатида улар билан Олимпда кенгашган, аммо қарорни якка ўзи қабул қилган. Қулдорлик жамияти пайдо бўлиб, ривожлана бориши билан маъбудлар жамият ва давлат ҳомийлари бўлиб қолганлар. Ҳар бир полисининг ўз ҳимоячи маъбуди бўлган, фуқаролар шу маъбуд ёки маъбудага давлат миқёсида эътиқод қилиш маросимини адо этганлар. Афина полисининг ҳомийси маъбуда Афина, Коринф ҳимоячиси эса Аполлон бўлиб ҳисобланган.

Юнон динида тотемизм қолдиқларини ҳам кўриш мумкин, яъни ҳар бир маъбуд ёки маъбудага бирор қуш ёки ҳайвон аталган. Асосий маъбудалардан ташқари, юнонлар яна кўплаб иккинчи даражали маъбудлар: нимфалар, кентаврларга топинганлар. Маъбудлар ва оддий аёллардан дунёга келган ярим маъбудларни юнонлар қаҳрамонлар деб атаганлар. Қаҳрамонлар ўзлари туғилган полисларни ҳимоя қилиб, одамлар бахт-саодати учун оғир вазифалар адо этганлар. Замон ўтиши билан маъбудлар ҳақидаги тасаввур ўзгарган, аввалги диний эътиқодлар кейинги авлодларни қаноатлантирмай қўйган, эски дин тангликка учраб, маъбудларга нисбатан янги муносабат шаклланган, уларга янги мазмун бериб, одамларнинг тасаввурида ўзгарган ижтимоий муносабатларга кўпроқ мувофиқ бўлган янги илоҳлар пайдо бўлган.

Полис дини эски диний тасаввурларининг милoddан аввалги IV асрда ана шундай тангликка учрагани маълум. Бу ўша замон адабиёти, санъати ва фалсафий қарашларида ўз аксини топган.

Қадимги Юнонистонда классик давр фалсафаси. Классик замондаёқ табиат ва инсон фаолияти устидан олиб борилган кузатиш натижаларини умумлаштиришга интилиш оқибатида фалсафий-эстетик фикр раванқ топди. Юнон фалсафаси фан сифатида пайдо бўлиши жараёнида материализм билан идеализм ўртасида бошланган кураш бу тараққиётга кўмаклашди.

Периклнинг дўсти файласуф Анаксагор ўз салафларнинг материя тузулиши билан қизиқади. У барча жисмлар энг майда зарраларнинг тегишли сифати: ҳаво – ўта майда ҳаво заррачалари, дарахт–энг майда ёғоч зарралари, металл–тегишли металл зарраларидан, гўшт - энг майда гўшт зарраларидан тузилгандеб таълим берарди. Шу билан бирга у материянинг келиб чиқишига “оламий ақл” сабабчи деб ҳисоблаган.

Абдералик Демокритнинг (милoddан аввалги 460 - 370 йиллар) бутун коинот, шу жумладан, еримиз, барча буюмлар, одамлар, ҳайвонлар ҳам модда жиҳатидан бир хил, лекин шакл ва ҳажм жиҳатидан турлича энг майда зарра – атомлардан иборат, деган таълимоти қадимги юнон фалсафасининг чўққиси бўлган. Демокрит таълимотига кўра, атом - абадий ва ўзгармас материянинг энг майда бўлаги бўлиб, унинг ўзи бўлинмайди

(“атом” - қадимги юнон тилида “бўлинмас”). Демокрит, коинотда фақат абадий ҳаракат қиладиган атомлар ва бўшлиқ мавжуд деб ҳисоблаган. Атомлар ўз ҳаракатида тўқнашиб, коинотда, турли - туман қўшилмаларни ҳосил қиладилар. Демокритнинг фикрича, бу нарсалар то уларни ташкил этувчи атом қўшилмалари парчаланиб кетгунча мавжуд бўлади. Демокритнинг атом назарияси фан ва фалсафанинг кейинги тараққиётига ғоят катта таъсир кўрсатди. Демокрит ҳаракат материянинг азалий хусусияти деган қонидани биринчи бўлиб ифодалаб берди.

Архаик давр ва классик даврнинг биринчи ярми файласуфлари табиат, коинотни ўрганишга катта аҳамият берадилар. Лекин билимлар жамғарилиб, ижтимоий муносабатлар мураккаблашиб борган сари қадимги юнон файласуфлари олдида янги муаммолар пайдо бўлди. “Ўсиб бораётган индивидуализм ва субъективизм биринчи навбатда космос муаммоларини эмас, балки инсон муаммоларини, инсоннинг субъектсиз ички дунёси теранлигига, унинг руҳиятига, унинг жуда тез суръатда мустақилликни ва ҳатто анархизмни талаб қила бошлаган кечинмаларига кириш муаммоларини ўртага қўйишни талаб қилмоқда эди”.

Бу муаммолар милоддан аввалги V асрнинг иккинчи ярмида янги типдаги файласуф ва фалсафада бир қанча янги оқимларни вужудга келтирдик, бу фалсафий оқимлар вакиллари софистлар, яъни донишмандлар деган умумий ном олдилар.

Милоддан аввалги V асрда Юнонистон, айниқса Афина ва бошқа демократик полислардаги шарт-шароит суҳандонлик-тингловчиларни ва суҳбатдошларни ишонтириш санъатини эгаллаш эҳтиёжини юзага келтирди. Донишмандлик муаллимлари – софистла тегишли ҳақ бадалига истаган кишига суҳандонлик санъати ва билимларни ўргатардилар. Уларнинг таълимоти субъектив ва анархистик таълимот эди. Софистлар фаолияти жараёнида ўз билимларининг пухталиги, уларни текшириш мумкин ёки йўқ, улар чин ёки чин эмасми деган масалани ўртага қўйишлари лозим эди. Бундай масаланинг қўйилиши файласуф - софистларнинг хизмати. Лекин улар ҳақиқат мезони тўғрисидаги саволга ижобий жавоб беролмаганлар.

Дастлабки софистларнинг кўзга кўринарли вакилларида бири – Протагор бўлиб, у “инсон ҳамма нарса мезони”, яъни нарсалар ўзича ҳеч қандай хусусиятга эга эмас, балки бу хусусиятлар уларга инсоннинг муносабатига қараб берилади, деб таълим беради. Протагорнинг таълимотига кўра қора ҳам, оқ ҳам, яхши ҳам, ёмон ҳам йўқ, бу сифатларнинг ҳаммасини буюм ва ҳодисаларга инсон ўзбошимчалик билан нисбат беради. Нрсаларнинг моҳиятига бундай субъектив қараш нафақат фалсафанинг кейинги тараққиётига, балки софистларнинг амалий фаолиятига ҳам таъсир кўрсатди. Улар турли сўз ўйини ёрдамида бир-бирини истисно қилувчи, ўзаро тамомила зид бўлган икки даъводан бирининг мутлақ ҳақиқатлигини исбот қила оладилар. Софистлар таълимотининг асоси – объектив ҳақиқатнинг мавжудлигига ишонмаслик эди.

Атоқли файласуф Сократ ёки Сукрот (милоддан аввалги 471 - 399 йиллар) софистлар орасидан ажралиб чиққан. Сократ ҳам ақл, ҳам инсон муаммосига қизиқар, ўз умри давомида биронта ҳам асар ёзмаганлигига қарамай, унинг фалсафаси жуда машҳур ва кўплаб шогирдларга эга бўлган. Сократ мактабда дарс бермас, маъруза ўқимас, балки шаҳар, бозор, одам гавжум жойлар, афиналикларнинг севадиган сайилгоҳи Пропилея ва бошқа жойларни айланар ва шогирдлари билан суҳбат қуларди. Сократнинг нафақат аристократ ва бойлардан, балки оддий кишилар орасидан ҳам шогирдлари кўп бўлган.

Ҳақиқат мезонини излашда Сократ софистлардан илгарилаб кетди. У аниқ бир усул топишга интилар, унинг фикрича, бу усул аввало ўз - ўзини англашдан иборат эди. Бошланғич нуқта қилиб олинган асосни олим лўнда қилиб “Мен ҳеч нима

билмаслигимни биламан” деб ифодалаган. Бу қоида мутафаккирни ғаразли фикрлар билдиришдан асрар эди. Билиш фикрловчи ва ҳаракат қилувчи руҳий вужуд сифатида ўз - ўзини синчиклаб таҳлил қилишдан бошланарди. Сократ фикрича, ўз руҳий аппарати механизмини таҳлил қилишни тугаллаган донишманд ҳаёт муаммосини тўғри ҳал қилиши, объектив мавжуд рух моҳиятини тушуниши, яъни объектив мавжуд ҳақиқатни англаши мумкин эди. Шундан кейин донишманд мазкур ҳақиқатни мумкин қадар кўпроқ кишиларга ўргатиши талаб этилган.

Ҳақиқатни билиш мумкин эмас деган софистлардан фарқли ўлароқ, Сократ ҳақиқат баҳс-мунозарада юзага чиқади деб ҳисоблаган. Донишманд эҳтиёт бўлиб, усталик билан эслатувчи саволлар бериш билан баҳс жараёнида ҳамсуҳбатларига ғояларини уктиради, натижада уларда ҳақиқатни ўзимиз билиб олдик, деган тасаввур ҳосил бўлади. Баҳс-мунозара юритишнинг бундай усули “сократча мулоқот” номини олди. Сократ ўз умумлашмаларини индукция усули асосида, яъни кўп жузый ходисаларни ўрганиш асосида умумий хулосаларга келарди.

Сократ ўз таълимотида одамларни тенглаштиришга қарши чиқиб, уларни ҳақиқатни билганлар ва билмаганларга ажратади. Унинг таълимоти баъзи хусусиятлари билан Афина демократиясига қарши олигархларга маъқул бўлган. Шу сабабли Афинада кулдорлик демократияси қайта тиклангандан кейин Сократ худосизлик, мавжуд тузумни кўпориш ва ёшлар ахлоқини бузишда айбланиб милоддан аввалги 399 йилда қатл этилди. Суд ҳукмига мувофиқ унга заҳар ичирилган.

Идеалистик фалсафа милоддан аввалги IV асрнинг биринчи ярмида яшаган атоқли файласуф Платон ёки Афлотун (милоддан аввалги 427 - 347 йиллар) асарларида янада ривожлантирилди. Платон зодагон ва бой оиладан бўлиб, яхши тарбия ва маълумот олган. У Сократнинг шогирди бўлиб, устозининг суҳбатларини қоғозга тушириб олган.

Платон объектив идеалист бўлиб, яъни объектив оламнинг мавжудлигини тан олар, лекин уни фақат нариги дунёга хос реал ғоялар оламининг инъикоси, маҳсули деб ҳисобларди. Унинг фикрича, масалан, нариги дунёда от ғояси мавжуд бўлиб, у бу дунёда реал от шаклида гавдаланган. Масалан, стол, турли ҳайвонлар каби ғоялар мавжуд, аммо реал буюмлар уларнинг инъикоси, гавдаланиши, холос. Платоннинг фикрича ҳақиқат алоҳида эмас, балки фақат умумийдир. Отлар турлича, улар туғилади, ўлади, аммо от ғоясининг ўзи абадий ва ўзгармас. Платоннинг фикрича, ғоя нарсаларнинг ниҳоясига етган умумлашувдир.

Платон фалсафаси антик объектив идеализм қоидаларини яққол ифодалаб берди. Милоддан аввалги V аср охири – IV аср бошларида авж олган кулдорлик полис тизимининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий инқирози софистлар ва Сократни ҳам ижтимоий муносабатларга эътибор беришга мажбур этди. Милоддан аввалги IV асрда файласуфлар ижтимоий муаммолар билан кўпроқ қизиқдилар. Платон ҳам бу муаммоларга астойдил қизиқиш билдирди. Афина кулдорлик демократиясига қарши ва аристократик ҳамда олигархик тузум тарафдори бўлган Платон идеал давлат - полис лойиҳасини таклиф этиб, унга идеаллаштирилган Спарта тузуми асос қилиб олинган эди. Платон фикрича, унинг идеал давлати фуқаролари уч гуруҳга бўлинади:

1) файласуфлар; 2) аскарлар; 3) ҳунармандлар. Куллар энг оғир жисмоний меҳнатни бажариш учун керак. Аёлларни Платон ақл - идрокда эркаклар билан тенг деб ҳисоблар, шунинг учун ҳам улар эркаклар билан тамоман тенг ҳуқуқ ва вазифаларга эга эдилар.

Машҳур Аристотель ёки Арасту (милоддан аввалги 384 - 322 йиллар) қадимги Юнонистоннинг буюк файласуфи ва олими бўлиб, Македония шоҳлари сарой

табибининг ўғли эди. Аристотель фалсафасида ҳам материалистик, ҳам идеалистик қарашлар уйғунлашган. У реал мавжуд оламни тан олган. У шакл ва мазмун ҳақидаги таълимотни яратиб, ҳодисанинг моҳияти билан ҳодиса қобиғи шаклни ўзаро фарқлаган. Мазмун ва шакл муносабатини Аристотель диалектик англаган ва изоҳлаган.

Платоннинг ғоялари таълимотини Аристотель қатъий танқид қилади. Унинг кўрсатишича, моддий олам абадий ва объектив хусусиятга эга бўлиб, Платон “ғояларига” мухтож эмас. Табиат моддий асосга эга бўлган нарса ва ҳодисалар йиғиндисидан иборат, у ҳар доим ҳаракат ва ўзгаришдадир. Аристотель, Демокрит сингари моддий дунёни табиатни билишнинг предмети ва сезгиларимизнинг объектив манбаидир, киши онгидан ташқаридаги моддий олам сезгиларни вужудга келтиради деб эълон қилди.

Платон сингари, Аристотель ҳам давлат тўғрисида ўз таълимотини яратди. Лекин у бу муаммога бутунлай бошқача қаради. Аристотель идеал давлат ҳақида сўзлашдан олдин реал мавжуд давлатларни ўрганиш керак деб ҳисоблаган. Шу сабабли у ўз шогирдлари билан биргаликда Юнонистон ва ундан ташқаридаги 158 давлат қонунларини ўрганиш ва ёзиб чиқиш бўйича ғоят улкан ишни амалга оширди. Унинг ўзи “Афина политияси” – Афина давлат тузими ҳақидаги асарни ёзди. Шундан сўнг олим тўпланган ва тизимлаштирилган материални умумлаштиришга киришди. Давлат тузими ва ижтимоий муносабатлар тўғрисидаги ўй – фикрларнинг натижаси ўлароқ Аристотелнинг “Политика” номли тарихий-ижтимоий асари юзага келди. Аристотель уч типдаги давлат: монархия (яъни бир шахснинг ҳукмронлиги), аристократия (яъни бир гуруҳ шахсларнинг ҳукмронлиги) ва демократия (яъни кўпчилик ҳукмронлиги) мавжуд деган хулосага келди. Шу билан бирга у мазкур давлат шакллариининг барини, халқ бахт - саодати учун қайғурса яхши деб ҳисобларди. Лекин унинг фикрича, шу билан бирга давлатнинг бу шаклларида ҳар бири зарарли бўлиши ва бузилиб, бошқаришнинг энг ёмон шаклига айланиши мумкин. Чунончи, бузилиш оқибатида монархия тиранияга, аристократия олигархияга, демократия охлократия, яъни оломон ҳукмронлигига айланиб кетиши мумкин. Аристотелнинг ўзи Афина демократиясини хуш кўрмас, уни айнан охлократия деб ҳисобларди. У бир гуруҳ шахслар - аристократлар идора усулининг тарафдори бўлган.

Ўз даврининг фарзанди, асарларида ўша даврнинг ижобий ҳислатларини, ҳам маҳдудлигини акс эттирган Аристотель куллик ва кулдорлик тузумининг мафкурачиси эди. У кулликнинг бўлиши зарур ва ҳаққоний деб ҳисоблар, унинг фикрича куллар ўз ташқиқиёфасига кўра, ўз руҳий тузилиши жихатидан ҳам итоат учун яратилган. У инсонлар жамиятида ҳукмронлик қилиш қобилиятига эга соҳиблар ва итоат қилишга яратилган куллар мавжуд, куллар меҳнатини зарур омил деб ҳисоблаган.

Аристотель асарларида ўша замон маданияти ютуқ ва камчиликлари акс эттирган. Аристотель фалсафанинг асосий муаммоларига диалектик нуқтаи назар билан қарар, у бир қанча фанларга асос солган. Бутун табиий тараққиётни у гўё қачонлардир “олабий ақл” томонидан амалга оширилган дастлабки туртки билан изоҳлаган.

Аристотелни қадимги Юнонистоннинг энг йирик эстети ҳам дейиш мумкин. У “Поэтика” – санъат моҳияти ва унинг жинс ва нурларга бўлиниши ҳақидаги асарини яратди. Аристотель “Поэтика” си санъатнинг табиатида оид кейинги барча таълимотлар учун асос бўлиб ҳизмат қилди.

Таянч иборалар

Антропоморфизм, Гея, Тартар, Гестия, сиреналар, оракуллар, панафениялар, апейрон, эфир, трагос, дифирамблар, скена, Эзоп, колонналар, Медуза, архаик,

рупор, классик давр, Троя, булевтериялар, каннелюрлар, капители, кариатидалар, Афина Прамахос, атлет

Саволлар

1. Юнонистонда фалсафанинг мифологиядан ажралиб чиқиши қанда муҳим аҳамиятга эга бўлди?
2. Қадим Юнон маданиятининг ўзига хос хусусиятларини мисол келтиринг.

10. Эллин маданияти (милоддан аввалги III - I асрлар)

Эллин маданиятининг умумий белгилари. Эллинлар дунёвий маданияти мураккаб ва хилма-хил эди. У юнон маданиятининг ҳамда Яқин Шарқ мамлакатлари маданиятининг уйғунлашуvidан иборат бўлган.

Эллинизм даврида айрим мамлакатлар ўртасида ўзаро алоқалар кучайиб, узок ҳарбий юришлар савдо мақсадидаги саёҳатлар, Яқин Шарқ мамлакатларига кўчиб бориб жойлашиш қадимги юнон ва македонларнинг билим доирасини кенгайтирди: улар Шарқ маданияти билан аввалгига нисбатан кўпроқ танишадилар. Иккинчи томондан, Искандар Зулкарнайн (Александр Македонский) истило қилган мамлакатларнинг ҳамда эллинлар оламига туташ ўлка ҳалқи юнон маданияти билан бевосита танишиш имкониятига эга бўлди.

Эллинлар маданияти юнонча кўриниш олган эди. Юнонлар, македонлар, эллинлашган маҳаллий ер ва савдо аристократияси ва коҳинлардан таркиб топган ҳукмрон синф орасида умумюнон тили (койне) кенг тарқалган. Койне билан бирга эски юнон лаҳжаларида ҳам сўзлашганлар. Маҳаллий тиллар миср – демотик тили бўлиб, Селевкийлар даврига келиб уларнинг сони кўпайди. Милоддан аввалги IV аср охирларига келиб юнонлар орасидаги янгича дунёқараш – космополитизм юзага келди. У юнонча “космополитес” - “дунё фуқароси” маъносини билдирган. Ўтган классик даврда ҳар бир юнон ўзини шаҳар фуқароси ҳисоблаган бўлса, эндиликда эллин полислари кенг тарқалди. Шу боис, эллинлар дунёсининг кенг ҳудудларида ёйилиб кетган юнонлар – аскар, ҳунарманд ва савдогарлар ўз қарашлари полис доирасидан чеккага чиқиб, тобора кенгайиб борди. Натижада эллинлар дунёси космополитизм муҳим ғояга айланди. Бу ғоя эса эллинлашган эксплуататорлар мавқеини мустаҳкамланган. Эллинларга хос бўлган ҳодисалар билан бирга бутун эллинизм маданияти Шарқда кенг тарқалди.

Қуrolсозлик ва архитектура. Қулдорлик жамияти шароитида қуrolсозликнинг янада ривожланиши эллин маданиятининг муҳим белгиси бўлди. Шарқ ва юнон тажрибасининг ўзаро таъсири меҳнат қуrollарининг ва ҳунармандчилик усуллариининг ҳамда одам ва ҳайвон кучи билан ҳаракатга келтириладиган содда механизмларнинг такомиллашуviга ёрдамлашган. Масалан: улуғ математик ва механик олим Архимед (тахминан милоддан аввалги 287 – 212 йиллар) ихтиро қилган ричаглар, чархпалаклар ҳар томонлама қулай бўлиб, бу механизмлар ҳарбий ишда ва бинокорлик соҳасида катта ютуқлар келтирган. Бу даврда манжанақлар ва тошотар тўплар қўлланилган. Манжанақлар икки ўрим эгилувчан арқон ёрдамида ўқ ва тош, тошотар тўплар ёрдамида улкан тошлар улоқтирилган. Қалъаларни қамал қилиш учун таранлар билан бирга, ғилдиракларга ўрнатилган ҳаракатланувчи махсус минора – гелпола (шаҳар олар) лар ҳам ишлатилган. Бу мосламалар душман шаҳри қалъалари ва деворлари бараварида ёки у улардан баланд қилиб ясалган. Ҳаракатланувчи минора (гелепола) ичида аскарлар, захира ўқлари ва тошлари билан отувчи тўплари жойлашган. Минора кўп одамлар кучи билан бир жойдан иккинчи жойга кўчирилган.

Денгиз кемалари илгарига нисбатан, каттароқ қилиб ясала бошлаган. Бу кемаларнинг беш ва ундан ҳам кўпроқ қатор эшакли бўлганлар. Савдо флоти кемалари такомиллаштирилган. Улар кўпинча очик денгизда сузар, ҳатто океанга ҳам чиқар эдилар. Милоддан аввалги II асрда юнон Гиппал Ҳиндистонга кема сафари чоғида илк бор муссон шамолидан фойдаланган ва шу билан океанда маълум томонга эсадиган шамол ёрдамида сузишни кашф этган. Денгизчиликнинг ривожланиши билан мукаммал маёқлар, порт ва савдо соҳиллари ҳамда улар ёнида омборлар ва бошқа ёрдамчи бинолар қурилган. Кичик Фарос оролидаги маёқ барчага маълум бўлиб, у Мисрнинг Искандария портига борадиган йўлни кўрсатиб турган.

Эллин архитектурасида кўпчилик фойдаланишига мўлжалланган бинолар кўп эди. Агар классик Юнонистоннинг архитектураси учун хос асосий бино периптер - ибодатхона бўлса, эндиликда асосий бино перисталь - хусусий уй бўлиб қолди. Шаҳарлар одатда лойиҳа асосида қурилиб, ўзаро кесишадиган тўғри бурчакли тик кўчалари бўлган. Бундан ташқари, сув тегирмонларидан фойдаланилган. Эллин даврида кончилик иши энг қолоқ ҳисобланиб, шахталарда асосан, қўл меҳнатидан фойдаланилган.

Фан ва фалсафа. Юнонистонда ва қадимги Шарқда тўпланган билимларнинг ўзаро таъсири, техника ютуқлари ва эллинлар дунёси бепаён ҳудудларини амалий ўзлаштириш билан уйғунлашуви фанлар ривожланишига кўмаклашди. Пойтахтларда илмий марказ ва кутубхоналар қад кўтарди. Мисрда Искандария, Оронда Перам, Анншохи эллинлар дунёсининг илмий ва маданий марказлари ҳисобланган.

Искандарияда Птолемейлар ҳомийлигида ғоят катта кутубхонага асос солинган. У ерда эллинлар даврининг сўнгги йиллари 700 мингга яқин папирус ўрами мавжуд бўлган. Бу кутубхонада юнон-шарқ донишмандларининг ўша замонга қадар тўпланган асарлари сақланган. Сарой ёнида кутубхонадан ташқари, Мусейон - илмий муассаса ҳам ташкил қилиниб, унда олимлар учун ётоқхона бўлган. Бу илмий муассаса музалар ҳимоясига топширилган. Эллин даврида илм - фан алоҳида соҳага бўлиниб, тизимлаштирилган. Аристотелнинг шогирди ва мухлислари - перипатетиклар тарихи тизимлаштириш жараёнига яққол мисол бўла олади. Перипатетиклар фалсафий мактабига Аристотелнинг шогирди Геофраста (милоддан аввалги 370 - 285 йиллар) раҳбарлик қилган. У нафақат файласуф, балки кўпқиррали олим ҳам эди. У “ботаниканинг отаси” деб ном чиқарган. Геофрастадан кейин мактабни Стратон бошқарди. Қадимда у “физик” лақабини олган. Стратон физик ҳодисаларни тадқиқ қилишда эксперимент усуллари қўллаган. Унинг шогирдлари орасида Аристарх (милоддан аввалги 310-230 йиллар) ажралиб турган. У ер ва бошқа сайёралар, Қуёш тизимининг гелиоцентрик (яъни сайёралар Қуёш атрофида айланиши) тўғрисида фаразни илгари сурган. Искандарияда эса Евклид (милоддан аввалги III аср) геометриянинг дастлабки пойдеворида асос солади. У мавжуд математик, геометрик негизларни асослаб берган. Шунингдек, Искандарияда Мусейон кутубхонасининг мудир кириналик Эратосфен (милоддан аввалги 275 - 208 йиллар) ҳам фаолият олиб борди. У география, астрономия ва математика фанлари билан чуқур шуғулланган. Олим ер шари айланасининг узунлигини катта аниқлик билан ҳисоблаб чиқди ва физик-математик география асосларини яратди. Эратосфен биринчи бўлиб “география” терминини ишлатган.

Милоддан аввалги II асрда нинялик атоқли астроном ва географ Гиппарх яшаб ўтган. У бир қанча астрономик асбобларни такомиллаштирган ва ихтиро қилган. Кеча - кундузнинг барабарлигини аниқлаган. Гиппарх ҳаракатсиз юлдузлар каталогини тузган. Бу каталогдан 900 га яқин ёритгич ўрин олган. Гиппарх Ердан Ойгача бўлган масофани,

Ер ва Куёш массасини аниқлаган ва экваторни 360 га тақсимлаб узунлик ва кенглик тушунчасини жорий қилган.

Милоддан аввалги III асрда тиббиёт анча тараққий этди. Юнон тиббиёт назарияси ва практикаси қадимги Шарқ тажрибаси билан қўшилиб, Искандария тиббиёт мактаби сифатида ифодасини топди. Бу мактаб асосчиси Герофил (милоддан аввалги III асрнинг биринчи ярми) ҳисобланади. У инсоннинг тасвирий анатомиясини яратган, диагноз методларини аниқлаган, дори-дармонга ғоят катта аҳамият берган. Кейинчалик унинг ишини Эрасистрат давом эттирган.

Эллин даврида икки янги фалсафий тизим – стоиклар ва эпикурчилар пайдо бўлди ва ривожланди. Стоик фалсафасининг асосчиси Кипр оролида туғилиб ўсган Занон (милоддан аввалги 336 - 264 йиллар) эди. У Афинанинг энг гавжум жойи – нақшин пешайвон – стоя остида ваъз айтиб, тингловчиларга таълим берган. Стоицизм юнон ва шарқ назарияларининг маълум даражадаги синтезидан иборат бўлган. Стоиклар ҳамма нарса, шу жумладан, фикр, сўз, олов кабиларни ҳам жисм деб атардилар. Улар оламни узлуксиз ривожланиб турган олов деб ҳисоблаганлар. Худо табиатнинг ўзида жо бўлиб, табиатнинг ижодий ибтидоси билан бир қилиб кўрсатилган. Уларнинг таълимотига кўра, коинот оловдан туғилган ва келажакда уни олов ютади, кейин эса яна пайдо бўлади.

Эллин фалсафий мактабининг яна бир асосчиси – Эпикур (милоддан аввалги 341 - 272 йиллар) Зенонга қарама - қарши ўлароқ материалистик дунёқарашни ёқлаб чиққан. Эпикур таълимотига кўра, одамлар объектив сураатда ташқи оламни сезгилари орқали биладилар. Сезгиларнинг жамланиши асосида – умумий тушунча ҳосил бўлади.

Эллин даврида пайдо бўлиб, ривожланган фалсафий мактабларнинг ўзига хос хусусиятлари шунда эдики, улар қулларга ҳам инсоний фазилатлар, ҳатто уларда олий ахлоқ сифатлари ва донишмандлик мавжуд эканлигини айтиб ўтганлар.

Адабиёт ва санъат. Эллин даврида фан сифатида адабиётшуносликнинг куртаклари - филологик танқид юзага келган. Филологлар мантикий асосда юнон грамматикасини ишлаб чиққанлар. Искандария Мусейони юнон адабиётининг муҳим маркази бўлиб қолган. Искандария шоирларининг етакчиси Каллимах (милоддан аввалги 310 – 240 йиллар) Мусейон кутубхонаси мудир ва тахт вориси ҳисобланган. У кутубхонада филологик каталоглар тузган ва олим филолог сифатида фаолият юргизган. Каллимах – мифология, тарих, адабий мавзуларда кичик – кичик шеър ва поэмалар ёзган. Каллимахнинг замондоши Феокрит номи тарихда лирик – драматик поэма – идилиялар муаллифи сифатида қолди. Бу асарларда у қишлоқ ва шаҳар ҳаётининг осойишта манзараларини ёзган. Эллин даврида янги аттика комедияси муҳим ўрин тутган. Унинг вакилларида бири афиналик Менандр (милоддан аввалги 342-292 йиллар). Бу комедиялар Мисрдан топилган папирус қоғозларида битилган. Мемандр комедияларининг сюжети оилавий, маиший мавзулардан иборат бўлган.

Эллин даврида тасвирий санъат ҳам ажойиб ютуқларга эришди. Бу даврда юнон ва Шарқ анъаналари уйғунлиги яратилган кўпгина меъморчилик ёдгорликларида мужассам бўлди. Ҳайкалтарошлик санъати бу даврда анча раванқ топган, аммо мазмунан классик давр анъаналаридан фарқ қиларди. Идеал маъбуда ва қаҳрамонлар умумлаштирилган ҳайкаллари ўрнини асли каби ишланган ва тасвирланган шахс индивидуаллигини яққол кўрсатадиган портретларга кенг йўл берилган. Эллин даврининг ҳайкалтарошлари яратган якка ва гуруҳ ҳайкалларида жисмоний ва руҳий азоб, кураш, ғалаба, ўлим каби сезгилар ифодаланган. Шу билан бир қаторда ҳайкалтарошликда дабдабали тематика мавжуд бўлиб, у эллин монархларнинг саройлари

соясиди намоён бўларди. Афина ва Искандарияда Пракситель, Пеграм, Родос мактаблари ҳайкалтарошликнинг ёрқин намуналарини яратдилар.

Эллин даврининг охирига бориб, ҳайкалтарошлик мавзуси ўзгариб, асарларда даҳшатли сюжетлар ва ясамалик намоён бўла бошлади. Гуруҳ тарзида ишланган икки ажойиб ҳайкал: “Форнез буқаси” ва “Лаокоон” да шу ҳолни кўриш мумкин.

Эллин даврининг иккинчи ярмида ҳайкалтарошликда идеаллаштирилган классик шаклларига қайтиш кузатилди. Милослик Афродита ҳайкали бу мактабнинг ажойиб ёдгорлиги бўлиб, унда маъбудлар фигуралари классик шаклда идеаллаштириб кўрсатилган.

Тош ўймакорлик санъати катта муваффақиятларга эришган. “Камео Гонзаго” асари унинг ажойиб намунаси бўлиб, унда шох Птолемей ва малика Арсиноянинг боши ён томондан тасвирланган. Адабий манбаларга кўра, эллин рассомлигида ҳам жиддий асарлар яратилган, лекин мум бўёқлардан барпо бўлган картина ва фрескалардан деярли сақланиб қолмаган.

Дин. Доимий урушлар, давлат тўнтаришлари, мулкӣ табақаланиш ва синфий кураш кескинлашуви натижасида диннинг янги шаклларига эҳтиёж пайдо бўлди. Янги диний образлар яратишга оид стихияли жараён билан бир қаторда янги юнон-македон эллин ҳукмдорлари учун мақбул маъбуда ва саждагоҳлар яратилган. Бунда Птолемей I Сотер фаолияти алоҳида ўрин тутди. Унинг буйруғи билан юнон ва Миср қоҳинлари Мисрга кўчиб келган юнон-македонлар орасида расм бўлган Осирис ва Анисга эътиқодни қўллаб - қувватладилар. Ана шу аснода юнон – миср маъбудаси Сарапис юзага келди. Шифокор ва олам ҳукмдори Сараписга деб сиғиниш эллин Мисрида ва хорижда кенг одат бўлган. Бу диний эътиқодда синкретизм хусусиятлари бўлиб, у мистик тусга эга бўлган. Диндорлар зикру - сано воситаси билан ҳаёлларида ўзлари эътиқод қилган худо билан мулоқотда бўлар, яъни ҳаёлан руҳий завқ оларди. Хулоса қилиб, эллин давридаги умумий маданий мерос жаҳон маданияти минг йиллар давомида муваффақият билан ривожланиб келаётган моддий асоснинг муҳим қисмини ташкил этади деб айтиш мумкин.

Таянч иборалар

эллинизм, койне, демотик тили, космополитизм, гиёпола, гелепола, Перисталь, Мусейон, стоиклар, эпикурчилар

Саволлар

- 1. Эллинизм маданиятининг энг асосий хусусиятлари нимадан иборат?**
- 2. Эллинизм маданияти шарқ маданиятига қандай таъсир кўрсатган?**

VIII боб.

Қадимги Рим

1. Қадимги Рим манбалари ва тарихнавислиги

Мазкур мавзунинг вазифаси – қадимги Рим тарихини ўрганишга асос бўладиган материаллар билан танишиб чиқишдан иборат.

Илқу Рим тарихини ўрганиш айниқса муаммо туғдиради, чунки у вақтга оид манба ёзувлари милoddан аввалги IV асрда вужудга келган, Римнинг илк тарихига доир турли маълумотларни адабий жиҳатдан ишлаб чиқиш фақат милoddан аввалги III аср

охиригагина тўғри келади. Бироқ бу ёдгорликлар сақланиб қолмаган. Фақат, милоддан аввалги I асрдан кейин яратилган тарихий асарларгина бизга қадар етиб келган.

Республиканинг сўнгги ва империянинг бошланиш даври тарихчиларидан Саллюстий, Тит Ливий, юнон тарихчиларидан сицилиялик Диодор ва галикарнаслик Дионис кабилар илк Рим тарихи ҳақида маълумот берадилар. Милоддан аввалги I аср воқеалари Цицерон хати ва нутқлари билан Юлий Цезарнинг мемуарларида акс эттирилган.

Рим империяси даври тарихига доир Тацит, Светоний, юнонлардан Плутарх ва Аккиан, шунингдек, Диан Кассий ва Аммиан Марцеллинларнинг асарлари алоҳида аҳамиятга эга. Империянинг кейинги даврига келиб христиан адабиёти пайдо бўлди.

Тарихий асарлар билан, Рим адабий асарлари (бадий адабиёт, юридик ёдгорликлар) дан ҳам манба сифатида фойдаланиш мумкин. Моддий ёдгорликлар ва ҳужжатли манбалар: эпиграфика (ёзувларни ўрганадиган фан), нумизматика (тангаларни ўрганадиган фан) ва папирология (тарих фанининг папирусларни ўрганадиган махсус бўлими) нинг аҳамиятига эътибор бериш керак.

Қадимги Римда синфий жамият ва давлат вужудга келишини ўрганишда Рим шаҳарларига асос солиниши ва унинг энг қадимги даврдаги тарихи ҳақида археологларнинг илмий маълумотлари ва Рим анъаналари билан танишиш лозим.

“Шоҳ ҳокимияти” қўллаганидан кейин (милоддан аввалги 510 йили) Римда давлат аристократик республика шаклини олди. Бу республика милоддан аввалги III аср бошларида тўлиқ шаклланиб улгурди. Асосий материалга қўшимча сифатида А.Ф.Энманнинг “Рим шоҳлари ҳақида афсона. Уларнинг келиб чиқиши ва ривож” (М. 1896) асари диққатга сазовор.

Кулдорлик тараққий этиши ва Плебей билан патрицийлар ўртасидаги кураш Рим республикаси илк даврининг ўзига хос белгиси бўлди. Бу курашнинг асосий босқичларини синчиклаб кузатиш, плебейларнинг қўллаган усуллариини ўрганиш, шу даврда (милоддан аввалги V - III асрлар) чиқарилган энг муҳим қонунларни (милоддан аввалги 494 йил) халқ трибунлари нутқ қилиши тантанали кун, (милоддан аввалги 445 йил) Канулия қонуни, (милоддан аввалги 367 йили) Лициний ва Секстий қонунлари, (милоддан аввалги 326 йил) Петелий қонуни, (милоддан аввалги 287 йили) Гортензий қонунини эсга олиш зарурдир. Милоддан аввалги III аср охиридан бошлаб Рим тарихи (Фабий, Пиктор, Постумий, Альбин, Полибий, Катон) асосан юнон намуналари асосида ривожлана бошлайди.

Римнинг эллин мамлакатлари билан алоқаси эллин маданияти таъсири кучайишига олиб келди. Бу муносабатларда Сципион Эмилиан катта роль ўйнади. Унинг атрофига эллин маданияти тарафдорлари ва тарихчилар тўпланган бўлиб, энг яқин кишилари – файласуф – стоик Патетий ва тарихчи Полибий бўлган. Римга юнон фалсафаси ва тасвирий санъати кириб боради.

Милоддан аввалги III йилдаги қонун аҳамиятини, демократик ҳаракат арбоблари ҳақида бизга фақат Плутарх ва Аппиан хабар беради. Бу масалани Э.Р.Фельсберг “Братья Гракхи” тарихий монографияси (1910 йил) ва А.Г.Бокшанин “Попытки аграрных реформ и социальная борьба в Римской республике в к. II в. до н. эры” (1954 йил) асарида ёритганлар.

Октавиан Августнинг принципатига доир кўплаб адабиётлар орасида профессор Н.А.Машкиннинг “Принципат Августа” (М. 1949) монографияси фактларга бой ва методологик жиҳатдан жуда қимматли асар ҳисобланади.

“Республиканинг охири ва империянинг бошланишида Рим маданияти” мавзусини ўрганишда Цицероннинг баъзи нутқлари, Саллустийнинг тарихий асарлари, Цезарнинг мемуарлари билан танишиб чиқиш тавсия этилади. Рим поэзиясини янги шеър вазнлари билан бойитган шоир Кутуллнинг “Лирика китоби” кўздан кечириш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Рим фани эришган ютуқларда Посидоний, Варрон, Цицерон ва бошқа машҳур фан арбобларининг роли салмоқли бўлган. Милоддан аввалги I асрнинг ярмида Рим илмий доираларининг йирик намояндаси Лукреций Кар бўлиб, у ўз шеърларида Эпикур фалсафасининг асосини ифодалади. Унинг “О природе вещей” (“Буюмлар табиати хусусида”) номли асарида дунёнинг яратилишини кўрсатишга интилган.

Юлий - Клавдийлар, Флавийлар ва айниқса Антонинлар ҳукмронлиги даврлари Ғарбда Рим маданияти ва Шарқда рим-эллин маданияти кенг ёйилиши билан ажралиб туради. Бу даврда (I - II асрлар) Август замонидаги каби буюк асарлар яратилди. Бироқ баъзи ёзувчиларнинг асарлари жаҳон маданияти ривожига алоҳида роль ўйнади. Адабиёт тарихида Лукианнинг “Фарсалия” достони жиддий аҳамиятга эга. Унда Помпейнинг Цезарь билан олиб борган кураши куйланади. Сатирик шоирлар ичида Ювенални ажратиб кўрсатиш мумкин. II асрнинг энг яхши (лотин ва юнон) ёзувчилари вилоятлардан (Апулей, Лукиан) чиққанлигини уқтириб ўтиш керак. Бу давр фани асосан амалий мақсадни кўзлаган (деҳқончиликка оид Колумелл трактати, табиб Гален асарлари).

Шунингдек, стоик фалсафа (Сенека, Эпиктет, Марк Аврелий) муваффақиятларига ҳам аҳамият бериш керак ва Римда Шарқнинг диний эътиқоди қарор топди.

Христианликнинг келиб чиқиш тарихини ўрганишда Исо пайғамбар ҳақидаги маълумотлар танқид қилинишига ва илк христиан адабиётларининг таҳлилига тўхталиб ўтиш керак (“Откровение Иоанна”, “Деяния апостолов” и Евангелия, Августин Блаженный и его деяния).

Римликлар (II асрда) христиан динини қандай тасаввур қилганлар? Бу ҳақида бизгача етиб келмаган Рим тарихчиси Цельснинг “Правдивое слово” асарида сўз боради. Цельс асари ҳақида эса муаллиф Оригеннинг “Против Цельса” китобида ўқишимиз мумкин. Бу асарида Цельс христиан динининг ривожига ҳақида фикр юритиб, унга танқидий ёндашади.

Кичик Плиний (62 - 114 йиллар) - нотик, олим, ёзувчи. Унинг хатлари 10 - та китоб сифатида чоп этилиб, уларда римликларнинг Троян даврида (98 - 117 йиллар) христиан жамоалари ҳамда ва илк христиан маданиятига муносабати баён этилади.

“Ғарбий Рим Империясининг кулаши” мавзусига оид асосий манбалар:

- Сальвиан, V аср “Илохий бошқарув”
- Евтропий, “Қисқа Рим тарихи”
- Аврелий Виктор, IV аср, “Цезарь” асари
- Аммиан Марцеллин, IV аср, “Тарих”
- Зосим, V аср, “Рим империясининг қисқа тарихи”.

Таячн иборалар

Принципиат, эпиграфика, нумизматика, папиролония, “шоҳлик даври”, клебей, патрицийлар, аристократ республика, “Октавиан Август принципати”

Саволлар

1. Нима учун Рим тарихи илк даврини ўрганиш муаммо туғдиради?

2. Рим даврига оид манбаларни таққосланг ва фарқли томонларини аниқланг

2. Қадимги Рим. Илк Рим республикаси

Милоддан аввалги IV аср ўрталарида Этруск шаҳарлари иттифоқи тушкунликка юз тутиб, Падус дарёси водийсида жойлашиб олган галлар Апеннин ярим оролининг марказий вилоятларига талончилик қила бошлагач, италий қабилалари галларга зарба бериш мақсадида ўзларининг янги сиёсий ва ҳарбий маркази – Рим атрофига бирлаша бошлаганлар. Бу кучли кулдор жамоаларнинг етакчилари қўшни қабила ва шаҳар жамоаларини бўйсундириб, галлар ҳужумини қайтариб, уларни шимолга улоқтириб ташлаганлар. Шундан кейинги йилларда Рим жамоаси етакчилари таъсир доираларини Этруриянинг асосий қисми, шунингдек Кампания ва марказий Италиянинг бошқа вилоятларига қадар кенгайтмаганлар. Бу вилоятлар Рим – италий кулдорлари қудратли конфедератив иттифоқининг асосини ташкил этган ва у милоддан аввалги III аср бошларига келиб Ўрта денгиз соҳилидаги кулдор давлатлар ичида ҳарбий жиҳатдан энг кучли иттифоққа айланди.

Рим шаҳри қачон ва қандай вужудга келган?

Италий юнонлари бу саволга жавоб излаб, бу тўғрида хилма - хил ривоятлар йиғганлар. Юнон тарихчилари Рим шаҳри ва кулдор Рим жамоасининг келиб чиқиши ҳақидаги қиссаларини ана шу ривоятчилар асосида ёзганлар.

Энг қадимги Рим тарихи даври тўғрисидаги афсона ва ривоятлар милоддан аввалги I ва милодий II асрларда Рим аҳолисининг маданий табақалари орасида кенг тарқалган, юнон муаллифлари шу ривоятлардан асарлари учун асос сифатида фойдаланганлар. Машҳур Рим тарихчиси Тит Ливий (милоддан аввалги 59 йил - милодий 17 йили) Римнинг ўша давр тарихини ҳийла тўла ва муфассал баён қилган.

Римнинг вужудга келиши ва унинг энг қадимги тарихига оид замонавий илмий қарашлар қадимги афсоналари билан бирга милодий XIX ва XX асрларида Рим шаҳри ҳудудида ўтказилган археология қазилмалари материалларига асосланади.

Энг қадимги Рим тарихини ўрганган олимлар фикрича, Тибр дарёсининг чап қирғоғи тепаликларида милоддан аввалги X асрдаёқ қишлоқлар барпо бўлган.

Милоддан аввалги VIII асрда кейинчалик Рим шаҳрининг маркази орқали тоғлардан жануби - шарқ Тибр дарёсига элтадиган катта йўл ўтган. Тибрнинг ўнг қирғоғида денгиз яқинидаги туз конига ана шу “туз йўли” орқали юрганлар. Ўткинчи савдогарлар тўпланадиган дарё кечуви ёнида хунармандлар ҳам ўтроқлашган. Милоддан аввалги VII асрда шу ерга яқин тепаликлар ва кечув ёнидаги қишлоқлар ягона шаҳар бўлиб бирлашган. Тибр қирғоғида Капитолий тепалигида қурилган кўрғон янги шаҳар маркази бўлган. Капитолий билан Палатин тепаликлари ўртасидаги, авваллари қабристон сифатида фойдаланилган майдон марказий майдон - форумга айлантирилган. Оддий кунларда форумда савдо - сотиқ юритилган. Фуқаро йиғинлари ҳам шу майдонда ўтказилган, уларда жамоа ишлари муҳокама қилинган, майдонда жарчилар жамоа кенгаши ва раҳбарлари қарорларини эълон қилган, диний намоёишлар, оммавий ибодатлар, вафот этган атоқли зотлар билан видолашув маросимлари, ғалаба байрамлари ва бошқа чора – тадбирлар ҳам шу майдонда ўтказилган.

Янги шаҳар турли қадимги италий қабилалари жойлашган қишлоқлар ўзаро туташ ерда пайдо бўлганидан, бошда шаҳар аҳолиси алоҳида уч қабила бирлашмасидан иборат

бўлган. Тарихий анъанага кўра, бу қадимги қабилалар тициллар, раминлар, луцерлар деб аталган.

Ижтимоий тузум. Қабила - “триба” лар уруғлар, яъни ”куриялар” уюшмасидан ташкил топган. Ҳар бир курияда ўнтадан уруғ, триба таркибида ўнтадан курия бўлган. Шундай қилиб учта трибадан ҳар бирида юзтадан уруғ, бутун жамоа аҳолиси эса уч юзта уруғдан иборат эди. Уруғ бирлашмаларига кирган фуқаролар дастлаб жамоа аъзолари бўлиб ҳисобланган. Дастлаб фақат “патрицийлар” тўла ҳуқуқли фуқаро бўлганлар.

Ҳар бир уруғ алоҳида номга эга бўлиб, уруғ бирлашмасининг ҳар бир аъзоси ўз оти ва шахсий ёки оиласининг лақаби билан бирга уруғ номи билан ҳам аталган. Шунинг учун кейинги тарихий даврларда ҳам римликларнинг номлари уч қисмдан иборат бўлган. Масалан, Гай Юлий Цезарь: Юлийлар уруғи, Цезарлар оиласидан чиққан Гай ва ҳ.к. Ҳар бир уруғ бошлиғи оқсоқоллар кенгаши – сенатга аъзо бўлиб кирган. Сенат суд вазифасини ҳам бажарган. Рим жамоаси дастлаб уч юз уруғдан ташкил топганлиги сабабли энг қадим даврларда сенат ҳам уч юз сенатордан иборат бўлган.

Замон ўтиши билан уруғга қарашли чек ерларда эгалик қилган, бўш ерлари - *ager publicus* (“жамоа далалари”) ни ўзаро бўлиб олган ва шаҳар лашкарини ташкил қилган патрицийлар, яъни эски фуқаролар билан бирга эркин аҳолининг яна бир табақаси - “плебей” лар пайдо бўлган (“плебей” номини тадқиқотчилар фикрича “*pleo*”, яъни “мен тўлдираман” феълидан олинган).

Энг қадимги Рим тарихининг ҳозирги тадқиқотчилари фикрича, плебейлар табақаси қисман Римга кўчиб келган эркин кишилардан, қисман озод қилинган қуллар ва қисман Римга кўчиб келишга мажбур этилганлардан ташкил топган.

Плебейлар фуқаролик ҳуқуқига эга бўлмаган, аммо замон ўтиши билан улар Рим ҳарбий лашкари сафига жалб қилина бошлаган. Қуллар Рим аҳолисининг қуйи табақасини ташкил қилган. Уларнинг кўпи ҳарбий асирлардан, бошқалари қўшни қабила вакиллари бўлиб ёки четдан келган қулфуруш савдогарлардан сотиб олинган.

Тарихий манбаларда милоддан аввалги VI аср ўрталарида шоҳ Сервий Туллий томонидан йирик ислохотлар амалга оширилгани тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Илк Рим республикаси. Милоддан аввалги V - IV асрларда аристократ патрицийлар республикаси конституцияси ташкил топиш ривожланишида давом этди. Фақат патрицийлардан сайланган магистратлар (мансаб эгалари) сенатга тобе бўлган. Сенат оқсоқоллар кенгашидан (таркиби патрицийлардан иборат) доимий давлат органига айланиб борди.

Рим илк республика даврида полис, яъни эркин қулдорлардан иборат фуқаролар жамоаси эди. Оила Рим жамоаси ҳаётида ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган.

Рим аҳолиси деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланган. Римликлар дон етиштирган, ток, зайтун ўстирган, полизчилик билан шуғулланган. Деҳқонлар темирдан ясалган қуроллар ишлатган. Йирик қорамол, қўй, эчки ва чўчка боққанлар.

Ҳунармандчиликнинг деҳқончиликдан ажралиш жараёни милоддан аввалги V - IV асрларда ҳам давом этган. Созанда, заргар, бинокор, кўнчи, этикдўз, мискар ва кулоллар ҳунармандлик коллегиялари таъсис этилганлиги касб ҳунар тараққий этганидан далолат беради.

Ҳунармандчилик қишлоқ хўжалигидан ажралиши оқибатида савдо тараққий этди. Римнинг асосий майдони – форумда ҳар ҳафта бозор уюштирилган. Шаҳарнинг кема юриши учун қулай Тибр дарёси соҳилида жойлашганлиги римликларга лотин

шаҳарлари, этрусклар, финикийлар ва юнонлар ўртасида воситачи бўлиб савдо қилиш имконини берган. Пул системаси вужудга келган. Оғирлиги Рим фунти қисмларига баробар мис, кейинроқ бронза бўлаклари авваллари пул эквиваленти чорва моллари ўрнига ишлатиладиган бўлди. Кумуш пул милоддан аввалги III аср ўрталаридагина зарб қилина бошлаган.

Давлат тузуми. Милоддан аввалги V - III асрларда Рим давлат тузуми шаклланишда давом этади. Халқ мажлиси (колициялар), магистратуралар ва сенат каби ҳокимият идоралари мавжуд бўлган.

Римда уч хил колиция бўлган. Энг қадимгиси фақат ижро қилувчи олий ҳокимият - “империя” - магистратларга топшириш ва оила муносабатларига доир баъзи масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлган. Илк республика даврига келиб колициялар сиёсий аҳамиятини йўқотди.

Халқ мажлисининг яна бир тури – центурия колициялари муҳим ўрин тутган. Дастлаб улар шаҳар лашкарларининг йиғинидан иборат бўлиб, кейинчалик патриций ва плебейлар мажлисларга айланган.

Центурия колициялари Рим халқи иродасини ифодалаган: улар олий мансаб эгалари бўлган консул, претор ва цензорларни сайлаган, жиноий ишларни текширган, уруш эълон қилиш ва сулҳ тузиш масалаларини ҳал қилган.

Рим халқ мажлислари тизими демократик асосга эга бўлмаган. Фақат магистрат Рим халқ мажлисини чақириш ҳуқуқига эга эди. Халқ мажлисларининг биронтаси конун чиқариш ташаббуси билан чиқиш, бирон таклифни муҳокама қилиш ёки ўзгартира олмаган.

Ижро қилувчи ҳокимият бир йил муддатга халқ сайлаб қўядиган мансабдор – магистратлар қўлида бўлган. Магистратларга ҳақ тўланмаган бунинг устига улар зиёфат ва фуқароларга бериладиган совғалар учун ёнларидан маблағ сарф қилишга мажбур бўлганлар. Римнинг ҳар бир фуқароси расман лавозим эгаси бўлишга ҳақли бўлса ҳам, аслида магистратлик мансабини фақат бойлар эгаллаганлар.

Рим – ўзига хос аристократлар республикаси бўлган. Халқ мажлисларининг оддий ва иродасизлиги, магистратларнинг ҳақ олмай ишлаши, сенатнинг катта таъсир кучига эгалиги Рим республикасининг муҳим жиҳатларидан. Бунинг сабаби, аввало Рим фуқароларининг аксарияти тарқоқ ва яхши уюшмаган зироатчилардан иборатлиги бўлса, иккинчидан, милоддан аввалги V - IV асрлар тарихий шароитининг ўзига хослиги, шунингдек, Рим республикаси ерлари фақат урушлар ҳисобига кенгайтирилганида. Узлуксиз давом этган урушлар, муттасил талончилик давлат ташкил этилишига кучли таъсир кўрсатган, давлат тусга эга бўлиб борган. Энг эътиборли халқ мажлислари центурия колициялари бўлиб, бошда улар аскарлар йиғинидан иборат эди.

Рим қўшини ва унинг тузилиши. Рим республикасининг ҳарбий тизими милоддан аввалги V асрда Рим жамоаси қўшни мамлакатларга қарши узлуксиз уруш олиб борган шароитда таркиб топган. Рим аввал лашкари легион деб аталган. Кейинроқ икки консулнинг ҳар бири ўзига легион тузиб, унга қўмондонлик қилган. Милоддан аввалги IV асрда консул қўшини икки легионга бўлиниб, бутун қўшин тўртта легиондан иборат бўлган.

Консуллар цензор томонидан тузилган рўйхатга мувофиқ халқ мажлиси олдиндан белгилаган куни аскар тўплаган. Ҳар бир легион оғир қуролланган 3000 аскар ва енгил қуролли 1200 аскардан ташкил топган. Легионга иттифоқчилар отрядлари, отлик аскарлар ҳам киритилган.

Жангни одатда ҳар бир центурияга қўшиб берилган енгил қуролли камончи, найзабардорлар бўлинмаси бошлаб берган. Оғир қуролли жангчининг тахта қалқони бўлиб, юзаси сурп, мол териси билан қопланган, отилган тош ва ўқлардан сақлаш учун темир тасмалар кавшарланган. Жангчилар бошларига дубулға кийиб, кўкракларига мис сипар боғлаган, баъзан сават кийганлар, оёқларига кўн пайтава ўраганлар. Кўн арзонроқ бўлиб, ҳаракатга ҳалакит бермаган. Легионернинг ҳужум қуроллари бир мунча мукаммаллашган. У қулай ва мустаҳкам қилич, оғир ва енгил найза билан қуролланган. Милоддан аввалги II аср охирларида легионерларнинг асосий қуроли плиум (отадиган қурол), ўткир учли ингичка темир таёқ бўлган. У билан қалқон ва совутни тешиб ўтиши мумкин эди.

Легионерларга консул, легат (урушда консул ёрдамчилари) ва ҳарбий трибунлар қўмондонлик қилган. Римликлар милоддан аввалги III аср бошларида эллинларга оид қуроллар билан танишиб, қамал қуролларини ишлатишни ўрганганлар.

Римликлар пухта ўйланган рағбатлантириш тадбирлари ва жазо чоралари ёрдамида қўшинда каттиқ интизом ўрнатганлар. Жангда жасорат кўрсатган аскар ҳарбийлар мажлисида номи кўрсатилиб, фахрий найза, олтин ёки кумуш билагузук, бронза совут билан мукофотланган. Рим фуқаросини ўлимдан сақлаб қолган жангчи эман баргидан ясалган чамбар билан, қамал қилинган шаҳар деворига ёки душмани кемасига биринчи бўлиб қадам қўйган жангчи олтин чамбар билан мукофотланган. Аммо легионерлар орзу қилган энг зўр мукофот – ер эди.

Ҳарбий бошлиқлар айб қилган жангчини жазолаш ҳуқуқига эга бўлган. Жангда қуролини йўқотган жангчи трибунлар кенгаши томонидан ўлимга ҳам ҳукм қилинган. Жанг вақтида чекинган ёки кўзғолон кўтарганлар учун қўмондонлар “децимация” одатини қўллаган, яъни қуръа билан ҳар ўн жангчидан бирини қатл қилганлар. Рим республикаси қўшини интизомли ва яхши қуролланган. Бу лашкар милоддан аввалги III - II асрларда эллин давлатлари қўшинларини ҳам тор - мор келтирган.

Таянч иборалар

легион, триба, плебей, патриций, магистрат, квирит, колия, центурия

Саволлар

- 1. Илк Рим республикасининг ижтимоий-сиёсий тузуми қандай бўлган?**
- 2. Сервей Туллий ислохотига кўра ҳарбийлар нимага асосан бўлинганлар?**

3. Пун урушлари

Милоддан аввалги III аср ўрталарида Ғарбий Ўрта Ер денгизиде иккита кучли давлат: Карфаген давлати ва Рим кулдорлик конфедерацияси бор эди. Бу икки давлат Ўрта Ер денгизиде ҳукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қилар ва уларнинг ўзаро муносабатлари тобора кескинлашиб борарди. Милоддан аввалги III асрда Карфаген билан Рим ўртасиде уруш бошланди (Римликлар карфагенликларни пунлар деб аташарди).

Карфаген (Кар - Хадашт (финикийча) - янги шаҳар) - Тир шаҳри (финикияликлар) колонияси бўлиб, милоддан аввалги IX аср охирида Шимолий Африкада барпо этилган (ҳозирги Туниснинг шимоли - шарқиде). Милоддан аввалги V аср ўрталарида Карфаген йирик давлатга айланиб, унинг таркибига Шимолий Африканинг бир қисмидан ташқари, Сицилиянинг ғарб, Мальта, Сардиния, Корсика, Питекуз, Балеар ороллари ҳам кирар эди.

Карфаген савдо ва ҳунармандчилик марказларидан бири Рим сингари кулдорлик давлати бўлиб, кул савдоси ва куллар меҳнатидан фойдаланиш анча ривож топган. Карфагенлик савдогарлар Миср, Эгей денгизи ороллари ва денгизбўйи шаҳарлари, Этрурия, Испания, Греция билан савдо - сотиқ алоқаларини ўрнатганлар. Карфаген денгизчилари Британия оролига қадар етиб ҳам борганлар.

Савдо ва ҳунармандчиликдан ташқари Карфаген давлати ҳаётида деҳқончилик ҳам ўзига хос ўрин тутган. Шаҳарлик зодагонлар Баград дарёси водийсидаги ҳосилдор ерларга эгалик қилиб, бу ерда асосан узум етиштирилган. Узумзорларда минглаб куллар меҳнат қилишарди. Умуман, Карфагенда асосий ишчи кучи куллар бўлиб, эркин деҳқонлар камчиликини ташкил этган.

Йирик кулдорлар, йирик ер эгалари ва савдогарлар Карфаген сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Карфагенда халқ йиғини ҳам мавжуд бўлиб, лекин унинг давлат бошқарувида деярли ўрни бўлмаган. Улар вакиллари фақат магистрат сайловида овоз берардилар, холос. “Уч юзлар кенгаши” давлат бошқарувчи олий орган ҳисобланиб, ундан “ўттизлар кенгаши” ажралиб туриб, бу органлар икки магистрат - суфетлар томонидан бошқарилган. Суфетлар фақат бир йилга сайлангани туфайли улар давлатда яқка ҳукмронлик ўрната олмасди.

Карфаген кулдорлик давлатининг асосий таянчи – лашкар ва кучли ҳарбий флот эди. Карфаген қўшини асосини пухта тайёргарлик кўрган ёлланма аскарлар ташкил этган. Шунингдек, Карфагенга тобе шаҳар ва қабилалар маълум миқдорда қўшин бериб туриш керак эди. Римга нисбатан анча бой Карфагенда милoddан аввалги III аср ўрталарига келиб, ички вазият кескинлашди. Бу вақтда Карфагенда нафақат куллар, балки оғир солиқлар тўлашдан чарчаган турли элат ва қабилалар ҳам қўзғолон кўтариб турардилар. Йирик савдогар, катта ҳунарманд ва йирик ер эгалари Сицилияни буткул босиб олиш учун уруш бошлашни талаб қилишарди.

Милoddан аввалги III аср ўрталарида Карфаген ва Рим бадавлат Сицилияни эгаллаб олишга интилардилар. Натижада икки давлат ўртасида уруш бошланди. Римда карфагенликлар пунлар номини олганликлари учун бу уруш Пун уруши деб ном олди.

Биринчи Пун уруши милoddан аввалги 264 - 241 йилларда бўлиб ўтиб, йигирма уч йил давом этди. Римликлар Сицилияда қуруқлик жангларида бирин - кетин ғалабага эриша бошладилар. Лекин ҳарбий флоти бўлмагани сабабли, денгизда кучли ҳарбий флотга эга карфагенликларнинг кўли баланд келди. Шунда Рим сенати ҳарбий флот тузиш ҳақида қарор қабул қилди ва тез орада римликлар кучли ҳарбий флот яратдилар.

Милoddан аввалги 260 йили римликлар консул Гай Дуилий бошчилигида Сицилиянинг шимолидаги денгиз жангида карфагенликлар устидан биринчи жиддий ғалабага эришдилар. Бундан руҳланган римликлар уруш ҳаракатларини Карфаген ҳудудига кўчирдилар. Милoddан аввалги 256 йили уч юз ўттизта Рим ҳарбий кемаси Африкага етиб келди. Йўлда улар карфагенликлар флотини тор – мор қилиб, Карфаген яқинида қирғоққа келиб тушдилар ва ердаги жангларда ҳам устун келдилар. Ғалабага буткул ишонган сенат қўшинининг бир қисмини Римга чақириб олди. Рим қўшини консул Марк Атилий Регул қўли остида яна бир неча жангга ғалаба қозонди, лекин римликлар Африкада узоқ вақт давомида уруш олиб боролмасдилар. Карфаген ёлланма қўшини римликларни мағлубиятга учратдилар, консулни асир олиб, уни қатл қилдилар. Рим флоти эса ортга қайтаётиб, кучли бўронга йўлиқди ва аксарият аскарларидан жудо бўлди.

Шундан кейин уруш ҳаракатлари яна Сицилияга кўчиди. Сицилияга ёш истеъдодли лашкарбоши Гамилкар Барка етиб келгач, рим қўшини оғир аҳволда қолди.

Бу лашкарбоши бошчилигида карфагенликлар бир қанча жангда ғалаба қозониб, Сицилиянинг шимоли ва марказий қисмини эгалладилар.

Римликлар бу урушда ғалаба қозониш учун қайтадан флот қуришлари керак бўлган. Лекин бу вақтда Рим ҳазинаси бўшаганлиги сабабли сенат зодагон римликлардан қарз олиб, янги флот қурди, бир неча денгиз жангида устун келди.

Йигирма уч йиллик уруш ҳар икки давлатни ҳолдан тойдирди. Шу сабабли сенат Карфаген томонидан таклиф этилган сулҳни қабул қилди. Милоддан аввалги 241 йили тузилган сулҳ шартномасига кўра, Карфаген 10 йил давомида Римга 3200 талант контрибуция тўлаши, асирларни қайтариб бериши, Апеннин ярим оролида яшайдиган қабилалардан ўз қўшинига одам олмаслиги ва Римга Сицилиядаги мулкларини бериши керак эди.

Биринчи Пун урушидан кейин Карфаген оғир аҳволда қолди. Римга контрибуция тўлаш ва ҳарбий харажатлар туфайли Карфаген ҳазинаси бўшаб, магистратлар ёлланма қўшинга ҳақ тўлолмай қолдилар. Ёлланма қўшинлар кўзғолон кўтардилар, уларга Ливия деҳқонлари ва Карфаген қуллари қўшилдилар.

Бу кўзғолонни бостириш вазифаси Гамилкар Баркага топширилди. Ёш лашкарбоши яхши қуролланган ва тажрибали қўшинга эга бўлишига карамай, ёлланма қўшинлар исёнини қийинчилик билан бостирди.

Римликлар Карфаген оғир аҳолда қолганидан фойдаланиб, милоддан аввалги 238 йили Сардиния ва Корсикани эгаллаб олиб, Сицилия, Сардиния ва Корсика Римнинг Италиядан ташқаридаги дастлабки провинциялари деб эълон қилди.

Кўзғолонни бостирган Гамилкар Барка анча ном қозонди ва зодагон карфагенликларга таяниб, Римга қарши янги урушни ёклаб чиқди. Аммо Карфагенда уруш учун етарли маблағ ва одам йўқ эди. Шунда карфагенликлар Иберия (ҳозирги Испания) ни босиб олиб, ундан Римга қарши урушда плацдарм сифатида фойдаланишга қарор қилдилар. Улар Иберия металл конларини эгаллаш ва қўшинини бу ердаги қабилалар ҳисобига тўлдирмоқчи эдилар.

Милоддан аввалги 237 йилда Гамилкар Барка бошчилигидаги Карфаген қўшини Иберияга кириб келди ва бир неча қабилани ўзига бўйсунтирди. Милоддан аввалги 229 йили Гамилкар Барка иберлар билан жангларнинг бирида ҳалок бўлди. Карфаген қўшинига бошчиликни Гасдрубал ўз қўлига олди. У Иберияда Янги Карфаген шаҳрига асос солди ва бу шаҳар карфагенликларнинг Ибериядаги ишонган таянчига айланди. Шунда римликлар карфагенликлар Иберияни бутунлай босиб олмасликлари учун шартнома тузиб, уларга Ибер дарёсидан шимолга ўтмасликлари кўрсатилган эди. Милоддан аввалги 221 йили Гасдрубал келтлар томонидан ўлдирилди. Карфаген қўшини Гамилкар Барканинг ўғли, йигирма беш яшар Ганнибални ўзига лашкарбоши қилиб тайинлади. Ганнибал ёшлигидан ҳарбий таълим олган бўлиб, Римга нафрат руҳида тарбияланган эди.

Милоддан аввалги 218 - 201 йилларда Иккинчи Пун уруши бўлди ва бу уруш ўз аҳамиятига кўра ўша даврдаги энг катта урушлардан бири бўлди. Бу уруш бошланишига Ибер дарёси жанубидаги Сагунт шаҳри билан боғлиқ воқеа сабаб бўлди. Рим билан иттифоқ тузган Сагунтни милоддан аввалги 219 йилда Ганнибал бошчилигидаги Карфаген қўшини эгаллаб, вайрон қилди ва аҳолисини қул қилиб сотиб юборди.

Бу воқеадан кейин Рим Карфагенга қарши яна уруш очди. Консуллардан бири Сицилияга ўтиб, у ердан Карфагенга ҳужум қилиши, консуллардан яна бири Публий Корнелий Сципион Ибериядан туриб, Ганнибалга қарши уруш бошлаши керак эди.

Лекин Ганнибал Италияга шимолдан, яъни Алп тоғларидан ўтиб ҳужум қилиб ва шу билан римликлар режасини чиппакка чиқармоқчи эди.

Милоддан аввалги 218 йил баҳорда Ганнибал қўшини ва бир қанча жанговар филлари билан Янги Карфагендан Италия сари йўл олди. Алп тоғидан ошиб ўтиш вақтида Карфаген қўшинининг ярми, жанговар филларининг катта қисми тоғ сўқмоқларида ҳалок бўлди. Карфагенликлар Алп тоғларидан ўтиб, Шимолий Италиянинг По дарёси водийсига етиб келганида, Ганнибал қўшини таркибида 20 минг пиёда аскар, 6 минг отлик, бир нечта жанговар фил қолган эди. Лекин бу ерда Ганнибал қўшинига бир нечта келт қабилалари қўшилдилар ва сийраклашиб қолган Карфаген қўшини яна кучайди.

Карфаген қўшини бир қанча жангларда Рим қўшинини тор - мор қилди. Ганнибал қўшини билан шимолдан жанубга томон бутун Италияни босиб ўтди ва йўлидаги барча қишлоқларни вайрон қилди. Лекин у қўшинига Рим қўли остида бўлган элатларга тегмаслик ҳақида ўзи буйруқ берди, чунки унинг Римга қарши курашда уларни ўз томонига оғдириб олиш нияти бор эди.

Милоддан аввалги 216 йили Ганнибал Италиянинг жанубий қисмига етиб келди. Унинг нияти Карфагендан ёрдам олиш ва бу ердаги элатлар билан алоқа ўрнатиш эди. Милоддан аввалги 216 йилнинг ёзида Канна қишлоғи ёнида Рим ва Карфаген қўшини ўртасида катта жанг бўлиб, унда Рим қўшини таркибида 80 минг пиёда ва 6-7 минг отлик аскар бор эди. Карфаген ихтиёрида эса 40 минг пиёда ва 14 минг отлик аскар бўлган.

Рим консуллари карфагенликларни кўп сонли пиёда қўшини ёрдамида енгмоқчи бўлдилар. Улар қўшинини баҳайбат тўртбурчак шаклида саф торттириб, отлик қўшинлар ҳимоя учун қанотларга жойлаштирилди.

Ганнибал пиёда қўшинининг душмандан анча камлиги туфайли римликлар ҳужумига узоқ дош беролмаслигини яхши биларди. Шунинг учун у римликларни ўраб олиш режасини қўлламоқчи бўлди. Шу мақсадда Ганнибал ибер ва келтлардан иборат пиёдаларини ярим ой шаклида сафлади, қанотлардан эса Карфагеннинг сара пиёда ва отлик аскарлари жой олдилар.

Рим пиёда қўшинлари ҳужумга ўтиб, карфагенликлар марказига зарба бердилар ва ичкарига анча ёриб кирдилар. Лекин бу билан римликлар ўз қанотларини очиб қўйдилар. Ганнибалнинг сараланган қўшинлари дарҳол олға ташландилар. Карфаген отликлари Рим чавандозларни тўзитиб юборди ва душман пиёда қўшинига орқа томондан зарба берди. Римликларнинг сафи пароканда бўлиб, улар карфагенликлар қуршовида қолдилар. Карфагенликлар қуршовда қолган 58 минг Рим аскарини қиличдан ўтказиб, 18 мингини асир олдилар. Бу жангда консуллардан бири – Эмилий Павел ўлдирилди.

Канна жангидан сўнг Италия жанубидаги самнит, мукан ва бруттий қабилалари, шунингдек, Капуя ва Сиракуза шаҳарлари Ганнибал томонига ўтди. Македония шоҳи Филипп V ҳам у билан иттифоқ тузди. Карфагеннинг ўзи ҳам ёрдам тариқасида Сицилияга 25 минг кишилик қўшин юборди. Лекин Ганнибал Италияда римликларга қарши узоқ вақт уруш олиб боришга етарли куч йўқ эди.

Римликлар Канна ёнидаги жангда катта талофат кўргач, ҳарбий хизматга яроқли барча эркакларни қўшинга сафарбар этиб, аскар тўплашга киришдилар.

Рим лашкарбошилари Ганнибални истеъдодли саркарда сифатида тан олиб, у билан жиддий жанг қилмай қўйдилар. Римликлар карфагенликларнинг кичик қисмларига ҳуруж қилиб, Ганнибал томонига ўтган шаҳарларни қамал қилардилар. Бундай уруш Ганнибал қўшинини тобора заифлаштирарди.

Римликлар миллоддан аввалги 211 йили Ганнибал томонидаги Сиракузани эгаллаган бўлсалар, 205 йилда юнон давлатлари билан иттифоқ тузиб, Македония устидан ғалаба қозондилар.

Миллоддан аввалги 204 йили Рим уруш ҳаракатларини Африкага кўчириб, бу ерга Сципион бошчилигида катта қўшин туширди. Ганнибал Карфагенни ҳимоя қилиш учун Италиядан қайтиб келишига тўғри келди.

Миллоддан аввалги 202 йили Карфагеннинг Зама шаҳри яқинида Ганнибалнинг Карфаген қўшини билан Сципион бошчилигидаги римликлар ўртасида ҳал қилувчи жанг бўлди. Бу урушда римликлар отлиқ ҳисобидан устунликка эга эдилар. Рим пиёда қўшинлари Карфаген пиёдалари билан курашаётган бир вақтда римлик отлиқлари душманга дафъатан орқа томондан зарба бердилар ва Ганнибални тор - мор қилдилар. Шу тариқа истеъдодли саркарда Ганнибал илк маротаба мағлубиятга учраган.

Миллоддан аввалги 201 йили карфагенликлар билан Рим билан Карфаген ўртасидаги иккинчи Пун уруши тугатилди ва икки давлат ўртасида сулҳ тузилди. Сулҳ шартлари Карфаген учун анча оғир бўлиб, унга кўра Карфаген: Африкадан ташқаридаги барча ерларидан маҳрум этилди; Рим сенатининг рухсатисиз бирор урушга киришолмас; Римга эллик йил давомида 10 минг талант тўлаши; Римга ўз флоти, жанговар филлари, асирлар ва қўлга киритган ўлжаларини бериши; қўшинини тарқатиб юбориши; Африкадаги Рим қўшинини озиқ-овқат билан таъминлаши; Карфагендаги бой оилалардан 100 кишини гаров тариқасида римликлар қўлига топшириш керак эди.

Миллоддан аввалги 195 йили Ганнибал Сурияга кетишига тўғри келди. Карфагенликлар мағлубиятидан сўнг, Рим қўшинлари миллоддан аввалги II асрнинг ўрталаригача Сурия, Македония ва Грецияни эгаллаб Ўрта Ер денгизи мамлакатларида ҳукмронликларини ўрнатдилар.

Миллоддан аввалги 149 йили римликлар Карфагенга қарши учинчи Пун урушини бошладилар. Урушга Нумидий билан Карфаген ўртасидаги можаро баҳона бўлди. Нумидий шоҳи Рим ёрдамига ишониб, Карфаген ҳудудини эгаллади ва нумидийликлар билан карфагенликлар ўртасида тўқнашувлар бўлди. Рим сенати Карфагенни сулҳни бузганликда айблади, яъни унга кўра Карфаген Римнинг рухсатисиз уруш қилолмасди.

Бу урушда Карфаген қўшини римликларга нисбатан анча оз бўлишига қарамай, улар шаҳарларини уч йил давомида қаҳрамонона мудофаа қилдилар.

Ҳимоячилар очлик ва касаллик туфайли ҳолдан тойганидан кейингина Рим қўшини миллоддан аввалги 146 йилнинг ёзида шаҳарга киришга муваффақ бўлдилар. Римликлар Карфагенга ўт қўйдилар, лекин карфагенликлар яна олти кун римликларга қаршилиқ кўрсатдилар.

Сенат буйруғига кўра Карфаген ер билан яксон қилинди, шаҳарда бутун қолган бинолар ҳам бузиб ташланди ва 50 минг аҳоли кул қилиб сотиб юборилди.

Шу тариқа уч Пун уруши оқибатида, Карфаген бутунлай вайрон бўлди, Рим Ўрта Ер денгизи ҳудудидаги энг қудратли давлат бўлиб қолди.

Таянч иборалар

конфедерация, уч юзлар кенгаши, ўттизлар кенгаши, суфет, пун, колония, контрибуция, провинция, плацдарм, консул

Саволлар

- 1. Нима учун Рим билан Карфаген ўртасида уруш келиб чиқди?**
- 2. Нима сабабдан Рим билан Карфаген ўртасидаги уруш Пун уруши деб ном олди?**

4. Милоддан аввалги II - I минг йилликда Италияда кулдорлик тузуми

Милоддан аввалги II минг йилликда Италияда кулдорлик тузумининг пайдо бўлиши. Милоддан аввалги II мингинчи йилларда Италияда бронза даврида – патриархал уруғчилик тузуми аҳолини асосий жамоа тузуми шакли бўлган.

Милоддан аввалги II минг йиллик охири – I минг йиллик бошларида Италия темир асрига ўтади. Темир меҳнат куролларининг такомиллашуви (темир омонч) экин майдонларини кенгайтириш имконини берди. Бу билан чорвачилик таъминоти учун қулай шароит яралди.

Темир асрида қишлоқлар шаҳар тусини ола борди. Тарихий маълумотларга кўра, Лациода уларнинг сони (Рим билан бирга) ўттизтани ташкил этган. Аҳоли бир - биридан мол – мулк ҳажмига кўра фарқланган. Бунга топилган бойларга ва камбағалларга тегишли ашёлар далил бўла олади. Ижтимоий ҳаёт мураккаблашди. Уруғчилик алоқалари узила бошлади. Болонья, Вей, Цере, Эсте, Тарент некрополларида қуллар дафн қилинган мазорлар; Эстда аскарлар ва қўллар боғланган асирлар сурати туширилган бронза идиш топилган. Бу Италияда қулларнинг энг қадимги бўлган тасвиридир.

Милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмида Жанубий Италия ва Сицилия юнонлар томонидан истило қилинди. Аммо ҳосилдор ерларни эгаллаш, яъни Буюк Юнон мустамлакаси даври милоддан аввалги VIII - VI асрларга тўғри келди. Юнонларнинг ilk колонияси Кум шаҳрига, тахминан милоддан аввалги 750 йилда Эвбей Халкидаси аҳолиси томонидан асос солинган. Сицилия оролидаги дастлабки юнон колонияси Наксос (милоддан аввалги 734 йил) эди. Шу қатори ахейлар томонидан Сиракуз (милоддан аввалги 733 йил) ва спарталиқлар томонидан Тарент (милоддан аввалги 706 йил) родослиқлар ва критлиқлар томонидан эса Гела шаҳри (милоддан аввалги 688 йил) асос солинган. Юнонлар томонидан мустамлака сифатида босиб олиган Жанубий Италия ва Сицилия – Буюк Юнонистон номи билан юритилган. Юнонлар нафақат иқтисодий, маданий тараққиёт балки Италия учун янги ижтимоий тузум, яъни кулдорлик тузуми олиб келдилар. Иқтисодий ўсиш аҳолининг ижтимоий табақаланишига олиб келади ва Буюк Юнонистон полисларида маълум даражада синфий тизим шакллантирди. Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, кулдорлик муносабатларнинг шаклланишини Болқон Юнон полислари билан алоқада бўй берди. Бу полисларда айна вақтда (милоддан аввалги VIII - VI асрлар) уруғчилик тузуми қолдиқларига қарши кураш бориб, кулдорлик ташкил топа бошлади. Жадал ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиқни ривожлантириш учун кўплаб ишчи талаб этилган. Меҳнатга маҳаллий аҳоли жалб қилинган, сўнг қуллик асоратига солинган. Аристократия (зодагонлар), катта ер эгалари, кема эгалари, савдогарлар, устахона эгалари кулдорлар синфини ташкил қилиб, улар эркин фуқаро ҳисобланган. Эркин фуқароларнинг яна бир қатлами ҳунармандчилик устахоналарида меҳнат қилиб, кичик савдогарлик билан шуғулланган ва аҳолининг алоҳида синфини ташкил этган. Аристократия билан демократик руҳдаги ўртаҳоллар ва қул қилинган маҳаллий аҳоли ўртасида доимий тенгсизлик мавжуд бўлган. Юнон мустамлакаларида зодагонлар ва янги аслзода кулдорлар манфаатини ҳимоя қиладиган олигархия ҳокимияти ўрнатилган. Ҳокимиятни қўлига олган олигархия ўз манфаатларига мос ҳуқуқ меъёрларини ишлаб чиқди. Қонун ва ҳуқуқ кодексини тузган Локралик Залевк, Кампаниялик Харонда ҳақида қайдлар сақланиб қолган. Бу ҳужжатлар ижтимоий – сиёсий ривожланиш, Буюк Юнонистон синфий жамияти ва давлат аппарати юқори даражада шаклланганини далolatдир.

Италия жануби ва Сицилиядаги юнон полислари Италиянинг умумий ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий ривожда муҳим роль ўйнаган. Янги, қулдорчилик муносабатларининг полис тузуми шакллари маҳаллий италий қабилаларининг тарихий ривожланиш жараёни тезлашиб, уруғчилик муносабатлари бузилиши, давлатнинг вужудга келиши, ҳамда қулдорчилик жамияти шаклланишига олиб келди.

Милоддан аввалги VI-IV асрлардаги ижтимоий тузум. Ибтидоий жамоа тузумининг қулдорчилик билан алмашиши Италияда бир неча юз йил давом этди.

Италия вилоятларини уруғчилик тузумидан илк синфий қулдорлик тузумига ўтиши аввало этруск шаҳарлари ва юнон (грек) мустамлакаларида рўй берди. Рим ва лотин шаҳарларида синфий тузум милоддан аввалги VI асрларда шаклланди. Самний, осклар ва тоғлик қабилаларда ибтидоий тузум узоқ вақт давом этди. Уларда давлат аппаратини шаклланиши милоддан аввалги IV асрларда бошланган. Уруғчилик тузумидан қулдорчилик тузумига ўтиши Рим давлат муассасаларини ва жамиятининг ривожини мисолида кўриш мумкин.

Эрта Рим жамиятининг асосий синфлари – патрицийлар, плебей ва куллар бўлиб, улар бир вақтда табақаларга ажралиб, ўзаро ишлаб чиқариш воситалари билан, ҳамда ҳуқуқлари билан ажралганлар. Тўла ҳуқуқлилар – патрицийлар, кам ҳуқуқлилар, яъни плебейлар, ҳамда умуман ҳеч қандай ҳуқуқга эга бўлмаган куллар.

Куллар аҳволи. Милоддан аввалги VI - III асрларда Римда куллар меҳнатидан далалар, устахоналар ва уй хўжалигида фойдаланилган. Ҳарбий асирлар, қарзини тўлай олмаганлар қулга айлантирилган. 326 йилда Римда қарзини тўлай олмаган қарздорларни қул қилинишини бекор қилиш ҳарбий асирлар куллар синфини тўлдириб турувчи асосий манба бўлиб қолди.

Илк қулдорчилик муносабатлари патриархал қулдорчилик деб номланиб, ривожланган классик қулдорликдан бирмунча фарқланади. Патриархал қулдорчиликда фақат қулдорлар яшаши учун зарур ашё ва озуқалар ишлаб чиқарилган, яъни натурал хўжалик мавжуд бўлган. Товар (мол) ишлаб чиқариш энди оёққа турмоқда эди. Ўша даврда куллар кам сонли бўлгани сабабли улар асосий ишлаб чиқарувчи бўлмаганлар ҳам меҳнат қилганлар. Қулга ашё сифатида қаралмаган, унинг минимал ҳуқуқлари сақланган. Улар қилмишлари учун судда жавоб берганлар (кейинги даврда уларга эгасининг ўзи жазо берган). Юқори малакали, ҳатто эгаси кулларни фарзанд қилиб олиши мумкин эди. Улар баъзи диний маросим ва байрамларда ҳам иштирок этганлар. Диний тасаввурларга биноан куллар байрамларда дам олганлар, кулларга бешафқат муносабатда бўлиш ва уларни қонини тўкиш гуноҳ ҳисобланган. Эркин одам ва қул орасида у қадар катта фарқ бўлмаган.

Асир олинганлар энг ҳуқуқсиз кишилар бўлган. Чунки уларнинг бирор яқини ё қариндоши, ҳеч кими бўлмай, демак қулдорга боғлиқ бўлмаган. Шу сабабли синфий зиддиятлар яширин кўринишга эга бўлган. Улар мустақил чиқиш қилмай, яширин кураш олиб борганлар (қочиб кетиш, меҳнат қуроолларни бузиш ва синдириш) ёки ярим эркин ва қашшоқ аҳолининг чиқишларида иштирок этишган. Жумладан, куллар Аппий Гердоний ҳукмронлигини тиклаш ва милоддан аввалги 460 йилда Капитолий қалъасини эгаллаш, IV аср бошида қарздорлар ғалаёнлари, милоддан аввалги 342 йилдаги умумхалқ ҳаракатига қўшилганлар.

Патриархал қулдорчиликдан классик қулдорчиликка ўтиш. Рим республикаси милодий биринчи асрларда қулдорлик муносабатларининг тараққиёти, уларнинг патриархал шаклидан классик шаклига ўта бошлаши билан фарқланади. Милоддан аввалги V - III асрларда Рим давлати Италияда олиб борган урушлари

натижасида хорижлик қуллар сони кўпайган. Этрускларнинг Вейями шахри билан урушда римликлар 8 минг асир олганлар ва қул қилиб сотиб юборганлар. Милоддан аввалги 306 йилда, Тит Ливий гувоҳлигича 7 минг самний қул қилиб сотилган. Бироқ Италия ўзига бўйсундирган қабила ва элатлари эркин бўлиб қолдилар, чунки қуллар меҳнати ҳали у қадар фойда келтирмаган.

Рим бўйсундирган Италия халқларининг қарамлик шакллари Спартанлар илотиясига ўхшаш бўлган. Шундай қилиб, классик қулликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши Италияда қулдорлик муносабатларининг турли шаклларига путур етказмаган. Қулдорликнинг ўсиши, ғоят шафқатсиз тарзда ишлатилган бошқа қабила вакиллариининг кўпайиши қулларнинг ҳуқуқий аҳволига ўзгаришлар киритилишини тақозо қилган. Милоддан аввалги III аср бошига келиб эгаси ихтиёридаги буюм сифатида қаралган қулларни бутунлай ҳуқуқсиз қилган янги қоидалар таркиб топди. Қул ёки уй ҳайвонини ўлдирган ёки майиб қилгани учун бозор нархида жарима солиниб, қул келтирган зарар эса эгаси томонидан тўланган. Шундай қилиб, ҳуқуқ нормалари ривожда: қуллар ҳуқуқсизлигини қонунлаштириш, уларни фуқаролар ҳаёти ва сиёсий ҳаётдан чиқариб ташлашга интилиш кўриниб турибди. Дехқончилик ва ҳунармандчиликда қуллар меҳнатидан тобора кенгроқ фойдаланила бошлаган. Қуллар қурилиш ишлари, флотда эшкак эшишга жалб қилинган. Давлат ихтиёридаги қуллар қоҳинлар хизматида бўлган, ибодат чоғида қоҳинга кўмаклашганлар, жарчи, жаллод каби вазифаларни бажарганлар.

Давлат ихтиёридаги қуллар хусусий шахснинг қулига нисбатан баъзи имтиёزلарга эга бўлган. Бундай қулларга миқдорда иш ҳақи тўланган, айрим ҳолларда улар Рим судига шикоят қилишга ҳақли эдилар.

Қуллар илк республика даврининг хўжалик муносабатларида турли шароитда бўлганлар. Баъзиларининг моддий маблағлари бўлиб, демак улар тўлов эвазига озод бўлиш имконига эга эдилар.

Милоддан аввалги IV - III асрларда Рим жамиятида мураккаб синфий ва ижтимоий тузум таркиб топган. Жамият эркин кишилар ва қулларга бўлинган. Эркин кишилар ўз навбатида, нобиллар (Рим сенатида сенаторлик вазифасини адо этувчилар), суворийлар ва аҳолининг аксарияти қишлоқ ва шаҳар плебси: майда деҳқон ва шаҳар ҳунармандларига ажралганлар. Эркин кишилар ичида кам ҳуқуқли гуруҳлар – озодликка чиқарилган қуллар, асоратга солинган шахслар бўлган. Улардан баъзилари эркин кишилар билан қуллар ўртасида оралиқ ўрин эгаллаганлар. Озод қилинган қулларнинг қуллар каби ҳуқуқларга эга бўлганлар. Шундай қилиб, Рим жамияти тузулиши жиҳатидан ўзгарувчан бўлиб, унда тўла ҳуқуқли, кам ҳуқуқли гуруҳлар, янги тоифалар мавжуд эди. Рим ривоятларида милоддан аввалги V асрда одатда ўз эътиборини мустаҳкамлаб олишга уринган зодагон бошчилигидаги қуллар шаҳар плебси билан қўзғолон кўтаргани ҳақида маълумотлар сақланган. Милоддан аввалги IV - III асрлар давомида қуллар плебсининг иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқлари учун курашига кўп бора қўшилган.

II ҚИСМ

Римликлар аввалроқ ҳам қуллар қўзғолонларини бостиришларига тўғри келган. Қуллар бу ерда милоддан аввалги V аср охиридаёқ биринчи бор қўзғолон кўтаришга ҳаракат қилганлар. Иккинчи Пун урушидан сўнг Италияга минглаб қуллар олиб келинган. Милоддан аввалги 198 йилда Лацияда қуллар ғалаён, 196 йил Этрурияда, 185 йил Италия жанубида, Апулияда қуллар қўзғолон кўтаришга уринганлар. Кичик қўзғолонлар осонлик билан бостирилган. Аммо марказий ва жанубий Италия, айниқса

Сицилия оролида куллар оммасининг кўпайиб бориши билан милoddан аввалги II асрнинг учинчи чорагида кулларнинг озодлик ҳаракати кескин кучайган. Милoddан аввалги 150 - 130 йилларда римликлар, куллар кўшинини тўлдириш мақсадида Пиреней ярим оролида ибер қабилаларига қарши урушлар олиб борганлар.

Нумансия билан бўлган урушда (милoddан аввалги 138-133 йиллар) ўзини қаҳрамонона ҳимоя қилган Нумансия лашкарлари Рим кўшинларини бир неча бор мағлуб қилганлар. Бу урушлардан бирида нумансияликлар консул Манцин бошчилигидаги Рим кўшинини, тоғ оралиғида куршаб олганлар. Римликлар бу танг аҳволдан Манциннинг бош хазиначиси Тиберий Гракх Семпроний урушни тўхтатишга ваъда қилиб, нумансияликларни римликларга йўл очиб беришга кўндирган. Лекин Рим сенати бундай таҳқиромуз шартномани тасдиқламаган. Сенат Испанияга ўша даврда Римнинг энг яхши саркардаси Сципион Элиллани йўллайди. У Нумансияни камал қилиб, озиқ-овқатсиз қолган шаҳар аҳолисининг қаҳрамонона қаршилигини енгади (милoddан аввалги 133 йил). Рим кўшинининг асосий кучлари Пиреней ярим оролида банд бўлган бир вақтда Сицилияда куллар кўзғолони кўтардилар (милoddан аввалги 138 - 132 йиллар).

Сицилияда куллар кўзғолони. Сицилияда милoddан аввалги V - IV асрлардаёқ йирик кулдорлик хўжаликлари бўлган. Милoddан аввалги II асрда Сицилиялик кулдорлар, тарихчи Диодорнинг фикрича, кўплаб куллар сотиб олганлар. Куллар орасида милoddан аввалги 130 йиллар бошидаги Сурия кўзғолонининг иштирокчилари ҳам бор эди. Милoddан аввалги 138 йилда улардан бири, Евн исмли шахс Энна шаҳри ҳукмдорларига қарши фитна уюштиради. Кўзғолон кўтарган куллар шаҳарни эгаллаб, эгаларининг жабр - зулми учун улардан аёвсиз ўч олганлар. Евн кўзғолончилар йўлбошчиси қилиб сайланган. У ўзини ҳукмдор Антиох деб эълон қилади. Ўз шоҳлигини “Янги Сурия”, кўзғолончиларга эса ўзларини “сурияликлар” деб аташни буюрган. Евн куллар ичидан шоҳ кенгашини танлаб олади. Киликияда туғилган Клеон Евнга қарши чиқади. У ўз тарафдорларини Евн кўшинларига зарба беради. Кўзғолончилар “Янги Сурия шоҳлиги” пойтахти Эннадан ташқари яна бир неча шаҳарни эгаллаганлар. Тавромений кўзғолончиларнинг кўрғони эди. Улар майда эркин деҳқонларга тегмаганлар, ҳунармандларни ўзларига қурол ясашга мажбур этадилар. Сицилиядаги кўзғолон таъсирида бошқа жойларда ҳам куллар ғалаён кўтардилар. Сицилиядаги воқеаларнинг кенгайишидан ташвишга тушган Рим сенати кўзғолонни бостириш учун катта ҳарбий куч йўллайди. Аммо даставвал Рим кўшинлари муваффақиятсизликка учрайди. Милoddан аввалги 132 йилдагина консул Рутилий қаттиқ жанглардан кейин аввал Тавроменийни, сўнг хоинлар ёрдамида Эннани ҳам босиб олади. Кўзғолончилар кўшинини лашкарбоши Клеон жангда ҳалок бўлади, шоҳ Евн эса асир тушиб қийнаб ўлдирилади. Рим кўшинлари бутун Сицилия бўйлаб кўзғолончиларни қон қақшатдилар. Сицилиядаги кўзғолони бостирилмай, Кичик Осиё, Пергам шоҳлигида кулдорлик тузумига қарши янги оммавий ҳаракат бошланган.

Пергамда Аристоник кўзғолони. Рим республикаси билан яқин иттифоқ бўлган Пергам шоҳлари милoddан аввалги II аср давомида римликларга тобора кўпроқ қарам бўла бордилар. Македония, Юнонистон ва Эгей архипелагида Рим босқини авж олган сари кўплаб Рим-Италия савдогар ва судхўрлари Эгей ҳавзаси мамлакатларига қатнай бошладилар. Улар солиқлар тўплаш ва бож олишни гаровга олиб, маҳаллий ҳукмдорларни маблағ билан таъминлаганлар, ҳукмдорлар қарзни қайтармаган такдирда уларга қарашли ерлик аҳолини қул қилиб ҳайдаб кетганлар. Кичик Осиё аҳолиси юнонлар зулмида норози бўлиб, кўзғолон кўтарган. Пергам шоҳлигидаги эллинлашган

зодагонлар воқеаларнинг шу тарика ривожини олдиндан билиб, шоҳ Аттал III ўлиmidан сўнг (милоддан аввалги 133 йил) марҳум ўз васиятномасида шоҳлигини “сенат ва Рим халқига” топширган деб эълон қилганлар. Рим сенати Пергам шоҳининг меросини қабул этган ва шоҳликни Римнинг Осиёдаги вилояти деб эълон қилган. Лекин Пергам аҳолиси мамлакатда Рим ҳукмронлигини истамас эди. Пергам шоҳининг сўнгги авлоди – Аристоник халқ норозилигидан фойдаланган. У эркин камбағаллар ва куллар ҳаракатига таяниб, Пергамда ҳукмронликни қўлга олишга уринади. У римликлар ва уларнинг тарафдорларига қарши қўзғолонга чақирган. Аристоник қулликка асосланмаган давлат тузиб, унга “Гелиополис” (Куёш шаҳри) деб ном беришни, ўз тарафдорлари Пергам аҳолисини “гелиополисликлар” деб аташни ваъда қилган. Аммо Пергамнинг ўзидаги, шунингдек, Эфис, Смирна, Милет, Кизик каби юнон шаҳарларининг бой зодагонлари римликларни қўллаб, қўзғолонга қўшилмади. Қўзғолонни бостириш учун консул Публий Красс бошчилигида қўшин юборилган. Қўзғолончилар бу қўшинни тор – мор келтириб, Крассни ўлдирадilar. Қўп вақт ўтмай, янги Рим қўшини тузилди. Унга эллинлашган шоҳликлар – Понтия, Вифин, Пафлагон, Каппдокия ўз қўшинлари билан, шунингдек, юнон шаҳарларининг бўлинмалари ҳам қўшилиб, катта куч тўпланди. Аристоник қўшини бўлиб ўтган жангда енгилиб, унинг ўзи Странтоникейга қочади, аммо у ерда асир тушиб, Рим қамоқхонасида вафот этади. Гелиополисликлар қўзғолони бостирилиб, Осиёда қулдорлик тузуми ва Рим ҳукмронлиги ўрнатилган. Рим республикаси эллин қулдорларининг ишончини оқлаб, бутун Ўрта ер денгизида қулдорлик тузуми таянчи бўлиб қолди.

Милоддан аввалги 130 йилларда аграр ислохот туфайли юз берган ижтимоий кураш (Тиберий Гракхнинг сиёсий фаолияти). Милоддан аввалги II асрда Италияда ижтимоий табақаланиш (айниқса майда эркин деҳқонлар сонининг камайиши ва кўплаб кулларнинг пайдо бўлиши) Рим нобилларнинг келажакни олдиндан кўра олган баъзи вакиллари ташвишга солиб, улар Рим республикасининг ҳарбий қудрати заифланиши ва эски урф – одатлар инқирозидан хавфсираганлар. Қуллар ва шаҳар камбағал оммасининг ўсиб бориши билан бирга оддий фуқаролар сонини камайиши римлик зодагонларда хавф туғдирган. Улар ўз пулига ҳарбий қурол - яроғ олишга қурби етган ва ҳарбий хизмат ўташга мажбур эркин қишлоқ фуқароларининг сони камайиб бораётганлиги туфайли легионларни жангчилар билан тўлдириш мураккаблашади деб хавотирга тушганлар.

Римликлар Италия жануби ва Сицилиядаги юнон шаҳарларини забт қилгандан кейин эллинларнинг урф–одат ва тартибларини ўзлаштира бошлаганлар. Юнон тили ўқимишли римликларнинг иккинчи тилига айланди. Юнонларнинг дабдабали ҳаёти Рим жамиятининг юқори қатлами ичида ҳам одат тусига кирди. Баъзи Рим зодагонларига бу хавфли туюлди. Рим ҳарбий - сиёсий ва маданий арбоби – Марк Порций Катон Катта ана шу кайфиятни ёрқин ифодалаган. Катон дабдабали ҳаётга қарши қатъий қонунлар жорий қилади. Шу билан бирга у забт қилинган вилоятлар ва мағлуб душманга нисбатан қаттиқ қул сиёсат олиб боришни талаб қилган. Катон ўлиmidан кейин ҳарбий хизмат ўташи лозим бўлган аҳоли сонини ошириш масаласида кўплаб сиёсий арбоблар бош қотирдилар. Милоддан аввалги 140 йилда Карфаген ғолиби Сципион Эмилиан атрофида нобиллар ва Римда яшаган юнон зодагонлари вакилларида иборат тўғарак таркиб топган. Сципион хотинининг укаси Тиберий Семпроний Гракх, юнон тарихчиси Полибий, Лелий ва бошқалар бу тўғарак аъзолари эдилар. Милоддан аввалги 141 йили Лелий жамоа ихтиёридаги ерларни ижарага олиш ҳуқуқини чеклаш тўғрисида қонунни

сенат ва халқ мажлиси муҳокамасига қўймоқчи бўлди. Лекин унинг бу иши кўплаб ер эгаларида норозилик туғдириб, Лелий қонун лойиҳасини қайтиб олишга мажбур бўлади.

Кейинроқ кулларнинг кучайиб бораётган ғалаёнлари ва кўзғолонларидан хавфсираган римлик зодагонлар учун бу каби тадбирлар зарур эканлиги бўлиб қолди.

Аграр ислохот тарафдори бўлган Рим нобиллари гуруҳига Тиберий Семпроний Гракх бошчилик қилган. Гракх Рим зодагонларининг тоифасига мансуб бўлган. Унинг буvasи ва отаси (Гракх отасининг исмини олган) йирик сиёсий ва ҳарбий арбоб бўлганлар. Онаси Корнелия эса Сципион Африкий Каттанинг қизи эди. Карфаген қамалида Тиберий Гракх довурак жангчи сифатида донг чиқарган. Кейинчалик у Испанияда консул Манциннинг бош хазиначиси бўлиб хизмат қилган. Тиберий Гракх Этрурия орқали бораётганда, Плутарх ёзишича, “Қаровсиз ерлар, қўшчи, подачи ҳам – бари ёввойи, ёт ўлкалардан келган куллар, ана шунда унинг миясига бир фикр келган...”

Тиберий Гракх милoddан аввалги 133 йили (Рим таъсис қилинганлигининг 620 йили) Римга қайтгач, ўзининг плебейлар уруғидан эканлигидан фойдаланиб, халқ трибуни лавозимига номзодини қўяди ва сайланади. У дарҳол аграр ислохот ўтказишни таклиф этади. Гракх жамоа ихтиёридаги ерларни ижарага олиш ҳуқуқини чеклаш зарур деб билган. Бир фуқаро 500 югер, иккита ўғли учун 250 югер, хуллас оила кўпи билан минг югер ерни ижарага олиши мумкин деб ҳисобланган. Гракх катта ер эгаларининг ортиқча ерларини давлат ҳисобига ўтказиб, уни римлик ерсиз деҳқонларга бўлиб беришни таклиф қилган. Унинг таклифига кўра, ер ислохоти ўтказиш учун махсус аграр комиссия тузилиши ва унга муайян ваколатлар берилиши лозим бўлган. Тиберий Гракх ўзининг қонун лойиҳасини халқ мажлисига қўйиб, фуқароларни лойиҳани қўллаб - қувватлашга чақирар экан, куллар кўзғолон кўтариш хавфи мавжудлигини уқтирган.

Аграр ислохот ўтказиш таклифи энг камбағал фуқароларнинг оммавий қаршилигини келтириб чиқарди. Сенат Тиберий Гракх қонун лойиҳасини очик рад эта олмаган. Лекин бойлар ислохотларга зимдан тўсқинлик қилиб, кейинчалик мўлжалланган режаларни тўғридан - тўғри чиппакка чиқардилар. Ўйиборли нобилларнинг васвасаси билан халқ трибуни, катта ер эгаси Марк Октавий кўзда тутилган ислохот кўп Рим фуқароларининг мулкый ҳуқуқларига зид деган баҳона билан Тиберий Гракхнинг қонун лойиҳасига вето қўйган (тақиқлаган). Тиберий Гракх ҳам халқ трибуни сифатида магистрларнинг кўрилатган масаласига вето ҳуқуқидан фойдаланиб, муҳолифларига таъсир қилишга уринган. У давлат хазинасини яшириб, сенат ва магистрлардан чиқадиган барча фармойишларга вето қўйган. Лекин бу тадбирлар Марк Октавий ва бошқа ислохот душманларининг қарашлигини синдиrolмаган. Сўнгра Тиберий Гракх халқ мажлиси (триба комициялари) да Октавийга қатъий суратда қарши чиққан ва Рим халқи манфаатларига қарши чиққан шахс халқ трибуни бўла оладими, деган масалани овозга қўйган. 35 трибдан 17 таси Октавийни муддатидан аввал халқ трибунлари таркибидан чиқаришни талаб қилгач, Тиберий Гракх Октавийдан қонун лойиҳасига ветосини қайтиб олишини сўраб, ижара ери туфайли кўрган зарарини шахсий маблағидан қоплашга ваъда берди. Нобиллар тазйиқи билан Октавий бу талабни рад этиб, овоз бериш натижасида халқ трибуни номидан маҳрум этилди.

Тиберий Гракх қонун лойиҳасини тасдиқлатишга муваффақ бўлди, аммо у халқ трибуни бўла туриб, трибун дахлсизлиги тўғрисидаги қонунни бузади. Уни муҳолифлари трибунлик муддатидан сўнг суд билан қўрқитишган. Қонун лойиҳаси қабул қилиниб, уни жорий этиш комиссияси тузилди. Унинг таркибига Тиберий Гракхнинг ўзи, унинг укаси Гай Гракх ва қайнотаси Тиберий Аппий Клавдий кирган. Ерларни қайта тақсимлашда комиссия жиддий муаммоларга дуч келди. Ҳар бир ер бўлагининг тегишлигини ажрим

қилишга, шахсий ерларни жамоа ерларидан ажратишга тўғри келган. Бошлаган ишни охиригача етказиш мақсадида ҳамда муҳолифлари қаршилигини енгил учун Тиберий Гракх халқ трибунлигига яна ўз номзодини қўяди. Унинг душманлари бундан фойдаланиб, у ҳукмронликни қўлига олмоқчи деб гап тарқатганлар. Римда ғоят танг сиёсий вазият юзага келган. Бундан ташқари 621 йил (милоддан аввалги 132 йил) учун халқ трибунлари сайловини қоҳинлар Тиберий Гракх тарафдорлари - қишлоқ аҳолиси дала ишлари билан банд бўлган ёзга белгиланган.

Бундан фойдаланган Сципион Назика бошлиқ энг фаол муҳолифлар сенатда Гракхни ҳокимиятни эгаллаб олишда айблаб, консулдан уни қамашни талаб қилганлар. Бу талаб рад қилинган, улар халқ мажлиси вақтида Гракх ва унинг тарафдорларига ҳужум қилганлар. Бунда уч юздан зиёд киши ўлдирилган (милоддан аввалги 133 йил). Тиберий Гракх ўлимидан кейин сенат унинг тарафдорларини қаттиқ тазйиқ остига олди. Улардан баъзилари қатл қилинди, баъзилари қочиб кетди. Шунга қарамай, аграр комиссия ишини давом эттирди. Ҳатто Тиберий Гракх маслакдошларини Римдан қувиб чиқарган консулдан ҳам “Мен жамоа далаларини подачилардан тозалаб, у ерларни биринчи бўлиб ғаллакор деҳқонларга бўлиб бердим” мазмунида ёзув қолган. Тиберий Гракхнинг ҳалок бўлишига, ислоҳот тарафдорлари ўзаро бирлашмагани сабаб бўлди. У асосан қишлоқдаги майда ер эгалари оммасига таянган. Аммо тақдири кўпинча бирдан - бир нобилга боғлиқ бўлган Рим йўқсуллари Гракхга айтарли ёрдам кўрсатмадилар. Рим суворийлари ҳам, нобилларга қарши бўлсаларда, ислоҳотни қўллаб - қувватламай курашдан четлашдилар. Аграр ислоҳот тарафдорларининг Римда тор – мор бўлиши, Нумансия ишғол қилиниши ва иберлар қаршилигининг бостирилиши, ниҳоят Пергамда Аристоник ва унга ҳайрихоҳлар ҳаракати тугатилиши Рим нобилларининг аҳволини бир мунча яхшилади. Аммо ислоҳот тарафдорлари сенатнинг маълум даражада ён беришга эришди. Халқ мажлиси халқ трибуни вазифасига кетма – кет икки йил ва ундан узоқ муддатга қайта сайланиш мумкин ва қонуний, деб қарор чиқарган. Бундан ташқари халқ мажлисида магистратларни яширин овоз билан сайлаш тўғрисида қонун жорий қилинган (милоддан аввалги 131 йил).

Милоддан аввалги 120 йилларда Римда ижтимоий кураш (Гай Гракхнинг сиёсий фаолияти). Милоддан аввалги 125 йили аграр ислоҳот тарафдорларидан – консул Марк Фульвий Флакк ислоҳот тарафдорлари доирасини кенгайтириш мақсадида Римга қўшни италия қабилаларига Рим фуқароси ҳуқуқларини бериш тўғрисида қонун лойиҳаси киритишни таклиф қилган. Аммо сенат бунга қаршилик кўрсатган. Фульвий Флакк Цизальп Галлиясидаги қўшинга қўмондон қилиб жўнатилиб, унинг қонун лойиҳаси эса рад этилди. Бунинг натижасида Аскул ва Фрегелли шаҳарларида кўзғолон кўтарилиб, бу кўзғолонлар ҳарбий куч ёрдамида бостирилди. Милоддан аввалги 124 йил Тиберий Гракхнинг укаси - довюрак ва ғайратли сиёсий арбоб, ажойиб нотик Гай Семпроний Гракх (милоддан аввалги 153 - 121 йиллар) Сардиния оролидан қайтади. Ислоҳот муҳолифлари бир вақт Гайни Сардиния оролига вақтинча Рим ноиби (проквестор) қилиб юборилишига эришган эдилар ва унинг устидан уюштирилган судда у ютиб чиқиб, халқ трибуни лавозимига номзодини қўйган. Милоддан аввалги 123 йили (Рим таъсис қилинганлигининг 630 йиллиги) халқ трибуни қилиб, 122 йили эса қайта сайланган. Акаси учун қасос олиш ва ислоҳотни якунига етказишга қасам ичган Гай Гракх ўзи ва ислоҳот тарафдорлари учун қулай сиёсий вазият юзага келишини бир неча йил кутди. Халқ трибуни қилиб сайланган, Гай Гракх сиёсий фаолиятини сенатдаги нобилларнинг муҳолифларини бир гуруҳ қилиб уюштиришдан бошлаган. У суворийлар, корчалонларнинг, яъни вилоят аҳолисидан солиқ ва публикан ўлпон йиғувчиларнинг

асосини ташкил этган ва сенат тайинлаган вилоят ноибларига қарши бўлган судхўр ва савдогарларнинг уни сиёсий жиҳатдан қўллаб – қувватлашларига розилигини олишга муваффақ бўлган.

Гай Гракх суворийларни оғдириш учун халқ мажлиси (триба комициялари) орқали вилоятлардаги ноибларнинг фаолиятини текширадиган суд аъзоларини тайинлаш ҳуқуқини сенатдан олиб суворийларга бериш тўғрисида қонун чиқарган. Шу билан бирга Осиёнинг бой вилояти – собиқ Пергам подшолигида солиқ йиғиш ҳуқуқи публиканларга берилган. Гай Гракх катта жамоат ишлари, янги йўллар қуриш тўғрисида қонун чиқарди. Бу тадбир Рим эркин аҳолиси энг камбағал қатламларининг иш билан таъминланишига, шунингдек суворийларнинг фойдали пудрат ишлари олишига имкон берган. Шундан кейин Гай Гракх Рим камбағал фуқароларига давлат захирасидан арзон нархда дон сотиш тўғрисида буйруқ бериб, бу билан Рим йўқсуллар оммасини ўзига жалб қилган. Фақат ана шундан кейингина Гай Гракх аграр комиссиянинг тўхтатиб қўйилган ишини давом эттириш ва акасининг қотилларини жазолашга қарор қилади. Лекин жамоат далалари фонди тугаш арафасида, Рим ерсиз фуқароларини ер билан таъминлаш учун Италияда ерлар етмас эди. Шу сабабли Гай Гракх Рим қишлоқ хўжалик колонияларини Апеннин ярим оролидан четга чиқариш фикрига келади. Бир колонияни римликлар энди босиб олган Нарбон Галлиясида (ҳозирги жанубий Франция), яна бирини милоддан аввалги 146 йил вайрон қилинган Карфагенда ташкил этишни таклиф қилган. Гай Гракх қонун лойиҳаси бу ерларни ижарага олган суворийлар манфаатларига зид келган. Ҳайратли ислохотчи шухратига путур етказиш мақсадида сенат Гай Гракхга аграр комиссиянинг аъзоси сифатида Карфагенга бориб, ўша жойнинг ўзида колония ташкил этишни таклиф қилади. Гай Карфагенда эканида бошқа бир трибун Ливий Друз халқ мажлисида бир неча мунофиқона таклиф билан чиқади. У давлат захираларидан донни энг камбағал фуқароларга арзон баҳода эмас, балки текинга улашишни, иккита эмас, балки ўн иккита колония тузишни (шунда ҳам уларни вилоятларда эмас, балки Италия ҳудудида тузиб, колонистларни солиқдан озод этиш) таклиф қилади. Гай Гракх душманлари бу таклифларни амалга оширишни ҳаёлига ҳам келтирмаган, аммо улар Гайнинг шухратини камайтиришга хизмат қилган. Айни вақтда Римда “лаънатланган” Карфаген ўрнига колония яратиш нияти “худоларга хуш келмаяпти” деб овоза тарқалган. Италиянинг иттифокдош жамоаларига Рим фуқаролик ҳуқуқини бериш тўғрисида қонун лойиҳаси катта зарар етказган. Гайнинг душманлари камбағалларга Рим фуқаролари сони кўпайса текин дон олишга даъвогарлар ҳам кўпаяди деб қутку солишган. Бундан ташқари суворийлар жанубий Италиялик савдогар ва судхўрларнинг рақобатига дуч келишни истамаганлар. Гай Гракх бу қонун лойиҳасига барча қарши эканлигини кўриб, уни қайтариб олган. Бу ҳол милоддан аввалги 121 йилда халқ трибунларини сайлаш арафасида унинг таъсирига путур етказган. Плутарх айтганидай, “унга кўпчилик овоз берган бўлишига қарамай, Гай учинчи марта халқ трибуни бўлаолмади”.

Гай Гракхнинг душманлари, биринчи навбатда янги консул – Луций Опилий, бундан фойдаланиб, Гай Гракх тарафдорлари билан тўқнашув уюштиради. Тўқнашувда Опилийнинг ликтори ўлдирилади. Консул сенат чақириб, Гай Гракх ва унинг шерикларини қотилликда айблайди ва жавобгарликка тортишни талаб қилади. Гай ҳамда унинг яқин дўсти ва сафдоши Фульвий Флак бу ифвога қарши халқ оммасини сенатга қарши қўзғатишга ҳаракат қилади. Улар камбағаллар ва кулларни қўзғолонга чақириб, Авентий тепалигига жойлашиб оладилар. Бунга жавобан сенат ёлланма Крит ўқчиларини Римга киришларига ваколат беради. Опилий ўқчилари Гай Гракх ва тарафдорлари устига ўқ ёмғирини ёғдириб, уларни чекинишга мажбур этадилар. Гай Гракхнинг ўзи қочаётиб Рим

яқинида Опилий суворийлари куршовига тушади ва тириклайин душман қўлига тушмаслик учун қулига ўзини ўлдиришни буюради (милоддан аввалги 121 йил).

Гай Гракхни ҳалок бўлиши сабаби – аввал уни қўллаб - қувватлаган суворийлар маълум имтиёзларни қўлга киритгач Италия ва ундан ташқарида Рим фуқароси сифатидаги алоҳида мавқеларини қўлдан беришни истамай, ислохотни қўлламай қўйганлар, Рим йўқсуллари эса аграр ислохотлардан манфаатдор бўлмаган. Рим қишлоқ аҳолиси эса Гай Гракх душманларининг демагогик ваъдаларига алданиб бўлиниб кетган. Шундай бўлсада, нобиллар ислохот оқибатларини дарҳол тугата олмади. Ислохотлардан кейин фуқаролик цензи рўйхатида ҳарбий хизмат қилиши шарт бўлган кишилар сони милоддан аввалги 130 йиллар рўйхатида кўра, 80 мингдан ортиқ бўлган (милоддан аввалги 136 йилда 317933, милоддан аввалги 125 йилда эса 394736 фуқаро бўлган). Африкада Гай Гракх тузган қишлоқ хўжалик колонияси милоддан аввалги 118 йилда тугатилган. Сўнгра ер мулкига эгалик қилиш тўғрисидаги қонун жиддий ўзгартирилган.

Ака–ука Гракхлар бошчилик қилган аграр ислохот ҳаракати муваффақиятсизликка учради. Гракхларнинг ер мулкани бир қўлда жам бўлиш жараёнига ҳалақит бериш ёки уни тўхтатиш, хонавайрон бўлиб бораётган майда эркин деҳқонлар табақасини шу балодан қутқариш ва шу билан Рим давлатининг ижтимоий базасини тиклаш йўлидаги уринишлари натижа бермади. Кичикроқ ери бўлган майда ер эгалари хонавайрон бўлаверган, чунки улар текин қўллар меҳнатига тенг рақобатлаша олмаганлар. Аслида Гракхлар фаолиятдан Рим савдогар ва судхўрлари ютган, холос. Бу гуруҳ вакиллари пул эвазига катта ер мулкларини эгаллай бошлаганлар.

Таянч иборалар

аристократия, олигархия, самний ва осклар, спартанлар илотияси, сенаторлик, суворийлар, патрицийлар, плебейлар, “Янги Сурия шоҳлиги”, Гелиополис, халқ трибуни, аграр ислохот, аграр комиссия, трибия комицияси, сенат, проквестор, Нарбон Галлияси, демагогик ликтор, консул

Саволлар

1. Италияда милоддан аввалги II - I минг йилликда илк қўлдорлик давридаги қўллар аҳволи ривожланган қўлдорлик давридан фарқ қилганми?

2. Ака - ука Гракхлар аграр ислохотларига нима сабаб бўлди?

5. Спарта қўзғолони (милоддан аввалги 74-71 йиллар)

Сулланинг ўлиmidан кейин ҳокимият бироз унинг издошлари қўлида бўлсада, уни сақлаб туриш тобора оғирлашган. Рим ва Италия аҳолисининг катта қисми Сулла ва унинг тарафдорларига душманлик назари билан қараган. Римда Сулла ўрнатган тартибдан норози суворийлар, суллагилар қатл этилган ва таланганларнинг қариндош - уруғлари, плебснинг вакиллари норози бўлганлар. Италияда чек ерлардан маҳрум бўлган Марий фахрий жангчилари, яхши унумдор ерлар Сулла қўшини фахрийларига бўлиб берилиб, кўплаб италий жамоалари уларга қарши кайфиятда бўлган. Шунинг учун ҳам Сулла олигархиясига қарши сиёсий арбоблар Рим аҳолиси ва италийлардан минглаб тарафдор топганлар. Сулла ўлиmidан кейин тез орада консул Марк Эмилий Лепид таклифи билан Рим плебсининг энг камбағал қисмига ғалла тарқатиш удуми яна одат бўлди. Аммо сенат халқ трибунларининг ҳуқуқларини тиклаш ва Сулланинг бошқа бир қанча қарорларини бекор қилиш тўғрисида Лепиднинг таклифларини рад қилди. Худди шу вақтда Этруриянинг маҳаллий аҳолиси Сулла легионларининг фахрий жангчиларига

бўлиб бериш учун тортиб олинган ерларни қайтаришни талаб қилиб кўзғолон кўтаради. Лепид бу кўзғолонни бостириш баҳонасида Этрурияга йўл олади, аммо у ерда кўшин тўплаб, Римга юриш қилади (милоддан аввалги 77 йил).

Жанг шаҳар ичидаги Марс майдонида бошланган. Гней Помпей кўшинлари Лепид отрядларини яксон қилади ва узоқ вақт ўтмай вафот этади. Унинг тарафдорларидан бири – Марк Перперна армиянинг қолган – қутган қисмига бош бўлиб Испанияга жўнайди. Бу ерда популярлар хукмронлиги вақтида (милоддан аввалги 83 йил) Лузитанияга ноиб қилиб тайинланган Квинт Серторий суллачиларга қарши кураш олиб бораётган эди.

Серторий милоддан аввалги 81 йили Сулла юборган одамлардан қочиб, Африкага кетишга мажбур бўлади, аммо иккинчи йили, яъни милоддан аввалги 80 йилда Пиреней ярим оролига қайтиб келиб Сулла ноибига қарши кўтарилган лузитанлар кўзғолонига бошчилик қилади. У икки Рим ноибининг кўшинини енгади ва Рим муҳожирлари ҳамда Африка ва ибер жангчиларидан кучли кўшин тузиб, суллачиларга қарши муваффақиятли кураш олиб борган. Кўзғолон бутун Пиреней ярим оролига ёйилди (милоддан аввалги 79 йил).

Серторий Оску (ҳозирги Уэска) шаҳрини ўз қароргоҳига айлантириб, 300 та вакилдан иборат сенат ташкил қилган. Магистратлар сайланган. Энг муҳим лавозимларга фақат римликларни тайинланган, аммо маҳаллий аҳоли, айниқса ибер қабиласи зодагонларига нисбатан адолат билан иш кўрган, шунинг учун ҳам у иберлар орасида катта обрў қозонган.

Серторий Испанияда ўзига иттифоқчилар орттиришга интилди. Милоддан аввалги 73 йилда у Рим республикасига қарши уруш бошлаган подшо Митридат Понтийский билан аввал сулҳ, сўнг иттифоқ тузган.

Серторийнинг бу ҳаракатларидан Рим республикасини идора қилган суллачилар олигархияси қаттиқ ташвишга тушади. Эмилий Лепид исёнини бостиришда ўзини кўрсатган. Гней Помпей кучли кўшин билан Испанияга йўлланди. Лекин даставвал у маҳаллий аҳоли қизгин қўллаб – қувватлаган Серторий кўшинларидан мағлуб бўлган. Аммо Серторийнинг ибер аҳолиси билан яқинлиги уни ҳалокатга олиб келди. Эмилий Лепид лашкарбоши Марк Перперна ва бошқа римликлар ҳам Серторийнинг испан вилоятларидаги аҳоли билан бўлган ишқ муносабатини Рим манфаатларига хиёнат деб билдилар. Милоддан аввалги 72 йилда римликлар томонидан фитна уюштирилиб, Серторий зиёфат вақтида ўлдирилади. Бу воқеа туфайли иберлар Перперна ва унинг тарафдорларидан юз ўгирдилар. Гней Помпей Перперна кўшинларини тор - мор келтирилиб, уни асир олади ва қатл этади. Пиреней ярим оролидаги кўзғолон бостирилиб, Помпей кўшини кулларнинг улкан кўзғолони хавфи олдида турган Римга қайтади.

Милоддан аввалги 74 йили бутун Италияда экин битмай, очарчилик бошланган. Бу эса кулдор Рим ҳукуматининг жабр - зулмига қарши кўзғолон кўтарилишига олиб келди. Қадим замоннинг энг катта куллар кўзғолони бошланиб кетишига Капуя шаҳри гладиаторлар мактабидаги исён (милоддан аввалги 74 йил) туртки бўлди.

Милоддан аввалги I аср бошларидан Римда “ўйинлар” деб аталган қонли томоша - йиртқич ҳайвон уриштириш ва гладиаторлар жанги кенг тарқалган.

Милоддан аввалги II аср охири ва II аср бошларида цирк ва амфитеатрларда ўлим билан тугайдиган оммавий томошаларнинг бирига айланди. Жангчилар жиноятчи ва сотиб олинган куллардан танлаб олинган. Уларга “гладиатор” (“қиличбоз”) деб ном берилган. Бу латинча “гладиус” (қилич) сўзидан олинган. Гладиаторларга талаб шу қадар

катта эдики, уддабурон корчалон – ланистлар алоҳида мактаблар очиб, уларда гладиаторлар махсус тайёрланар, сўнг улар ўйин ташкилотчиларига сотилар эди.

Лентул Батиат исмли шахсга қарашли ана шундай мактаблардан бири Капуя шахрида жойлашган. Бу мактабда бошқалар қатори фракиялик Спартак ҳам бўлган. Рим ёрдамчи бўлинмасида хизмат Спартак душман томонига ўтган, ярадор бўлиб асир тушган ва қочоқ сифатида гладиаторлар мактабига сотилган.

Спартакни таърифлаб, Плутарх бундай ёзади: "... Спартак ... ўзининг мардлиги ва жисмоний кучи билангина эмас, балки ақлу-фаросати, дилкаш ва хушфеъллиги билан ҳам мавқеи ва тақдиридан баланд турган; у ўз қабиласининг кишиси бўлишидан кўра чинакам эллин бўлган..."

Тарихчи Аппиан ҳикоя гувоҳлик беришича, " Спартак етмишга яқин маслакдошларини озодликка чиқиш учун таваккал қилишга кўндирган. Спартак уларга театрда ҳаётини хавф остига қўйгандан кўра, шу йўл маъқул эканини уқтирган".

Спартак ҳамда унинг шериклари коровулга ҳужум қилиб, озод бўладилар ва Везувий тоғи томон йўл оладилар. Улар шу жойда мустаҳкамланиб олиб, атрофдаги қишлоқлардаги қулларни озод қилганлар. Маҳаллий ҳокимият томонидан юборилган отрядлар тор - мор этилган. Шундан кейин унга қарши Римдан 3 минг аскар билан пропретор Гай Клодий юборилган. Римликлар тоғ йўлини тўсиб қўядилар, аммо қўзғолончилар узум новдаларидан нарвон ясаб, қоядан тушадилар ва Рим лагерига орқа тарафдан зарба берадилар. Клодий отряди яксон қилинади. Рим аскарларининг қуроллари қўзғолончилар қўлига ўтди. Бу жангдан кейин қўзғолончиларнинг қўшини тез ўсиб, бир неча минг кишига етди.

Қуллар қўзғолони жанубий Италиянинг янги ва янги ўлкаларига ёйилди. Сенат қўзғолонни бостириш мақсадида икки легион қўшин юборади. Спартак римликларнинг бу қўшинини ҳам енгилшга муваффақ бўлди. Римликлар қўшинидан андоза олиб тузилган Спартак қўшинлари Лукания ва Апулиянинг бир қанча қишлоқ ва шаҳарларини ишғол этди.

Қўзғолончилар армияси бора-бора 70 минг кишига етди. Суллачилар жабр - зулми остида қолган майда италий деҳқонлари ҳам қўзғолончиларга қўшилдилар. Аммо ҳарбий муваффақиятлар ва қўшиннинг кўпайиб боришига қарамай, Спартак кудратли давлати – Рим республикасига қарши курашда у муқаррар ҳалокатга учрашини англаб етган. Шунинг учун у собиқ қуллар ватанларига қайтиб кета олишлари учун қўшинни Апеннин ярим оролидан олиб чиқишга интилган.

Спартак қўшинининг асосий қисми билан Италия шарқий соҳили йўлларида шимол томон юриб, Цизальпин Галлиясига етиб келади. Аммо қўзғолон йўлбошчиларидан бири – Крикс улар эришган ютуқлар Римга ҳужум қилишга имкон беради деб ҳисоблар, шу сабабли Крикс ва унинг ҳамфикрлари қўзғолончиларнинг асосий қўшинидан ажралиб, Италиянинг жанубида қолишга қарор қилдилар.

Қўшиннинг иккига бўлиниши римликларга қўл келди. Милоддан аввалги 72 йили сенат икки консулни қўшин бошида қўзғолончиларга қарши йўллайди. Консуллардан бири Крикс отрядини Гаргано тоғларида тор – мор келтирди. Крикснинг ўзи ҳам ҳалок бўлди.

Спартак бўлса, шимолга ўтиш билангина чегараланмай, унинг йўлини тўсмоқчи бўлган Цизальпин Галлияси ноиб қўшинини Мутина ёнидаги жангда мағлуб этди.

Спартакнинг сафдошларини Апеннин ярим оролидан олиб чиқиб кетиш плани амалга ошай деб қолган эди. Лекин қўзғолончилар қўшини тўсатдан яна Италия жанубига қараб йўл олди. Қўзғолончилар нима учун режаларини ўзгартирганлари ҳақида

манбалардан маълум эмас. Падус дарёсининг тошиб кетиши натижасида сув босқини Спартак қўшинининг шимолга йўлини тўсган бўлса ажаб эмас.

Спартак жанубга қараб борар экан, йўл – йўлакай ҳар икки консулнинг қўшинини мағлуб этади. Спартак ўз жангчиларини Лукания орқали Бруттийга олиб чиқади. Унинг нияти қуллар аввалроқ икки бор катта қўзғолон кўтарган Сицилияга ўтиш эди. Шу мақсадда Спартак қўшинини бўғоз орқали оролга ўтказиш ҳақида денгиз қароқчилари билан келишиб олади. Аммо қароқчилар Спартакка ёрдам бермаганлар. Кучли довул туфайли қўшинни солларда ўтказишнинг имкони бўлмаган.

Шу орада римликлар Понт шоҳи Митридатга қарши кураш учун катта куч ажратишга мажбур бўлдилар. Чунки Митридат Италияда қуллар қўзғолон кўтарганини эшитиб, Римга қарши учинчи урушни бошлаган эди (милоддан аввалги 74 - 63 йиллар).

Рим саркардаси Красс қўшинлари Бруттий жанубида ярим оролнинг бир қирғоғидан иккинчи қирғоғигача кесиб ўтган истехкомлар қуриб, Спартак қўшинининг йўлини тўсиб қўйган.

Спартакнинг қуршовни тўғридан - тўғри ёриб ўтишга уриниши натижа бермади. Шундан кейин у “қор-бўронли киш келиши билан чуқурни тупроқ, шох – шабба билан қўмиб ... қўшиннинг бир қисмини... шу йўл билан ўтказиб юборган...”. Плутарх шундай ҳикоя қилади. Бу ҳол милоддан аввалги 72 йил декабри – 71 йил январида юз берган.

Спартак қўшини Луканияга ёриб ўтгач, уруш ҳаракатлари Италия жанубида давом этди. Рим сенати Крассга ёрдамга Испаниядан Гней Помпей ва Фракиядан Марк Лукулл қўшинини чақиртириб олди.

Учта Рим қўшинига қарши курашишнинг иложи йўқлигини тушунган Спартак Брундизий портини босиб олишга қарор қилиб, у томон йўл олади. Бу шаҳар атрофида унинг йўлини Красс тўсади. Бу шиддатли жангда римликлар устун келди. Спартак Красс қароргоҳига ёриб ўтишда ҳалок бўлди, унинг қўшини тор - мор бўлди (милоддан аввалги 71 йил).

Шимол томондан етиб келган Помпей қўшинлари қўзғолончиларни пароканда қилиб, буткул яксон қилди. Римликлар қўлга тушган қўзғолончилардан шафқатсиз ўч олди. Олти мингдан зиёд асир Капуядан Римга элтадиган Аппий йўли бўйидаги хочларга михлаб қўйилган.

Кулларнинг Спартак бошчилигидаги қўзғолони италий ижтимоий муносабатларни ва Рим кулдорлик республикаси давлат аппарати тизимини ларзага келтирди. Узоқ йиллар давоми римликлар Спартак исмини кўрқув билан тилга олсалар, баъзи Рим ва юнон тарихчилари эса уни қуллар қўзғолони йўлбошчиси, ботир саркарда каби ҳалок бўлди деб ҳурмат билан эслайдилар.

Спартак ўз қўшинларини Рим легионлари тарзида ташкил қилган. Ҳар томонлама пухта тузилган қўшин римликларга қарши кўп йиллик курашга бардош берган. Сицилияда аввалроқ рўй берган қўзғолонлар сардорлари ўзларини подшо деб эълон қилган бўлсалар, Спартак бунга интилмади. У ўз жангчиларига қимматбаҳо буюмлар, олтин, кумуш йиғишни ман қилган, қурол - яроғ ясаш учун зарур мис ва темиргина сотиб олган.

Лекин милоддан аввалги 74-71 йиллар қўзғолони - стихияли қўзғолон эди. Қўзғолон йўлбошчилари, биринчи навбатда, Спартакда аниқ режа йўқ эди ва у давр шароитида бўлиши ҳам амри маҳол албатта. Спартак қўзғолон кўтарган қулларни Апеннин ярим оролидан олиб чиқиб, ватанларига етиб олишларига имкон туғдиришга ҳаракат қилган. Қўзғолоннинг бошқа йўлбошчилари (масалан, Крикс) Спартакнинг бу мақсадига қўшилмаган. Бу нарса иккиланиш, келишмовчилик келтириб чиқариб,

қўзғолончилар лагерини заифлаштирди. Шунга қарамай, қулларнинг улуғ италий қўзғолони Рим жамияти ва давлатининг кейинги ривожига ғоят катта таъсир кўрсатган.

Рим қулдорлари олдида қулларнинг яна янги қўзғолони хавфидан қулдорлар синфининг ҳукмронлик мавқеини сақлаш ва мустаҳкамлаш масаласи турар эди. Магистратлари алмашилиб турадиган, мунтазам қўшинни ва амалдорлар аппарати бўлмаган республика тузуми энди ҳукмрон синф талабига жавоб беролмай қолди. Уни кучлироқ ҳарбий диктатура тузуми билан алмаштириш замон талабига айланди.

Таянч иборалар

Капуядаги исён, Спартак, шимолга юриш, Гаргана жанги, Красс қароргоҳидаги жанг, Аппий йўли

Саволлар

1. Спартак қўзғолонининг бошланишига нима сабаб бўлган ва қўзғолончиларнинг мақсади нима эди?

2. Нима сабабдан Спартак қўшинлари ва Крикс аскарлари иккига ажралиб кетдилар?

6. Юлий Цезарь. Рим империясининг пайдо бўлиши

Милоддан аввалги I асрнинг ўрталарида Римда сиёсий курашнинг кескинлашуви
Триумвират даври. Сулла олигархиясининг инқирози ва Римда ижтимоий сиёсий барқарорлик барҳам топиши натижасида республика ҳаёти сўниб борарди. Милоддан аввалги 74-71 йилларда Италияда бўлиб ўтган қўзғолонлар мамлакатдаги вазиятни кескинлаштириб юборди. Милоддан аввалги 70 йили консул этиб сайланган Гней Помпей ва Марк Красслар Рим сиёсатида ўз ўринларига эга эдилар. Помпей қўл остида Римнинг 11 легиони ва ҳарбий флоти бўлса, Красс Рим мудофаасининг бош қўмондони этиб тайинланади. Помпей шарққа юриш қилган вақтида Римда сиёсий кураш аввалгидан янада авж олади.

Бу даврда сиёсий сахнага Гай Юлий Цезарь чиқди. Милоддан аввалги 65 йили Юлий Цезарь Рим судида қонунларни тузиш вазифасида ишлаган. У милоддан аввалги 101 йилнинг 12 июлида туғилган. Юлийлар уруғи қадим патрицийлар авлодидан ҳисобланиб, милоддан аввалги II асрга келиб Юлийлар камбағаллашиб, Рим сиёсий ҳаётидаги мавқеи тушиб кетади. Цезарнинг аммаси Гай Морийнинг рафиқаси бўлиб, шу боис у Морий қўлида бир неча йил хизмат қилади. Кейинчалик Цезарь Морийнинг дўсти – Корнелий Ценнанинг қизига уйланади. Сулла унга хотинидан ажралишни таклиф қилганида, Цезарь бу таклифни рад этиб, шундан сўнг у бир оз вақт яшириниб юришга мажбур бўлади. Авф этилганидан кейин Италиядаги Родос оролига ихтиёрий сургунга кетган ва у ерда таҳсил олади.

Сулла вафотидан сўнг Цезарь Римга қайтди. Помпейнинг қўллаб – қувватлаши билан сиёсат оламида обрў орттиради. Юлий Цезарь муомаласи, ўткир ақли ва бийрон тили ҳамда нотиклиги билан танилган эди. Айниқса Цезарнинг Гай Морий билан қариндошлиги плебейлар оммасига маъқул келган. Цезарь курул эдили сифатида Морий ғалабалари шарафига ўрнатилган ёдгорликларни тиклаган, шунингдек камбағаллар учун ҳашаматли тўй–томоша ва жамоат зиёфатлари уюштирган.

Милоддан аввалги 63 йили биринчи консул лавозимига Марк Гуллий Цицерон, иккинчисига эса Луций Сергей Катилинанинг дўсти Гай Антоний сайланади. Бу вақтда Римда Катилинанинг таъсири кучайган эди. Римда қарздорлар масаласи тобора жиддий

кўриниш олган. Алоҳида хоналарни ижарага берадиган катта уй эгалари билан ижарага яшайдиган камбағаллар ўртасидаги муносабатлар кескинлашиб кетди. Катилина бу вазиятдан фойдаланади. Милоддан аввалги 63 йили у консулликка номзодини кўяди. Шу билан бирга халққа сенат ҳукуқларини чеклаш тўғрисида ваъда беради.

Аммо консуллар сайловида Цицерон Катилинани қаттиқ танқид қилди. Шунингдек уни фитна уюштиришда айблаб, мажлисдан четлаштиради. Қонуний йўл билан консул бўлолмаган Катилина ҳокимият учун курашдан қайтмади. Унга ёрдам бериш мақсадида Манлий Этрурияда кўзғолон кўтаради. Аммо кўп ўтмай Катилина Пистония шахри ёнидаги жангда кичик отряди билан ҳалок бўлади.

Шундан кейин оптиматлар билан суворийлар иттифоқи, сенат олигархиясининг мавқеи янада кўтарилди. Цезарь претор лавозимига тайинланиб, Испанияга жўнаб кетади. У милоддан аввалги 61 йили лузитан қабилаларининг кўзғолонини шафқатсизлик билан бостиради ва эгалланган шаҳарларни талаб, одамларни қул қилиб сотиб юборади. Бунинг эвазига катта бойлик орттиради. Милоддан аввалги 60 йили у Римга қайтиб келиб, консул лавозимига эришиш мақсадида Красс ва Помпейлар билан янада яқинроқ бўлиб олади. Бу уч сиёсий арбоб ўзаро тил бириктириб, мақсадларига эришишга интилганлар. Помпей ўз легионларининг фахрийларига ер бўлиб беришга, Красс эса вилоятларда янги ва сердаромад ерларни қўлга киритиш ниятида эди. Цезарь даромад келтирадиган вилоятларга ноиб бўлиш ва қўшин тўплаш ҳуқуқини олишга интилди. Помпей ва Крассларнинг қўллаб - қувватлашлари натижасида милоддан аввалги 59 йили Цезарь консул лавозимига тайинланади. Юлий Цезарь консуллик даврида иттифоқчилари Красс ва Помпейни вилоят проконсуллари вазифасига тайинлаган.

Красс Сурия ва унга қўшни вилоятлар ҳамда ўн битта легион йиғиш, Помпей Испаниянинг икки вилоятини шунча легион йиғиш, Юлий Цезарь Цизальп Галлияси ва Иллирияни бошқариш ҳамда легион йиғиш ҳуқуқига эга бўлди. Бироздан кейин у ўзига Нарбон Галлиясини ҳам қўшиб олади.

Милоддан аввалги 59 йилда Цезарь сиёсий товламачи Клодий билан иноклашган. У қадимги патрицийлар уруғидан бўлиб, халқ трибуни лавозимини эгаллашга муяссар бўлган. Клодий Цицеронни Валярий қонунини бузганликда айблаб, мол-мулкни мусодара қилиб, ўзини Римдан ҳайдаш ҳақида қарор чиқарган. Цицерон Грецияга йўл олади. Клодий Каталинага қарши кураш пайтида тарқатилган шаҳар ҳунармандлар коллегиясини қайта тиклайди. Клодий шаҳар камбағалларидан отряд тузиб, халқ мажлисида бошчилик қилган. Унинг дружиналари триумвиратга (учлик) қарши чиққан ҳар бир кишини мажлисдан ҳайдаб чиқарган. Клодий Юлий Цезарнинг сиёсий мавқеини тиклашда катта ёрдам берди. Цезарь шу туфайли Римда ном қозонди. У янги ер ва қулларга эга бўлиш мақсадида галл зодагонларига таяниб, милоддан аввалги 58 йили Цизальпин Галлиясига бостириб киради. Милоддан аввалги 58-56 йилларда у Рейн билан Альп тоғларидан то Пиреней соҳилларигача ҳудудларни Рим ҳукмронлигига бўйсундиради. Милоддан аввалги 55-54 йилларда Цезарь денгиздан ўтиб, Британия оролига бостириб киришга муваффақ бўлди.

Бу вақтга келиб Римда сиёсий вазият ўзгарган. Милоддан аввалги 57 йили сенат Цицерон сургундан қайтиб келган. Триумвират заифлашиб, қулаш хавфи остида бўлгани учун ҳам Цезарь, Помпей ва Красс билан шахсан учрашишга эришади.

Триумвирлар милоддан аввалги 56 йили Лукка шаҳрида йиғилади. Бу учрашувда сиёсий иттифоқчилар бундан кейин амалга оширилиши лозим бўлган тadbирлар тўғрисида келишиб олдилар. Помпей билан Красс ўз лавозимида қоладиган бўлди;

вилоятларни бошқариш муддатини улар яна беш йил, милоддан аввалги 50 йил охиригача узайтирдилар.

Красс Римда ҳокимиятни қўлга олиш учун етарли ҳарбий кучга эга бўлиш керак, деб ҳисобларди. У ўзининг шарққа юришини давом эттирди. Милоддан аввалги 54 йили Фрот дарёсини кечиб ўтиб, парфияликлар устига юриш қилган. Милоддан аввалги 53 йили баҳорда Красс етти пиёдалар легиони ва тўрт минг отлиқ аскардан иборат қўшин билан парфияликлар устига иккинчи маротаба юриш бошлайди. Аммо парфияликлар жангга кирмай, чўл-сахролар орқали чекиндилар. Улар Рим қўшинларига Балис дарёси яқинида ҳужум бошлайдилар. Красс бу урушларда мағлубиятга учраб, ўзи ҳалок бўлади. Римликларнинг Карра ёнидаги жангдаги мағлубияти ҳарбий-сиёсий жиҳатдан оқибатларга олиб келган. Шу боис римликларнинг Шарққа юриши тўхтаб қолди. Красс ўлими билан триумвират барҳам топди. Помпей эса оптиматлар билан яқинлашиб, уларга ёрдам бера бошлади.

Бу вақтда Цезарь Галлияда оғир муаммоларга дуч келди. Милоддан аввалги 52 йили галл аҳолиси римликларга қарши кўзғолон кўтаради. Аммо Цезарь кўзғолонни бостиришга муваффақ бўлди. Цезарь Галлиядаги уруш даврида ўн уч легиондан иборат ўзига содиқ йирик қўшинга эга эди. Бундан ташқари у ғоят катта бойлик орттирган. Цезарь аскарларига Рим лашкарбошиларига нисбатан икки маротаба кўп ҳақ тўлаган. Шундай қилиб, Цезарнинг Италия ва Римда ишончли тарафдорлари бор эди.

Юлий Цезарь диктатурасининг ўрнатилиши. Унинг ички ва ташқи сиёсати.

Милоддан аввалги 49 йилга келиб, Римда Помпей ҳокимиятни ўзига оғдиришга муваффақ бўлди. У Цезарга қарши сиёсат юритди. Шу боис Цезарь ва Помпей ўртасида адоват юзага келди. Цезарь Римга юриш бошлайди. Унинг қўшини сон жиҳатидан камлигига қарамай, ҳужум кўкқисдан уюштирилганлиги боис, Помпей ва унинг тарафдорлари ҳеч қандай қаршилиқ кўрсата олмадилар ва Римдан Брундизийга қочиб кетдилар. Цезарь Римни ишғол қилади, Помпей эса Испанияга жўнайди. Милоддан аввалги 49 йилнинг охирига келиб Помпейнинг Испаниядаги қўшини Цезарь томонидан мағлубиятга учратилади. Цезарь Испаниядан Италияга қайтаётиб, йўл-йўлакай Массилияни ишғол қилди. У Римга қайтиб келгач, ўзини диктатор деб эълон қилди. Сулла замонида таъқиб қилинган фуқаролар ҳуқуқини қайта тиклади. Консул этиб сайланган Цезарь ўз ўрнига Марк Антонийни қолдириб, ўзи душманнинг асосий кучи тўпланган Иллирияга йўл олади. Милоддан аввалги 48 йилда Цезарь Диррахия ёнида жангда мағлуб бўлади. У чекинишга мажбур бўлди. Помпей, Фарсал шаҳрига қадар уни таъқиб қилиб боради, сўнгра улар ўртасида ҳал қилувчи жанг бўлиб ўтади. Цезарь душманни тез фурсатда енгилгача ҳаракат қилади. Мадад куч келишини кутмай жанг бошлаган Помпей жангда енгилди ва қочишига тўғри келди. Душман пароканда бўлиб, бир қисми асир тушган. Помпей эса аввал Лебос оролида яширинган, сўнг Сурия орқали Парфияга ўтиб, Цезарга қарши кураш бошлаш ниятида эди. Аммо Фарсал ёнидаги жанг хабари унга етиб келади. Помпей Сурияда қолиши хавfli бўлгани учун, Миср шоҳи таклифи билан Мисрга йўл олади. Шоҳ Помпей кемадан тушиши билан уни қатл қилдиради. Цезарь Ўрта Ер денгизи мамлакатларини қўлга киритгач, Африка ва Испания урушига тайёргарлик бошлади. У Мисрни эгаллаб, Птолилейлар маликаси Клеопатрага Миср тахтини топширди. Кичик Осиёни қўлга киритган Цезарь лашкарига бир оз ҳордиқ бериш мақсадида Римга қайтиб келади. У энг камбағал ижарачиларнинг бир йиллик қарзларини бекор қилди. Цезарь ўз душмани Помпейнинг ерларини мусодара қилиб, фахрийларга бўлиб беради, ҳамда Рим ва Италияда тарафдорлари аҳволини яхшилаб, Африка вилоятларида ўзига қарши бўлган душманлар устига юриш бошлайди.

Нумидийлар шоҳи Юба ҳам улар томонини олди. Цезарь милоддан аввалги 46 йили Пасп ёнида душманга ҳамла қилиб, шиддатли жангда уни тор-мор қилади. Сўнг Утика шаҳри аҳолиси билан қаттиқ жанг қилади. Африка вилоятларидаги кўп шаҳарлар Цезарга таслим бўлдилар.

Африкадаги урушлар тугагач Цезарь дабдаба билан байрам тантаналарини ўтказди. Аммо Помпейнинг икки ўғли – Гней ва Сенет Испанияда яна лашкар тўпладилар. Милоддан аввалги 45 йилда Мунд шаҳри ёнида Цезарь ва мухолифлари ўртасида жанглар бўлиб ўтади.

Жангда Гней ҳалок бўлди. Сенат Шимолий Испания тоғларига қочишга муваффақ бўлади. Римга қайган Цезарь мангу диктатор деб эълон қилинди. Цезарь аввалроқ кўпгина мансабларни қўлга киритган, милоддан аввалги 63 йили у Олий Коҳин лавозими, милоддан аввалги 48 йили халқ трибуни, милоддан аввалги 46 йили цензор ҳукуқига эга бўлган эди. Шундай қилиб, Республика барча магистрлик ҳукуқи унинг қўлида жамланган. Бу унинг чексиз ҳокимиятга эга бўлишига олиб келди. Цезарь ваколлатидан фойдаланиб сенатни ўз тарафдорлари ҳисобига кўпайтириб, сенаторлар сонини 900 тага етказди.

Халқ мажлисининг сиёсий аҳамияти қолмади. Сайланадиган магистратлик вазифаларига номзодлар Цезарь томонидан тақдим этилган. Рим республика тузуми ҳарбий диктатура ёрдамида бошқарилган. Цезарь дастлабки консуллик даврида кўплаб зодагонларга Рим фуқаролиги ҳуқуқларини берган. У шарқий вилоятларда ҳам шу сиёсатни қўллаган. Милоддан аввалги 44 йилда Цезарь муниципияларни ўзи бошқариши тўғрисидаги қонунни эълон қилди. Айни вақтда Цезарь Цизальпин Галлияси ва Испания шаҳарлари, Ўрта ер денгизи соҳили шаҳарлари, бир неча колонияга муниципия ҳуқуқларини берди. Рим ва вилоятларнинг ўзаро алоқаси мустаҳкамланди. Савдо ишлари ва пойтахтга озиқ - овқат келтиришни енгиллаштириш мақсадида Цезарь кўрсатмаси билан Рим ости порти янада чуқурлаштирилган.

Римда илк маротаба олтин пул – динарий зарб қилиниб, унга диктатор сурати туширилган. Динарий тезда Рим, Италия ва Ғарбий Ўрта денгиз вилоятларида ягона пул бирлигига айланди. Вилоятлар аҳолисидан солиқ йиғишни тартибга солиш чоратadbирлари амалга оширилган. Публиконлар фақат воситали солиқларни йиққанлар. Тўғри солиқларни эса шаҳарликлар ўз вакиллари орқали олганлар. Цезарь кўрсатмаси билан календарь ислоҳ қилинган. Милоддан аввалги 45 йил 1 январдан бошлаб эски қамарий йил бекор қилиниб, йил ҳисоби куёш ҳаракати асосида юритилган. Мана шу Юлий йил ҳисоби Рим империясининг кейинги даври мобайнида ҳам ишлатилган.

Милоддан аввалги 44 йили Цезарь Яқин Шарққа юришга тайёргарлик кўради. Унинг энг яқин дўсти Марк-Антоний шоҳлар тожини кийдирмоқчи эди. Аммо бу нобиллар ўртасида янги фитна пайдо бўлишига олиб келди. Бу фитнага Марк Юний Брут ва Гай Кассий Лангин бошчилик қилганлар. Уларнинг мақсади Цезарни ўлдириб, эски республика тузумини тиклашдан иборат бўлган. Цезарни ўлдириш режаси муфассал ўйланган бўлмаса ҳам, аниқ ижро этилди. Милоддан аввалги 44 йил 15 мартда Цезарни огоҳлантиришларига қарамай, Шарққа йўл олиш олдидан сенат мажлисига келади. Шу ерда у фитначилар томонидан ўлдирилади.

Мажлисида ҳозир бўлган сенаторлар қочиб кетади. Натижада фитначилар яққаланиб қолиб, республика тузумини эълон қилиш ўрнига Капитолийга қараб юрадилар. Цезарь Антоний ва Элилий Лепид томонидан дафн этилади.

Республика тузумининг қулаши ва Римнинг империяга айланиши. Цезарь ўлимидан сўнг Римда вазият ўзгариб кетди. Сенатда Цицерон республикачилар раҳбари

бўлиб қолди. Антоний сенат билан ўзаро муносабатини юмшатиш мақсадида мангу диктаторлик лавозимини бекор қилади. Аммо сенатда республика ва Цезарь тарафдорлари ўртасида вилоятларга ноиб тайинлаш масаласидан низо юзага келади. Цицерон Антоний таклифларига қарши чиққан. Антоний вилоят ноибларини қайта тақсимлаш қонунини комиссия орқали тасдиқлаб олган.

Бу қонуннинг тасдиқланиши билан Антоний ва сенат ўртасида алоқа бузилишига олиб келди. Бу орада Испанияда Помпейнинг ўғли Сеост кўзғолон кўтариб, Цезарь ноибининг лашкарлари тор -мор қилади.

Римнинг ўзида эса Цицерон Цезарнинг узоқ қариндоши Гай Октавианни, Цезарнинг вориси сифатида қўллаб-қувватлайди. Цицерон Октавианни Антонийга қарши қилиб қўйиб, оқибатда сенат Антонийни республика душмани деб эълон қилади. Милоддан аввалги 43 йили Рим республика қўшинига ёш претор Гай Цезарь Октавиан бошчилик қилган. У Римда ҳокимиятни қўлга киритишга интилди. Милоддан аввалги 43 йилнинг кузида иккинчи триумвират тузиш учун Цезарнинг уч издоши учрашади. Марк Антоний, Элилий Лепид ва Гай Цезарь Октавиан иккинчи триумвират туздилар. Аммо уларга қарши Сент Помпей қўшини кураш бошлаб, Сицилия, Сардиния ва Корсика ороллари босиб олади. Шунингдек Сент Помпей Римга озиқ - овқат келтириладиган йўлларни тўсиб қўйди.

Милоддан аввалги 42 йили Марк Брутт ва Гай Кассийлар шарқий вилоятларда янги қўшин тўплашга муваффақ бўлдилар. Бу эса триумвиратга хавф туғдирган. Улар республикачилар билан тил бириктириб, ўн саккизта легион тузишга эришдилар. Кейин Италияга ғарбдан бостириб кирдилар. Аммо республикачилар триумвиратнинг йигирмата легиони қаршилигига дуч келиб, жангда енгилдилар. Шундай қилиб, республикачилар қўшини Филиппа ёнида яксон этилди. Антоний шарқий Ўрта денгиз соҳиллари, энг бой маданий вилоятларга эга бўлса, Галлия, Иллирия ва Испанияни бошқариш ҳуқуқи Октавианга топширилди, Лепид Октавиан қўл остида қолди. Октавиан эндиликда Сент Помпей билан курашишига тўғри келди. Уруш милоддан аввалги 40 йилдан милоддан аввалги 35 йилга қадар давом этди. Пировардида Сент Помпей қўшинлари тор - мор келтирилган. Бу вақтларда Антоний Миср маликаси билан аввал иттифоқ тузиб, сўнг унга уйланади. Октавиан бунга қарши бўлиб, у сенатда Антонийни қоралаб, уни республиканинг душмани деб эълон қилади. Милоддан аввалги 32 йил Октавиан сенат рухсати билан Антонийга қарши юриш қилади. Ўша вақтда кўпгина Рим ўлкалари Октавиан қўл остида эди. Милоддан аввалги 31 йил у Антоний флоти билан очик денгизда тўқнаш келиб, уни чекинишга мажбур этади. Энди куруқлик орқали ҳаракат қилган Антоний Октавиан қўшинларидан яна енгилди. Милоддан аввалги 30 йилга келиб Октавиан Миср, Сурия ва Яқин Шарқ мамлакатларини қўлга киритган. Шу вақтдан бошлаб Октавиан улкан Рим давлатининг ягона ҳокимига айланиб, Рим тарихида янги давр – Рим империяси даврини бошлаб берган.

Таянч иборалар

католика фитнаси, Сулла олигархияси, претор, триумвират, динаций, оптиматлар, рим империяси

Саволлар

- 1. Нима учун Рим республикаси милоддан аввалги I асрга келиб инқирозга юз тутди?**
- 2. Нима сабабдан Сенат аъзолари Цезарга қарши сиёсат юритдилар?**

7. Октавиан Август принципати

Принципат тартибининг вужудга келиши. Август ҳукмронлиги. Антоний ва Клеопатрага қарши уруш Миср истилоси билан тугаганидан кейин (милоддан аввалги 30 йил) Октавиан бутун Рим мулкларининг ягона ҳокими бўлиб қолди. Милоддан аввалги 29 йили у Римга қайтиб келиб дабдабали зафар байрами ўтказган. Тантаналар тугаши билан худо Янус ибодатхонаси ёпилди. Бу бутун Рим давлати тупроғида осойишталик ўрнатилганлиги нишонаси эди.

Октавиан ўзининг триумвир лавозимидан тантанали суратда воз кечиб, сенат ва комициядан император унвонини олди. Лекин Октавиан шундан кейин ҳам давлат ҳукмдори сифатидаги мавқеи етарлича мустаҳкамлигига ишонмай, цензор сифатида сенатда тозалаш ўтказиб, бунда Марк Антонийнинг дўстлари ва бошқа рақибларини унинг таркибидан чиқариб ташлайди, уларнинг кўпига уруши вақтида триумвират душманларининг мусодара қилинган ерлардан ажратиб беради. У Римнинг олий ҳокими сифатида ўз мавқеини қонунлаштиришга бир йилдан кўпроқ тайёргарлик кўрди.

Милоддан аввалги 28 йил охирида Октавиан бетоблигини баҳона қилади, ”соғайиб кетгач”, январда (милоддан аввалги 27 йил 13 январда) сенатнинг аввалдан тайёрланган кенгашини чақиради. Унда Октавиан ўзининг мамлакатни қандай идора қилаётганлиги тўғрисида ҳисобот бериб, фуқаролар уруши бутунлай тугаганлиги ва Рим тупроғида осойишталик ўрнатилганлиги тўғрисида маълум қилиб, соғлиги ёмонлашганлиги туфайли сенатдан зиммасидаги вазифаларидан озод қилишларини ”илтимос” қилади. Аммо сенат Октавиан ”илтимос” ини қондирмайди. Октавиан сенатнинг принцепси, ягона проконсул, легионлар бош қўмондони деб эълон қилинади. Унга авваллари худоларга нисбатан қўлланган Август тахаллуси берилади.

Сенат Октавиандан Рим легионлари жойлашган энг бой ва ҳарбий – сиёсий жиҳатдан муҳим вилоятлар – Галлия, Иллирия, Македония ва Сурияни бошқаришда давом этишни талаб этди. Миср Рим томонидан истило қилинганидан кейин у ҳам Октавиан мулки деб эълон қилинди.

Бу вилоятларнинг борини Август тайинлаган ноиблар – император легатлари идора қилганлар. Баъзи кичикроқ вилоятларни император прокураторлари бошқарганлар. Легат ва прокураторлар императорга тўлиқ бўйсунганлар ва Август фармони билан чақириб олиниши мумкин бўлган. Император томонидан тайинланган Миср префекти ҳам унга қарам бўлган. Август ягона проконсул сифатида легионларга қўмондонлик ва вилоятлардаги ноиблар ишига раҳбарлик қилиш билан бирга кўшин сонини кўпайтириш учун аскар йиғиш, империядан ташқаридаги халқлар ва давлатлар билан музокара олиб бориш, уруш эълон қилиш ва сулҳ тузиш ҳуқуқини ҳам олган.

Ҳарбий чиқимларни таъминлаш, хусусан аскарларга ойлик тўлаш ва мукофотлар бериш учун Август империя ғазнаси - фиск тузиш ҳуқуқини олган, олтин ва кумуш пуллар зарб қилган, шаҳарнинг эски ғазнаси - эрарий эса фақат майда мис чақалар зарб қилишга ҳақли эди.

Шундай қилиб, Август ҳарбий ва фуқаро ҳокимиятининг энг муҳим вазифаларини ўз қўлига олган. Проскрипциялар даврида ўлжалардан йиғилган ва вилоятлардан келадиган даромад ҳисобига улкан бойликка эга бўлган Август Рим давлатининг мутлақ ҳукмдорига айланиб, бу давлатнинг ички ижтимоий ҳаёти ва ташқи сиёсатини у белгилаб берган.

Аммо Август Цезарнинг қисматини хотирада тутар ва тутинган отасидан фарқли ўлароқ, ўз мавқеини турли йўллар билан ниқоблашга уринган. У зодагон римликлардан тафовут қилмасликка ҳаракат қилган: у кўчага ва жамоат йиғилишларига уйда тўқилган

матодан тикилган кийим кийган кам нутқ сўзлаган, бу ишни у энг яқин дўстларига топширган.

Август обрўси бой моддий ресурслар, биринчи навбатда фуқаро урушларидан сўнг ташкил этган улкан қўшин устидан чексиз ҳокимликка таянган. Август аввал ўз ихтиёридаги етмиш беш легиондан милоддан аввалги 30 йилга келиб фақат 28 тасини қолдирган. Яхши уюштирилган, замонасининг ҳарбий санъат талабларига тўла мувофиқ қуроллантирилган легионлар гуруҳ - гуруҳ қилиб ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан энг муҳим вилоятларга жойлаштирилган. Ҳар бир легионда ўнтадан пиёда когорта (биринчи когорта - 1000 жангчидан иборат бўлган), техника когортаси – ҳар бирида 300 та суворийдан иборат отлик бўлинма бўлган. Шундай қилиб Август ва унинг ворислари идора қилган даврда Рим легионидаги жангчиларнинг умумий сони ўн минг кишига етган.

Легионлар рақамланган ва номланган. Масалан, III - Август легиони, IV – Македонский легиони, VI - Темир легион, XV – чақмоқ мисол легион ва ҳ.к. Легион қўмондонлари легат ва катта зобитлар, ҳарбий трибунлар император томонидан тайинланган. Легионерлар 20 йил хизмат қилишлари керак эди. Жангчилар хизмат давомида маош олганлар, хизмат муддатини ўтаганларга махсус тортиқ (донатива) ва чек ер бўлиб берилган. Ҳарбий хизматдан бўшаган катта ёшдаги жангчилар фахрий номини олган. Фахрий жангчилар Рим империясининг турли ҳудудларида ўзларининг алоҳида мавзеларини ташкил этган. Улар Рим ҳукмронлигининг таянчи бўлиб, маҳаллий магистратлар кўпинча ана шундай фахрийлардан сайланган.

Август Италияда ҳукмронлигини сақлаш ва ўзини муҳофаза қилиш учун тўққизта когорта ташкил этган; преторийлардан ибодат бу когорталарнинг ҳар бирида мингтадан (300 отлик ва 700 пиёда) жангчи бўлган. Бу когорталардан учтаси Римнинг ўзида, бошқалари Шимолий Италия шаҳарларига жойлаштирилган. Преторий аскарлар, легионерларга нисбатан уч баравар кўп ҳақ олганлар. Преторийлар когортасига фақат Италияда туғилиб ўсган шахсларгина қабул қилинган. Аслида император гвардиясини ташкил этган ўша преторийлар корпусига икки префект-преторий бошчилик қилган, кейинроқ улар императорнинг энг ишончли кишилари бўлиб қолганлар.

Денгиз йўлларини қароқчилардан қўриқлаш учун Ўрта денгизда икки ҳарбий кема мунтазам эскадраси турган. Улардан бири Рим яқинидаги Анций портига, иккинчиси Адриатик денгиздаги Равеннага жойлаштирилган. Бундан ташқари Галлия қирғоқларини муҳофаза қилган флотилия билан Эвксин Понтида ҳам яна бир флотилия бўлган.

Август даврида Рим империяси қуролли кучларининг умумий сони 300 минг кишига етган. **Август ташкил қилган домий Рим қўшини қарийб тўрт юз йилгача.** Бу тарихда биринчи мунтазам қўшин бўлиб, Рим империяси ҳукмдорлари ички ва ташқи сиёсатларида унга таяниб иш кўрганлар.

Августнинг ички сиёсати. Августнинг ички сиёсати яққол кўриниб турган синфий характерда бўлган. Милоддан аввалги 36 йилдаёқ Секст Помпейнинг Сицилия давлатини тор-мор келтирганидан сўнг Август Сицилияда қўлга тушган қочоқ қулларни жазолаш учун эгаларига қайтаришни буюрган. У қул сотиб олган шахс 20 йил ўтмай туриб уни озод этишини тақиклаган қарорни сенат орқали чиқартирган. Қулни озод қилган соҳиб қул нархининг 5% миқдорида солиқ тўлаши лозим бўлган.

Милоддан аввалги 10 йилда Август таклифига мувофиқ сенат қадимги қонунни тиклаш баҳонаси билан янги қарор чиқариб, унга кўра қул ўз хожасини ўлдирса, воқеа

содир этилганида уйда бўлган барча қуллар ва озод қилинган собиқ қулларнинг бари қатл этилган.

Август қонунга хилоф тарзда қул қилинган эркин кишиларни озод қилиш баҳонаси билан жойлардаги қуллар қамаладиган қамокхоналар (эргастуллар)ни текширув остига олган. Аммо у қуллар билан хожалар ўртасида бўладиган муносабатларга ҳеч қачон аралашмаган.

Фуқаро урушлари тугагач, Август Рим сенати аристократларининг имтиёзларини турли йўллар билан рағбатлантириб турган. Ундан олдин сенат аъзоларининг сони 600 кишидан иборат бўлса, Август уни ҳийла қисқартирган, сенат тоифасидаги шахслар учун бир миллион сестерций миқдорида мулк цензи белгилаган, қадимги патрицийлар хонадонларига ҳар жиҳатдан ҳомийлик қилган, уларга турли имтиёзлар берган ва ҳатто моддий ёрдам ҳам кўрсатган.

Август суворийлар тоифасини ўз ҳокимиятининг таянчига айлантиришга интилган. У суворийлар учун 400 минг **сестеций** миқдорида мулкый ценз белгилаган. Ҳар йили суворийлар кўриги ўтказилган. Август энг яқин қариндошларини бир неча марта суворийларга бошлиқ қилиб тайинлаган. У кўпгина ҳарбий зобитлик ва вилоят прокураторлигига суворийларни қўйган. Вилоятларда солиқ ёйиш иши аввалгидек суворийлар қўлида эди. Суворийлар қатори секин-аста ҳарбий, фахрийлар билан тўлиб бораверган, натижада улар Рим империясининг ҳарбийлар табақасига айланганлар.

Август текин ғалла тарқатиш, совғалар бериш, циркларда қайта - қайта гладиаторларнинг оммавий ўйинларини (ҳатто Римга яқин қўллардан бирида денгиз уруши машқи - наумахия) ўтказиш орқали Рим плебсининг кўнглини овлаш бирга, Рим фуқароларининг энг камбағал табақасининг кайфиятини диқат билан кузатиб борган. У Римда осойишталик ва тартибни сақлаш учун учта соқчилар когортасини тузган, ёнғин ўчирувчи соқчилар ҳам мавжуд эди.

Комицияларда шаҳар магистратларини сайлашда номзодларни Августнинг ўзи тавсия қилган. Баъзи Рим тарихчилари, Август вилоятларда туғилганларга Рим фуқароси ҳуқуқларини беришни истамаган, адабий асарлардан, вилоятлардаги кўпгина зодагонлар, айниқса эллинлашган қулдорларнинг вакилларига бундай ҳуқуқлар берилганлиги маълум. Август Киренаикада Римдан кўчиб келганларнинг суистеъмол қилишига қарши курашда маҳаллий зодагонларга ёрдам ҳам берган.

Август италий шаҳарларининг аҳолисига кўп ҳомийлик қилган. Апеннин ярим оролининг Альп тоғларигача бўлган худуди Италия деб атала бошлаган. Италия шаҳарларидаги аҳолининг ҳукмрон табақаларига Рим фуқаролик ҳуқуқлари берилган, италий зодагонларидан баъзилари суворийлар тоифасига ҳам киритилган. Италий савдогарлари Рим империясининг барча вилоятлари ва империя ташқарисида ҳам савдо ишларини юритганлар.

Римда ва бошқа шаҳарларда ҳам Август даврида йирик қурилиш ишлари олиб борилди. Римда 82 ибодатхона тикланган ёки янгидан қурилган, форум ёнида махсус архитектура мажмуи – Август форуми, Августнинг жияни Марцелл номига қўйилган муҳташам театр биноси, худоларга атаб ибодатхона – Пантеон, ғоят гўзал “жаҳон қурбонгоҳи” ва бошқалар қурилган. Ривоятларга кўра Ромул Римга асос солган Палатин тепалигида Август ҳашаматли уй қурдириб, у шаҳарнинг сиёсий ва маданий марказига айланган. Кейинги императорлар ҳам ўз қасрларини ўша тепаликда қурдирганлар. Шундай қилиб, Римда “Палатин” сўзи “император қасри” деган маънони билдирадиган бўлди.

Август даврида бир неча юз минг аҳолиси бўлган улкан шаҳарга айланган Римнинг сув ва ғалла таъминоти яхшиланган. Бунинг учун Тибр бўйида ва Римнинг Остия портида катта омборлар қурилган, янги осма қувурлар ўтказилган, эскилари таъмирланган. Римнинг ғалла таъминоти билан аннона префекти, сув таъминоти билан эса сув префекти шуғулланган. Шаҳарнинг бутун идора ишларини олиб бориш учун префект тайинланган, тарихчи Тацитнинг гувоҳлигича, унинг энг муҳим вазифаси “қуллар ва фитначи фуқароларнинг адабини бериш ва уларни жиловлаш” дан иборат бўлган.

Аммо Август ҳукмронлигини фақат зўравонлик эмас, балки бошқа йўл билан сақлаб туришга интилган. Унинг атрофидаги шахслар, хусусан унинг энг яқин ходимларидан бири Гай Цильний Меценат уйига Рим шоирларини йиққан, уларга моддий ёрдам кўрсатган, ҳомийлик қилган, уларни Август ва унинг ишларини мактаб асарлар ёзишга мажбур этган. Брут ва Кассий қўшинининг собиқ ҳарбий трибуни Горацій Флакк, триумвирлар томонидан ери мусодара қилинган Венгилий Марон ва унинг замондошлари Тибулл ва Проперцийлар ҳам Меценат тўғарагидаги шоирлар сафига кирганлар.

Август қадимги диний эътиқодлар ва ахлоқни тиклаш йўли билан таассуфлик кайфиятини мустаҳкамлашга уринган. Эмилий Лепиднинг ўлиmidан кейин олий коҳин (улуғ понтифик) бўлиб олгач, Август ибодатхоналар ва қадимги байрамларни тиклаган. Милоддан аввалги XVII асрда ўтказилган секуляр (юз йиллик) ўйинлар айниқса дабдабали бўлган. Тунги намоёиш ва қурбонлик қилиш билан якунланган бу байрам римликларга янги аср бошланганидан дарак бериши лозим бўлган.

Римда авлиё Юлийга эътиқод жорий этилиб, Августнинг донолиги мадҳ этилган, унга ибодат қилиш учун махсус коҳинлар коллегияси ташкил этилган, ибодатхона ва қурбонгоҳлар қурилган.

Одоб – ахлоқни юксалтириш тадбирлари диний сиёсат билан бирга олиб борилган. Август даставвал шоирлар (хусусан Горацій) ёрдамида никоҳсизликка қарши компания юритган. Сўнгра уч ва ундан ортиқ фарзанди бўлган фуқароларга турли имтиёзлар бериш тўғрисида қарорлар чиқарган. Кейинчалик, бевафолик қилган, ахлоқсизлик қилганларга жазо бериш тўғрисида сенат қарорлари эълон қилинган.

Ташқи сиёсат. Августнинг ташқи сиёсати ҳам ички сиёсат каби Рим кулдорларининг ва шарқий вилоятлардаги эллинлаштирилган аристократларнинг ҳукмрон табақалари манфаатларини изчиллик билан ҳимоя қилишга қаратилган. Бу сиёсат Римга тобе ҳудудларни кенгайтириш ва асирларни кўпайтириш йўли билан қуллар ўрнини тўлдириш мақсадини кўзда тутган. Август ташқи сиёсатда ниҳоятда эҳтиёткорлик билан иш кўрган.

Август милоддан аввалги 30 йиллардаёқ Иллирия билан Паннонияда босқинчилик урушларини бошлаган. Римликлар иллирий ва паннон қабилаларининг тарқоқ, аммо қаҳрамонона қаршилигини енгиб, Адриатика денгизининг шимоли-шарқий қирғоқларидан силжиб борганлар. Марк Антонийга қарши уруш бу силжишни тўхтатиб қўйди, аммо уруш тугаши билан римликлар юришни давом эттирди. Улар тоғларни ошиб ўтиб, Дунай бўйига чиқиб, бу ерда яшайдиган мез қабилаларини ўзларига бўйсундирдилар. Милоддан аввалги 12 йилга келиб римликлар Дунай дарёсининг бошидан то Қора денгизга қуйиладиган водийда ҳукмрон бўлиб олдилар.

Милоддан аввалги 26 йилда римликларнинг улкан қўшини Пиреней ярим оролининг шимоли - ғарбидаги ибер қабилалари – кантабр ва астулар яшайдиган ҳудудига бостириб кирадилар. Августнинг ўзи бошчилик қилган Рим қўшини Пиреней

тоғлари аҳолисининг кучли қаршилигини бостириб, милоддан аввалги 25 йил охирига келиб мамлакатни забт этади. Минглаб кантабр ва астурлар кулликка тушиб, конларда металл қазиболиш ишларида ишлай бошладилар.

Аммо орадан бир неча йил ўтгач, эрксевар қабилалар кўзғолон кўтардилар. Римликлар бу сафар уларга ҳам денгиздан, ҳам куруқликдан ҳужум қилганлар. Кантабр ва астурлар охиригача мардонавор ҳимояланди. Милоддан аввалги 19 йили Випсаний Агриппа кўзғолонни узил – кесил бостирди. Айни вақтда римликлар фуқаролар уруши даврида Цезарнинг ўлиmidан кейин Рим ҳукмронлигидан озод бўлган Галлиянинг жануби – ғарбий қисмини яна бўйсундирганлар. Кейинроқ Рим кўшинлари Альп тоғ вилоятларини ҳам ишғол қилиб, аҳолисини куллик асоратига солдилар.

Милоддан аввалги 16 йилда герман қабилалари Рейн дарёсининг чап қирғода Рим лашкарбошиси Лолий лашкари тор-мор келтирдилар. Римликлар ўч олиш мақсадида герман қабилаларига тегишли ҳудудга бир неча марта бостириб кирадилар. Рим лашкарбошиларида Домиций Агенобарб ва Августнинг ўғай ўғли Друз римликлар Альби (Оқ) деб атаган катта дарёгача етиб бориб, бу ерлик герман қабилаларини бўйсундирганлар. Аммо римликлар бу ўлкаларда мустаҳкам ўрнашиб қололмадилар.

Шарқий чегара – Арманистон ва Парфияда муаммолар юзага келди: арманлар римликлар томонидан тайинланган ҳукмдорни ҳайдаб юборганлар, Парфияда ўзаро сиёсий низолар авж олди. Милоддан аввалги 4 йили Яхудияда римликлар тазъийки билан тайинланган ҳокимлар ва Римга қарши исён кўтарилган. Сурия ноиби Квинтилий Вар уни шафқатсизлик билан бостирган. Аммо сиёсий муаммолар бу билан барҳам топмади.

Дунайдан шимолда герман йўлбошчиларидан бири Маробод кўли остида, герман қабилалари иттифокка бирлашдилар. Қабилалар бирлигидан хавфга тушган римликлар уларга қарши ҳарбий тайёргарлик кўра бошлаганлар. Милоддан аввалги 6 йилда Августнинг ўғай ўғли Тиберий Марободга қарши паннон ва иллирий қабилалари орасидан жангчи йиға бошлади. Бу бутун Иллирия ва Паннонияга ёйилган ғоят катта кўзғолон келтириб чиқарди. Кўзғолончилар римликларнинг бир неча бўлинмасини тор – мор қилганлар. Римда уларнинг Италияга бостириб киришидан хавфда кўзғолон кўтарилган ҳудудга ўн беш легион йўллаганига қарамай, паннон ва иллирийлар уч йил давомида (милодий 9 йилигача) уларга муваффақиятли қаршилик кўрсатганлар. Аммо оқибат бу кўзғолон ҳам бениҳоя шавқатсизлик билан бостирилди.

Милодий 9 йили Римда иллирий – паннон кўзғолонини бостирилгани муносабати билан тантаналар ўтказиш чоғида шаҳарга хабар етиб келади: Германияда Рим кўшинининг заифлашганлигидан фойдаланиб, германлар кўзғолон кўтаришган. Рим тарафдори деб ҳисобланган герман оқсоқоли Арминий Рим ноиби Квинтилий Варни алдаб, уч легионли лашкари билан ботқоқдан иборат Тевтобург ўрмонига олиб кириб, уларни қисмларга бўлиб, қириб ташлаган.

Варнинг ўлими ва легионларнинг ҳалокати хабари римликларни саросимага солиб қўйди. Улар германларнинг Галлияга бостириб кириши ва кулларнинг кўзғолон кўтаришидан ваҳимага тушганлар. Аммо герман лашкарлари босқинчиларни ҳайдаб, ватанларига қайтиб кетишган. Галлия саросимаси босилиб, куллар итоатда қолдилар. Лекин илгари ҳам Август ҳукмронлигидан норози бўлган ва сенат республикасини тиклаш ҳаёлидаги Рим зодагонларининг ҳаракати яна кучайган.

Рим империяси германлар зарбасидан секин - аста ўзига келди, аммо кенг кўламда босқинчилик сиёсати юритиш тўғрисида энди сўз бўлиши мумкин эмасди.

Август умрининг сўнгги йиллари нотинч ўтди. У кетма - кет ҳарбий ва сиёсий муваффақиятсизликларга учрайди. Оиласида ҳам бахтли бўлолмади. Ўғай ўғли Друз,

сўнг кекса ҳукмдор ўзига ворис қилиб қолдириш ниятидаги икки невараси ҳам вафот этади. 44 йил давом этган ҳукмронликнинг охири шундай фожеали бўлди. Милодий 14 йилда кекса император Римга яқин Ноле шаҳарчасида вафот этади.

Вазият шу қадар қалтис эдики, Августнинг хотини Ливия Друзилла эрининг ўлимини ворис – ўғай ўғли Тиберий Италия шимолидан қайтгунига қадар атрофдагилардан сир тутишга мажбур бўлди.

Таянч иборалар

донатива, фахрий жангчи, когорта, мулк цензи, жаҳон қурбонгоҳи, палатин, юз йиллик уруш

Саволлар

1. Октавиан Август ҳокимият тепасига келгач, дастлаб қандай ишларни амалга оширди?
2. Октавиан Август ички ва ташқи сиёсати нима учун кўпроқ аристократия манфаатларини кўзлаган?

8. Милоддан аввалги I асрда - милодий I асрда Рим империяси

Рим империясида Юлий-Клавдийлар сулоласининг императорлари даври ва принципат. I аср бошларида Рим империясидаги сиёсий инқироз барҳам топди. Сенат Тиберийни Августнинг вориси сифатида тан олди. Тиберий ўз мавқеини мустаҳкамлаб олиш учун преторий когорталарининг барини Римга тўплаб, уларга Рим атрофидан қароргоҳ қурдириб беради. Бундан ташқари у трибут ва центурия комиссияларини чақирмай қўйди, магистратларни эса сенат орқали сайланадиган тартиб жорий қилди. Тиберий молиявий тежамкорлик нуктаи назаридан турли томошаларни чеклаб қўяди. Солиқлар ҳаддан ташқари кўпайиб кетганлиги туфайли вилоятларда қўзғолонлар кўтарила бошлади.

Римликлар Африкада бош кўтарган аҳолига қарши кураш (милоддан аввалги 17 - 24 йиллар) олиб бордилар. Бундан ташқари, Фракия, Галлияда, Италия жанубида ҳам қулларнинг қўзғолонлари бўлиб ўтди. Бу хабарлар Римда саросима келтириб чиқарди. Рим аристократияси вакиллари аҳоли норозилигидан фойдаланишга уриндилар. Улар Германияни Тиберийга қарши гиж-гижлайдилар. Германия Сурияда вафот этгач, унинг невараси Атриппина аристократларга бош бўлади. У эрини заҳарлашда гумон қилиниб, сенат қонунига мувофиқ жазога тортилади. Тиберий бошқарувининг сўнгги йилларида Римдан Капрея оролига кетган, Римга ўзининг ноиби сифатида қолдирган преторий гвардиясининг префекти Сеян фитна кўзғаб, ҳокимиятни қўлга олишга ҳаракат қилади. Бундан огоҳ бўлган Тиберий Сеянни қатл эттиради. Тиберий милодий 37 йили Капрея оролида вафот этади.

Республикани тиклашга уриниш. Тиберий вафотидан сўнг сенат ва преторий префект Германиянинг кичик ўғли Гай Цезарь Тиберийни ворис деб эълон қилади. Унинг исми Колигула Рим аҳолиси ичида ўзига обрў қозониш учун дабдабали томошалар уюштирган, жангчи ва камбағал табақаларига Рим фуқаролигини берган. У Тиберий йиққан маблағни қисқа вақт ичида сарфлаб бўлган. Калигула принципатининг биринчи йили оғир касал бўлиб, бу унинг руҳиятига таъсир кўрсатган. Калигула гоҳ Британияга юриш қилган, гоҳ кераксиз иншоотлар қурдирган, гоҳ бўшаб қолган хазинасини тўлдириш учун зўравонлик билан пул тўплаган. Бўшаб қолган хазинасини тўлдириш учун Калигула кўпгина сенаторларнинг мол -мулкани мусодара қилдириб,

ўзини қатл эттирган. У кулларга ўз соҳиблари устидан шикоят қилишига йўл қўйган. Кулдорлик негизига путур етказган бу буйруқ Калигулани ҳалок қилди. Сенат аристократияси ва преторий гвардияси бошлиқлари орасида фитна кўзгалган. Фитначилар императорни ўлдириб, бошқаришнинг республика шаклини тиклаш фикрига келадилар. Милодий 11 йили январиди Калигула циркдан саройга қайтиб келаётиб, Палатин тепалигида ўлдирилади. Сенат республика эълон қилишга уринса ҳам преторий ҳарбийлари бунга қатъиян қарши чиқдилар. Улар Германиянинг укаси Клавдийни император деб эълон қилдилар. Натижада сенаторлар республика тузумини тиклаш фикридан воз кечишга мажбур бўлдилар.

Клавдий принципати (милодий 41-54 йиллар). Клавдий Римдаги сиёсий вазиятни барқарорлаштиришга уринган. Ўзини тахтдан ағдариш учун бўлган уринишга жазо чоралари билан жавоб қайтарган. Император ижозатисиз сенаторларнинг Римдан ташқарига чиқишлари ман қилиниб, баъзилари қатл этилган, баъзилари сургун қилинган. Ҳарбийлар ҳам, Рим йўқсуллар оммаси ҳам аристократлар республикаси тарафдорларини қўллаб қувватламадилар. Ҳарбийлар ва Римнинг камбағал табақалари садақа ва совғалар олишдан манфаатдор бўлган.

Клавдий ва унинг энг яқин кишилари мавжуд сиёсий вазиятни ҳисобга олиб, сенатдаги оппозицияга қарши курашда қўшин ва вилоятдаги кулдор зодагонларга таяниб иш кўришга ҳаракат қилдилар. Клавдий зодагонларни ўзига оғдириш учун Рим фукаролик ҳуқуқларини вилоятда туғилиб ўсган ва шунингдек шаҳар эркин аҳолисига ҳам берган.

Клавдий ҳукмронлиги вақтида империяни бошқариш учун идоралар ташкил этилган ва уларга озод қилинган кулларни бошлиқ қилиб тайинланган. Вилоят прокураторларига суд қарорлари чиқаришда мустақиллик берилган. Клавдий Рим аҳолисининг озиқ – овқат билан таъминлашни яхшилаш мақсадида Остиядаги Рим гаванини қайта таъмирлаб кенгайтирган ва сув қувурлари ўтказган. Клавдий принципати даврида Мавритания билан Британия забт қилиниб, Рим империяси таркибига қўшиб олинган ва давлат ҳудуди ҳозирги Дунай чегараларига бориб етган. Клавдий ҳукмронлигининг охирига келиб, Босфор подшолиги тамомила Рим империясига қарам бўлди.

Маъмурий маҳкама тузилиши, вилоят зодагонларига муносабат, императорга душман сенаторларнинг кўплаб қатл этилиши зодагонлар ғзабини кўзгаган, аммо императордан норози Рим аристократияси республика тизимига қарши бўлган приторий ва легионер кайфиятини ҳисобга олиб Клавдийнинг яқинларини ҳокимиятдан четлатишга ва уни бошқа принцепс билан алмаштиришга уринган холос.

Клавдийнинг хотини Мессалина эрига хиёнатда ва унга қарши фитна уюштиришда айбланиб қатл этилади. Клавдий жияни ва айна вақтда сенатор Домицийнинг бева хотини Агриппинага уйланади. Агриппина Клавдийни заҳарлаб ўлдиради. Шундан сўнг тахтни маликанинг ўғли Нерон эгаллади.

Нерон принципати (54-68 йиллар). Нерон Рим давлати ҳукмдори деб эълон қилингач, Рим италий зодагонлари имтиёзли аҳолини тиклаш ва вилоятлар аҳолиси ҳисобига бойлик орттиришга қаратилган сиёсий режаларини ёш император қўллаб – қувватлашига ишонгандилар. Нерон император бўлиши билан атрофдагиларнинг маслаҳати билан, сенатга ҳурмат юзасидан барча давлат масалаларини ҳал қилишни унга топширилишини ўзи эса легионлар жойлашган вилоятлар билан машғул бўлишини расмий равишда эълон қилади. Сўнгги вақтда вилоят ноиблари ва аҳолидан солиқ йиғувчиларни тайинлайдиган бўлди. Ёш императорнинг устози Сенека Британияда

солиқлар йиғиш билан катта бойлик орттирган. Аввалига Нерон давлат ишларига аралашмай, вақтичилик билан вақт ўтказган. У театрда артистлик қилган, ашула айтган, шеърлар ёзган. Аммо атрофидагилар тез орада ҳокимият учун курашга жалб қилишган. Бу кураш жараёнида у Клавдийнинг ўғли Британикни, ўзининг хотини ва ҳатто онаси Агриппинани ҳам қатл эттиради. Нерон даврида Арманистон - Парфия учун олиб борилган урушлар чўзилиб кетган. Сенат билан муносабатларнинг бузилиши, Арманистондаги ҳарбий мағлубият, Британиядаги қўзғолон, ёнғин, қатллар ва мусодара қилишлар вилоят ва Рим аристократлари ғазабини келтирди. Милодий 65 йили Неронга қарши фитна қўзғалди. Унда сенаторлар, преторий зобитлари, икки преторий префектдан бири қатнашди. Фитначилар Неронни ўлдириб, Кальпури Пизонни император деб эълон қилиш ниятида эдилар. Фитнада Сенека ҳам иштирок этади. Аммо император бундан хабар топиб, фитначиларни қаттиқ жазолади. Милодий 66-68 йилларда Рим империясидаги сиёсий аҳвол янада кескинлашди. Британия империя таркибидан чиқди. Яҳудиядаги қўзғолонлар кўлами кенгайди. Пойтахтда янги фитналарга тайёргарлик бошланди. Юлий Винденск бошчилигида императорга қарши исён кўтарилди. Нерон аввалига унга аҳамият бермади. Герман легионлари Винденск қўшинларининг тор-мор қилганини эшитган Нерон тантана қилади. Аммо жангчилар унга қарши эканлигини билгач, Мисрга қочиш тараддудини кўради. Преторийлар император ниятидан хабардор бўлиб, қўзғолончилар тарафига ўтадилар, 68 йил ёзида Нерон саройдан қочиб, ўз жонига қасд қилади. Нероннинг ўлими билан Рим империясида патрицийлар сулоласига мансуб ва Август бошлаб берган Юлий – Клавдийлар сулоласи тугалланди. Унинг ўлиmidан кейин мамлакатда зиддиятлар янада кучайди. Сенат ва барча легионлар Веспасианни император деб тан олдилар. Чунки у Сурия ва Яҳудиядаги қўзғолонларни бостириб, Яқин Шарқда барқарорлик ўрнатди.

Веспасиан принципати(70-79 йиллар). Веспасиан қўзғолонларни бостириб, оsoйишталик ўрнатганидан сўнг, империяни ларзага келтирган сиёсий инқироз барҳам топди. У Рим сенати билан дўстона муносабатлар ўрнатди. Сенат давлатнинг олий ҳокими сифатида Веспасианга берилган ҳуқуқлар тўғрисида махсус қарор чиқарди. Бу қарорга кўра Веспасианга аввалги ҳукмдорлар эга бўлган барча ҳуқуқлар берилган. Веспасианнинг барча кўрсатмалари, Римдаги ҳарбий ва фуқаролар учун мажбурий бўлган.

Веспасиан жуда режали совға ва мукофотлар тарқатишга ниҳоятда тежамкор ёндошганига қарамай, жанубий Галлияда фахрийларнинг катта калонияларини яратиб, уларни ер билан таъминлаган. Ўн минглаб кишига мўлжалланган Колизей, амфитеатр қурилиши унинг замонида бошланган. Веспасиан империянинг молиявий аҳволини тиклашга, қўшинда қатъий интизом ўрнатишга, Шарқдаги хавфли қўшни – Парфия билан муносабатларни яхшилашга уринган. Аммо империянинг барча аҳолиси ҳам унинг сиёсий фаолиятдан Веспасиан вилоятлардаги кулдорларга ҳомийлик қилиш жараёнида империянинг ғарбий қисми – Испания, Галлия, Африкага кўпроқ эътибор бериб, Ўрта Ер соҳилларидаги шарқий вилоятларга етарли аҳамият бермаган. Эрамизнинг 79 йили Веспасиан вафот этади. Унинг ўрнига тахтни ўғли Тит эгаллайди. Тит (79 – 81 йиллар) ўзининг қисқа вақт ҳукмдорлиги даврида отасининг сиёсатини давом эттирди. Эрамизнинг 80 йилида биринчи марта африкалик Полотулий консул этиб сайланди. Унинг идораси даврида, милодий 80 йили Колизий қурилиши тугалланди. 79 йили августда Везувий вулкони отилиб, Римнинг кўп қишлоқларини вайрон қилди.

Домициан принципати (81 - 96 йиллари). Тит вафотидан сўнг ҳокимият Веспасианнинг иккинчи ўғли Домициан қўлига ўтди. Домициан отасига зид иш тутиб,

сенат фикри билан ҳисоблашмаган. У ўзига худо каби мурожаат қилишларини талаб қилган. Домициан Италия хўжалигини аҳволини мустаҳкамлаш мақсадида токзорларни кенгайтиришни тақиқлаб, деҳқонлардан дон экишни тиклашни талаб қилган, вилоятларда ҳам токзорлар майдони камайтирилган. Домициан империяни идора қилган даврида Рим қўшинлари Германиянинг жанубий - ғарбий қисмини Рейн билан Дунай дарёларининг юқори оқимидаги ерларини эгаллаган.

Лекин шарқда, Дунай этагида, Болқон ярим оролидаги Рим вилоятлари хавф остида қолди. Римликлар Британияда ҳам оғир кураш олиб борганлар. Саркарда Публий Валерий Агропола – ҳозирги Англия тупроғида Рим ҳукмронлигини тиклагач, шимолда мустаҳкам қалъалар барпо этган. Милодий 89 йили Қуйи Германия легиони Антоний Сатуринни ўз легионери император деб эълон қилади. Домицион бу қўзғолонни бостиришга эришди. Аммо у кўпгина сенаторлар Сатурнига хайрихоҳ эканлигидан хабардор бўлса ҳам, уларга қарши кўрилган жазо-чоралари императорнинг аҳволини мустаҳкамлай олмаган. Жазолар душман ғазабини янада оширди, холос. Милодий 96 йили яна фитна қўзғалиб, император Домицион ўз саройида ўлдирилди.

II асрида Рим империяси. “Олтин давр”. Траян принципати (98-117 йиллари). Домицион ўлдирилганидан сўнг, сенатор Кокций Невра император деб эълон қилинди. Аммо бу преторийлар ва ҳарбийларга ёкмайди. Невра ўз аъёнларининг маслаҳати билан Германия легионларининг легиони Марк Ульний Троянни ўзига ўғил қилиб олади. Троян Пиреней ярим оролида жойлашган Рим колонияси Италиқдан келиб чиққан, асли испан бўлган. Троян Рим тахтини эгаллаган биринчи ажнабий эди. У Нерва вафотидан кейин, 98 йили император деб эълон қилинади. Милодий 101 йили Троян Данияга қарши уруш очади. Римликлар ҳар бир жой, ҳар бир тепаликни бирин-кетин эгаллади. Апула қўрғони ёнида айниқса шиддатли жанг бўлди. Шундан сўнг Дания пойтахти ҳам римликлар томонидан ишғол қилинди.

105 - 101 йиллар римликлар Дания вилоятларини босиб олиши билан машғул бўлди. Троян 113 йили Парфияга бостириб киришга тайёргарлик кўради.

Троян парфияликларнинг ўзаро ички урушлар билан бандлигидан фойдаланиб, уларга шарқдан зарба бериш режасини ишлаб чиқади. 115 йили уруш ҳаракатлари бошланиб кетади. Троян қўшини Дажла дарёсини кечиб, Форс қўлтиғича етиб келди. Оссурия Месопатамия ва Бобил Рим вилоятлари деб эълон қилинди.

Рим сенати Шарқда уруш олиб борилгани учун Транни фахрий унвонлар билан тақдирлади. 116 йили Римнинг шарқий вилоятларида яна қўзғолонлар бошланган. Айниқса Месопотамияда яҳудий шоҳлиги, Шимолий Миср ва Кипр оролларида улар авж олди. 117 йили Троян қўзғолонларни бостиришга эришди. Троян Римга жўнаб кетаётган вақтда йўлда касаллик туфайли вафот этади.

Адриан принципати (117 - 138 йиллари). Адриан империяни идора этиш даврида ўзидан олдинги императорларнинг босқинчилик ташқи сиёсати натижасида Рим империяси дуч келган ғоят танг аҳволни бартараф этишга уринган. У ҳар қандай босқинчилик урушларидан воз кечган. Адриан осойишталикни сақлаб, давлат ва элатлар билан юзага келган жанжалларни музокаралар йўли билан ҳал қилган. Адриан қўшинлари билан яхши муносабатда бўлиб, империя ҳарбий кучларини диққат билан мустаҳкамлаб борди. У Британия, Германия, Дунай бўйи ва шимолий Африкадаги чегараларни мустаҳкамлаб, қўрғонлар қурдирган. У вилоятлардаги ғалаёнларни бостириб, давлат аппаратини мустаҳкамлашга эътибор берган. У Рим давлат муассасаси сифатида принцепс кенгашини йўлга қўйган. Принцепс кенгаши Август вақтида ташкил топганига қарамай, фақат Адриан замонида давлат аҳамиятига молик масалаларни ҳал

қиладиган расмий муассасага айланди. Император учун турли фармонлар ва қонун ҳужжатлари тайёрлаш вазифаси ана шу кенгашга юклатилган. Шунинг учун кенгашга сенаторлар билан бирга билимдон қонуншунослар ҳам киритилган.

Кенгаш аъзолари қилган ишига қараб мукофотланган. Аммо император ҳар вақт ҳам кенгаш қарорига биноан иш қилмаган. Император идоралари (канцеляриялар) сони кўпайтирилган. Уларга бошлиқ қилиб озод этилган қуллар ўрнига зодагон суворийлар қўйилган. Адриан вилоятлар аҳолисидан солиқ ва ўлпон йиғиш ҳуқуқини сотиш тартибини бекор қилган. Шунингдек, жуда кўп ўлпон боқимандаларини кечиб юборган. У хожаларнинг қулларни ихтиёрига жазолашини тақиқлаган ва жазо фақат суд ҳукми билан тайинланган.

Адриан давридан бошлаб, Рим легионлари римликларга хос жиҳатларини буткул йўқотиб, Рим қурол – яроғи билан қуролланган, латин тилида сўзлашадиган ва турли қабилалардан ташкил топган қўшинга айланган. Адриан 138 йили вафот этиб, у мавзолей мақбарада дафн этилади.

“Олтин давр” – Антонин Пий принципати (138-161 йй). Адриан вафотидан сўнг, Тит Аврелий Антонин император қилиб сайланиб, унга Антонин Пий номи берилди. Антонин Пийнинг таржимаи ҳолида у кўкларга кўтарилган, жуда кўп урушлар олиб борган деб айтилади. Бу урушлар Рим империясининг чегара вилоятлари ва уларга туташ ўлкаларда олиб борилган. Британияда Рим қўшинлари янги чегара истеҳкомлари қурганлар. Шарқий Ўрта денгиз соҳилларидаги вилоятларни хонавайрон қилган табиий офат ҳам жиддий муаммолар келтириб чиқарди. 152 йили Миср билан Фаластинда қўзғолонлар кўтарилади. Антонин шарқдаги қўшинлар билан тинч яшашга интилган бўлса ҳам, Троян юришида Парфия шоҳидан тортиб олинган ерларни қайтариб беришдан бош торади. Антонин Пий вафотидан кейин ворислик унинг ўғай ўғиллари Марк Аврелий билан Луций Вера қўлига ўтди. Улар Луций Вер вафотига қадар (милодий 161-169 йиллар) империяни биргалашиб идора этдилар.

Марк Аврелий принципати (169-180 йиллар). Марк Аврелий империя идора қилиши бошидаёқ жиддий муаммоларга дуч келди ва улар ҳукмдорлик охирига қадар давом этиб, шиддатли урушлар давлатни иқтисодий жиҳатдан заифлаштирган.

Марк Аврелий империя ерига бостириб кирган қабилаларни қаттиқ жанглардан кейин ташқарига суриб чиқаришга муваффақ бўлган. Дунайни кечиб, бу қабилаларни бўйсундиришни ният қилган, лекин шарқий вилоятларда аҳволнинг тўсатдан кескинлашуви туфайли урушни тўхтатиб, шошилинч равишда шарққа йўл олишига тўғри келди. Милодий 175 йилда тузилган битимга кўра марноманлар императорнинг олий ҳокимиятини тан олганлар. Улардан баъзилари Рим қўшинларида хизмат қилиб, чегарада жойлашиб қолганлар. 172 йили шимолий Мисрда маҳаллий аҳоли қўзғолон кўтаради. Нил этакларида подачилар ҳам қўзғолонга қўшиладилар. Сурия ноиби Авидий Кассий кучли қўшини ёрдамида қўзғолонни бостиради. Кассий ўзини император деб эълон қилиш ниятида эди, аммо қўшинлари Марк Аврелий қўшинлари билан тўқнашувидан олдин у ўлдирилди. 180 йили Рим императори Марк Аврелий касалликдан вафот этган.

Коммод принципати (180 - 192 йиллар). Марк Аврелий вафотидан кейин императорлик унинг ўғли Коммод қўлига ўтди. Коммод отасининг акси, кўпол ва шафқатсиз шахс бўлиб, цирк томошалари мухлиси эди. У Геркулесни идеал шахс деб билган ва унга тақлид қилиб, халойиқ олдида арслон терисига ўранган ҳолда пайдо бўларди.

Коммод морнамон ва кводлар билан битим тузган, тинчлик эвазига уларнинг оқсоқолларига ҳақ тўлаган. Умумий норозиликни юмшатиш учун император жангчи

преторийларга катта маош тўлаган. Рим халқига кўплаб совға ва бепул озиқ - овқат тарқатган. Бу ишларга сарфлаш учун маблағни император зодагонлар мол - мулкани мусодара қилиб топишга интилан. Аммо ҳокимиятнинг ночорлиги тобора яққол намоён бўла борган. Римда озиқ - овқат тақчиллиги туфайли аҳолининг куйи табақалари ғалаён кўтарганлар.

Аҳоли оммаси ичидаги алғов - далғовлар ва зодагонлар норозилиги фитнага олиб келиб, 192 йили 31 декабрда Коммод ўлдирилди.

III асрида Рим империясидаги сиёсий инқироз ва Доминат даври. Милодий II аср охирларида Рим ҳокимиятини Северлар сулоласи бошқарган (192 - 235 йиллар). Бу сулолага Септелий Север асос солади. Унинг даврида Рим вилоятларидаги муниция доираларининг империя сиёсий ҳаётига аралашishi шаҳар ҳудудидаги барча эркин аҳолига Рим фуқаролик ҳуқуқларини бериш тўғрисидаги фармон билан қайд қилинган; бу фармон милодий 212 йили Септелий Севернинг Корахалла исмли ўғли Аврелий Антонин вақтида қақирлиди. Северлар сулоласининг сўнги вақили – Александр Сервер (222 - 235 йиллар) империянинг ички сиёсий аҳволини мустаҳкамлаш учун муайян тадбирлар кўрган. У империяни идора қилган даврда ҳуқуқшунослар Рим ҳуқуқлари асосини тузганлар ва қонун чиқаришга доир бош тамойилни қуйидагича ифодалашган: “императорга манзур барча нарса қонун кучига эга бўлиши шарт”.

Александр Сервер тоифалар тизимини тиклаган ва катта ер эгалари зодагонларга нисбатан душманлик сиёсатидан воз кечиш билан чекланмай, балки император ихтиёридаги ерларнинг кўп қисмини уларга инъом этган. У қўшиндаги ёрдамчи қисмларини маҳаллий бўлинмалар билан тўлдириб, жангчиларга чегара вилоятлардан ер бўлиб бера бошлаган. Александрнинг бу тадбирлари мунтазам қўшин легионларининг норозилигига сабаб бўлиб, у ўз саркардаси томонидан ўлдирилган.

Александр Сервер вафотидан кейин Макселин император деб эълон қилинган. Бу оддий жангчидан дастлабки император эди. Ҳукмрон синфларнинг ўзаро қурашаётган гуруҳлари ўртасида зиддиятларнинг кучайиб бориши милодий III асрнинг 30 йилларида бошланган. Сенат, вилоятлар ва легионлар бир-бирининг қўлидан ҳокимиятни тортиб олиб, император алмаштириш билан машғул бўлганлар. Милодий 235 йилидан то 284 йилигача ўн тўққиз “қонуний” император ва ўттиздан ортиқ узурпатор эгаллаб улгурган.

Милодий III аср иккинчи ярмида герман ва дунай қабилаларининг тазйиқи кучайиб, бу уруғ ва қабилаларни бирлашишига мажбур қилган. Африкада бербер қабилалари Мавритания ва Намибиянинг бир қисмини босиб олган. Рейнда франк ва амман қабилалари иттифоқи жунбушга келганлар. Дунайда марноман, сармат ва гатлар Даниянинг қатта қисмини қўлга киритдилар. Сармат, алан ва илк словян қабилалари Қора денгиз соҳиллари, Болқон ва Кичик Осиё вилоятларига ҳужум қилиб, бу ерларни хонавайрон қилдилар.

Рим империяси сиёсий тузумининг заифлашуви ва босқинчилар тазйиқи вилоятлар ҳукмрон доираларини ўз имтиёзларини сақлаш ва чегараларни муҳофаа қилишга мажбур этган. Императорлар деярли бор қучларини империянинг шимолий ва ғарбий чегараларига тўплаб, шарқий вилоятларни форслар талашига йўл қўйиб бердилар.

299 йили Галлия, Британия ва Испания ҳудудида Галлия империяси ташкил топди (пойтахти Триер). Катта ер эгалиги энди таркиб топа бошлади.

Марказий ҳокимият заифлашиб, сиёсий инқироз давом этаётган бир шароитда қучли халқ ҳаракати қаршисида ожиз қолган ҳукмрон табақалар император ҳокимияти билан муроса қилишга мажбур бўлдилар.

Ўз навбатида милодимизнинг III асри охирларида империяни идора қилган “аскар” императорлардан Аврелиан (270 - 275 йиллар) ва Проб (276 - 280 йиллар) ер аристократиясининг моддий манфаатлари билан ҳисоблашганлар ва маҳаллий қабилалардан аскар тўплаб уларни чегарага яқин жойлаштирганлар. Мурасага келиш оғир кечса ҳам, вилоятлардаги (сепаратизм)ни синдиришга, халқ ҳаракатини бостиришга эришганлар. Аврелиан готларни Дунай бўйи вилоятларидан ҳайдаб чиқариб, Италияга бостириб киришга уринган ва империя бирлигига раҳна солган қабилаларни бирин-кетин тор-мор этади. Аврелиан империя пойтахтини хавфдан сақлаш учун Римни катта қалъа деворлари билан ўраб олади. Бу девор қисман ҳозирга қадар сақланган. 273 йили Аврелиан қўшинлари шарқий Поямера марказини ишғол қилади. У империя бирлигини сақлаш мақсадида “Енгилмас куёш” деган давлат динини жорий қилиб, барча унга эътиқод қилишига талаб этган.

275 йили Аврелиан фитначилар томонидан ўлдирилгач, унинг сиёсатини Проб давом эттирди. У Рим империяси чегараларини муваффақият билан ҳимоя қилса ҳам, жангчилар бебошлигини енга олмаган. Проб қўшин сафларида интизом ўрнатишга уринаётиб, жангчилар томонидан ўлдирилади.

Доминат даври. 284 йили император Дионлетион тахтга ўтириб, у 305 йилга қадар империяни идора этди. Диоклетиан ғоят катта империяни якка ўзи идора қила олмаслигини тушуниб, ўзига ҳокимдошлар тайинлаган. Улардан бири Максимион Галлиядаги багаудлар ҳаракати ва Африкадаги “ёвуз” мовритан қабилаларининг кўзғолонларини бостирган. Дионлетион ва унинг ҳар бир ноиби муайян ҳудудда ҳокимлик қилган. Дионлетионнинг ўзи ва дўсти Максимион Август, икки ноиби Цезарь номини олган.

Дионлетион саройида дабдабали тантаналар ўтказиб, император ҳокимиятининг обрўсини мустаҳкамлашга ҳаракат қилган. Император билан саломлашишнинг алоҳида тартиби – унинг алвон либоси этагини ўпиб, доминус (уй эгаси, хўжайин) деб мурожаат қилиш маросими жорий қилинган. Дионлетион ўрнатган бошқарув тартиби тарихда “доминат” деб ном олган.

Доминатнинг таянчи бўлган бу зодагонлар Дионлетионнинг “олтин давр” отаси деб атаганлар. Шу билан бирга ҳукумат вилоятлардаги зодагонларнинг кучайиб бораётган таъсирини камайтириш мақсадида муниципал ер эгалигини қўллаб – қувватлаган. Император фармонлари (эдиктлари) майда мулкни зўрлик билан тортиб олишни чеклаб қўйган. Қарз берган кишининг қарздор ерини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиши, арзон нархда сотиб юбориши тақиқланган.

Дионлетион империянинг ички бирлигини мустаҳкамлаш мақсадида қатор ислохотлар ўтказган. Янги маъмурий бўлинишга мувофиқ империя ҳудуди 12 диоцезга, диоцезлар 114 та вилоятга бўлинган. Солиқ олиш ҳам тартибга солинган. Жон боши солиғи билан бирга янги – ер солиғи жорий қилинган. Бу солиқ ҳажмини белгилашда ер, иш кучи ва жониворлар сони ҳисобга олинган. Дионлетионнинг молиявий ислохоти нарх-навонинг ошишини тўхтата олмаган, чунки муомалага чиқарилган, тўла қимматга эга бўлган пуллар қадрсизланиб кетган.

Диоклетианнинг сиёсати гарчи Рим империясининг сиёсий тузилмасини мустаҳкамлашга ёрдам берган бўлсада, ижтимоий-сиёсий инқироз билан боғлиқ зиддиятларни ҳал қила олмади. Диоклетиан 305 йили ҳокимиятдан воз кечишга мажбур бўлган.

Константиннинг императорлик даври (306-337 йй.). Диоклетиандан кейин тахт учун курашда цезарлардан бирининг ўғли – Константин ғолиб чиқди. У шарқий

вилоятлардаги зодагонларга таяниб иш кўрган ва жамоаларнинг қўллаб - қувватлашига эришишга интилган.

313 йили Константин “диний эътиқод эркинлиги” тўғрисида фармон чиқарган ва Буюк Константин номини олади. Император ҳокимияти диний мунозараларда фаол иштирок этиб, ҳукмрон расмий черков таълимотини қўллаб - қувватлаган. Константин Византияда юнон колонияси ўрнида янги пойтахт таъсис қилади. Бу пойтахт шарқдаги савдо-сотиқ билан боғлиқ заминдор зодагонларнинг сиёсий ва иқтисодий таянчи бўлиб қолди. Шаҳар 10 йил давомида қурилиб: унда император саройи, кўшклар, кутубхона ва ипподром бино қилинган.

Доминат бошқарув идоралари Константин тахт тепасида бўлган даврда тугалланган. Империянинг бутун территориясида ягона маъмурий тақсимот вужудга келди. Фуқаролик ҳокимияти ҳарбий ҳокимиятдан ажратилиб, ҳокимиятни зўрлик йўли билан тортиб олиш имкониятига барҳам берилди.

325 - 326 йилларда шаҳар аҳолиси (куриал) лар истиқомат қилиб турган жойига биркитилган. Милодий 332 йилида нолонлар учун янги фармон чиқарилади. Фармонга кўра нолонлар ўз ерини ташлаб кетмаслиги, шаҳар ҳунармандлари қўшин ва маъмуриятни маҳсулот билан таъминлаб туришга мажбур бўлган. Рим ва Константинополга ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш савдогарлар зиммасига юкланган. Шаҳар куриаллари жамоат биноларини таъмирлаш ва солиқ тўламаганларнинг қарзини тўлашга мажбур этилган.

Ҳарбий ислохот зодагонларнинг ҳукмронлик мавқеини мустаҳкамлаган. Улар давлат ихтиёридаги ерларни эмфитевзие сифатида ёки енгил шартлар билан сотиб олиб, ер-мулкларини кенгайтирганлар. Шунингдек, христиан черкови катта ер эгаси бўлиб олган. У барча солиқлардан озод этилган.

Сўнгги Рим империяси даврида йирик заминдорлар зодагонларнинг ҳукмрон табақаси ичидаги зиддиятлар кескинлашди. Рим сенатининг зодагонлар давлат тепасига янги шахслар келишига ва янги пойтахт таъсис этилиши билан ўз таъсирлари камайишига тоқат қилмаганлар. Константин ворисларидан бири - унинг жияни Юлиан (361 - 363 йиллар) билимдон, антик маданият мухлиси ва мажусийликка берилган одам эди. Юлиан император Константиннинг қонунлари ва қадимги урф - одатларни бузишда айблаш, янги зодагонлар, шарқий вилоят аҳолисининг юқори қатлами томонидан ортга суриб қўйилган, Рим аристократияси ва муниципия зодагонларининг вакиллариини ўз атрофида жамлаган. У янги заминдор зодагонларга қарама – қарши ҳаракат қилган.

Юлианнинг ижтимоий ва диний сиёсати муваффақият қозонмади, унинг кўп фармонлари амалга ошмай қолди. Император Волинтин даврида (364 - 373 йиллар) эса эски Рим аристократияси билан бирга мажусийликка қарши кураш олиб борилди. Мажусийлар оммавий қирғинга учраб, христиан дини вакиллари устун келдилар.

Рим империясининг парчаланиши ва Ғарбий Рим империясининг инқирози.
Империянинг феодаллашуви. Заминдор зодагонлар доминат даврида ўз мавқеларини мустаҳкамлаб олиб, қишлоқ эркин ва қарам аҳолисининг турли қатламларини эксплуатация қила бошладилар. Аҳоли қарамлик даражаси ортиши оқибатида эркин ва қарам деҳқонларнинг аҳволи ўзаро тенглашиб борди.

Ҳам эркин, ҳам қарам деҳқон мустақил рўзғор тебратган, ерига боғлиқ бўлиб, маълум мажбуриятларни ўтаган. Ер муносабатлари асосида вужудга келган қарамлик эксплуатациясининг янги феодал шакли вужудга келиши бутун қулдорлик тартиби билан боғланган, бу инқироз қулларни янгича эксплуатация қилиш ва бор йўғидан ажралган деҳқонларни ерни ишлашга мажбур этган.

Йирик мулклар ўз хунармандчилиги ва савдо алоқалари бўлган мустақил хўжалик мажмуига айланган. Зодагонларда давлат ҳокимиятининг аралашувидан дахлсизлик аломатлари юзага келди. Заминдорларнинг ўзлари солиқ йиғиб, ёлланма аскарлар ёрдамида қарам аҳоли исёнини бостириш вазифасини ҳам ўзлари бажарганлар.

Аммо Рим империяси феодаллашувига жамиятнинг қулдорлик усткурмаси, қулдорлик давлати ва ҳуқуқлари ғов бўлиб турган. Деҳқон қарамлигининг кучайишига қулдорлик ҳуқуқи нуқтаи назаридан қаралган. Давлат ўзига мос солиқлар тизими воситасида якка деҳқон хўжаликлари ташаббускорлигини бўғиб заминдор даромадларини чеклаб қўйган. Заминдорлар даромад олиш учун нолонлар етиштирган ҳосилнинг деярли барини тортиб олганлар. Деҳқон хўжаликларига деярли ҳеч нима қолдирилмаган.

Рим империясида синфий кураш. IV асрнинг 40 йилларидан бошлаб синфий кураш яна кескин тус олди. Рим қулдорлик давлати жабр - зулмининг асосий оғирлигига дош бераётган деҳқонлар қўзғолонлари ўта дахшатли бўлиб, улар кенг қўлам олдилар. Айниқса халқ илк христианликнинг демократик принципларидан буткул норози эди. Империя шарқий ва жанубий вилоятларида аҳвол ўта мураккаблашди. Рим Константинополь, Антиохия, Александрия ва империянинг бошқа йирик шаҳарларида шаҳар қуёи табақалари тез-тез ғалаён кўтариб турардилар.

Рим вилоятлари ҳудуди – Фракия ва Иллирияда готлар ва сарматлар, Галлия билан Шимолий Италияда франк ва олманлар, Поконияда эса вандаллар доимий тарзда яшар эдилар. Рим тупроғида эркин варварлар пайдо бўлиши ижтимоий тузумга таъсир кўрсатмай қолмади, албатта деҳқончилик меҳнатини ўзлаштириш ва маҳаллий аҳоли билан никоҳдан ўтиш қўшничилик алоқалари билан боғланган деҳқончилик жамоаси пайдо бўлишига олиб келди. Варвар зодагонлар бойиб кетдилар. Бу ҳол эса улар орасидаги ижтимоий табақаланишни кучайтирди, синфлар ташкил топиши ва давлатчиликнинг ривожланишига олиб келди.

Рим империясининг варварлашуви, ҳукмрон доиралар ичидаги зиддиятларни янада кучайтирди ва империянинг бўлиниб кетишига жиддий замин тайёрлади.

Император Феодосий I (379-395 йиллар) кўп куч сарф қилиб, империянинг ғарбий ярмида ўз ҳокимиятини тиклаб олди. Унинг ўлиmidан сўнг империя иккига бўлинади. Шарқий Рим империяси Арпидийга - пойтахти Константинополь, Ғарбий Рим империяси Гонорийга тегди.

Рим империясининг бўлиниш жараёни шундай ҳам таранг сиёсий вазиятни янада мураккаблаштирди. Шунингдек варварларнинг Римга тазйиқи янада кучайди. Вестготларнинг ғарбга силжиб бориши варвар қабилаларининг янги ҳаракатига олиб келди. 409 йили вандаллар оланлар Испанияга етиб келадилар. 429 йили эса Африка қирғоқларига сузиб ўтадилар. 408 йили илк бор вестготлар Италияга бостириб кирадилар. Улар Аларик бошчилигида 410 йили Римни қамал қиладилар. Шаҳарни босиб олиб, уни уч кун талон - тарож қилганлар. Вилоятлар Рим императори ҳокимияти ихтиёридан чиқиб кетади. V аср ўрталарига келиб Африка, Британия ва Паккония ҳам қўлдан кетди. Рим императорининг империяни сақлаб қолишга қодир қўшини йўқ эди.

Бу вақтда Шарқда янги хавф вужудга келди. Аттила хунн қабилаларини бирлаштириб, Европага бостириб кела бошлади. Шарқий империя ҳокими Аттиладан ўлпон эвазига қутилди ва хуннлар Галлияга бостириб кирдилар. 451 йили Рим саркардаси Аций ва Аттила ўртасида Наталоун майдонида жанг бўлди. Бу шиддатли тус олган, жангда римликлар ғалаба қозонган бўлсалар ҳам, улар Аттиланинг кейинги зарбаларига дош бермадилар. 452 йили Аттила Италияга бостириб борди. У шимолий

шаҳарларни талаб, Дунай орқасидаги вилоятга қайтиб келади. 458 йили Аттила вафотидан сўнг унга тобе қабилалар исён кўтарадилар ва шу тариқа хуннлар иттифоқи якун топди.

455 йили Рим вандаллар томонидан талон – тарож қилинади. Италия варварлар билан тўлиб тошди. V асрда варвар аскарларидан иборат кўшин ҳақ ололмаганлиги туфайли жойлашиш учун ер берилишини талаб қилади. 476 йили кўшин ўз бошлиғи Одакрни қирол деб эълон қилади, ва Римнинг сўнгги императори Раин Августни тахтдан ағдариб ташланади. Ғарбий Рим империяси қулаб, қулдорлик тузумига асосланган тузум ва ижтимоий муносабатларга барҳам берилади.

Таянч иборалар

принципат, олтин давр, доминант, куриаллар, диоцезлар, енгилмас қуёш

Саволлар

- 1. Нима учун милодий III аср охирларида Римдаги сиёсий вазият кескинлашиб кетди?**
- 2. Рим империясининг феодаллашиш жараёнига қандай омиллар таъсир кўрсатган?**

9. Милоддан аввалги VII - I асрларда Италия – Рим маданияти

Энг қадим замонларда Рим Тибр дарёси этагидан 20 километр юқоридаги чап қирғоқнинг қир – тепаликларини эгаллаган кичикроқ бир манзил эди. Милоддан аввалги VII-V асрларда шаҳар аҳолиси турли халқлардан иборат бўлган. Шаҳар аҳолисининг Палатин тепалигида яшаган асосий қисми латин қабиласига мансуб бўлиб, шу билан бирга Целий тепалигида сабин қабиласи, Палатин ва Капитолий тепаликлари ўртасидаги соҳилда этрусклар яшаганлар (шаҳарнинг бир қисми кейинги замонда ҳам Тус, яъни Этрус маҳалласи деб аталган).

VII асрда бир неча тепалик ва улар ўртасидаги (кейинчалик бозор майдонига, сўнгра эса шаҳарнинг марказий майдони - Рим форумига айлантирилган) ҳалқоб пастлик тош деворлар билан қуршаб олинган ва бир бутун шаҳар жамоасига айлантирилган.

Капитолий тепалиги шаҳар марказида бўлган. Бу ерда энг эътибор маъбудлар шарафига ибодатхоналар қурилган. Капитолий этагида Тибр қирғоғида энг қадим замонлардан лашкар тўпланадиган жой бўлиб, халқ мажлислари ҳам шу ерда ўтказилган. Уруш маъбуди ва шаҳар аҳолисининг номи билан бу жой Марс майдони деб аталган.

Шаҳарнинг шарқий дарвозасидан форум орқали шимоли – ғарбга – Капитолий томон узун тош йўл қурилган. Диний байрам намойишлари ва зафар тантаналарида ғолиб саркардалар бошида Рим кўшинлари шу йўлдан юриб ўтганлар. Бу йўл Муқаддас йўл деб аталган.

Аввал бошда шаҳар уйлари хом ғиштдан қурилиб томлари похол билан ёпилган. Кейинчалик ибодатхоналар, жамоат бинолари ва бойларнинг шахсий уйлари пишиқ ғиштдан солиниб, деворлари маҳаллий арзон мармар - травертин билан қопланган. Томлари черепица билан ёпиладиган бўлган.

Милоддан аввалги III аср ўрталаридан эътиборан юнонлардан намуна олиб ҳашаматли уйлар қурила бошланган, миллоддан аввалги II – I асрларда шаҳарда кўп қаватли бинолар пайдо бўлиб, уларда айрим уйлар ижарага берилган. Бу бинолар жуда омонат қурилиб, шаҳарда тез - тез бўлиб турадиган ёнғинларда улар куйиб кул бўлган.

Қадим замонда Рим бинолари бир - бирига ёпишиб турган, кўчалар эгри - бугри лабиринтдан иборат бўлган. Кўпчилик кўчаларга тош ётқизилмаган, улар ёмғирда юриб бўлмайдиган ботқоққа айланган.

Ахлат ва ифлос сувларни оқизиш юбориш учун Римда, ривоятларга кўра милоддан аввалги VI аср охирларида ер тагидан катта қувур – клоака ўтказилган. Милоддан аввалги VII – VI асрларда этруск ҳунармандлари Рим ҳунармандларига металлсозлик касбини ўргатганлар. Римликлар қурилиш санъатининг асосий усул ва тамойилларини, шунингдек архитектуранинг муҳим хусусиятларини ҳам этрусклардан ўрганганлар.

Зодагонлар киядиган кийимларда, дабдабали мебель яшашда, бир қанча урф - одатлари, диний маросимлар, хусусан қурбон қилинган жониворларнинг ичак - чавоғи ва қушларнинг учишига қараб истикболни айтиб беришни ҳам этрусклар таъсири намоён бўлади. Энг қадимги ва кўпроқ афсонавий Рим тарихининг энг муҳим пайтларига оид дoston ва қиссалар ҳам этрусклар билан боғлиқ.

Италий - Рим маданиятининг вужудга келиши ва тараққий этишига этрусклардан ташқари бошқа қадимги италий халқлари, айниқса жанубий Италияда, қисман Кампанияда яшаган осклар, ҳам бирмунча таъсир кўрсатганлар. Осклар нафақат ўз тили, балки ёзувига ҳам эга бўлганлар. Улар бошқа италий халқларидан олдин Апеннин ярим оролининг жанубидаги юнонлар билан алоқа боғлаб, бошқа италий аҳолиси, жумладан римликларга юнонларнинг маданий таъсирини ўтказганлар.

Милоддан аввалги IV асрнинг биринчи ярми ва III аср бошларида римликлар жанубий италий аҳолиси ва бу вилоятларнинг юнон шаҳарлари билан сиёсий - иқтисодий ва маданий алоқада бўлганлар. Греklar қисқа вақт ичида Рим аҳолисининг шахсий ва ижтимоий ҳаётига ниҳоятда кучли маданий таъсир кўрсатган. Римликлар жанубий Италиянинг юнон шаҳарларини ўзларига буйсундиргач, Римда кўплаб юнонлар пайдо бўлдилар. Улар қисман ҳарбий асир ва қуллар, қисман кўчиб келган кишилар - савдогарлар, ҳунармандлар, эркин касб эгалари эдилар. Юнонлар Рим ҳукмрон табақалари юнон тили-эллинизм даврида Ўрта денгиз халқларининг халқаро тилини ўрганишларига ёрдам берганлар, уларни юнон адабиёти, фани ва фалсафаси билан таништирганлар. Римда юнонларнинг олимпия худоларини ҳурматлай бошлаганлар, натижада юнон ибодатхоналари пайдо бўлган, юнон архитектураси ва ҳайкалтарошлиги асарлари яратилган. Милоддан аввалги I асрга келиб Италия ва Римнинг ўзида юнонларнинг маданий таъсири шу қадар кучайганки, Рим шоири Гораций бу тўғрида шундай ёзади:

Забт этилган Юнонистон, асир айлаб музаффарларни

Лацийга ҳам олиб келмиш санъату ҳунар...

Дин. Даставвал турли италий халқларининг, шу жумладан, римликларнинг ҳам диний тасаввурлари ва пенатлар номини олган, оила ва рўзғор ҳомийлари ҳисобланган аجدодлар руҳи ва маъбудларга сиғинишдан иборат бўлган. Милоддан аввалги II - I асрларда ҳам аجدодларнинг суратлари, лар ва пенатлар Рим зодагонларининг уйларида, меҳмонхона (атрия) да, ўчоқ ёнида, кичикроқ қурбонгоҳ ўрнатилган муқаддас жойда сақланган. Бутун Рим рўзғори ҳомийси маъбуда Вестани улуғлашга Римда айниқса катта эътибор берилган, Рим форумида унга атаб ибодатхона қурилган. Веста қоҳинлари - Римнинг зодагон уруғларидан бўлган қизлар ўша ибодатхоналарда яшаганлар. Улар эрга теголмаганлар ва қурбонгоҳдаги ўтни ўчирмай сақлашлари лозим бўлган. Ўт ўчишига сабабчи бўлганлар қатл қилинган. “Муқаддас” Веста ўтининг бирон сабаб билан ўчиб қолиши катта фалокат саналган.

Римда қадимдан осмон худоларига сиғинганлар, буни италияликлар этрусклардан ўзлаштирган бўлсалар керак. Уларнинг асосийлари: бош худо Юпитер, маъбуда Юнона, донишмандлик маъбудаси Минерва ва Рим ҳомийси – уруш худоси Марс.

Диний маросимларни ижро этувчи коҳинлар (понтификлар) ва турли аломатларга қараб худо иродасини айтиб берувчи фолбинлар (авгурлар) узоқ вақтларгача патрицийлардан сайлаб келинган. Улар Рим республикасининг ижтимоий ва сиёсий ҳаётига катта таъсир кўрсатганлар. Уларнинг каттаси – улуғ понтифик Римнинг бош коҳини ҳисобланган.

Давлатнинг бирон тадбири муваффақиятли бўлиш - бўлмаслиги, айрим шахсларнинг тақдирини худо нишонларига, яъни момақалдирок ва яшинга, қушларнинг қай тарзда учишига башорат қилувчи авгурлар ҳам Рим жамиятида жиддий ўрин тутган. Сўйилган қурбонликнинг жигарига қараб истиқболни айтиб бериш ром очишнинг муҳим турларидан ҳисобланган. Римликлар худо билан “маслаҳатлашмай” туриб на тинчлик, на уруш вақтида бирор - бир жиддий ишга қўл урмаганлар.

Римликлар худолар билан ўзаро муносабатлар тўғрисидаги тасаввурларни дуоларни бехато ва аниқ ўқиш, қурбон бериш урф - одатларини мукаммал бажариш асосида қурганлар ва уларни ижро этиш пайтида худолар сиғинувчиларнинг илтижоларини инобатга олади деб ҳисоблаганлар.

Жамоат бўлиб сиғиниш ва якка сиғинишдан ташқари Рим жамиятида ҳар хил тушунчалар чунончи, шон – шараф (лотинча - глория), ғалаба (лотинча – виктория), битишув (лотинча - конкордия), жасурлик (лотинча - виртус) ва ҳоказоларни илоҳийлаштириш кенг тарқалган.

Римнинг энг қадимги Юпитер Капитолийский ибодатхонаси этрусклар нусхасида милоддан аввалги VI аср охирларида қурилган. Римда Апполонга ва бошқа юнон худоларига сиғиниш кенг ёйилган, бу худолар аввалги худолардан (Юпитер-Зевсга, Юнона Герага, Венера - Афродитага, Диана - Артемидага, Минерва - Афинага, Вулкан - Гефестга ва ҳ.к.) андоза олган деса ҳам бўлади.

Милоддан аввалги II асрдан эътиборан Римда шарқ худоларига сиғиниш расм бўлган. Масалан, Кичик Осиё юришларидан кейин худоларнинг улуғ онаси Кибелга эътиқод қила бошланганлар. Милоддан аввалги II аср ўрталарида Италия ва Римда Озирис, Изида ва Дионис (Вакх) шарафига байрамлар - вакханалиялар ўтказилади. Милоддан аввалги I асрда эронликлар худоси Митрага сиғиниш пайдо бўлган. Дастлабки вақтларда сенат чет эл худолари, айниқса, шарқ худоларига топинишни қоралаган, ҳатто ман қилган бўлса ҳам, кенг аҳоли оммаси ичида бундай эътиқод тобора кенг ёйилиб борди.

Бундан ташқари, Рим пантеонида икки қиёфали Янус (кириш ва чиқиш худоси, бошланиш ва тугаллаш худоси ҳам) мавжуд эди. Худолар маълум табақаларга тегишли деб ҳисобланган. Плебейлар ҳомийси - Церера, Либер - Прозерпина - ўсимлик ва дўзах худоси, Либер аса - вино ва хушдилик худоси.

Илм - фан. Римликлар этрусклар алфавитини лотин тилига мослаб, қисман қайта ишлаб чиққанлар. Энг қадим замонларда қисқа ёзувлар фақат қабр тошларига ўйилган ва расмий ҳужжатлар (масалан, XII жадвал қонунлари) да ишлатилган. Милоддан аввалги III аср ўрталаридагина аввал адабий, кейинроқ тарихий ва илмий асарлар бошланган. Римда савдо арифметикаси, қурилиш ишлари, гидротехника ва агрономия бўйича қўлланмалар ишлаб чиқарилган. Қадимда биринчи марта соатлари (дастлаб қуёш соати,

кейин сув соати) пайдо бўлган. Аниқ тақвим (календар) ҳам римликлар томонидан аниқ қилиб ишлаб чиқилган.

Рим илмий тафаккурининг амалий кўриниши Катон Катта Варрон асарларида айниқса ёрқин акс этган. Римда тарихий адабиёт милоддан аввалги III асрда пайдо бўлган.

Кампанияда туғилиб ўсган Невий биринчи Пуни уруши тарихини шеърӣ баён этган. Ундан кейинроқ Калабриядан чиққан Квинт Энний Римнинг энг қадим замонлардан ўзи яшаган давр воқеаларига тарихни гекзаметр (олти турокли) шеър билан баён этган. Рим тарихи биринчи марта наср (проза) билан юнон тилида Фабий Пиктор асарида тасвирланган (милоддан аввалги II аср), лекин бу асар тўлиқ сақланган эмас. Рим тарихининг лотинча нусхаси – Катоннинг “Бошланғич” асари бизга қадар етиб келмаган.

Солномачи – муаллифларнинг аксар тарихий асарлари милоддан аввалги II асрга мансуб. Уларнинг кўпчилиги бизга сақланиб қолган қисқа парчалардан маълум. Милоддан аввалги I асрда Рим тарихи прозаси Гай Юлий Цезарь (милоддан аввалги 101 - 44 йиллар) ва Гай саллюстий Крисп (милоддан аввалги 86 - 85 йиллар) асарларида камол топди. Саллюстий аслида Цезарь ва унинг тарафдорлари манфаатларини ҳимоя қилган.

Милоддан аввалги I асрга бошқа бир қанча тарихчилар – кичик солномачилари бўлиб ўтган воқеаларни ўз сиёсий қарашларига мувофиқ тарзда ёритганлар. Римда тарихий проза билан бирга соф публицистика типидagi асарлар кенг тарқалган. Марк Пуллий Цицерон (милоддан аввалги 106 - 43 йиллар) – Рим публицистикасининг энг ёрқин намояндаси. Цицерон судлар, сенат; халқ мажлисларида сўзлаган нутқлар, бир неча (“Давлат тўғрисида”, “Вазифалар тўғрисида”) трактат ва ғоят кўп мактублардан иборат бой адабий мерос қолдирган.

Цицероннинг ёрқин ва образли тилда яратилган, аниқ ва таъсирчан асарлари ундан кейинги ёзувчилар учун ўрнатилган бўлиб қолди. Цицерон тили классик ёки лотин прозасининг энг гўзал намунаси. Милоддан аввалги I асрда Римда фалсафӣ асарлар ҳам пайдо бўлган. Рим нобиллари орасида стоиклар фалсафаси жуда, аммо шу билан бирга Эпикур қарашлари кенг. Республика даврининг охиридаги Рим мутафаккирларидан энг таниқлиси Рим материалист – файласуф эпикурчиларининг намояндаси Лукреций Кар (милоддан аввалги 98 - 54 йиллар). Лукреций ўз қарашларини “Нарсалар табиати тўғрисида” номли асарида баён қилган. Муаллиф бу асарда ғоят мураккаб фалсафӣ муаммоларни кенг китобхонларга тушунарли бўлган тилда, ажиб маҳорат билан шеър тарзида ифодалаб, оммабоп дидактик поэзия намунасини яратган.

Лукреций Демокрит ва Эпикурнинг атом тўғрисидаги таълимотини ривожлантириб, атомлар абадий, ўзгармас бўлинмас, демак бузилмасдир, улар ўзаро фақат шаклан фарқланади деб таъкидлайди. Турли табиат кўринишлари атомларнинг ҳар хил ўзаро қўшилиши ва уланиши натижасида вужудга келади ва шу тариқа “ўз ҳолатини ўзгартириб, табиатни ҳам ўзгартиради”. Атомлар абадий ҳаракатда бўлиб, маконда ўрин алмашади. Коинотнинг чегараси чексиз, “унинг охири ҳам, ҳажми ҳам йўқ”. Лукреций руҳ ёки ақл тушунчасини тан олган, аммо шунда ҳам уни фақат киши баданининг функцияси сифатида “руҳ ва жоннинг табиати жисмонийдир” деб айтган. Лукреций ўз замонаси жамиятининг иллатларини ҳам шундай қаттиқ қоралаган. Сиёсий курашлардан бойлик орттириш учун фойдаланувчиларга нисбатан айниқса кескин муносабатда бўлган.

Юртдошларин қонин тўкиб, орттирарлар сармоя, давлат
Бойлик тўплар очофатлар, қотилликдан тортинмай ҳатто....

Адабиёт ва театр. Рим ва Италияда бадиий адабиёт милоддан аввалги III асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган. Милоддан аввалги тахминан 240 йилда тарентлик асир юнон Андроник (кулликдан озод бўлгандан кейин Марк Ливий Андроник номи билан Рим фуқаролиги ҳуқуқини олган) “Одиссея” ва бошқа бир неча юнон трагедияларини латин тилига таржима қилган. Италия ва Римда сатира ва комедия шеърий ижодиётининг энг ўзига хос шакли бўлган. Қадимги италий адабий ижодининг бу турлари қишлоқ байрамларида қўшиқ ва шеърлар асосида яралган. Ана шу ашулалар асосида пародия шаклида ёзилган тақлидий халқ томошалари ракс ва ашулалар билан қўшиб кўрсатилган. Сатира деган ном *satura*, яъни “аралаш овқат” сўзидан олинган. Дастлаб бу шеърларни Энний яратган, аммо ўз шеърларида “сатира” иборасини биринчи бўлиб ўз замони Рим нобилларининг иллатларини шафқатсиз фош қилган шоир Луицилий (милоддан аввалги 180 -100 йиллар) қўллаган. Дастлабки Рим комедиялари юнон намуналарига тақлиддан иборат бўлган. Милоддан аввалги III аср охири ва II аср бошларида Римда комедиялар устаси ёзувчи Плавт (милоддан аввалги тахминан 253 - 184 йиллар) яшаб, ижод қилган. Плавт кейинги маиший юнон комедияларига монанд пьесалари сюжетини Рим жамиятининг ҳаётидан олиб, ижтимоий иллатларни истеҳзо билан фош қилган. Плавтнинг ёш замондоши африкалик Теренций (собик кул) юнон намуналаридан ўрнатиб, Рим нобилларига хуш келадиган комедиялар яратган. Кейинчалик милоддан аввалги I асрда баъзи авторлар халқ томошаларини бадиий жиҳатдан қайта ишлаганлар, ателлан номини олган бу асарларда доим бир хил образлар: очофат, маҳмадона, ахлоқ бой, фирибгар файласуф ва шу кабилар тасвирланган. Милоддан аввалги I асрда Римда ва Италиянинг бошқа шаҳарларида комедиялар билан биргаликда ўғри, фоҳиша, қўшмачи каби разил кимсалар ҳаётидан олинган томошалар кенг ёйилган. Бу томошаларда мимлар (актёрлар) иштирок этган. Рим нобилларининг намоёндаси – Катуллнинг (милоддан аввалги 87 - 53 йиллар) ижодида Рим республикасининг лирик поэзияси юксак тараққиёт чўққиларига чиқди. Катулл даставвал бошда юнон лириклари таъсирида бўлса ҳам, лекин ажойиб оригинал асарлар яратган. У ўз шеърларида севги қувончи, маҳбубанинг бевафолик аламини ва акасининг вафоти туфайли дилидан ғамини куйлайди. Катулл сиёсий курашда иштирок этиб, шоирлик истеъдодидан ҳалокатга дучор бўлган республикани ҳимоя қилиш учун ғоявий қуроли сифатида фойдаланган. Катулл ўз эпиграммаларининг бирида Юлий Цезарь билан дўстлашишни буткул рад этади.

...Жуда ўлиб турганим йўқ сенга мутлақ ёқай деб, Цезарь

Оқмисан ё қорамисан - билишни ҳам истамайман, ҳа!

Тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ва меъморчилик. Римликлар тасвирий санъатда ҳам илм - фандаги каби омилкор бўлганлар. Даставвал улар рассомлик ва ҳайкалтарошлик санъатида этрускларга эргашганлар. Рим ва Италияда айниқса портрет ҳайкалларини яратиш авж олган. Бойлар уйларига аждодларининг ҳайкалларини ўрнатиш расм бўлган. Римнинг форуми, майдон ва кўчаларга саркарда ва сиёсий арбобларнинг ҳайкаллари қўйилган. Рим зодагонларининг уруғ сағаналарига (колумбарийлари) вафот этган зодагонларнинг ҳайкаллари ўрнатилган. Шунинг учун ҳам римлик ҳайкалтарошлар портрет ҳайкалларини ясашда юксак камолотга эришганлар. Бу ҳайкалларда тасвирланган шахснинг муҳим ҳислатлари бўрттиб қилиб берилган. Бино қуриш соҳасида римликлар юнонлардан анча илгарилаб кетганлар. Италия, кейинчалик Ўрта денгиз соҳилларидаги бошқа мамлакатларда ҳам обод йўллар, бу йўлларда дарё, сой ва чуқурликлар устига кўприклар қурилган. Йўл ёқаларида ариқлар қазилган. Ҳар минг қадам (миля)да йўл бўйларида Римга ва аҳоли яшайдиган энг яқин жойга масофани

кўрсатган ёзувли тошлар ўрнатилган. Италия ва унинг вилоятларида аҳолини тоза сув билан таъминлаш учун осма қувурлар қурилган. Махсус бинолар – цирк ва театр ҳам Рим ва бошқа шаҳарларнинг муҳим жиҳатидир. Байрамларда бу биноларда пьесалар қўйилган, пойга ўтказилган, ниҳоят қонли томоша- гладиаторлар жанглари уюштирилган, ўлимга ҳукм қилинган жиноятчилар устига йиртқич ҳайвонлар қўйиб юборилган. Қатор – қатор тош ўриндиқлардан иборат цирк ва театрлардан ташқари милоддан аввалги I асрда амфитеатрлар пайдо бўлган. Улар эллипссимон бино бўлиб, томошалар кум тўшалган сахналарда қўйилган.

Милоддан аввалги I асрда Римда жамоат боғлари бунёд қилиб, бу боғлар атрофига жамоат ҳаммомлари (термлар) қурилган, уларга доим тоза сув оқиб турган. Ҳаммомнинг иссиқ ва совуқ сув тўлдирилган ҳовузлари, дам олиш хоналари бўлган. Милоддан аввалги II - I асрларда Римда ва бошқа шаҳарларда жамоат бинолари - базиликлар қурилган. Бунда судлар мажлислар ўтказилган, магистратлар иш олиб борганлар, фуқаролар бу ерга келиб, сиёсий ва ижтимоий мавзуларда суҳбатлар қурганлар.

10.Қадимги Рим маданияти ва христиан динининг вужудга келиши

Моддий маданият. I - III асрларда Рим ўрта денгиз империясининг нафақат ижтимоий - сиёсий, балки маданият марказига ҳам айланди. Империя пойтахти билан бирга катта шаҳарлар барпо этилиб, улар денгиз атрофидаги бирон вилоятнинг бошқарув ва ижтимоий маркази ҳисобланган.

Аҳолиси 500 минг кишидан иборат Миср Александрияси, Суриянинг маркази – Антиохия, Осиёнинг вилоятлари сиёсий маркази Эфес шаҳри ана шундай шаҳарлар ҳисобига кирган. Грециянинг Коринф, Африканинг Карфаген шаҳри империя даврининг улкан шаҳарларидан. Пойтахт билан бирга бошқа шаҳарларда ҳам ибодатхоналар, маъмурий ва суд вазифаларини ўтаган сарой, бино, сайргоҳ, театр бинолари, амфитеатр ва цирк бинолари қурилган.

Ҳозирги Ливиянинг Сабрат шаҳрида Рим театри яхши сақланган. Цирклар от қўшилган аравада (квадрига) пойгалар уюштирилган. Милодий 80 йилларда қурилган Рим амфитеатри Колизейдан ташқари, Верон, Капуя, Помпей, Пул, Париж, Арлда амфитеатр қолдиқлари, бундан ташқари, Африкада икки амфитеатр қолдиқлари топилган. Тош ётқизилган кўчалар, осма сув қувурлари (акведуклар), чиқинди сувни оқизиш учун ётқизилган қувурлар (клоакалар), милодий I - III асрларига хос бўлган. Милодий II - V асрларда Римнинг ўзида ўн битта водопровод тизими ишлаб турган. Бу водопроводлар (осма қувурлар) устунларга ўрнатилган сопол қувурлардан иборат бўлиб, тоғдан оқиб келадиган сув шу қувурлар орқали шаҳарга узатилган. Римда ҳозирги кунда иккита осма қувур ҳамон ишлаб турибди. Римнинг марказий қисмидаги форум дабдабали бўлган. Республика даврида форумга императорлар яна янгилик қўшганлар. Айниқса, Троян форуми ўзининг ҳашамати билан ажралиб турган. Август бино қилган “Тинчлик меҳроби”, Август мақбараси (бу мақбарага Тиберий, Нерва, Отон, Веспасиан ва Тит Флавий дафн этилган) диққатга сазовор. Август вақтидаги биноларни Флавий ва Северлар янада кенгайтирган. Милодий II асрда Рим империясида 80 минг километрга чўзилган 372 йўл бўлган. Ибодатхоналар, саройлар, айвонлар, уларнинг поллари ғоят нафис ишланган, қошинкор ажойиб манзаралар тасвири билан безатилган. Рим, Александрия, Эфос шаҳарларида кўп қаватли иморатлар қурилган.

Тасвирий санъат. Римда, Палатин тепалигида Августнинг рафиқаси Ливия Друзилла хоналаридаги каби, Шимолий Африкада (Тунис ва Жазоирда) Рим империяси давридаги виллалар деворларига солинган нақшлар сақланган. Шу ва бошқа жойлардан

топилган бир қанча бадий парчалар асосида ўша давр рассомлик санъати ва Рим рассомлари усуллари тўғрисида хулоса қилиш мумкин. Портрет ҳайкаллари билан безатилган майдонлар, милодий I - II асрларга оид ҳайкаллар ва буюртма расмлар айниқса мукаммал ишланган.

Маориф ва илмий ҳаёт. Римда ва вилоят шаҳарларда бошланғич таълим хусусий муаллимлар қўлида бўлган. Улар болаларга ҳақ эвазига ўқиш – ёзиш ва ҳисобни ўргатганлар. Болалар ўқитувчининг уйида, баъзида пешайвонлар ёки жамоат боғларида таълим олганлар. Ўқувчилар устози оғзидан чиққан овоз ва сўзларни ёд олар эдилар. Кейинчалик ўқитувчи тахтага ҳарф ва сўзларни ёзган. Ўқувчилар уларни кўчириб ёзишган ва ёд олишган. Бошланғич мактабда ўқиш 7 йилдан 12 йилгача давом этган. Бошланғич мактабдан кейинги босқич “грамматика” мактаби деб аталиб, унда тўрт йил ўқилган. Талабалар шоир ва адиблар асарларидан парчалар ўқишган, бу асарларни изохлаб, шарҳлаб берганлар, ёзув машқ қилганлар. Ўқитувчилар юнон ва латин адабиётини алоҳида - алоҳида ўрганишган. 16 ёшга тўлган талабалар “риторика” (нотиклик) санъатини ўрганганлар. Рим империясида риторика санъати юксак кадрланган. Баъзи императорлар латин ва юнон риторика мактабларини очиш учун катта маблағ ажратганлар. Милодий I - IV асрларда энг катта эллин ва юнон шаҳарларидан Александрия, Пергам, Родос ва Афина Рим империясининг илмий марказлари бўлиб қолган. Улар билан бир қаторда Рим, Карфаген ва Массилия ҳам маориф марказига айланган. Александрияда кутубхона ва Афинада Афлотун ташкил этган Академия ва Арасту томонидан яратилган Ликейон фалсафа мактаблари ишлаб турган. Милодий I аср охирида Фротин “Осма қувурлар” номи гидротехника қўлланмасини ёзган. География фанига катта эътибор берилган, география ва этнографиядан бир неча илмий асарлар яратилган. Страбоннинг “География” номли илмий асари милодий 20 йилларда нашр этилган. Географиядан Помпоний Мела ёзган трактат милодий I асрга тааллуқли. Милодий I аср иккинчи ярмида Рим саркардаси Плиний Секунд “Табиет тарихи” ни ёзган. Рим тарихчиси Тацитнинг Шимолий ва Шарқий Европада яшаб, Рим империясидан мустақиллигини сақлаб қолган қабила ва элатларнинг маиший ҳаёти ва ижтимоий тузумини тасвир этган “Публий Валерий Агриколанинг фаолияти” ҳамда “Германия” номли икки асари милодий I аср охири ва II аср бошида яратилди.

Ана шу даврларда тиббиёт фани катта муваффақиятларга эришди. Август даврида Римда врачлар мактаби таъсис этилган. Аскелепионда ҳам ана шундай мактаб бўлган. Александрия Мусейони империянинг астрономия билимлари маркази бўлиб қолаверди. Унда Клавдий Птоломей раҳбарлик қилган. Аммо Птоломей астрономия соҳасида Аристарх Самосскийнинг жиддий илмий муваффақиятлари ва мавжудотни англашда у кашф этган гелиоцентрик назариясини қабул қилишдан бош тортган. Бунинг ўрнига у қуёш тизимининг маркази Ер, Қуёш ва бошқа осмон жисмларининг бари ер атрофида айланади деган назарияни таклиф этган. Бу нотўғри қараш Александрия олимлари, кейинчалик христиан руҳонийлари томонидан ҳам қабул қилинган, у оламнинг тузилиши тўғрисидаги ўрта аср тушунчаси учун асос вазифасини ўтаган. Милодий III асрда сохта фан – астрология Римда кенг тарқалиб, римликлар уни Месопатамиядан ўзлаштирганлар.

I - II асрда Афина фалсафа марказига айлагди. Ўша замон сиёсий арбоби Анней Сенека (милодий 1 - 65 йиллар) стоицизм фалсафасининг энг кўзга кўринган намояндаси эди. У бир қанча трактат, Лицилийга 124 та очик хат, император Клавдийга ўлимига бағишлаб сатирик дoston ва бир неча трагедия ёзган. Милодий II асрда император Марк Аврелий стоицизм фалсафасининг мафкурачиси сифатида майдонга чиқди.

Адабиёт. Ўрта денгиз дунёсининг марказий районларида фуқаролар урушининг тугаб, тинчлик ўрнатилиши Рим ва Италияда маданий ҳаёт тикланишига ёрдам берган. Август ва унинг арконлари ҳокимият учун мухолифларини енгач, мавқеларини мустаҳкамлаш учун энг машҳур ёзувлар хизматидаги фойдаланишганлар. Гай Цильний Меценат (милоддан аввалги тахминан 74–милодий 8 йиллар) бу ишда Августга ёрдамлашган. У ўз замонасининг энг забардаст шоирларини йикқан, моддий жиҳатдан кўмак берган ва ҳомийлик қилган. Вергилий Марон, Гораций Флакк, Секет Проперций ва бошқа шоирлар Меценат тўғарагига аъзо бўлганлар. Вергилий Меценатнинг илтимосига биноан, “Георгиклар” достонини яратиб, ҳаётининг сўнгги йилларида Августнинг талабига биноан катта эпик достон устида ишлаган. Гомер достонлари юнонлар учун шундай зўр асар бўлиши шарт эди. Вергилий “Энеида” сида Гомер достонларининг сюжетиға таклидан троянлик Энейнинг юртма-юрт юриши ва Италияға келишини тасвирлаган. Достон қаҳрамони Рим патрицийлари – Юлийлар уруғининг афсонавий асосчиси бўлиб, достонда Юлий Цезарь ҳам шу уруғ вакили сифатида тилға олинади. “Энеида” лотин шеърятининг чўққиси бўлди: Римда бирон-бир шоир Вергилийдан олдин ҳам, кейин ҳам бундай ўткир, хушоҳанг ва кучли шеърый образ ва тасвирлар билан тўлиб тошган, ёрқин асар яратмади. Гораций Флакк ижодида лотин шеърятини шакл жиҳатидан энг буюк ва комил тараққиётға эришди. У бир неча кўшиқлар тўпламини ёзган. Шоир Альбий Тибулл ва Секет Праперций Вергилий ҳамда Горацийнинг замондошлари бўлган. Булар лирик шоирлар бўлиб, ўз шеърый асарларида шахсий кечинмалар ва тинч қишлоқ ҳаётини куйлаганлар. Овидий Назон эса Август принципати даврининг энг атоқли шоири. Рим адабиётининг тарихчилари Августға замондош бўлган шоирларнинг асарларини лотин поэзиясининг олтин даври деб атайдилар. Кейинчалик кенг кўламли Рим поэзияси ва прозаси шоир Марк Анней Лукан (милодий 39-65 йиллари) Нерон даврида ижод қилган. У Неронға салбий муносабатда бўлган. У “Фарсалия ёки фуқаролар уруши” достонини яратди. Бу достонда Помпейни кўкларға кўтариб, Юлий Цезарни ёмонлайди. Шоир Лукан Неронға қарши фитнадаги иштироки учун қатл этилган. Прозада ёзилган “Сатирикан” эркин сатирик асари ҳам Нерон даврида юзаға келди. Уни императорнинг яқин кишиларидан Петроний қаламиға мансуб деган фикр мавжуд. Шоир бу асарида икки ватанғадо саёхнинг Италия бўйлаб саёхатини тасвирлаб, ўз замонаси жамиятининг турли табақалари ҳаётини кўрсатади. Шоир Марциал (милодий 42-102 йиллар) ўз асарларини танқидий оҳангда яратди. Марциал 1200 га яқин эпиграмма ёзиб, уларда шоир халқ оммасининг қашшоқлиги, Рим зодагонларининг такаббурлиги, бағри тошлиги ва золимлигини ифода этган, Рим жамиятининг феъл-атвори ва ҳулқ-одатларини фош қилган. Сатириклардан бири Юрий Ювелан (тахминан милодий 55-132 йиллар) ўн олтита сатира ёзган. Сатираларда у Рим жамияти ҳаётининг салбий хислатларини Мациалдан ҳам дадилроқ кўрсатган. Апулей милодий 11 аср ёзувчиси бўлиб, ёш йигит Луцейнинг бошидан ўтган саргузаштлари ҳақида ҳикоя қилган.

Тарих. Қадимги Рим ва Рим империясининг ўтмиши тўғрисида кўп асарлар битилган. Август приципати даврида Тит Ливий 142 трактатдан иборат “Римнинг таъсис қилинганидан буёнги тарихи” ни ёзган. Милодий 1 аср охирида Дионисий Галикарнаский Августға хушомад қилиб, юнонлар этник жиҳатдан римликларға яқин деб, бу фикрни исботлашға уринган. У яратган йирик тарихий асарлар бизға қадар етиб келмаган. Шунингдек тарихчи Юсуф бен Маттафиннинг асарлари дунё юзини кўрди. Кўпроқ Юсуф Флавий номи билан танилган бу тарихчи милодий 66-73 йилларда Яҳудияда бўлиб ўтган қўзғолонда қатнашган. У ўзининг “Яҳудий уруши тўғрисида” ва

Яхудиянинг қадимги ёдгорликлари” номи асарларида ватанининг тарихига доир муҳим маълумотлар билан бирга эллин давлатлари ва Рим империясининг биринчи аср тарихи тўғрисида ҳам ғоят қимматли маълумотлар беради. Римнинг энг йирик тарихчиси, жаҳоннинг машхур тарихчиларидан бири – Корнелий Тацит (тахминан милодий 54-120 йиллар) ўзининг икки асосий асарида милодий биринчи асаридаги Рим империяси тарихини баён этган. Тацит Республика тузумини идеаллаштириб, замонасининг сиёсий тартибини қаттиқ танқид остига олади. Тацитнинг “Тарих” номли илк асари милодий 68 - 69 йиллардаги фуқаролар уруши ва Флавийлар замонини муфассал баён қилади. “Анналлар” (Йилномалар) номли иккинчи асари Августнинг ўлиmidан то Нероннинг вафотигача бўлган вақт мабойнидаги воқеалари тасвирига бағишланган. Плутарх (тахминан милодий 46 - 126 йиллари) адабий фаолияти ҳам ўша вақтларга тўғри келади. У хилма - хил мавзуларда асарлар ёзган (“Ахлоқ тўғрисида мулоҳазалар”, “Мусиқа ҳақида трактат”) ҳамда Греция ва Римдаги бир қанча тарихий шахсларнинг таржимаи ҳолларини келтирган. Унинг “Қиёсий ҳаётномалар” асарининг бир қисми сақланган ва кўплаб китобхонлар улар билан ҳозир ҳам танишиши мумкин. Машхур Рим маъмури Аппиан (170 йилларда вафот этган) юнон тилида “Рим тарихи” ни ёзган. Унда Аппиан Римда Республика давридаги фуқаролар урушини батафсил баён қилади. Милодий III асарида тарихчилар орасида империя бошқармасида раҳбарлик қилган юнон зодағони Дон Кассий (155-235) алоҳида ўрин тутати. У ўз даври воқеалари боришини “Рим тарихи” асарида муфассал баён этган.

Дин ва христианлик. 68 – 69 йилларида Рим империяси оғир сиёсий инқирозга дуч келган даврда Яхудия ва бошқа шарқий вилоятлар айниқса қаттиқ жафо чекди. Римликларга қарши кўзғолон кўтарган яхудий халқи худо Яхво уларга “Мессия” (ҳалоскор) юборди ва “ёвузлар” ҳукмронлигини емириб, “минг йиллик” худо ҳокимиятини ўрнатди деб ишонганлар. Бу ғоя яхудийлар орасида “пайғамбарона” асарлар кўринишида тарқалиб, улардан бири (милодий 69 йиллар ёзилган) Апокалипсис номи христиан диний адабиётига кирган. Римликлар яхудийлар кўзғолонини бостирдилар. Мингларча яхудийлар қириб ташланиб, кул қилиб сотилди, бошқалари Кичик Осиё, Греция, Македония ва ҳатто Италияга қочиб кетдилар.

I асрнинг сўнгги чорагида Кичик Осиёнинг ғарбий қирғоқларидаги шаҳарлар ва Рим империяси ва бошқа шарқий вилоятларда худо Яхво ваъда қилган, Мессия худонинг махсус вакили (юнонча христос) Ерга тушди деб ишонган шахслар гуруҳи пайдо бўлди. Милодий I аср охири ва II асрда христиан диний бирлашмаларнинг раҳбарлари – Матфей, Марк, Лука ва Иоанн томонидан ёзилган тўртта Инжил “ҳақиқий” деб эълон қилинди. Исонинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида баён этилган бошқа кўп асарлар қалбаки (апокрифик) деб эълон қилинган. Мессия – Исога энг қадимги жамоалар аввал шаҳар аҳолисининг қуйи қатламлари – куллар, кулликдан озод этилганлар, майда ҳунарманд ва майда савдогарлар эътиқод қилганлар. II аср охири – III аср бошларида Рим империясида сиёсий вазиятнинг кескинлашуви руҳан таскин топиши ва нажотга интилиш кайфиятини кучайтирган. Дастлаб ҳукмрон табақаларнинг айрим намояндалари, кейинчалик кўпинча зодагон кулдорлар, ҳарбийлар ва империя маъмуриятларининг хизматчилари христиан динини қабул қилдилар. Улар Исо шарафига мадҳиялар ўқишган, ўзини “худо руҳининг қуроли” (харизм) деб билган шахслар ваъз – насиҳатларини тинглашган. Исо тўғрисида қиссаларни ўқиганлар. II аср охири – III аср бошида христиан дини бирлашмалари кичик мазҳаблардан қудратли ижтимоий кучга айланган ва Рим империяси ҳокимларининг жиддий эътиборини жалб қилган. Ҳар бир христиан жамоасида аъзолар сони кўпайиб, бундай жамоалар Рим империясининг ғарбий вилоятлари (Галлия, Испания, Африка)да

ҳам пайдо бўла борган сари христианларни жазолаш ҳоллари кўпайган. Яҳудийларнинг иккинчи (115 - 117) ва учинчи (132 - 135) қўзғолонларидан кейин турли махфий ва ярим махфий жамоалар ва мажлислардан император маъмурияти вакиллариининг шубҳа ва норозилиги айниқса кучайди. Милодий II аср христиан жамоалариининг заковатли аъзолари публицистик “Апология” ларида христиан динининг моҳиятини тушунтириб беришга ва ўзларини яҳудий қўзғолончилари билан алоқаси йўқлигини исботлашга уринишган.

Бундай асарлар кейинги вақтларда ҳам пайдо бўлган. Милодий II аср охирида Карфаген жамоасининг пресвитери Гертуллиан милодий III аср бошларида Карфаген жамоасининг епискори Киприан мунозарли асарлар чиқарган. Гертуллиан ва Киприан асарларидан христиан дини қоидаларидаги асосий эътиқодларни ҳимоя қилиш билан бирга христианларнинг ўзларини қизиқтирган муҳосаба – баҳсли масалалар тўғрисида ҳам фикр юритилган. Христиан черковининг хийла кейинги ривоятларига кўра империя ҳокимлиги христианларни таъқиб қилиш Нерон даврида бошланган. Бунда кўп христианлар Римга ўт қўйишда айбланиб, қатл қилинган (милодий 64 йили). Сўнгги ривоятда император Домицианнинг таъқиблари ҳақида айтилади. Милодий III аср ўрталаригача Рим империяси маъмурияти христианларга қарши диний қарашлари учун онгли равишда қувғин уюштирмаган. Унгача христиан динидаги айрим шахслар ёки бутун бир гуруҳни жазога тортиш ҳоллари юз берган, аммо бу айрим шахсларнинг ёмон ахлоқи туфайли юз берган. Рим империяси ижтимоий - сиёсий тузумининг инқироzi кескинлашиб бораётган, узлуксиз ўзаро кураш ва урушлар бўлиб турган бир вақтда христианлик тобора кенг ижтимоий табақларнинг маънавий паноҳига айлана борди.

Таянч иборалар

травертин, осклар, этрусклар, клоака, лар ва пенатлар, атрия, понтифик, авгур, gloria, victoria, concordia, virtus, анналар, стоиклар, эпикурчилар, сатира, ателлан, колумбарийлар, амфитеатр, базилика, акведук, грамматика мактаби, риторика мактаби, мусейон, стоицизм, меценат ва меценатлик, мессия (масих), апокрифик, харизм, апология

Саволлар

- 1. Қадим Рим маданияти қайси соҳада юнон маданиятидан ўтиб кетди?**
- 2. Қадимги Римга насронийлик (христианлик) динининг кириб келиши ва давлат динига айланишини сабабларини айтинг**